**Ўзбекистон Тоза ривожланиши механизми (TPM)да қатнашади.** Мамлакат бунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича асосий конвенция (БМТИЎАК)нинг I-иловасига киритилмаган иштирокчи ва Киото Протоколининг В-иловасига киритилмаган иштирокчи сифатида қатнашади. Шарҳ пайтида Ўзбекистон олтига, барчasi азот чала оксиди ( $N_2O$ )ни камайтиришга оид ва БМТИЎАКнинг Ижроия Кенгashi рўйхатга олган лойиҳага эга Марказий Осиёдаги ягона давлат эди. Углерод диоксиди ( $CO_2$ ) ва метан ( $CH_4$ )ни камайтиришга қаратилған бошқа лойиҳалар танланмади.  $N_2O$  эмиссияси ҳиссаси мамлакатдаги эмиссиянинг тахминан 5 фоизини ташкил қилади, ҳолбуки аксарият эмиссия  $CO_2$  ва  $CH_4$ дан келиб чиқади. Бунинг устига, мамлакатнинг электр энергия ишлаб чиқишида газдан кўмирга ўтиш мақбул кўрилган сиёсати оқибатида иссиқхона гази (ИГ) эмиссияси ортиб боради.

**Бироқ айни пайтда мамлакат энергетика сиёсатида катта ўзгариши рўй бермоқда, энергия ишлаб чиқишида кўнгир кўмирга қайтилмоқда.** Хусусан, кўмир қазиб олишни уч баробар ошириб тахминан 10 миллион тоннага етказиш ва кўмир ёқиб ҳосил қилинған энергия улушини 3,9 фоиздан 15 фоизга етказиш режалари амалга оширилмоқда. Газдан кўмирга ўтиш оқибатида ИГ эмиссиясига тегишли расмий маълумот йўқ. Шунга қарамай, энергетика сиёсатини иқлим ўзгариши тақозо этган янги воқеиликка мослашга қаратилған жiddий қадамлар ташланди, жумладан тариф асосидаги ва тарифга асосланмаган чоралар кўрилди.

**Эриётган музлик ва қор захиралари, Орол денгизининг қуриб бориши ва бугланиши орқали сувнинг ўйқотилиши белгилари, эскирган сугории амалиёти ва инфратузилмаси** иқлим ўзгариши, сув хавфсизлиги ва Марказий Осиё, айниқса Ўзбекистонда ривожланиш орасида яқиндан боғлиқлик борлигини бўрттириб кўрсатади. Вазият сув ва энергияни исроф қилишни камайтиришга қаратилған чора-тадбирларни ишлаб чиқиб бажаришни тезлаштириш ҳамда мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва барқарорликни таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалик ривожланишининг барқарор шаклларини рағбатлантиришни тақозо этади.

## КИРИШ

---

### I.1 Табиий шароит

Ўзбекистон денгизга чиқиши учун икки мамлакатдан ўтиш керак бўлган Марказий Осиё мамлакатидир. Фарб ва шимолда у Қозогистон билан (чегара узунлиги 2.206 км), шарқда Қирғизистон (1.099 км) ва Тожикистон билан (1.161 км), жануби ғарбда Афғонистон (137 км) ва Туркманистон билан (1.621 км) чегарадош. Ўзбекистон территорияси  $447.000 \text{ км}^2$  бўлиб ғарбдан шарқ йўналишида 1.425 км, шимолдан жанубга йўналишида 930 км ясталган, бундан Қорақалпоғистон Автоном Республикаси  $160.000 \text{ км}^2$  эгаллади. Мамлакатнинг таҳминан  $22.000 \text{ км}^2$  (ёки 4,9 фоиз) сув эгаллади.

Ўзбекистоннинг умумий топографияси жуда ранг-баранг, мамлакат территорииасининг қарийб 80 фоизини эгаллаган чўл текисликдан тортиб шарқий тоғ минтақалардаги баландлиги денгиз сатҳидан 4.500 метрга етадиган чўққилар бор. Мамлакатнинг энг паст жойи, Сариқамиш кўли, денгиз сатҳидан 12 метр пастда, энг баланд нуктаси Тожикистон билан чегарадаги Ҳисор тизма тоғидаги баландлиги 4.643 м номланмаган чўққидир. Энг баланд номланган чўққи Аделунг тоғидир (4.301 м).

Ўзбекистоннинг жануби шарқини қўшни Қирғизистон ва Тожикистонда анча баландроқ чўққилари бор Тиён-Шон (Тангритов) тоғлари этаклари ташкил қиласи. Тоғлар Марказий Осиё билан Хитой ўртасида табиий чегара бўлиб туради. Тоғли худудларда тез-тез ва сезиларли сейсмик ҳодисалар бўлиб туради, зилзилалар қуввати Рихтер шкаласи бўйича 10 баллга етади. 1966 йилда Ўзбекистон пойтахти Тошкент шахрининг катта қисми кучли зилзилада вайрон бўлган эди.

Ҳарорат катта оралиқда ўзгаради, ўзгариш жойнинг баландлиги ва бошқа топографик хусусиятларга боғлиқ. Текисликларда иқлим континентал, ёз иссиқ ва қўруқ, қиши қисқа ва совуқ. Январда ўртача ҳарорат  $2,8^\circ\text{C}$  дан  $-8^\circ\text{C}$  гача бўлади, аммо минимал ҳарорат  $-38^\circ\text{C}$  гача тушиши мумкин. Ёзниг энг иссиқ ойи июль бўлиб тоғли худудларда – июль билан август. Ёзги ўртача ҳарорат  $25^\circ\text{C}$  билан  $32^\circ\text{C}$  орасида бўлади, бироқ  $42^\circ\text{C}$  дан  $47^\circ\text{C}$  гача иссиқ текисликда ва тоғ этакларида одатдаги ҳол бўлиб чўлларда ҳарорат  $50^\circ\text{C}$ дан ҳам ошиши мумкин.

Мамлакатнинг аксатият қисми курғоқчили (арид), ўртача йиллик ёғингарчилик 100 дан 200 мм орасида бўлади, бу эса буғланиш даражасидан паст. Еғингарчилик фаслий: аксарият ёмғир қиши ва баҳорда бўлади, июлдан сентябргача жуда кам ёғингарчилик бўлади. Бу пайтда наботовот ўсиши деярли тўхтаб қолади. Куруқ, иссиқ ҳаво юқори даражада буғланиш билан бирга мувофиқ дренаж йўқлиги учун тупроқ тез минераллашувига олиб келади. Минераллашувга қўшимча равишда текислик ва тоғ этакларида кучли қуруқ ва иссиқ шамоллар эсиб эрозияга олиб келади.

Текисликлар чўл ва адирлардан иборат. Бепоён Қизилкум чўли жанубий Қозогистонгача ястаниб Ўзбекистон шимолий текислик худудининг катта қисмини эгаллади. Қизилкум чўлининг шарқида шимол, жануб ва шарқдан тизма тоғлар билан ўралган Фарғона водийси жойлашган (таҳминан  $21.440 \text{ км}^2$ ), бу – мамлакатнинг энг ҳосилдор қисми. Фарғона водийсининг фарбий чегарасини (узунлиги 2.212 км) Сирдарёнинг оқими белгилайди, у жанубий Қозогистондан шимоли-шарқий Ўзбекистон бўйлаб Қизилкум чўлига оқади.

Умуман, Ўзбекистоннинг сув захиралари тақчил ва текис тақсимланмаган, бу эса мамлакатнинг аксарият жойларида сув танқислигига сабаб бўлади. Минтақанинг икки катта дарёси Тожикистон ва Қирғизистон тоғларида бошланадиган Амударё (узунлиги 2.580 км) ва Сирдарё Ўзбекистонда ҳаётбахш сув манбаи ҳисобланади. Улар Орол денгизи ҳавzasига мансуб. Ўзбекистон билан Қозогистон ўртасида деярли тенг бўлинган Орол денгизи олти йил даврида колган сатҳининг 40 фоизини йўқотди (1998 йилдаги  $28.687 \text{ км}^2$  дан 2004 йилдаги  $17.160 \text{ км}^2$  гача) (Харита 4.1). Орол денгизининг сатҳи қисқаришда давом этмоқда ва қолган сув ҳозирги пайтда уч алоҳида-алоҳида кўлни ташкил қиласи.



Ўзбекистонда ўсимликлар

## I.2 Ресурслар

Ўзбекистон ресурсга бой мамлакат, бунга қишлоқ хўжалик маҳсулоти – асосан пахта, табиий газ, нефть ва қўмир каби углеводородлар, олтин, уран, кумуш, мис, қўрғошин, цинқ, вольфрам ва молибден каби фойдали қазилмалар киради.

Пахта энг муҳим товар зироати хисобланади. Пахта экин майдони 1990 йил билан 2006 йил орасида 25 фоизга (2 миллиондан 1,5 миллион гектаргача) қисқарди. Олинган пахта ҳосили мустақилликдан аввалги йиллик 5 миллион тоннадан 2007 йилги 3,63 миллион тоннага тушди. Пахтанинг экспорт маҳсулоти сифатидаги салмоғи 1990 йиллар бошларидағи 45 фоиздан 2006 йилдаги 17 фоизга тушди. Бироқ, Ўзбекистон пахта экспорти бўйича жаҳонда иккинчи ўринда туради ва Марказий Осиёning барча бошқа мамлакатлари биргаликда олингандан кўра уч баробар кўп пахта етиширади.

Тез ўсиб бораётган ахоли учун озиқ-овқат хавфсизлигига интилиш қишлоқ хўжаликдаги устун вазифаларда ўз аксини топди. Буғдой экин майдони ортди, пахта экин майдонлари эса қисқарди. Буғдой экин майдонлари охирги 25 йил мобайнида 60 фоизга ошди. 1990 йилда буғдой 1 миллион гектар ерда экилган бўлса, 2006 йилда бу майдон 1,6 миллион гектарга етиб борди. Буғдойдан юқори ҳосил олишга қўшимча равишда Ўзбекистон Марказий Осиёда энг кўп жут етиширади; шунингдек, салмоқли миқдорда ипак, мева ва сабзавот етиширилади. 2006 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти мамлакат экспорт даромадининг қарийб 8 фоизини ташкил қилди.

Ўзбекистоннинг табиий газ захиралари ички талабни қондириш учун етарлидир. Табиий газ қазиб олиш 2005 йилда 60 миллиард куб метрга етди ва у муҳим экспорт маҳсулоти хисобланади. Нефть захиралари ички истеъмол учун деярли етарлидир. Нефть қазиб олиш пасайиб бормоқда – энг кўп, 59,1 миллион баррель 1999 йилда қазиб олиниб, 2005 йилда қазиб олиш 39,4 миллион баррелга тушди.

Кончилик, айниқса олтин кончилиги, Ўзбекистон иқтисодиётининг асосини ташкил қиласи. Гарчи олтин экспортига тегишли маълумот тақчил бўлса-да, олтин мамлакатнинг энг кўп экспорт қилинадиган маҳсулоти эканлиги равшан. Мамлакатнинг тасдиқланган олтин захираси 2.100 тонна деб хисобланган, бу жаҳонда олтинчи ўрин дегани. Чамаланганди захира 3.350 тоннага етиши мумкин. Йиллик қазиб олиш

80 - 85 тонна, ёки жаҳон қазиб олишининг тахминан 3 фоизи бўлиб Ўзбекистон олтин қазиб олиш бўйича жаҳонда тўққизинчى ўринда туради.

### I.3 Демографик ва ижтимоий шароит

Ўзбекистон ахолиси Марказий Осиё ахолисининг қарийб ярмини ташкил қилади. Аҳолининг катта қисми (66 фоиз) қишлоқ жойларда яшайди, ҳамда мамлакат 27,2 миллион халқининг кўпчилиги мамлакатнинг жануби ва шарқида яшайди. Аҳоли зичлиги мамлакатнинг географик хусусиятларига қараб, сезиларли даражада ўзгаради. 2007 йилда аҳолининг ўртача зичлиги квадрат километрга 61 киши эди; шундай бўлса-да, ҳосилдор Андижон вилоятидаги зичлик квадрат километрига 590 кишидан тортиб, катта қисмини Қизилкум чўли эгаллаган Навоий вилоятидаги квадрат километрга 8 киши орасида эди.

Ўзбекистон Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиёда 1990 йилдан бери ахолиси ўсган саноқли мамлакатлар қаторидадир. 2000 йилдан бери демографик ривожланиш жуда ижобий бўлди. Кутилган умр давомийлиги Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидағига қараганда юқори ва ҳам эркаклар, ҳам аёллар узоқроқ умр кўраётган ҳолда уларнинг кутилган умрлари давомийлиги орасидаги фарқ 4,7 йилгача камайди. Болалар ўлими кўрсаткичи 2000-2006 йиллар оралигига 24 фоизга пасайди. Юқори тугилиш кўрсаткичи ва болалар ўлими кўрсаткичи пасайгандиги туфайли Ўзбекистон ахолиси жуда “ёшард” – аҳолининг 31,6 фоизини 14 ёшдан ёшлар ташкил қилади (Жадвал I.1).

Гарчи Ўзбекистонда энтик гурухлар сони катта бўлса-да, халқнинг аксарияти, аҳолининг тахминан 80 фоизи, ўзбеклардир. Бошқа этник гурухлар жумласида руслар (5,5 фоиз), тожиклар (5 фоиз), қозоклар (3 фоиз), қорақалпоқлар (2,5 фоиз) ва татарлар (1,5 фоиз) (1996 йил чамаси). Халқнинг тахминан 90 фоизи сунний мусулмонлар, 1 фоизи шиа мусулмонлари ва 5 фоизи рус православлари. Гарчи ўзбек тили расмий давлат тили бўлса-да, рус тили аслида этник гурухлараро мулоқот, кундалик давлат жараёнлари ва тадбиркорлик тили бўлиб келмоқда.

2005 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Таракқиёт Дастури (БМТРД) инсон ривожланиш индекси Ўзбекистон учун 0,702 эди, бу 177 мамлакат орасида 113 ўрин (ранг) берилди дегани; 2001 йилда ранг 162 мамлакат орасида 99 эди. Гарчи ҳар иккала инсон ривожланиши индекси ранглари бир-бирига тўла мос келмаса-да, ранг шунчали пасайиши мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига қарамай, ижтимоий секторда муаммолар борлигини кўрсатади.

Гендер масалаларда уч асосий жиҳат ҳозир. Биринчидан, ҳозирги бандлик муаммосида меҳнат бозоридаги гендер сегрегацияси сақлаб қолинган кўринади, бунда хотин-қизлар кўпроқ кам ҳак тўланадиган, нуфузи пастроқ лавозимларда ишлайдилар. Иккинчидан, қишлоқ ерларда хусусий фермерчиликка ўтишдан аёллар ютиб қолмадилар. Шунингдек, хотин-қизлар ресурсларни бошқариш ва тақсимлаш органларида камроқ иштирок этадилар. Учинчидан, ҳатто гарчи саводхонлик даражаси ҳар иккала жинс вакиллари орасида 100 фоиз ва ялпи бошланғич ва ўрта умумий таълимга эришилган бўлса-да, жинслар орасидаги фарқ олий таълим босқичига ўтди. Ўғил болалар кўпроқ академик коллежларга ўқишга кирса, қиз болалар кўпроқ касб-хунар коллежларига киришади. Бу олий таълимдаги гендер номутаносибликини ошириб боради ва меҳнат бозоридаги сегрегацияни янада кучайтиради.

### I.4 Иқтисодий шароит

1991 йилда мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон бир неча йил давомида иқтисодиёт пасайишини бошдан кечирди; бироқ, унинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг 1996 йилгача 24 фоиз пасайиши шубҳасиз Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларидағи 40 фоиз пасайишга қараганда анча юмшоқроқ эди.

Паст суръатда бўлса ҳам муттасил иқтисодий тикланиш 1997 йилда бошланди. 2000-йил билан 2003-йил оралигига ЯИМнинг йилги ўсиши барқарор равишда 4 – 4,5 фоизни ташкил қилди. 2004 йилда иқтисодий ривожланиш тезлаша бошлади. Ўшандан бери иқтисодий ўсиш кўрсаткичи анча юқорироқ бўлиб келди – 7 дан 9,5 фоиз ўртача йиллик ўсиш. 2007 йилда ЯИМнинг реал ўсиши 9,5 эди.

Ўзбекистоннинг киши бошига расмий ЯИМ охирги йилларда яқин икки баробар ўсиб, 2004 йилдаги 465 АҚШ долларидан 2007 йилда 832 АҚШ долларига кўтарили; бу рақам Ўзбекистонни даромади паст мамлакатлар рўйхатининг юқори қаторлари олиб чиқди. 2001 йилдан бери ҳақиқий даромаднинг йиллик ўртача ўсиши 16,2 фоизни ташкил қилди, ҳақиқий даромад 2000 йилдан 2006 йилгача даврда 2,5 марта ошди. 2008 йилда бошланган глобал иқтисодий пасайишнинг Ўзбекистон иқтисоди ва ЯИМга таъсирини чамалаш айникса қисқа муддатли иқтисодий маълумот йўқлиги шароитида ҳали жуда эрта.

### Жадвал I.1: Демографик ва саломатлик кўрсаткичлари, 2000–2007

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007
Аҳоли (миллион киши)	24.8	25.1	25.4	25.7	26.0	26.3	26.6	26.9
Тугилиш кўрсаткичи (1.000 аҳолига)	..	..	..	..	..	..	..	..
Ялпти туғилиш кўрсаткичи	2.6	2.5	2.5	2.4	2.5	2.4	2.4	..
Тугилиш пайтида кутилган умр давомийлиги (йиллар)	..	..	..	..	..	..	..	..
Тугилиш пайтида кутилган умр давомийлиги:еркаклар (йиллар)	68.4	68.9	68.9	69.4	68.9	69.6	70.2	..
Тугилиш пайтида кутилган умр давомийлиги:аёллар (йиллар)	73.2	73.6	73.5	73.8	73.6	74.1	74.9	..
0–14 ёшдаги аҳоли фоизи	37.8	36.7	35.7	34.8	34.0	33.2	32.4	31.6
65 ва ундан ортиқ ёшдаги аҳоли улуши	4.2	4.2	4.3	4.4	4.7	4.7	4.7	4.6
Ўлим кўрсаткичи (1.000 аҳолига)	..	..	..	..	..	..	..	..
Чақалоклар ўлими кўрсаткичи (1.000 чақалокқа)	19.1	18.4	16.6	16.5	15.3	15.0	14.5	..

Манба: БМТЕИК ахборот базаси, 2008 йил августи.

Асосий ўсиш хизмат соҳасида (13,5 фоиз), катта миқдорда газ транзити, телекоммуникация ва ўсаётган молиявий бозор даромадларидан юз берди. Саноатда ўсиш 12 фоиз бўлиб бунга ёқилги, машина ва ускуналар ва металл ишлаб чиқаришнинг ўсиши олиб келди. ЯИМ 20 фоизини берувчи қишлоқ хўялиги 4 фоиз ўсиш, холос. Бу қисман қурғоқчилик ва айни пайтда тупроқ сифатининг пасайиши туфайли рўй берди.

Ўзбекистон иқтисодиётида чукур ўзгаришлар жараёни содир бўлмоқда. Хукумат структура ислоҳотига тадрижий, қадам-бақадам ёндашувни қабул қилди, энергия нархини мослаш, жорий ҳисобларни конвертация қилиш ва ширкат фермалар учун лизинг ташкил қилиб, очиқ бозор иқтисодиёти жиҳатларини эҳтиёткорлик билан киритди. Иқтисодий фаолият таркиби қишлоқ хўжаликдан хизмат кўрсатишга ўтгани равshan кўринади (Расм I.1).

Охирги давр иқтисодий ўсишнинг салмоқли улуши асосий экспорт маҳсулотлари (энергия, пахта, минерал ҳом ашё) нархининг ошганлиги туфайли юзага келди. Айни пайтда, мамлакатнинг бир нечагина экспорт товарларига боғлиқлиги иқтисодни экспорт даромади ўзгариб туриш қалтислигига боғланиб қолиш эҳтимолини оширади.


Халқаро валюта фонди чамасига кўра, одатда икки хонали рақам билан ифодаланган ва 2004 йилда 6,6 фоизга тенг энг паст нуқтасига тушган инфляция яна оша бошлаб 2006 йилда 14,2 фоизга етган кўринади.

Аҳолининг тез суръатда ўсиб бориши ва иқтисодиётдаги структура ўзгаришлари жиддий муаммоларни юзага келтиряпти. Биринчидан, меҳнатга лаёқатли аҳоли 1990 йиллар ўртасидан бошлаб расмий бандлик секторига қараганда сезиларли даражада тезроқ ўсмокда, айни пайтда ширкат хўжаликларни тугатиш иш қидираётганлар армиясини юзага келтирди. Меҳнат бозори янги иш жойлар яратишга ва иш кучига янги қўшилганларни жалб этишга қодир эмас кўринади. Иккинчидан, нафақат ишчи кучнинг миқдори, балки иш кучнинг малакаси ҳам муаммо туғдиради. Ишчи кучнинг сифати ва таълими билан иш берувчиларнинг талаби ўртасида номутаносиблик бор кўринади.

Расмий маълумотга кўра, ишсизлик ҳаддан ташқари паст – 2006 йилда ишчи кучининг атиги 4 фоизи 2006 – ҳолбуки халқаро ташкилотларнинг мустақил баҳолашига кўра у 4 - 5 баробар юқоририоқ.

Ишсизлик кўрсаткичининг кичикилиги айниқса қишлоқ хўжалик секторида муҳим бўлган қисман бандлик билан боғланади. Шуни ҳам инобатга олиш жоизки, Ўзбекистон аҳолисининг учдан иккиси қишлоқ жойларда яшайди ва қишлоқ хўжалиги ЯИМнинг учдан бирини ҳосил қиласди.

**Расм I.1: Секторлар бўйича 1997 ва 2007 йиллар ЯИМ, жами ЯИМ фоизи ҳисобида**



Манба: Жаҳон Банки веб-сайти (2009 йил май ойида олинган).

Меҳнат миграцияси, ҳам чет элга миграция, ҳам мамлакат ичидағи миграция кескин ошди. Чет элга, асосан Россия Федерацияси ва Қозоғистонга кетаётган меҳнат мигрантлар сони охирги йилларда тез ўсиб бормоқда. Россия миграция хизмати баҳолашига кўри, 2007 йилда тахминан 1,5 миллион Ўзбекистон фуқаролари Россия Федерациясида ишлаётган эдилар. Ишчилар уйга юборган пул маблағлари Ўзбекистонда кўпгина хўжаликлар учун муҳим даромад манбаига айланди, бундай маблағ микдори 2002 йилдан 2006 йилга келиб олти баробар ошиб, 2006 йилда 1,4 миллиард АҚШ долларига етди, деб чамаланади. Уйга юборилган маблағлар мамлакат ЯИМнинг 10 фоизигача етиб бориши туфайли Ўзбекистон иқтисодиёти ва иқтисодий сиёсати миграция сиёсатига ҳамда мигрантларни қабул килувчи мамлакатларнинг қарорлари ва сиёсатига боғланиб қолган.

Ички миграция жиҳатидан, ишчи қучи қишлоқ жойлардан шаҳарларга ва ночорроқ вилоятлардан ахволи тузукроқ вилоятларга қўчмоқда. Бироқ ҳукумат шаҳарлар ҳаддан ташқари гавжум бўлиб кетиши ташвиши туфайли қишлоқ жойлардан шаҳарларга ички миграцияни рағбатлантируйдайди. Расмий равишда ишга жойлашиш учун фуқаролардан рўйхатдан ўтиш (прописка) талаб қилинади. Рўйхатдан ўтиш тартиби Тошкент ва бошқа қатта шаҳарларда қаттиқ назорат қилинади.

Гарчи иқтисодий юксалиш кам таъминланганлик тафовутини бир мунча қисқартирган бўлса-да, яна кўп иш қилиш керақ, айниқса қишлоқ жойларда. 2001 йил билан 2005 йил мобайнида шаҳардаги кам таъминланганлик даражаси билан қишлоқ жойлардаги даракта орасидаги фарқ 8 фоиздан 12 фоизга кўтарилилди. Қишлоқ жойлардаги аҳоли жами аҳолининг 64 фоизидан ортиқ, ваҳоланки қийин ахволдаги кишилар қишлоқ жойларда 74,7 фоизни ташкил қиласдилар. Вилоятлар орасида ҳам тенгсизлик бор: Қорақалпоғистон Республикасида кам таъминланганлик кўрсаткичи энг юқори (44 фоиз), кўрсаткич пастлиги бўйича иккинчи ўринда Фарғона вилояти (15,8 фоиз), энг паст кўрсаткич Тошкент шаҳрида (6,7 фоиз).

## 1.5 Муассасалар

Ўзбекистон Конституциясида ҳокимият бўлиниши, сўз эркинлиги ва ваколатли ҳокимият кафолатланади. Ўзбекистонни президентлик республика, деб таърифлаш энг тўғри бўлиб унда ижроия тармоқ бутун ҳокимиятга эга кўринади. Президент умумий овоз бериш йўли билан етти йиллик муддатга сайланади ва давлат ва ҳукумат раҳбари ҳисобланади.

Президент Бош Вазир ва бутун Вазирлар Маҳкамасини тайинлайди. Вазирлар Маҳкамаси Бош Вазир, олти нафар Бош Вазир ўринбосарлари ва 14 вазирдан иборат (Жадвал I.2).

### **Жадвал I.2: Вазирлар (2009 йил 24 февраль ҳолати)**

Ташки иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги
Иқтисодиёт вазирлиги
Молия вазирлиги
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
Халқ таълими вазирлиги
Соғлиқни саклаш вазирлиги
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
Мудофаа вазирлиги
Ички ишлар вазирлиги
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
Ташки ишлар вазирлиги
Адлия вазирлиги

Манба: <http://www.gov.uz/en/group.scm?groupId=1785> (2009.20.07да олинди).

Икки палатали парламент, Олий Мажлис ҳудудий сайлов участкаларидан кўп партияли сайловда беш йиллик муддатга сайланадиган 120 аъзоли Қонунчилик Палатаси ва 16 нафари Президент томонидан тайинланадиган ва 84 нафари Қорақалпоғистон Республикаси парламенти ва вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари томонидан сессияда сайланадиган Сенатдан иборат.

Қонунларни Олий Мажлис қабул қиласи, қонун лойихалари Президент, парламент, Олий судлар, Бош Прокурор ёки Қорақалпоғистон Республикаси парламенти ташаббус билан киритилиши мумкин. Қонунлардан ташқари, халқаро шартномалар, Президент фармонлари ва фавқулодда ҳолатлар Олий Мажлис томонидан тасдиқланиши лозим. Аммо йилда бир неча сессияга йигиладиган парламент қонунларни шакллантиришда катта имкониятга эга эмас.

Олий Мажлис Президент томонидан Конституциявий Суд билан келишилган ҳолда тарқатиб юборилиши мумкин; бироқ, Конституциявий Суд аъзоларини Президент тайинлагани туфайли тарқатиб юбориш қоидаси мувозанатни ижроия ҳокимияти томонига оғдиради. Аслида, Президентнинг Олий Мажлисни тарқатиб юбориши ваколати парламентнинг Президент кўрсатган номзодларни рад этиш хуқуқини инкор этади.

Суд ҳокимияти Олий Суд, Конституциявий Суд ва Олий Хўжалик Судидан иборат. Куйи судлар тизими вилоят, туман ва шаҳар даражасида мавжуд. Барча даражадаги судьяларни Президент тайинлайди, бутун мамлакат даражасидаги судьялар тайинланишини Олий Мажлис тасдиқлаши лозим. Судьялар тайинланиши жараёни орқали расман мустакил суд тизими ижроия ҳокимият назорати остида мавжуддир.

Маъмурий жиҳатдан Ўзбекистон ўн икки вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва пойтахт Тошкент шахрига бўлинган. Президент ваколатига вилоят ҳокимларини тайинлаш ва алмаштириш ҳам киради.

### **I.6 Атроф-муҳит соҳасидаги асосий муаммолар**

Ўзининг бой ва ранг-баранг атроф-муҳитига қарамай, ўнлаб йиллар давомидаги атроф-муҳитга бепарволик экологик жиҳатдан номақбул иқтисодий сиёsat билан биргаликда Ўзбекистонни бир неча жиддий экологик инқирозлар марказига айлантириди. Минтақадаги икки дарёдан катта микдорда сувни суғориш мақсадлари учун олиш, қишлоқ хўжалигига кимёвий моддаларини кенг кўламда ишлатиш ва оқава сувларни етарли даражада қайта ишламаслик жиддий миқёсдаги саломатлик ва экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда.

## *Орол денгизи*

Атроф-мухит муаммоларининг энг жиддий мисоли – бу одамлар келтириб чиқарган Орол денгизи фалокатидир. Бир вақтлар жаҳоннинг тўртинчи ўриндаги сатҳи  $68.000 \text{ km}^2$  бўлган шўр сув ҳавзаси, аввал унга қўйилган Амударё ва Сирдарё сувлари сугориш мақсадлари учун олина бошланиб, 1960 йиллардан бери қисқариб келмоқда. 2004 йилга келиб денгиз асл сатҳининг чорагига келиб қолди ва шўрлиги қарийб беш баробар ошганлиги туфайли унинг табиий флора ва фаунасини деярли хароб қилди. 2007 келиб у ўз асл майдонининг 10 фоизига келиб қолди ва уч алоҳида кўлга ажралиб кетди, улардан иккитаси балиқ яшаши учун ҳаддан ташқари шўр. Бир пайтлар гуркираб турган балиқчилик саноати аслида барбод бўлди, денгизнинг асл қирғоғидаги илгариги балиқчилик шаҳарлари қирғоқ ўнлаб километр кетиб қолгандан сўнг кемалар қабристонига айланди. Асосий маҳаллий саноат - балиқчиликнинг барбод бўлиши минтақа аҳолисига ишсизлик ва иқтисодий қийинчиликлар олиб келди.

Қурол-яроқ синови, саноат тадбирлари, пестицидлардан фойдаланиш ва ўғитларнинг ювилиб кетиши натижасида Орол денгизи ниҳоятда ифлосланди. Куриган денгиз тубидан шамол кўтарган туз билан чанг минтақа кишлоқ хўжалиги ва экотизимсига зарар етказяпти, ичимлик сувини ифлослаяпти ва жиддий саломатлик муаммоларни туғдиряпти. Денгизнинг чекиниши маҳаллий иқлим ўргаришига олиб келди, деган маълумот бор, оқибатда ёз давоми қискарди, ёз иссиқроқ ва қуруқ бўляпти, қиши эса узайиб совуқроқ ва қорсиз бўляпти. Ҳар йили тонналаб туз 800 км масофага тарқаляпти. Орол денгизидан кўтарилиган туз ва чанг бўронлари Ер атмосферасидаги заррачалар таркибини 5 фоиздан кўпга ошириди. Бу эса глобал иқлим ўзгаришига жиддий таъсир кўрсатди.

Қозогистонда Орол денгизининг шимолий қисмидан қолгани (Кичик Орол денгизи)ни сувга тўлдириш ҳаракати давом этмоқда. Тўғон қўриш лойиҳаси 2005 йилда якунланди, Кичик Орол денгизида сув сатҳи 8 метрга кўтарилиб сув шўрлиги пасайди, натижада балиқ кўпайди ва муайян даражада балиқчилик имкони туғилди. Бироқ Орол денгизининг анча каттароқ жанубий қисми (Катта Орол денгизи)нинг истиқболи умидсизлигича қолмоқда (4-боб).

## *Шўрланиши, кимёвий моддалар ва ўғит*

Пахта етиштиришда катта миқёсда кимёвий моддалар қўлланилиши, самарасиз ирригация ва яроқсиз дренаж тизими ифлосланган ва шўр сув кўп миқдорда қайта ерга сизиб кетишига олиб борди. Натижада чучук сувга янада кўпроқ ифлословчи моддалар тушди. Барча сугориладиган ерларнинг қарийб 50 фоизи шўрланган, деб таснифланди, сугориладиган ерларнинг тахминан 5 фоизи (213.000 гектар) юқори даражада шўрланган.

Етарли миқдорда ўғит бермаслик, экинлар алмашлаб экилмаслиги ва тупроқ шўрланиши баробар ер ҳосилдорлигига таъсир қилмоқда. Охирги йилларда бир гектар ернинг пахта ҳосилдорлиги Хоразм вилоятида 20 фоиз ва Қорақалпогистонда 30 фоиз пасайди.

Орол денгизининг кўриб бориш кимёвий пестицид ва табиий тузлар концентрациясининг ошиб боришига олиб келяпти; сўнг бу моддалар кўл тубидан шамол билан кўтарилиб сахроланишга ҳисса қўшяпти.

Саноат чиқиндилари ва тупроқнинг кенг миқёсда ўғит, пестицид ва кишлоқ хўжалиги кимёвий моддалар (жумладан ДДТ)дан фойдаланиши оқибатида ифлосланиши туфайли сувнинг ифлосланиши кўп инсон саломатлигининг бузилишига олиб келмоқда.

### Жадвал I.3: Айрим иқтисодий кўрсаткичлари, 2000–2008

	<b>2000</b>	<b>2001</b>	<b>2002</b>	<b>2003</b>	<b>2004</b>	<b>2005</b>	<b>2006</b>	<b>2007</b>	<b>2008</b>
ЯИМ (аввалии йилга нисбатан ўзгариш %)	4.0	4.5	4.2	4.4	7.7	7.0	7.3	9.5	..
ЯИМ, жорий нархда (миллион АҚШ доллари ХҚТ)	..	..	..	..	..	..	..	..	..
ЯИМ, жорий нархда (миллион АҚШ доллари)	13,761.0	11,642.0	9,683.0	9,949.0	11,951.0	13,655.0	17,022.0	22,298.0	..
ЯИМ, жорий нархда (миллион сўм)	3,255,600	4,925,300	7,469,300	9,664,100	12,189,500	15,210,400	20,759,300	28,186,200	..
ЯИМ жон бошига (жон бошига АҚШ доллари)	..	..	..	..	..	..	..	..	..
ЯИМ жон бошига (жон бошига АҚШ доллари ХҚТ)	..	..	..	..	..	..	..	..	..
ИНИ (аввалии йилга нисбатан ўзгариш %, йиллик ўртача)	..	..	27.3	11.6	6.6	10.0	14.2	..	..
ИЧНИ (аввалии йилга нисбатан ўзгариш %, йиллик ўртача)	..	..	..	..	..	..	..	..	..
Рўйхатга олинган ишсизлик (ишчи кучи %, давр охири)	0.4	0.4	0.4	0.3	0.4	0.3	0.3	0.2	..
Жорий тўлов баланси (миллион АҚШ доллари)	215.0	..	117.0	881.0	1,215.0	1,949.0	3,136.0	4,370.0	..
Жорий тўлов баланси (ЯИМ % хисобида)	1.6	..	1.2	8.9	10.2	14.3	18.4	19.6	..
Соф БЧЭИ кириши (миллион АҚШ доллари)	..	..	..	..	..	..	..	..	..
Соф БЧЭИ кириши (ЯИМ % хисобида)	..	..	..	..	..	..	..	..	..
Кўшилиб борадиган БЧЭИ (миллион АҚШ доллари)	..	..	..	..	..	..	..	..	..
Чет эл валютаси заҳираси (миллион АҚШ доллари)	..	..	..	..	..	..	..	..	..
Жами ташки қарз (миллион АҚШ доллари)	4,419.0	4,684.0	4,763.0	4,249.0	4,322.0	4,133.0	3,938.0	4,937.0	..
Товар ва хизмат экспорти (миллион АҚШ доллари, ХҚТ)	..	..	..	..	..	..	..	..	..
Товар ва хизмат импорти (миллион АҚШ доллари, ХҚТ)	..	..	..	..	..	..	..	..	..
Товар ва хизмат соф экспорти (миллион АҚШ доллари, ХҚТ)	..	..	..	..	..	..	..	..	..
Ялпи қарзнинг экспортга нисбати (%)	..	..	..	..	..	..	..	..	..
Ялпи қарзнинг ЯИМ нисбати (%)	32.1	40.2	49.2	42.7	36.2	30.3	23.1	22.1	..
Айирбошлиш курси: йиллик ўртача (сўм/АҚШ доллари)	236.58	423.08	771.42	971.35	1,019.94	1,113.89	1,219.59	1,264.07	1,320.94
Аҳоли (миллион)	24.8	25.1	25.4	25.7	26.0	26.3	26.6	26.9	27.2

Манба: БМТЕИК Статистика ахборот базаси, 2009. (БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси маълумотлар базаси)

Харита I.1: Ўзбекистон харитаси



Манба: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти картография бўлими, 2009.

Изоҳ: Харитада кўрсатилган чегара ва номлар уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қўллаб-кувватлаши ёки қабул қилганлигини билдирамайди.



## *I-ҚИСМ: СИЁСАТНИ БЕЛГИЛАШ, РЕЖАЛАШТИРИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ*



## **1-боб**

# **БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА АТРОФ-МУХИТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДА СИЁСАТНИ БЕЛГИЛАШ УЧУН ШАРОИТ**

### **1.1 2001 йилдан кейинги ўзгаришлар ва ҳозирги шароит**

2001 йилдан буён Ўзбекистон иқтисодиёти жиддий ривожланиш ва хусусийлаштириш даврларини босиб ўтди. Иқтисодий ўсиш натижалари чуқур таассурот қолдирмоқда, 2002 йилдан бери ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 4 фоиз ўсиш кўрсаткичидан 2005 йилдан бошлаб ҳозиргача барқарор 7 фоиз ўсишга етиб борди. Ҳукумат сиёсатида макроиктисодий барқарорлик қўллаб-куватланиб келди, иқтисодий ўсиш рағбатлантирилди, тадбиркорлик муҳити яхшиланиб келди ва хусусий сектор ривожланиши енгиллаштирилди. Гарчи жаҳон иқтисодий инқирози Ўзбекистонга катта таъсир ўтказмаган бўлса-да, 2008 йилнинг охирида ҳукумат экспортни кенгайтириш, ички маҳсулотга талабни ошириш, энергетика самарадорлигини яхшилаш ва кичик ва ўрта корхоналарни янада ривожлантиришга йўналтирилган инқирозга қарши қамровли чоралар мажмуини қабул қилиш қарорига келди.

Иқтисодий ўсиш тақозоси қишлоқ хўжалиги ва саноат, ресурсларни қазиб олиш, ва жумладан сув ва энергиядан фойдаланишга катта юк ортмоқда. Суғориладиган ерлари жуда катта бўлгани туфайли Ўзбекистон Марказий Осиёда сувдан энг кўп фойдаланадиган мамлакатdir. Бу эса мамлакатда сув сифати, биохилма-хиллик ва сув-ботқоқ ерларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, бу Орол денгизи ва унинг экотизимсининг йўқ бўлиб кетишига ҳисса кўшди. Суғориш ва дренажнинг ёмонлашиб бориши ер янада деградация бўлиши хавфини тутғирмоқда. Ўсиб бораётган энергетика тармоғида унинг самарадорлигини ошириш ва ифлослашни камайтириш учун технологияяга янги инвестициялар талаб қилинмоқда. Кон фаолияти ер деградацияси ва заарли чиқинди хавфини келтириб чиқармоқда.

2001 йилдан бери ҳукумат хуқуқий шароитни ўзгартириш йўли билан ушбу ташвишли масалаларни ечишга ҳаракат қилди. Янги, масалан шу қаторда кончилик, чиқиндилар, ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Атроф-мухитни муҳофаза қилишда тамал тоши ҳисобланадиган жамоатчиликнинг иштироки ва ахборот олиш имконияти учун ҳам хуқуқий замир яратилмоқда.

### **1.2 Барқарор ривожланиш учун стратегия, дастур ва режалар**

#### *Барқарор ривожланиши миллий стратегияси*

1997 йил Барқарор ривожланиш миллий стратегияси (БРМС) барқарор ривожланишнинг қамраб олувчи асоси сифатида хизмат қилишда давом этмоқда ва барча стратегиялар ва қонун ҳужжатлари учун асосий мурожаат этиш ҳужжати сифатида қўлланилмоқда. Назарияда, ҳеч бир стратегия, режа, дастур ёки қонун, агар улар БРМСга мос бўлмаса, қабул қилиниши мумкин эмас.

Асосан Стратегия мамлакатнинг барча секторлари ривожланишини бошқариш тамойиллари баёнидир. Унда ошиб бораётган суръатда ва барқарор ижтимой ва иқтисодий ўсишни таъминлаш йўли билан барча кишиларга соғлом турмушни кафолатлашга, бозор иқтисодиётини рағбатлантириш, иқтисодни жаҳон бозорига интеграция қилишга, Орол денгизи экологик инқирози оқибатларини бартараф қилишга ва мамлакатнинг бошқа минтақаларида экологик вазиятни барқарорлаштиришга, мувофиқ атроф-мухитни сақлаб қолиш ва яхшилашга, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга ва келажак авлодлар учун табиий ресурсларни сақлаб қолиш учун улардан самарали фойдаланишга интилиш намоён.



*Амир Темур ҳайкали, Тошкент*

#### *2007–2010 йиллар хусусийлаштириши дастури*

2007 йилда қабул қилинган 2007–2010 йилларга мўлжалланган хусусийлаштириш дастури ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатини белгиловчи асосий жорий хужжат ҳисобланади. Унда асосан тўқимачилик, электр жиҳозлар ишлаб чиқариш ва қишлоқ машинасозлиги, ийрик улгуржи савдо корхоналари, қишлоқ хўялигидаги машина-трактор парклари, кўпгина кимё корхоналари, катта қўрилиш ва юк ташиш компаниялари, виночилик компаниялари, курорт зона ва бошқа курорт муассасалари билан бирга тахминан 1.500 корхона, иншоот ва давлат мулки бўлган холдингларни юз фоиз ёки қисман хусусийлаштириш орқали иқтисодий ўсишни давом эттириш назарда тутилган. Нефть ва газ ва электр ишлаб чиқариш соҳаларидаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма корхона ва муассасалари хусусийлаштирилади, шунингдек, иссиқлик электростанциялари, темир йўл компаниялари ва автомобиль ишлаб чиқариш соҳаларида 49 фоизгача акциялар сотилиши керак.

#### *2008–2010 йилларга мўлжалланган фаровонликни юксалтириши стратегияси*

2007 йилда қабул қилинган 2008–2010 йилларга мўлжалланган фаровонликни ошириш стратегиясида дикқат тезлашган ўсишни мамлакатда кам таъминланганлик даражасини пасайтиришга йўналтиришга қаратилган. Стратегия ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишидан аввал уч оралиқ хужжат мавжуд эди: 2004–2006 йилларда ва 2010 йилгача мўлжалланган Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражасини ошириш стратегияси ва 2005–2010 йилларга мўлжалланган Фаровонликни ошириш стратегияси: Оралик кам таъминланганликни камайтириш хужжати. Ҳар иккала ҳолда атроф-мухитни яхшилашга бутун бир бўлим бағишлиланган бўлиб унга кўйидаги уч асосий тамойил киритилган эди:

- Турмуш сифатини оширишнинг зарур шароити сифатида атроф-мухитни сақлаб қолиш ва тиклаш мақсадида иқтисодий ва экологик сиёсатни бирлаштириш;
- Табиатнинг айрим элементларини муҳофаза қилишдан экотизимларнинг умумий ва қамровли муҳофазасига ўтиш;
- Жамиятни атроф-мухит муҳофазаси, атроф-мухит хилма-хиллигини сақлаб қолиш ва унинг ҳолатини яхшилаш ва одамлар учун мақбул яшаш шароитини яратиш учун масъул қилиш.

Бироқ, якуний Фаровонликни ошириш стратегиясида атроф-мухитга бағишлиланган боб йўқ. Охир оқибатда унда шундай дейилади: “Атроф-мухит барқарорлигини таъминлаш учун барқарор

ривожланиш тамойилларини биринчи навбатда табиат ресурсларидан самаралироқ фойдаланиш борасида хукумат сиёсати ва дастурлагига интеграциялашга ҳаракат қилидани.” Атроф-мухит борасидаги яққол ташвиш уйғотадиган масалалар күйидаги уч соҳага тегишли: (1) ерларни қишлоқ хўжалигида ишлатишга қайтариш, (2) 2010 йилга бориб алоҳида муҳофазаланган ҳудудлар жами майдонини мамлакат майдонининг 10 фоизига етказиш, (3) 2015 йилга бориб озонни емирувчи моддалардан фойдаланиши қисқартириш.

Умуман, атроф-мухитга кам эътибор берилган. Стратегиянинг кўп қисми иқтисодий ва ижтимоий масалаларга бағищланган бўлиб умумий ургу ўсишни жадаллаштириш ва кам таъминланганликни камайтиришга берилган. Мисол учун, Фаровонликни ошириш стратегиясида 2015 йилга бориб жон бошига ЯИМни харид қобилияти тенглиги ҳисобида 1,75, ўртача иш ҳакини 2006 ва 2010 йиллар мобайнинда 2,5 баробар ошириш мўлжалланган. Агар муваффақият қозонилса, Фаровонликни ошириш стратегиясида 2015 йилда ўртача иш ҳаки 2006 йилдагидан 7,5 баробар юқори бўлиши мумкинлиги кўзда тутилган. Иқтисодиёт юксалиши асосида бандлик имкониятларини ошириш ва даромад олиш турмуш тарзини юксалтиришнинг асосий омиллари бўлади. Хўжаликнинг меҳнатталаб секторларини ривожлантириш ушбу устун вазифани бажаришнинг энг муҳим воситаси деб ҳисобланади.

Шунингдек, Фаровонликни ошириш стратегиясида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча 8та Мингийллик ривожланиш мақсади (MPM) кўрилади (рамка 1.1). Даромадга тегишли кам таъминланганлик бўйича мақсадига эришиш қамровли ўсишни талаб қиласди. Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) маълумотига кўра Ўзбекистон ялпи умумий таълим мақсади (MPM 2)га эришиб бўлди, бунда гендер тафовути мавжуд эмас (MPM 3). Расмий маълумотга асосан, Ўзбекистон беш ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичига (MPM 5)га самаралироқ сиёсат ва қўшимча ресурслар билан эришадиган кўринади. ИИТВ/ОИТС, безгак ва бошқа қасалликларга кураш мақсади (MPM 6) муаммо тугдиради, чунки ИИТВ/ОИТС, сил ва безгакни олдини олиш ва даволаш сиёсати мавжуд бўлса ҳам, давлат ресурслари вазифага мувофиқ эмас. Гарчи хавфсиз ичимлик суви билан таъминлаш (MPM 7)даги тафовут бартараф этилиши мумкин бўлса-да, хукумат тақчиллик шаҳарлардагига қараганда анча сезиларлироқ бўлган қишлоқ жойларга дикқатни қаратиши керак бўлади (4-боб).

Шунингдек, Фаровонликни ошириш стратегиясида бевосита барқарор ривожланиш ва атроф-мухитга тегишли икки янги миддий стратегия ишлаб чиқилиши назарда тутилган: бири атроф-мухит хавфсизлиги, бошқаси – қайта тикланувчи энергия борасида. Булардан атроф-мухит хавфсизлиги тўғрисида ҳозирда қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Қонун қабул қилинса, миллий стратегияни ишлаб чиқишига олиб келиши мумкин. Тикланадиган энергияга келганда, концепция баёни тайёрланиб 2009 йил январь ойида Сенатга тақдим этилган эди, аммо кейин қандай қилиб концепцияни стратегияга айлантириш мумкин, тавсиялар билан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (ТМДК)га қайтарилди. Энди бу хужжат барча тегишли вазирлик ва идоралар орасида маслаҳат ва мувофиқлаштириш палласида. Стратегия 2009 йилнинг охирида қабул қилиниши кутилмоқда.

### **1.3 Атроф-мухитни муҳофаза қилиш учун стратегия, дастур ва режалар**

1998 йил Миллий экологик ҳаракат режаси (МЭХР)да давлатнинг экология соҳасидаги сиёсати батафсил ёритиб берилган, унда устун йўналишлар ва қонунлар қабул қилиш ва саноатда реструктуризацияни амалга ошириш вазифалари баён этилган эди. МЭХРдаги мамлакат барқарор ривожланишга ўтишининг биринчи босқичи учун умумий стратегияни белгиланган мақсад Фаровонлини ошириш стратегиясидаги сиёсатдан унча фарқ қилмайдиган сиёсатлар: оқилона макроиқтисодий ва секторлардаги сиёсат, табиий ресурслардан самарали ва барқарор равишда фойдаланиш ва атроф-мухитга тегишли сифат мақсадлари ва стандартларни жорий этиш кабилар бирикмаси орқали эришилиши мўлжалланган эди. Асосий фарқ МЭХРда Фаровонликни ошириш стратегиясига қараганда кам таъминланганлик масаласига камроқ эътибор берилиб анча кўпроқ дикқат атроф-мухит барқарорлигига қаратилган эди. МБРС, МЭХР билан биргалиқда 1999 йил Миллий экологик саломатлик ҳаракат режаси ва 1998 Миллий биохилма-хиллик стратегияси барқарор ривожланиш ва барқарор атроф-мухит учун пойдевор стратегиялари сифатида хизмат қилишда давом этмоқда.

На Миллий экологик саломатлик ҳаракат режаси ва на 1998 Миллий биохилма-хиллик стратегияси ва ҳаракат режаси қайта кўтиб чиқилди. Бирок ТМДҚ Миллий биохилма-хиллик стратегияси ва ҳаракат режасини қайта кўриб чиқиш заруратини тан олади. У ҳозирда Ўзбекистоннинг Биохилма-хиллик конвенциясига тўртинчи миллий ҳисоботини тайёрламоқда ва мазкур мақсадда йигилган маълумотни қайта кўриб чиқилган стратегия учун асосий маълумот сифатида ишлатишни режалаштироқда.

1999–2005 йилларга мўлжалланган Иқтисодиёт вазирлиги мувофиқлаштирган Ривожланиш учун Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш дастури ушбу стратегияларни биринчи бажариш режаси бўлиб хизмат қилди. Дастлаб ушбу Даструр давлат ва маҳаллий бюджетлар орқали маблағ билан таъминланиб келди, аммо маблағ етишмаслиги аник бўлганда ҳукумат ушбу мақсадда Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғармаси маблағидан фойдаланишга рухсат беришга қарор қилди. Натижада, ТМДҚси маълумотига кўра, татбиқ кўрсаткичи қарийб 98 фоиз қамров ва муайян фаолиятнинг 85 фоизга етди.

2008 йилда иккинчи бажариш дастури, 2008–2012 йилларга мўлжалланган Табиатни муҳофаза қилиш дастури (ТМДҚ) кейинги беш йиллик даврга қабул қилинди. Аввалги дастурдан фарқли ўлароқ, Даструрни ТМДҚ ишлаб чиқди ва мувофиқлаштириди. Яна бир фарқи у “пастдан юқорига” ёндашувни қўллаб ишлаб чиқилганилигига эди. Аввал ҳар бир вилоят ўз режасини ишлаб чиқиб уни ТМДҚга тақдим қилди, Кўмита маҳаллий режаларни умумлаштириб агона миллий дастур тузди. Бундан ташқари, Фаровонликни ошириш стратегияси ва МЭХРда бўлгани сингари, масалан, чиқиндилардан тозалашшга ва ичимлик суви билан таъминлашшга, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фодалинишга урғу берилган.

Дастур, аслида, меъерий қисм ва ҳаракат режасидан иборат, режа эса ижрочилар, сарфланадиган маблағ ва муддатлар кўрсатилган бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар жадвалидан иборат. У 44 лойиха назарда тутилган тўрт асосий соҳани қамраб олади: 17 лойиха атроф-мухит муҳофазаси ва экологик хавфсизликка, 15таси – табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва иқтисодий фаолият ва бошқарувнинг атроф-мухит учун мақбул усусларини киритишга, 8 лойиха – ҳукукий шароитни оптималлаштириш ва экологик тадқиқотларни ривожлантиришга ва 4 лойиха – халқаро ҳамкорлик ва минтақадаги экологик хавфсизликка тегишлидир.

1999 йил Саҳроланишга қарши кураш миллий ҳаракат режаси ҳам қайта кўриб чиқилмади. Ушбу дастур ва БРМС, Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиддий қургоқчилик ва/ёки саҳроланишни бошдан кечирадиган мамлакатлар, хусусан, Африкада қўлланишга қарши кураш Конвенциясига охирги (2002 йил) ҳисоботида айтилгандек, саҳроланишга қарши курашда устун стратегиялар ҳисобланади.

#### *Танланган сектор стратегиялари ва асосий сиёсий ҳужжатлар*

2002 йил Сувни интеграллашган равишда барқарор етказиб бериш концепциясида сувдан фойдаланиш ва 2008–2011 мелиорация чораларининг асосий йўналишлари белгиланди. Ушбу йўналишларда ер захини кетказишини яхшилаш орқали ердан фойдаланишни сезиларли даражада яхшилаш, сугоришни модернизация қилиш орқали қишлоқ хўжалиги учун кўпроқ сув етказиб бериш ва сув ресурсларини интеграллашган бошқарувини киритиш назарда тутилган.

2001 йил Сугориш ва дренаж секторини ривожлантириш стратегияси ва 2000–2005 йилларга мўлжалланган Сугоришни ривожлантириш миллий дастури Интеграллашган сув билан барқарор таъминлаш концепцияси билан яқиндан боғлиқдир. Ушбу икки ҳужжат сув ресурслардан фойдаланинш сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситалари ҳисобланиб қишлоқ хўжалиги ва атроф-мухит учун энг юқори аҳамиятга эга.

2000–2010 йилларга мўлжалланган Қишлоқ жойлар аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш давлат дастурида сув таъминоти қувурлари тармоғини кенгайтириб, ҳисоблагичлар кўйиш, сирқиб оқиб кетишни бартараф этиш ва сув истеъмол қилиш кўрсаткичларини ўзгартириш ва бошқа чоралар орқали шаҳарларда (Тошкентдан ташқари) жон бошига истеъмолни қисқартириш

мўлжалланган. Шунингдек Дастурда одатдаги воситалар билан етказиб бўлмайдиган жойларни сув ва энергиянинг муқобил манбалари билан таъминлаш назарда тутилган.

Сур ресурсларидан интеграллашган фойдаланиш режаси ҳануз тайёрланиш палласида ва яқинда якунланиши керак (6-боб).

#### **Рамка 1.1: Фаровонликни ошириш стратегияси билан Мингийиллик ривожланиш мақсадлари орасида боғланиш**

Фаровонликни ошириш стратегиясининг барқарор ва адолатли тараккиётга қаратилган мақсадлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 2000 йилда тасдиқлаган ва Ўзбекистон зиммасига олган Мингийиллик ривожланиш мақсадларига мувофиқдир.

Бошланғич ва ўрта таълим зарур тарзда яхшиланади ҳамда олий маълумотли хотин-қизлар улуши ортади.

Беш ёшдан ёш болалар ўлими кўрсаткичи 2006 йилдаги қийматига нисбатан учдан бирга ва 2015 йилга бориб яна учдан бирга кисқаради. Оналар ўлими 2010 йилгача 15 фоизга камайтирилиб, 2015 йилгача яна 15 фоизга кисқартирилади.

2010 йилга бориб сил касаллигининг тарқалиши тўхтатилиди ва сил билан касалланиш кўрсаткичи 2015 йилдан бошлаб камая бошлади. 2015 йилга бориб ИИВ/ОИТС инфекцияси сезиларли даражада кисқариши кутилмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чоралари ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш атроф-муҳитга етказилган зарарни қайтариш имконини яратиб 2010 йилга бориб сезиларли натижаларга эришишини таъминлайди. Шаҳар ва қишлоқ ерлардаги хонадонларнинг хавфсиз ичимлик сувидан ва санитария воситаларидан фойдаланиш имкониятлари 2006 йилдаги даражасига нисбатан 2010 йилда 25 фоиз ва 2015 йилга бориб 50 фоиз ортади.

Манба: Фаровонликни ошириш стратегияси.

2002 йил Энергия самарадорлиги дастурида асосан диккат-эътибор энергия нархини белгилаш, саноатни ривожлантириш, таълим ва ахборот тарқатишга қаратилган. Ҳукумат 2001 йил 2010 йилгача мўлжалланган Электр энергия ишлаб чиқариш дастурини ҳам жорий қилди, унда иссиқлик энергиясидан фойдаланишни кенгайтириш таклиф қилинганди. Бунга қўшимча равиша, энергияни тежаш ва энергетика самарадорлиги тўғрисида қонун лойиҳаси тайёрланмоқда (8-боб).

Иссиқхона газлари эмиссиясини кисқартириш миллий стратегияси 2000 йилда тасдиқланди (9-боб).

2001 йилдан бери барқарор ривожланиш ва атроф-муҳитга дахли бор етти муҳим стратегия ва сиёсий хужжат қабул қилинди (1.2-рамка). Бунинг устига, амалда ҳар бир секторда 2012 йилигача мўлжалланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури бор, бундай дастурлар БРМС ва ТМХДга мувофиқ таёrlаниб фикр-мулоҳаза олиш ва мувофиқлаштириш учун ТМДҚга тақдим этилади.

2007 йилда Сенатнинг аграр, сувдан хўжалиги ва атроф-муҳит масалалари қўмитаси 2008–2017 йилларга мўлжалланган ва молиялашни ва бошқарувни такомиллаштириш ва хом ашё материалларнинг тиклаб бўлмайдиган йўқотишни камайтириш учун маъмурий, ҳукукий ва иқтисодий рағбатлантириш чораларни қўллаш орқали чиқиндини йиғиш ва ишлов бериш инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган чиқиндини қайта ишлаш стратегияси ва ҳаракат дастури лойиҳасини тасдиқлади. Ушбу Стратегия ва ҳаракат дастурида маҳаллий чиқиндига ишлов бериш, мониторинг ва баҳолаш муассасаларни барпо этиш ва манфаатдор тарафларни жалб этиш назарда тутилган.

#### **1.4 Ҳуқуқий шароит**

Биринчи АҲШдан кейинги давр мобайнида Ўзбекистонда қатор янги қонунлар қабул қилиниб, бошқалари қайта кўриб чиқилди. Бу ўзгаришлар турли сабабларга кўра амалга оширилди, масалан: асосий меъерий қонунлар учун бажариш чораларини таъминлаш учун; аввал эътибор берилмаган масалаларни кўриб чиқиш учун; ва қонун хужжатларининг тегишли халқаро қонун ва стандартларга мос бўлишини таъминлаш (IV-илова).

Атроф-муҳитга тегишли асосий қонун хужжатлари аввал табиатни муҳофаза қилишга боғланмаган ва тобора кенгроқ тегишли қонун хужжатларида акс эттирилган бир қатор муҳим масалалар, масалан,

жамоатчилик қатнашуви, фуқароларнинг ахборотга эга бўлиш ва мурожаат қилиш ва, баъзи ҳолларда, зарар учун товон тўлаш ҳуқуқини қамраб олди.

Мустақилликка эришилган чоғдан бошлаб Ўзбекистон юкори даражада меъерий характерга эга бўлган қонунларга таяниб келмоқда. Асосий қоидалар умумий тарзда баён қилиниши, жараён ва масъул ижрочилар аниқ кўрсатилишдан йироқлиги бўрттирилган сиёсий оҳангни вужудга келтирди, аммо аниқ ижро этиш имкониятини пасайтириди. Бу вазият баъзи янги қонун ҳужжатларида (масалан, Шаҳарсозлик кодексида) ва тартибга солувчи актларнинг салмоқли мажмуасини ишлаб чиқишда ўзгармоқда.

#### **Рамка 1.2-: 2001 йилдан бери қабул қилинган асосий сиёсий ҳужжатлар**

- Баркарор интеграллашган сув таъминоти концепцияси
- Сугориши ривожлантиришнинг 2000–2005 йилларга мўлжалланган миллий дастури
- 2010 йилгача мўлжалланган электр ишлаб чиқариш дастури
- Энергетика самарадорлиги дастури
- 2008–2012 йилларга мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш дастури
- 2000-2010 йилларга мўлжалланган қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва тибиий газ билан таъминлаш давлат дастури
- Сугориши ва дренаж тизимини ривожлантириш стратегияси
- 2008-2010 йилларга мўлжалланган фаровонликни ошириш стратегияси

#### *Табиатни муҳофаза қилиши*

Дастлаб 1992 қабул қилинган Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун атроф-муҳит борасидаги асосий қонун бўлиб қелмоқда. Кейинги 10 қўшимча ва ўзгартиришлар, охиргиси 2006 йилда киритилди, илгари қонун ҳужжатларида бир бирига боғланмаган бир қатор масалалар орасидаги алоқани таъкидлаб кўрсатди. Қўшимча ва ўзгартиришлар билан қонун моҳияти ўзгармади; улар асосан Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни янги қонун ва дастурларга ёки ҳокимият тизимидағи ўзгаришларга мослаш мақсадида киритилган эди. Бироқ, Ўзбекистоннинг кўп қонунларига ўхшаб ушбу қонун асосан меъерий хусусиятга эга ва унда ижро механизми белгиланмаган. Кейин меъерий ҳужжатларни қабул қилиш билан мазкур муаммо ҳал қилина бошланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги *Табиий атроф-муҳитни ифлослантириши ва чиқиндилаштириши учун тўловлар тизимини такомиллаштириши тўғрисидаги қарорида атроф-муҳитни ифлослаш ва чиқинди учун тўланадиган товон миқдори белгиланади; Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилдаги *Табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби* тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорда кончилик чиқиндилари билан ишлаш кўриб чиқилади; ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилдаги Табиатдан маҳсус фойдаланганлик учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорда ТМДҚнинг атроф-муҳитни ифлослаш товонларини йиғиб олиш ва тақсимлаш ваколатига тегишли тартиб-қоидалар ўзгартирилди ва ифлослаш ва чиқиндиларни тасарруф этиш учун товонни 1,3 омилида индексация қилиш белгиланди.*

1993 йилдаги Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида қонун 2004 йилда, жумладан, қонунни Биохилма-хиллик, Рамсар<sup>1</sup> ва Бонн<sup>2</sup> конвенцияларига мос келтирган Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида қонун билан алмаштирилди. Унда муҳофаза қилинган табиий худудларнинг етти тоифаси белгилаб берилган ва ҳар бирида рухсат этилган фаолият турлари батафсил таърифланади. Давлат назорати ТМДҚ заммасига юкланган. Бироқ, аввалиги қонун каби, бунда ҳам умумий бошқарув борасида аниқ масъулияtlар белгиланмаган. 11-моддада муҳофазаланган табиий худудларнинг бошқарувини Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимият органлари ва ваколатли давлат идоралари амалга оширади, дейилади. Ушбу ваколатли идоралар номлари кўрсатилмага, ва на масъулият узатилиши жорий этилган эди.

<sup>1</sup> Сувда сузувчи күшларнинг яшаш муҳити сифатида ҳалкаро аҳамиятта эга булган сув-ботқок муҳитлари тўғрисидаги (Рамсар) конвенцияси.

<sup>2</sup> Ёввойи хайвонларнинг кўчманчи турларини саклаш бўйича конвенция.

### *Тармоқларга тегишили қонун ҳужжатлари*

Ўзбекистон 2002 йилда 1994 йилдаги Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунни янги таҳрирда (2002.13.12даги 444-II Қонун) қабул қилди. Бу қонунда атроф-мухит учун муҳим қоидалар талайгина, масалан, қазиб олиш саноати атроф-мухитни муҳофаза қилиши ва шикастланган ер ва бошқа табиий жойларни тиклаши зарур; фаолият лицензияланган бўлиши ва экологик экспертиздан ўтиши шарт; ва чиқинди билан ишлаш ва чиқиндини чиқариб ташлаш жараёнларига амал қилиш шарт. Ушбу янги қонунда биринчи марта чиқинди корхонага тегишили эканлиги ва корхона атроф-мухитга кўрсатилган таъсир ва рекультивация учун тўла жавобгар эканлиги таъкидланади. Айни пайтда, ташвишлиси шуки, янги таҳрирда атроф-мухитга тегишили талаблар қазиб олиш саноатининг иқтисодиёт учун муҳимлигини хисобга олган ҳолда иқтисодий фаолиятга тегишили ва унга эътибор берадиган кўпроқ қоидаларни киритиш орқали номутаносиб равишда минималлаштириб юборилган.

1997 йилдаги Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонун охирги марта 2007 йил 26 сентябрь куни ўзгартирилди. Қонунда бир қатор чоралар, жумладан, стандарт ва кўрсаткичлар киритиш, энергия самарадорлиги назоратини олиб бориш, энергия жиҳатдан самарали жараёнларни ривожлантириш ва энергия жиҳатдан самарадор маҳсулот ишлаб чиқариш ва юқори самарали лойихиларни намойиш қилиш зоналарни барпо этиш орқали Энергиядан оқилона фойдаланишни жорий этишга ҳаракат қилинди. Шунингдек унда лойихаларни кўллаб-куватлаш жамғармаси яратилди, маблағ эса турли давлат ва хусусий манбалардан келиб тушиши керак. Янгиланадиган энергия ишлаб чиқувчи ёки чиқинди қайта ишловчи энергия ишлаб чиқариш жиҳозлари учун ушбу мақсадларга жалб қилинган сармоя инвестицияларига нисбатан тезлаштирилган амортизация ставкалари қўлланишишига йўл кўйилади. Қонунда электр энергиясидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш чораси сифатида мавсумий ва кун давомидаги тарифларни кўллаш имконияти жорий этилган (8-боб).

2002 йилдаги Чиқиндилар тўғрисидаги қонунда эмиссия ва ҳаво ва сув ифлосланишидан ташқари чиқиндини чиқариш ва қайта ишлаш масалалари кўриб чиқилади, инспекция ўтказиш, мувофиқлаштириш, чиқиндини қайта ишлашга рухсат этиладиган жойларга нисбатан экологик экспертиза ўтказиш ва муайян параметрлар жорий этиш ваколати ТМДК зиммасига юкланади. Қонунда фуқароларнинг хавфсиз ва соғлом атроф-мухитга, лойихалар муҳокамасида қатнашишга, ҳаёти, соғлиги ва мулкига етказилган зарар қопланишига ҳақлари борлиги таъкидланади. Мамалакат ичida ёки халқaro ташиладиган хавфли юқ экологик сертификатлашдан ўтиши ва маҳсус транспорт воситалари ёрдамида ташилиши шарт. Ҳар қандай радиоактив чиқиндини сақлаш ёки кўмиш мақсадида олиб кириш қатъиян тақиқланади. Гарчи қонунда айтилмаган бўлса-да, чиқинди миқдорини камайтирадиган ёки уни қайта ишлайдиган технологиялар киритаётган шахс ва корхоналарга маҳсус имтиёзлар берилди. Корхоналар чиқиндилари учун жавобгардир, аммо чиқиндини қайта ишлашсалар, уларга давлат бюджетидан, Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғармасидан ёки ихтиёрий тўловлар ҳисобидан ёрдам кўрсатилиши мумкин.

### *Бошқа қонун ҳужжатлари*

1998 йилдаги Ер кодексида ернинг барча тоифалари учун асосий ва қамровли қоидалар жорий этилган. Кодексда турдош хукуклар кўрсатилган, уларга эга бўлиш жараёнлари жорий этилган ва уларни тугатиш учун хукукий асослар таърифланган. Ер давлат мулки бўлиб у хусусий мулк бўла олмайди (7-боб). Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси хузуридаги давлат геодезия назорати инспекцияси тўғрисидаги, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги, давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни кўллаб-куватлаш мақсадида инспекция, давлат назорати ва давлат кадастрининг ягона тизими тўғрисидаги низомлар тасдиқланган эди.

2002 йилдаги Шахарсозлик кодексида атроф-мухит, жамоатчилик қатнашуви ва ахборот олиш имкониятларига тегишили қатор муҳим қоидаларни қамраб олинган. Шахар режалаштириш қонунлари бузилган ҳолларда, агар ҳаёт муҳитлари ёмонлашган ёки ҳаёт, саломатлиги ёки мулкига зарар етказилган бўлса, мулкдорлар товон талаб қилишлари мумкин. Бу қоида бинолар кўрилиши ва бузилиши, шунингдек ердан фойдаланиш ҳолларига тегишили. Шахар режалаштирувчилар қатор

омиллар, жумладан, масалан, жойнинг табиий ва техноген офатлар, кимёвий ва биологик ифлосланиш хавфи остида бўлиши, ва маданий меросни ва муҳофазаланган табиий худудларни асраб қолишни инобатга олишлари зарур. Фуқаролар атроф-мухит шароити ва атроф-мухитни ўзгартериши мумкин бўлган ҳар кандай режалар ҳақида тўла ва ўз вақтида ахборот олиш хуқуқига эгадирлар; шунингдек улар шаҳар режалаштириш жараёнларининг муҳокамасида қатнашиш хуқуқига эгадирлар.

2001 йилдаги Маданий мерос объектларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида қонун аввалимбор кўрилган атроф-мухитнинг муҳим элементларини саклаш ва уларни бошқаришга қаратилган, аммо у тарихий, археологик, эстетик, этнологик ёки антропологик қийматга эга худудларни ҳам муҳофаза қилишга, шунингдек тарихий воқеалар ва шахслар билан боғлиқ табиий ландшафтларни муҳофаза қилишга қаратилган.

2007 йилдаги Фавқулодда вазиятларни олдиндан айтиш ва уларнинг олдини олиш бўйича давлат дастури тўғрисидаги қонунда юзага келиши мумкин бўлган табиий ва техноген фавқулодда ҳолатлар замиридаги шароитларга тайёр туриш ва уларни мониторинг қилишга эътибор қаратилади. Унда ушбу мақсадлар учун Боз Вазир бошчилигидаги мувофиқлаштириш комиссияси таъсис этилади. ТМДҚ мазкур комиссия аъзоларидан биридир. ТМДҚ Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда кимёвий хавф туғдирадиган қурилмаларда аварияларнинг олдини олиш учун масъулдир.

2002 йилда икки муҳим қонун: “Ахборот эркинлиги тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида” қонун ва “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида” қонун қабул қилинди. Ҳар иккаласи барча соҳаларда қўлланилиши мумкин. Ахборот эркинлиги тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида қонунга биноан ахборот фақат қонун билан шахсий хуқуқ ва эркинликларни муҳофаза қилиш, ахлоқий қадриятлар таркибини, маданий ва илмий салоҳият ва миллий хавфсизлик сабабларига кўра чекланиши мумкин. Экология, метеорология, демография, санитария ва эпидемиология фавқулодда ҳолатлар ва одамлар, одам аҳоли пунктлари, саноат корхоналари ва коммуникациялар хавфсизлигига тегишли бошқа ахборот маҳфий бўлиши мумкин эмас. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунда фуқароларнинг маъмурий мурожаатлар хуқуки ва ушбу жараён учун мавжуд тартиб-қоидалар таъминланади (3-боб).

### *Nizomlar*

Юқорида тилга олинган қонунларнинг баъзиларида уларни ижро этиш тартиб-қоидалар ва чоралар кўрсатилган. Бироқ уларнинг аксарияти меъерий қонунлар бўлиб тўла амалга ошириш учун қўшимча хуқуқий ёки маъмурий ҳаракатни талаб қиласи. Жумладан табиатни муҳофаза қилиш, ҳаво, сув, ер, ўрмон ва чиқинди борасида асосий тартибга солувчи қонунларни лойиҳалаштириш ва қабул қилиш охирги бир неча йиллар мобайнида Ўзбекистонда қонунчилик фаолиятининг муҳим тури бўлиб келди (IV-илова).

### *Қонун лойиҳалари*

Атроф-мухит хавфсизлиги тўғрисидаги қонуннинг лойиҳаси хозирда кўриб чиқишнинг эрта босқичларида. Қонундан кўзланган мақсад атроф-мухитга бўлган хавфларни аниқлаш ва улар ривожланишининг олдини олиш, атроф-мухит соҳасидаги фавқулодда вазиятларни ва экологик фалокат зоналарни тиклаш ва хавфли экологик таъсирдан муҳофаза қилиш учун хуқуқий асос яратишдар. Атроф-мухитга таҳдидлар бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. ҳарбий курол-яроқ синови ва ҳарбий ҳаракат, жумладан, уларнинг биохилма-хиллик ва ландшафтга таъсири, гидрометеорология жараёнларига кўрсатиладиган ҳар кандай таъсир, ҳаво, тупроқ, ер қаъри ва ер усти ва ер ости сув ифлосланиши, янги муҳитининг биохилма-хиллигига бегона ёки сунъий равища ўзгартирилган ўсимлик ва ҳайвонларни киритиш, хавфли маҳсулот ёки чиқиндини олиб кириш ва табиий фалокатлар бевосита таҳдид қаторидан ҳисобланади. Қонун лойиҳасида барча жисмоний ва юридик шахслар масъулияти, жумладан мулк эгалари вазифалари баён қилиниб Вазирлар Маҳкамасига атроф-мухит хавфсизлиги дастурларини ҳар беш йилда Парламентга тақдим этиш топширилади.

Икки муҳим қонун: сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси (6-боб) ва ер кодекси лойиҳаси (7-боб) хозирда кўриб чиқилмоқда. Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида у асосий халқаро норма ва қоидаларга мувофиқ эканлиги таъкидланади.

Атроф-мухит кодексини ишлаб чиқиши назарда тутилган. Бу атроф-мухит соҳасидаги қонун ва низомларни йигиши ва уларнинг ўзаро алоқасини яққолроқ кўрсатиш томон мухим қадам бўлиши мумкин эди. Бунда яна қайси соҳада қўшимча хукукий ҳаракатга талаб борлигини кўрсатган бўлур эди.

## **1.5 Институциявий шароит**

Гарчи қонун ва кодекс лойиҳаларининг манбаи сифатида бир қатор ижроия, қонунчилик ва суд органлари, жумладан, бошқалар қаторида, Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилик органи, вазирлик, давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ва Парламент бўлиши мумкин бўлса-да, уларни факат Парламент қабул қилиши мумкин (Қонунчилик Палатаси қабул қилиб, Сенат тасдиқлайди). Вазирлар Маҳкамаси ижро этилиши мажбурий қарор ёки аслида меъерий кўрсатма ҳарактерига эга ва хукукий кучга эга бўлиши ва бўлмаслиги мумкин қарорлар қабул қиласи. Президентнинг вазифаси биринчи ўринда кўпроқ маъмурий ишлар билан шуғулланиш, масалан хукумат ўз ваколатини ижро этиш учун амалга оширилиши мумкин ёки шарт ишларни хусусан белгилаб беришдан иборат. Президент хукукий кучга эга умуман олганда қоида ва тартиб-қоидаларга тегишли фармонлар ёки одатда қисқа, муайян бир ҳаракатга қаратилган кўрсатма бўлган қарорлар чиқаради.

### *Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси*

ТМДҚнинг тузилиши ва масъулияти 2001 йилдан бери кўп ўзгармади. Умуман, Қўмита вазифалари кўйидагидан иборат: атроф-мухит хавфсизлиги, табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни тиклаш сиёсатини амалга ошириш; табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини секторлараро ва интеграллашган бошқаруви; мақбул атроф-мухит шароитини ва тикланнишини таъминлаш фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш; табиатни муҳофаза қилиш инспекция ва аудитларини ўтказиш. 2004 йилда икки палатали тизим киритилгандан бери ТМДҚ бевосита Сенатга хисобот беради.

ТМДҚнинг марказий бошқарувида жами тўққиз тузилма бўлими мавжуд (Расм 1.1). Янги Ҳаракат режасига мос равища ТМДҚ ахборот хизматини кучайтириб жамоатчилик кенгашини барпо этиш ниятида. Кенгаш қоидалари ҳануз белгиланиши лозим. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш бошқармаси, Ҳавони муҳофаза қилиш бўлими, Табиатдан фойдаланиш иктиносидиёти ва бошқаруви бўлими текширув масъулиятига эга. ТМДҚ раҳбари ва раҳбарнинг биринчи ўринbosари мамлакатнинг бош инспекторлари хисобланади. Марказий даражада 15 нафар инспектор ишлайди.

Марказий даражада бир қатор ихтисослашган бўлим ва институтлар мавжуд (Расм 1.2). Таҳлилий назорат бўйича ихтисослашган давлат инспекцияси, Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш ва Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва табиат захираларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш давлат инспекцияси атроф-мухитга тегишли талабларга номувофиқликни олдини олиш, мониторингни амалга ошириш ва аниқлаш ва тузатиш учун масъул хисобланади (2-боб). 2005 йилда қайта тикланувчи энергия соҳасида тадқиқот олиб бориш ва лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида барпо этилган Эко-энергия тадқиқот ва ижро маркази энг янги бўлимдир.

Марказий қўмитага бўйсунган ўн тўрт қуий қўмита мавжуд: ҳар бир вилоятда биттадан, Қорақалпоғистон Республикасида битта ва Тошкент шаҳрида битта. ТМДҚнинг раҳбари маҳаллий ҳокимиёт органи билан келишилган ҳолда раисларни тайинлайди. Ҳар бирининг қошида инспекция, баҳолаш бўлими, сертификатлаш бўлими ва тахлил бўлими мавжуд. Вилоят даражасидаги инспекциялар факат вилоят доирасида ваколатга эгадирлар. Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғармаси ҳам ҳар бир қуий даражада ўз вакилларига эга.

Президентнинг 2003 йилдаги Давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида фармонига қўшимча равища ТМДҚ ҳам вазифаларини, ҳам тузилишини ўзгартирадиган қарор лойиҳасини тайёрлади. Ушбу хужжат ҳозирда Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқилмоқда ва яқин даврда тасдиқланиши керак.

Вазифаларга тегишли ўзгаришилар қаторида атроф-мухит хавфсизлигини таъминлашда устун вазифаларни белгилаш ва табиатни муҳофаза қилишда дастур ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ваколати ҳам бор. Қарор захиралар, ов ва балиқ овлаш секторларида ва биохилма-хилликни сақлаш борасида ТМДҚнинг бошқариш масъулиятини кучайтирган бўлур эди; шунингдек, унда рухсатлар бериш, баҳолаш ва атроф-мухитга таъсир қилиши мумкин бўлган корхоналар билан келишувга эришиш борасида аниқроқ спецификациялар берилган. Бироқ, ТМДҚнинг ўз юрисдикциясида ташкилий бирликлар барпо этиш ва уларни тугатиш ҳуқуқи бекор қилинди.

Ташкилий томондан факат кичик ўзгаришилар назарда тутилган. ТМДҚнинг юкори раҳбарияти раҳбар ва раҳбарнинг биринчи ўринбосаридан иборат. ТМДҚнинг раҳбарини Президент тайинлади ва уни Сенат тасдиқлайди. Ўзгаришилар билан икки раис ўринбосари бўлади, улардан бири айни пайтда Табиатдан фойдаланишнинг иқтисоди ва уни бошқариш бош бошқармаси асосида барпо этилган Атроф-мухит бўйича сиёsat ва уни бошқариш бош бошқармасининг бошлиғи бўлади. Ушбу янги тузилмага қўра ходимлар сони ошмайди. Аксинча, ходимлар сони марказий идорада 32дан 28, куйи даражаларда 1.962дан 1.909гача қисқаради. 1988 йилда барпо этилганда ТМДҚнинг марказий идорасида 81 ходим ишлар эди.

#### *Барқарор ривожланиш бўйича миллий комиссия*

Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш бўйича миллий комиссия 1997 йилда БРМСни бажаришни мувофиқлаштириш мақсадида барпо этилди. 1999 ва 2000 йиллардаги бир қанча ўзгаришилардан сўнг Комиссия Бош Вазир ўринбосарига ва жорий фаолият учун ишчи гурухга бўйсунтирилди, ҳамда у Иқтисодиёт вазирлигининг ташкилий ва техник ёрдамидан фойдаланади (1999.05.03да 101-ўзгаришиш ва 2000.19.12даги 358-ўзгаришиш).

Бироқ Комиссия 2005 йилда тарқатилди ва унинг сиёsatни белгилаш вазифаси Вазирлар Маҳкамасига, БРМСни бажариш вазифаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва товарларини қайта ишлаш бўйича ахборот-таҳлил департаментига ўtkазилди.

#### *Атроф-мухит соҳасида масъул бошқа давлат органлари*

Барқарор ривожланиш ва атроф-мухит барча соҳаларга даҳлдорлиги туфайли, аслида барча бошқа давлат органлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан тортиб Фавқулодда вазиятлар вазирлигигача ушбу соҳада муайян масъулиятга эгадирлар. Табиатни муҳофаза қилиш йиллик режаларини тайёрлаш ва бу туғрисида ТМДҚга хисобот бериши керак бўлган асосий ташкилотлар қўйидагилар:

- Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
- Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;
- Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси;
- Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси;
- Ўзбекистон гидрометеорология хизмати;
- Глобал экологик жамғарма ва Орол денгизи ҳавзаси дастурини бажариш агентлиги.

Бунинг устига, Иқтисодиёт вазирлиги, Чет эл иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (импорт ва экспорт масалаларида), Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги (халқаро мажбуриятлар масалаларида), Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ва Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, барчаси ТМДҚнинг ишига даҳлдор масъулиятларга эга. Агар атроф-мухит хавфсизлиги тўғрисидаги қонун лойиҳиси кабул қилинса, Мудофаа вазирлиги ҳам жалб қилинади, дейиш мумкин.

## *Мувофиқлаштириши*

Мувофиқлаштириш кўп шаклларда бўлади: горизонтал мувофиқлаштириш, масалан қонун хужжатлари ёки сиёсий хужжатларни тайёрлаш ёки мониторинг қилиш орқали; вертикал мувофиқлаштириш, масалан ҳисобот бериш ва йиллик ёки маҳсус чакирилган мажлислар орқали.

### Горизонтал мувофиқлаштириш

Хар қайси давлат арбоби қонун қабул қилиш ташаббуси билан чиқиши мумкин; аммо бу ҳақда вазирлик ёки давлат қўмитаси доирасида келишилгандан сўнг, у барча вазирлик ва давлат қўмиталари орасида фикр ва мулоҳазалар олиш мақсадида тарқатилади. Сўнг қонун лойиҳаси мазкур фикр-мулоҳазалар асосида қайта ишланади. Кўпроқ муаммоли масалаларда ушбу масалада қонун лойиҳаси устида ишлаш мақсадида идоралараро ишчи гурух тузилиши мумкин.

Барча вазирлар лойиҳанинг якуний таҳририни имзолашлари шарт, бунда Адлия вазири охирда имзо чекади. Бу қоида лойиҳа бошқа қонун хужжатларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида киритилган. Давлат стратегияларини тайёрлашда худди шундай тартиб-қоида амал қиласди. Барча вазирлар бир фикрга келишгач, лойиҳа Вазирлар Маҳкамасига яна кўриб чиқиш учун ва у ердан ё Президент аппаратига, агар Президент қарори талаб қилинса, ёки бевосита Қонунчилик Палатаси ва Сенатга юборилади.

Давомли характерга эга диккат талаб қиласидиган Глобал экологик жамғарма (ГЭЖ)га маблағ учун мурожаат қилиш ёки Тоза ривожланиш механизми (TPM) лойиҳалари каби, масалаларни мувофиқлаштириш мақсадида идоралараро доимий қўмиталар барпо этилиши мумкин. Масалан, ГЭЖ идоралараро кенгаш (9-боб) ва Пестицид ва ўғитлар бўйича ишчи гурух шулар жумласидандир.

**Расм 1.1: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг марказий бошқаруви**



Манба: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Атроф-муҳитга келганда, энг кўп даҳлдор вазирлик ва идоралардан ТМҲД асосидаги табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат йиллик дастурини тузиб уни бажариш тўғрисида ҳар чорак ТМДҚга ҳисобот тақдим этишлари талаб қилинади. ТМДҚ ушбу маълумотни йиғиб уни Вазирлар Маҳкамаси ва Сенатга ҳам чорак, ҳам йиллик асосда тақдим этади. ТМДҚ ҳисобот берадиган орган сифатида Сенат ҳам бажаришни мувофиқлаштиради; у чорак ҳисоботларини кўриб чиқади ва, лозим бўлса, турли жойларга

бориб, айниқса экологик шароит яхши бўлмаган жойларда бажаришни текширишни ташкил қиласди. Сенат вазиятни баҳолайди ва, лозим бўлса, қўшимча чора-тадбирлар ва режаларни ишлаб чиқади.

**Расм 1.2: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг умуний тузилиши**



Манба: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

ТМДҚнинг ҳуқуқий нормаларни кўллаш учун фақат икки воситаси бор: корхона ёки бошқа хужалик юритувчи субъект қонунни бузган ҳолларда аралашадиган давлат инспекцияси орқали; ёки фақат кескин ва фавқулодда ҳолларда аралашадиган қўринадиган Сенат орқали. На давлат инспекцияси, на

Сенат бошқа давлат органи, айниекса нуфузли вазирликни, муайян бир тарзда ҳаракат қилишга мажбурлай олади.

### Вертикаль мувофиқлаштириш

Вилоят кўмиталардан ҳар чорак ТМДҚга ўз фаолияти, жумладан вилоят ҳаракат режаларининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот тақдим қилиш талаб қилинади. Вилоят бўлимлари ҳам Атроф-мухит бўйича сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва нормалар давлат кенгаши ёки Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш давлат назорати каби тегишли давлат муассасаларига ҳисобот берадилар.

ТМДҚ йиллик йиғилишларини Тошкентда барча вилоят қўмиталари иштирокида ўтказади, шунингдек у лозим бўлганда шундай йиғилишларни маҳсус масалалар юзасидан ҳам чақириши мумкин. Охирги йилларда устун вазифаларни аниқлаш ва ТМХДни “куйидан юқорига” жараён орқали тайёрлашда вилоят қўмиталарнинг овози анча кучайган.

### **1.6 Хулоса ва тавсиялар**

Барқарор ривожланиш миллий комиссияси 2005 йилда тугатилди ва унинг вазифалари Вазирлар Маҳкамасига ўтказилди. Илгари Комиссия Бош Вазир ўринбосарига бўйсунган пайтида жорий фаолият учун ишчи гурӯҳ мавжуд бўлиб у Иқтисодиёт вазирлигининг ташкилий ва техник ёрдамидан фойдаланар эди. Бирок ҳозир бундай котибият мавжуд эмас. Вазирлар Маҳкамасида вазифалар ўтказилган департамент мавжуд, аммо у зиммасига 1997 йил БРМС бажарилишини назорат қилиш вазифаси юкланган котибиятнинг кундалик техник ишларни олиб бориш учун белгиланмаган. Айни пайтда, ТМДҚ БРМС билан боғлиқ аксарият тартиблар ва режалар бажарилишини кундан кунга назорат қилиш вазифасига эга.

#### Тавсия 1.1:

*Вазирлар Маҳкамаси Барқарор ривожланиш миллий комиссиясини қайта тиклашни кўриб чиқиши ва Иқтисодиёт вазирлигини унинг котибияти қилиб белгилаши лозим.*

1997 йил БРМС Ўзбекистонда барча бошқа стратегиялар ва хуқуқий ҳужжатлар учун қамраб олувчи шарт-шароит сифатида ҳизмат қилиши мўлжалланган эди. Қабул қилинишидан кейинги 12 йил мобайнида у қайта кўтиб чиқилмади; шунингдек унда бажарилиш томон илгарилашнинг кўрсаткичлари ҳам йўқ. Баъзи мамлакатлар ўз барқарор ривожланиш миллий стратегияларини тақриздан ўтказдилар. Бунинг мамлакатлар ўз барқарор ривожланиш стратегияларини қайта кўриб чиқиша ва уларни бажаришда илгарилаш учун ниҳоятда фойдали эканлиги исботланди.

#### Тавсия 1.2:

*Вазирлар Маҳкамаси даҳлдор вазирлик ва идораларни жалб қилган ҳолда:*

- (a) 1997 йилдаги Барқарор ривожланиш миллий стратегиясини тақриздан ўтказиб бажарилиши кўрсаткичлари ва уни мониторинг қилиши тартиб-қоидаларини белгилаб унга қўшиимча ва ўзгартишилар киритиши;
- (b) Сиёсат ва хуқуқий асосни ташкил қиласидиган муҳим ҳужжатларни Барқарор ривожланиш миллий стратегиясига мувофиқлигини сақлаши мақсадида қайта кўриб чиқиши ва янгилаши лозим.

Экологик ҳаракат миллий режаси 1998 йилда қабул қилинган бўлиб қайта кўриб чиқилмади. Ўша пайтдан бери Ўзбекистонда кўп нарса ўзгарди: иқтисодий муҳит анча фарқ қиласиди; хуқуқий шарт-шароит олға ҳаракат қиласиди; ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги аввалги максадлардан баъзиларига эришилди. Охирги йирик 2007 йилдаги 2007-2010 йилларга мўлжалланган Хусусийлаштириш дастури ва 2007 йил 2008-2010 йилларга мўлжалланган фаровонликни ошириш стратегияси каби сиёсий ҳужжатлар жумладан ушбу стратегиялар атроф-мухит муҳофазаси билан қандай боғланганлигини кўтсатувчи янги атроф-мухит сиёсати ҳужжатларда акс эттирилиши керак.

**Тавсия 1.3:**

Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси дахлдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда жорий ижтимоий, иқтисодий ва экологик вазият ҳисобга олинган ҳамда муайян маблағ билан таъминлаш имкониятлари кўрсатилган ва дахлдор муассалар белгиланган, янги мақсадлар ифодаланган қамровли экологик ҳаракат режасини тузиши лозим.

Ўзбекистоннинг биринчи (2001 йил) АҲШсида Парламентнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун яхши ҳуқуқий асос яратиш саъй-ҳаракати тан олинган эди. Айни пайтда, унда асосан меъерий хусусиятга эга қонунларга ишончдан келиб чиқадиган бальзи камчиликлари, жумладан, ҳукуматнинг тартибга солувчи ҳужжатларини вактида жорий этилишини таъминлаш заруратидан келиб чиқадиган камчиликлари таъкидланган эди.

2001 йилдан бери Ўзбекистонда атроф-муҳитга тегишли янги ва ўзгартиришган ва қўшимчалар киритилган қонунларни тайёрлаб келмоқда. Гарчи тартибга солувчи асослар ҳам ишлаб қичилаётган бўлса-да, ижро этиш учун зарур бўлган тартибга солувчи қоидалар қонун қабул қилинишидан орқада қолиб кетиши ғайриодатий хол эмас. Атроф-муҳит кодекси атроф-муҳитга тегишли қонун ҳужжатларини жамлашга кўмаклашган бўлур эди. Уни шундай ишлаб чиқиши мумкин эдики, инсон саломатлиги ва атроф-муҳит ифлословчи моддалар ва бошқа таъсир келтириб чиқарган заардан муҳофазаланган бўлиши; қимматли табиий ва маданий муҳит сакланиб қолиши ва муҳофазаланиши; биохилма-хиллик сакланиши; ер, сув ва табиий муҳит умуман экологик, ижтимоий, маданий ва иқтисодий маънода соғлом узоқ муддатли бошқарув таъминланиши; қайта фойдаланиш ва қайта ишлов бериш рағбатлантирилиши; материал, хом ашё ва энергиядан фойдаланишда табиий циклларни жорий этиш ва саклаш зарурати ҳисобга олинганлиги кафолатланган бўлсин.

**Тавсия 1.4:**

Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси ва дахлдор вазирлик ва идоралар қонуннинг устун кучга эга қонун тамоийларини ва бажсарии учун тўла тартибга солувчи шароитни барпо қиласиган экологик кодекс лойиҳасини тайёрлашни кўриб чиқишилари лозим.

2007 йил 2008-2010 йилларга мўлжалланган фаровонликни ошириш стратегиясини тайёрлаш палласида икки оралиқ ҳужжати мавжуд эди: 2004-2006 йиллар ва 2010 йилгача давр учун Ўзбекистон ахолиги тушмуш даражасини ошириш бўйича стратегия ва 2005–2010 йилларга мўлжалланган Фаровонликни ошириш стратегияси: кам таъминланганликни камайтириш бўйича оралиқ ҳисобот. Ушбу ҳужжатларнинг иккаласи ҳам ҳукумат ва Ўзбекистон фуқаролик жамиятининг кенг иштироки билан тайёрланиб уларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаёт сифатини яхшилаш учун зарур элемент сифатида кўрилган тўлиқ бир бўлим бор. Бироқ, Фаровонликни ошириш стратегияси ни якунлаш тўлиқ иштирок этиш билан боғлиқ бўлмаган кўринади ва атроф-муҳит масаларига анча камроқ эътибор берилди. Ҳукумат донорлар учун энг муҳим маълумот материали бўлиб хизмат қилган ва мамлакатнинг асосий ривожланиш стратегияси, деб ҳисобланган Фаровонликни ошириш стратегиясини қабул қилди.

**Тавсия 1.5:**

Молия вазирлиги Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси билан биргаликда Фаровонликни ошириши стратегиясини, жумладан Барқарор ривожланиши миллий стратегиясини ва барча бошқа алоқадор муҳим ташвиши масалаларни акс эттириши мақсадида ўзгартириши керак.

## 2-боб

# **МУВОФИҚЛИК ВА РИОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМИ**

### **2.1 Биринчи Атроф-муҳит ҳолати шарҳидан кейинги ривожланиш**

Ваколатли давлат органлари томонидан давлат назорати, корхоналар ва фуқаролар томонидан ўзини мониторинг қилиш Ўзбекистондаги корхоналар ва шахсларни экологик қонун хужжатлари талаблари билан мувофиқликка олиб келиш асоси механизмлари сифатида илк бор Ўзбекистоннинг 1992 йилдаги Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва атроф-муҳит ва табиий ресурсларга тегишли бошқа қонунларда белгиланган эди. Кўриб чиқилаётган давр мобайнида тилга олинган механизмлар, шунингдек атроф-муҳит ва табиий ресурсларга тегишли қонунларнинг тегишли қоидалари аҳамиятли равишда ўзгартирилмади.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун, ҳавони муҳофаза қилиш тўғрисида қонун ва ўрмон тўғрисидаги қонунга муайян ўзгартиришлар 2006 йил октябрь ойида киритилган эди. Улардан мақсад экологик қонун татбиқ қилувчи органларнинг фаолиятни тугатиш ёки тўхтатиб қўйиш ваколатларини баъзи, масалан инсон саломатлиги ёки атроф-муҳитга муқаррар ёки эҳтимол таҳдид ҳоллари истисноси билан чеклаш орқали бизнес ҳамжамиятининг маъмурий юкини енгиллаштириш эди. Ушбу ўзгартиришларда атроф-муҳит инспекциялари бундай буйруқни 10 иш кунгача бўлган муддатга чиқариши мумкинлиги белгиланади, узокроқ давр учун ҳаракат факат суд қарори асосида бўлиши мумкин. Бироқ, бу санкция жуда кам ҳолларда ишлатилди; масалан, 2007 йилда факат беш нафар корхонанинг фаолияти сув соҳасидаги қонун хужжатларига риоя қилинмаганлиги асосида тўхтатилиб қўйилди. Қандай бўлса ҳам, 1994 йилдаги Маъмурий жавобгарлик кодексида белгиланган экологик соҳада маъмурий хукуқбузарлик учун белгиланган умумий санкциялар тизими биринчи шарҳдан бери деярли ўзгармай келди. Айни пайтда, Жиноят кодексига киритилган 2001 йил ўзгартиришларда экологик хукуқбузарлик учун белгиланган жиноий санкцияларнинг ярми қайта кўриб чиқилди. Жиноий жарималар сезиларли даражада оширилди, ҳукм муддатлари қисқартирилди ва озодликдан маҳрум этиш билан жазоланадиган хукуқбузарликлар рўйхати қисқартирилди.

1998 йил хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати тўғрисидаги қонун ва 2000 йил Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонунга корхоналарда инспекциялар сонини қисқартириш учун киритилган қатор ўзгартиришлар 2001 йилда қабул қилинган эди. Ушбу ўзгартиришлар шунингдек инспекцияларнинг даврийлиги ва дастлаб тасдиқланиши, рўйхатга олиниши ва мувофиқлаштирилишига тегишли қоидаларни янада батафсил ифода этилганлиги билан кўллаб-кувватланган эди (IV-илова).

### **2.2 Атроф-муҳит соҳасидаги қонунчилик бажарилишини назорат қилувчи муассасалар**

1992 йилдаги “Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида” қонунда қўйидаги муассасалар атроф-муҳит соҳасида ҳукуқий хужжатларни кўллайдиган органлар сифатида таърифланган:

- Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (ТМДК);
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
- Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;
- Ишлаб чиқариш, кон саноати ҳамда коммунал хизматларда техника хавфсизлиги бўйича давлат инспекцияси;
- Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси.

Экологик талабларга мувофиқликнинг муайян соҳаларида қабул қилинган турли қонунлар ва низомларда инспекцияларнинг ваколати ва асосий вазифалари белгиланган. Бироқ, атроф-муҳит ва табиий ресурсларга оид асосий қонунларнинг тегишли қоидаларида факат ваколатли давлат органи ва

қўлланиладиган назорат тури (давлат, соҳа, жамоатчилик, идоравиј) тавсифланади. Айни пайтда, Вазирлар Маҳкамаси атроф-муҳит соҳасида ҳуқуқий хужжатларни чекланган миқёса қўллаш масъулиятини турли вазирликлар, қўмиталар ва идораларга бериш ҳақида қатор меъерий хужжатларни тасдиқлади. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ер ости бойликлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, шунингдек, минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари батағсилоқ тартибга солинди.

Баъзи ҳолларда бундай масалалар ҳуқуқ-тартибот органларининг қўшма қарорлари қабул қилиниши йўли билан ҳал қилинади. Масалан, 2003 йилда Бош прокуратура ва ТМДҚнинг қўшма қарори билан атроф-муҳит инспекторлари ва прокурорларнинг ўзаро алоқалари, жумладан атроф-муҳитга тегишли талабларга риоя қилмаслик учун жиной жавобгарликка тортиш тўғрисидаги йўриқнома белгиланди.

#### *Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши*

Ҳозирги институциявий шароитда атроф-муҳит соҳасида экологик ҳуқуқий нормаларни қўллашга стратегик ёндашувни илгари суриш учун Ўзбекистондаги атроф-муҳит органларининг ваколатлари чекланган. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши (НОФМРК) 1996 йилда жорий этилганда, турли инспекциялар фаолиятини режалаштириш ва мувофиқлаштириш ва назорат, инспекция ва ҳуқуқ-тартибот ишларини устун масаларни белгилаш ушбу органга ўтказилган эди. НОФМРКнинг Қоракалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий комиссиялари бор.

НОФМРК инспекция ўтказиладиган корхона ва ҳуқуқ-тартибот органи кўрсатилган йиллик ва чораклик режаларни тасдиқлади. Шунингдек, Кенгаш режадан ташқари инспекцияларни маъқуллайди ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятинининг инспекцияларни мувофиқлаштириш режаларига мослик жиҳатидан назорат қиласи. Ҳўжалик юритувчи субъектларда инспекциялар сонини камайтириш ва инспекциялар тизимини йўналтириш чораларини ишлаб чиқиш муҳим устун вазифа хисобланади.

Инспекциялар ва ҳуқукий нормаларни татбиқ қилишда ушбу юқори даражада марказлаштирилган ёндашувнинг салбий оқибатлари шундан иборатки, тартибга солувчиларда атроф-муҳит соҳасида ҳуқуқ-тартибот чораларини қўллаш максади равshan баён этилган низомларга эга эмаслар. Кўп ҳолларда атроф-муҳит инспекциялари атроф-муҳит соҳасидаги талабларга риоя қилиниш мониторингини амалга оширадилар ва ҳаракатлари атроф-муҳит соҳасидаги қонунларга яхшироқ риоя қилишга қандай хисса қўшиши тўғрисида яққол тасаввурга эга бўлмай туриб бор ҳуқуқий мажбураш воситаларини ва жазо чораларини татбиқ этишади. Инспекциялар сонини камайтириш умумий максади атроф-муҳит соҳасида ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини баҳолаш учун асосий иш кўрсаткичи хисобланади.

#### *Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси*

ТМДҚ ҳануз атроф-муҳит соҳасидаги атмосфера ҳавоси, сув ва ер ресурслари, табиат ва ер ости бойликларни муҳофаза қилиш максадида атроф-муҳитга тегишли талабларга мувофиқлик учун масъул энг муҳим ҳуқуқ-тартибот органи бўлиб қолмоқда. ТМДҚнинг тузилмасида атроф-муҳитга тегишли талабларга мувофиқлик келмасликнинг олдини олиш, мониторингини амалга ошириш ва аниқлаш ёки шундай ҳолларда бузилишни бартараф этиш чораларини кўрадиган муҳтор муассаса ёки ягона бўлинма мавжуд эмас. Мамлакат миқёсида ушбу вазифаларни ТМДҚнинг турли бўлинмалари, жумладан Таҳлилий назорат бўйича ихтисослашган давлат инспекцияси, Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш бош бошқармаси, Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ва табиий қўриқхоналар давлат инспекцияси амалга оширади. Маҳаллий даражада (вилоятлар ва Тошкент шаҳри)да, атроф-муҳит инспекцияларнинг таркиби вилоятдан вилоятга ўзгариши мумкин. Масалан, Бухоро вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси кўйидаги инспекциялардан иборат:

- Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш инспекцияси;
- Минерал ресурслар, чиқинди ва тупроқ ифлосланиши бўйича инспекция;
- Сув ресурслари муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш инспекцияси;
- Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекцияси, ва
- Таҳлилий назорат бўйича ихтисослашган давлат инспекцияси.

ТМДҚ худудий бўлинмаларининг аксарият ходимлари атроф-муҳит инспекторлари хисобланади. Масалан, Самарқанд худудий қўмитанинг 120 нафар ходимидан тахминан 80 киши – инспекторлар. Давлат органларида 2001 йилдан бери тез-тез ходимлар сони қисқартирилиб келган бўлишига қарамай, 2001 йилдан бери ТМДҚнинг инспекторлари сони деярли ўзгартирилмади. Бироқ, атроф-муҳит инспекторларининг салоҳиятини ривожлантириш учун мамлакатда таълим муассасаларида ихтиослашган кадрларни тайёрлаш тизими мавжуд эмас. Охирги йилларда, ТМДҚ малака ошириш курсларини олиб бормади; атроф-муҳит соҳасидаги хуқуқ-тартибот инспекторлари учун ахборот ёки услубий кўрсатмалар эълон қилинмади. Шундай бўлса-да, 2008-2012 йилларга мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат дастурининг қисми сифатида хуқуқий тартибга солишни, хуқуқий нормалар бузилганда қўлланиладиган чоралар ва инспекторлар ҳисботларини стандартлашга доир бундай ўкиш ТМДҚ ходимлари учун режалаштирилган. ТМДҚ ва Ички ишлар вазирлиги масъул органлар сифатида белгиланди.

2.1-жадвалда маъмурий жазо чоралари жиноий жазо чораларига қараганда кўпроқ қўлланилиши кўрсатилган. Жиноий жараёнга биноан қўзғатилган ишлар камдан-кам ҳолларда айбланувчининг жиноий жавобгарликка тортилиши ёки жиноий ҳукм чиқарилиши билан якунланади. Бунинг устига, жазо чоралари тизимида юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш назарда тутилмаган. Одатда, тизим кўпроқ содир этувчиларни аниқлаш осонроқ бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга тегишли талабларнинг бузилиши туфайли жиноий жавобгарликка тортишга мойил. Атроф-муҳит соҳасида хуқуқ-тартибот ишларининг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, атроф-муҳит органларининг режали ва режадан ташқари инспекциялари қисқаришига қарамай атмосфера ҳавоси, сув, саноат ва майший чиқинди ва табиатни сақлаб қолишга тегишли талабларни бузиш ҳоллари кўпайиб бормоқда.

### *Соғлиқни сақлаши вазирлиги*

Соғлиқни сақлаш вазирлигига атроф-муҳит соҳасида хуқуқ-тартибот ишлари билан Санитария ва эпидемиология назорати департаменти ва Санитария ва эпидемиология назорати миллый маркази шуғулланади. Марказ ходимлари санитария ва гигиена стандартларига, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва радиацион ҳавфсизлик талабларига ва транспорт ва бошқа техника воситалари ҳосил киладиган шовқин таъсири стандартларига риоя килинишини назорат қиладилар. Атроф-муҳит соҳасида хуқуқ-тартибот ишларида ушбу органнинг аҳамияти ҳануз катта, чунки Ўзбекистонда кўп атроф-муҳит сифати стандартлари санитария ва гигиена стандартлари хисобланади.

### *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги*

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига атроф-муҳит соҳасида хуқуқ-тартибот ишлари билан қўйидаги органлари шуғулланади:

- Сув: Сув хўжалиги бош бошқармасининг сув инспекцияси ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги худудий департаментлари; ва
- Ҳимояланган худудлар: Кўриқхоналар, миллый боғлар ва ўрмончилик бўлими, ўрмончилик ва ўрмонлар ҳолатини давлат назорати бўлинмаси) ва ҳимояланган худудлар маъмурияти.

Вазирлик маҳсус ҳимояланган табиий худудлар ва ўрмонлар билан ишлайди; бироқ унинг мансабдор шахслари ёввойи ҳаёт билан боғлик хуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораларини кўришга ҳақли эмаслар. Улар хуқуқбузарларни фақат ушлаб ТМДҚнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси инспекциясига ёки ички ишлар органларига етказиб беришлари мумкин. Сув инспекциясининг вазифалари асосан сувдан фойдаланиш чекловларига риоя килинишини назорат қилиш ва фойдаланишдаги гидротехника иншоотларнинг атроф-муҳит учун хавфсизлигини таъминлашдан иборат.<sup>3</sup>

<sup>3</sup> Гидротехника иншооти деганда сув оқимини ўзгартириш, чеклаш, тўхтатиш ёки бошқа йўл билан сувнинг табиий оқимини бошқариш учун мўлжалланган ҳар кандай восита тушунлади.

*Ишлаб чиқарии, кон саноатида ва коммунал хизматларда техника хавфсизлиги бўйича давлат инспекцияси*

Ишлаб чиқариш, кон саноатида ва коммунал хизматларда техника хавфсизлиги бўйича давлат инспекцияси икки давлат инспекциясидан иборат: (1) ер ости бойликларни муҳофаза қилиш, минерал хом ашёни қайта ишлаш ва геология разведкасини назорат қилиш инспекцияси ва (2) нефть ва газ саноати инспекцияси. Бу соҳадаги инспекторлар ролини давлат кончилик назорати органларининг бошқарувчилари ва етакчи мутахассислари бажарадилар. Инспекция ТМДК билан биргалиқда ероғи ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, жумладан лозим лицензия ва лицензия ва маҳсулотни баҳам кўриш битимлари шартларига риоя қилиш устидан давлат назорати билан шуғулланади.

**Жадвал 2.1: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан маъмурий ва жиноий чоралар кўрилиши, 2001–2007**

Йил/сектор	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007
<b>Атмосфера ҳавоси</b>							
Маъмурий ҳукуқбузарлик ҳоллари	1,817	2,472	2,694	2,272	2,550	2,293	3,164
Йигилган жарима (минг сўм)	8,931	16,331	22,800	25,728	39,546	41,493	76,941
Жиноий ҳукуқбузарлик ҳоллари	..	..	..	..	..	..	..
<b>Сув</b>							
Маъмурий ҳукуқбузарлик ҳоллари	1,998	2,310	2,644	2,307	2,350 *	2,350 *	3,031
Йигилган жарима (минг сўм)	7,225	12,347	17,600	15,871	20,000 *	18,000 *	31,200
Жиноий ҳукуқбузарлик ҳоллари	..	..	..	..	..	..	..
<b>Саноат чиқити</b>							
Маъмурий ҳукуқбузарлик ҳоллари	787	751	922	848	892	820	1,178
Йигилган жарима (минг сўм)	2,899	4,712	7,742	7,205	9,505	12,438	21,218
Жиноий ҳукуқбузарлик ҳоллари	..	..	..	..	..	..	..
<b>Маишӣ чиқит</b>							
Маъмурий ҳукуқбузарлик ҳоллари	795	834	1,201	1,283	1,447	1,573	2,391
Йигилган жарима (минг сўм)	2,270	3,549	5,828	7,548	10,004	12,189	26,767
Жиноий ҳукуқбузарлик ҳоллари	..	..	..	..	..	..	..
<b>Табиатни сақаш</b>							
Маъмурий ҳукуқбузарлик ҳоллари	4,367	4,149	4,441	3,879	4,372	6,119	7,277
Йигилган жарима (минг сўм)	11,064	15,461	22,300	20,052	25,325	46,436	73,499
Жиноий ҳукуқбузарлик ҳоллари	16	17	21	46	..	..	..

Манба: Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш: факт ва рақамлар, 2000–2004 йиллар, Статистика давлат қўмитаси ва Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараккиёт Даствури (БМТТД), Тошкент, 2004; Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида миллий хисобот, ТМДК ва Ўзбекистонда БМТТД, Тошкент, 2009.

Изоҳ: \* Тахминан.

*Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси*

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ерни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш устидан назоратни амалга оширади. Шунигдек у бузилишларни тўхтатиш ва бузилишни содир этганлар жавобгарликка тортилишини таъминлайди. Марказий идорада бу ишлар билан ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бош бошқармаси (икки ходим) шуғулланади. Жойларда бундай вазифалар Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер

ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг бўлинмалари томонидан бажарилади. Бироқ, ушбу органнинг атроф-мухит соҳасида хукуқ-тартибот чораларини қўриш ваколати анча чекланган, чунки ернинг саноат ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ва оқава сув билан ифлосланиши масалалари ТМДҚ ваколатига киритилган.

### *Атроф-мухит соҳасида хукуқ-тартибот фаолиятини олиб борувчи бошқа органлар*

Юқорида тилга олинган органларга қўшимча равишда прокурорлар ҳам Ўзбекистонда атроф-мухит соҳасида муайян хукуқ-тартибот вазифаларини бажарадилар. Шундай бўлса-да, атроф-мухит бўйича ихтисослашган прокуратура фақат Қорақалпогистон Республикасида жорий этилган. Маҳаллий (туман, шаҳар) судларида фуқаролик ишларда ихтисослашган судъяларнинг атроф-мухитга тегишли муайян маъмурӣ хукуқбузарликларни, хусусан ноқонуний балиқ овлаш ҳамда ов, камёб ва йўқ бўлиб кетаётган турларга ноқонуний муносабатда бўлиш ишларини кўриб чиқиш ваколатлари бор. Умуман олганда, атроф-мухит соҳасидаги хукуқ-тартибот органларининг тизими Ўзбекистоннинг биринчи Атроф-мухит ҳолати шарҳи (АҲШ)дан кейин сезиларли даражада ўзгарган эмас.

### **2.3 Баҳолаш воситалари, жумладан атроф-мухитга таъсирни баҳолаш, атроф-мухитни стратегик баҳолаш, давлат экологик экспертизаси ва экологик аудит**

2000 йил Давлат экология экспертизаси тўғрисида қонуннинг ижроси мақсадида 2001 йил декабрь ойида Вазирлар Маҳкамаси Давлат экология экспертизаси тўғрисидаги низомни ва экспертизадан ўтказиладиган корхоналар рўйхатини тасдиқлади. Хукуматнинг ушбу қарорни қабул қилиши атроф-мухитга таъсирни баҳолаш (АМТБ) ва давлат экологик экспертиза (ДЭЭ) воситаларини янада такомиллаштиришга хисса қўшди. Шундай қилиб, 2000 йилларнинг бошида ДЭЭ жараёнлари Ўзбекистонда 4.000–5.000 корхонада ўтказилиб келган бўлса, 2007 ва 2008 йилларда экспертизалар тахминан 12.000 корхонада ўтказилди.

АМТБ ва ДЭЭ жараёнидан ўтиши лозим корхоналар атроф-мухитга тўрт тоифа таъсир гурухига таснифланди: I-тоиф – юкори хатар; II-тоифа – ўртача хатар; III-тоифа – паст хатар; ва IV-тоифа – маҳаллий таъсир. ДЭЭ ва АМТБ талаблари тоифа ва корхонага қараб турлича бўлади. Бироқ, ДЭЭдан ўтиши керак бўлган корхоналар рўйхати ва уларнинг тўрт тоифага бўлиниши Европа Иттифоқининг атроф-мухитга таъсирни баҳолашга доир директиваси<sup>4</sup> ёки Трансчегара шарт-шароитда атроф-мухитга таъсирни баҳолаш бўйича конвенция асосида АМТБ лозим лойиҳалар рўйхатига мос келмайди.

АМТБ режалаштирилган фаолият юзасидан ДЭЭ аввал бажариладиган мажбурий жараёндир. Корхонанинг тоифасига қараб, тўлиқ жараён қуидаги уч босқичгacha бўлиши мумкин:

1. Дастрлабки лойиҳа босқичида, одатда курилиш жойи танланишидан аввал ва корхона молияланишидан аввал ўтказиладиган атроф-мухитга таъсирни дастрлабки кўриб чиқиш.
2. Лойиҳанинг техник-иктисодий асосланишидан аввал ўтказиладиган атроф-мухитга таъсирини кўриб чиқиш.
3. Корхонани ишга туширишдан аввал ўтказиладиган атроф-мухит учун оқибатини кўриб чиқиш.

Давлат экологик экспертиза тўғрисидаги низомда АМТБ жараёning қисми сифатида, лозим топилгандан, жамоатчилик муҳокамаси тилга олинади. Муҳими, бу масала ДЭЭ органи ва лойиҳалаш муассасаси ихтиёрига берилган. Умуман, АМТБ жамоатчилик иштирокига тегишли жараён лозим тарзда тартибга солинмаган, масалан, лозим бўлганда жамоатчилик муҳокамасини ўтказишида ихтиёрий ваколат берилган. Амалда, ДЭЭ органи, одатда, режадаги фаолият борасида аҳоли норозилиги ёки аҳолидан шикоятлар бўлган холларда жамоатчилик билан маслаҳатлашиши керак бўлади. Шундай қилиб, жамоатчилик иштироки тўғрисидаги талаб кўпинча аҳоли яшаш жойларига якин жойлашадиган кичик корхоналар ҳолида татбиқ этилади. Шунингдек, кўп вилоятларда АМТБда жамоатчилик қатнашуви талабига риоя қилиш масаласи маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) орқали ҳал қилинишини таъкидлаш лозим.

<sup>4</sup> Кенгашнинг 1985 йил 27 июндаги муайян хусусий ва давлат лойиҳаларининг атроф-мухитга таъсирини баҳолаш бўйича директиваси (Council Directive of 27 June 1985 on the assessment of the effects of certain public and private projects on the environment (85/337/EEC).



*Самарқанднинг тарихий қисми*

ДЭЭ воситаси лойиҳадаги ва мавжуд саноат корхоналарга нисбатан қўлланилади. Ишлаб турган корхоналар экспертизага эмиссия даражасини белгилайдиган хужжатлар (атмосфера ҳавосига чиқариладиган ифлословчи моддаларнинг чегаравий қиймати, ер усти сув ҳавзалири ва тупроқка ташланадиган ифлословчи моддаларинг чегаравий қийматлари, чиқинди чиқиши ва йўқ қилишнинг чегаравий миқдорлари). Лойиҳанинг тоифасига қараб, ДЭЭни ТМДҚнинг Давлат экология экспертизаси департаменти (I- ва II-тоифалар) ёки тегишли вилоятнинг, Қорақалпогистон Республикаси ёки Тошкент шахрининг худудий табиатни муҳофаза килиш кўмитаси (III- ва IV-тоифалар) амалга оширади.

Давлат экология экспертизаси тўғрисидаги қонун ва Давлат экология экспертизаси тўғрисидаги низомда тилга олинган Жамоатчилик экология экспертизаси (ЖЭЭ) ва атроф-муҳит аудити воситалари ҳам ривож топмади. ЖЭЭ нодавлат нотижорат ташкилоти ёки фуқаролар ташаббуси билар бажарилиши мумкин. Бироқ, амалда у бажарилган эмас, чунки у қиммат ва шунчаки маслаҳат аҳамиятига эга. Саноқли мустақил атроф-муҳит аудитлари олиб борилган эди, асосан бу ишни чет эл корхоналари, масалан лойиҳа халқаро молия институтлар томонидан маблағ билан таъминланганда, олиб бордилар.

Стратегик атроф-муҳитни баҳолаш воситаси Ўзбекистонда тарғиб қилинган эмас. Бироқ, Давлат экология экспертизаси тўғрисида қонун ва Давлат экология экспертизаси тўғрисидаги низомга кўра, ДЭЭ давлат дастурлари лойиҳалари ва концепциялари, шунингдек шаҳар режалаштириш хужжатлари учун корхоналаринг лойиҳалаш босқичида аҳоли 50.000 кишидан ортиқ бўлган ҳолларда олиб борилиши шарт.

## 2.4 Экологик рухсатлар

Экологик рухсатлар қаторига атрофдаги ҳаво, сув ҳавзалари ва чиқинди учун алоҳида ишлаб чиқилган эмиссия чегаравий қийматлари киради. Эмиссия чегаравий қийматларини ТМДҚ ДЭЭ асосида тасдиқлайди. ДЭЭ қилиниши шарт бўлган режаланган фаолият учун АМТБ ҳисоботида беришган ижобий хулоса экологик рухсат билан баробар.

Атроф ҳаво ва сув ҳавзаларига чиқариладиган моддалар эмиссияси, шунингдек чиқиндиларни йўқ қилишнинг чегаравий қийматларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёни ДЭЭ тартиб-қоидалари билан мос равища ва масъулияти I- ва II-тоифалар учун ТМДҚ Давлат экология экспертизаси

департаментига, III- ва IV-тоифалар учун вилоят, Коракалпогистон Республикаси ва Тошкент шахри атроф-мухитни муҳофаза қилиш худудий қўмиталарига юкланган ҳолда белгиланади. Чиқинди чиқариб ташлаш лимитлари беш йиллик муддатга тасдиқланади, стандарт эмиссия лимити қийматлари I, II, III-тоифа корхоналари учун уч йил муддатга тасдиқланади. Эмиссия рухсатлари ифлосланишнинг олдини олиш ва уни назорат қилишга интеграллашган ёндашувга асосланган эмас. Ҳавога эмиссия, сув ҳавзаларига оқизиш ва чиқариб ташланадиган чиқинди стандартларини ҳисоблаш турли ёндашувларга асосланган. Стандартлар турли муддатларга тасдиқланади ва ТМДҚнинг икки департаменти (Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш бош бошқармаси, шунингдек, таҳлилий назорат ихтисослашган инспекциялари) мувофиқликни назорат қиласи.

Услуга асосланган уч погонали кўрсаткичлар ташлаш лимит қийматларини ҳисоблаш учун қўлланилади, рухсат этилган концентрация (MAC) кўрсаткичлари эмас. Иш сифати кўрсаткичлари куйидаги шартлар асосида эришилади:

- Корхонадаги тозалаш жихоз-курилмаларнинг оптималь эксплуатацияси;
- Мавжуд технологияларнинг энг яхшинини қўллаш; ва
- РЭК стандартларига яқинлашадиган энг самарали тозалаш технологияларни қўллаш.

Бу Европа Иттоғоқининг Сув ресурслари бўйича асосий директивасида<sup>5</sup> кўрсатилган эришиб бўладиган кўрсаткичлар асосида ташламаларни стандартлаш сари қўйилган қадамdir. Ташламалар лимит қийматларини тасдиқлаш ТМДҚ берувчи сувдан фойдаланиш ва сув олиш рухсатига билан интеграллашган. Сув рухсатлари тизими Ўзбекистонда биринчи АҲШдан бери ўзгартирилмади. Сув рухсатномаларини бериш тўғрисида батафсил низом мавжуд эмас, ҳолбуки Вазирлар Маҳкамаси бундай чорани 1993 йил Сув ва сувдан фойдаланиш ҳакида қонунга биноан қабул қилиши керак эди. Шунинг учун сувдан фойдаланиш учун рухсатномаларни бериш ҳанузгача Сув ва сувдан фойдаланиш ҳакида қонуни ва Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида қонунларининг жуда қисқа қоидаларига асосланган.

## **2.5 Мувофиқликни таъминлаш: мониторинг ва ҳисбот**

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда тартибга солинаётган жамоа атроф-мухитга тегишли талабларга мувофиқлигини мониторинг қилиш ва у ҳақда ҳисбот тақдим этишнинг қуйидагиларга асосланган икки тури қўлланилмоқда:

1. Корхона ва табиатдан фойдаланувчиларни инспекция қилиш ва турли инспекциялар томонидан хукуқий чоралар кўриш.
2. Эмиссияни ихтисослашган таҳлилий назорат инспекциялари томонидан мониторинг қилиш.

Текширув жараёнлари 1994 йил Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс қоидалари ва Вазирлар Маҳкамаси ёки ТМДҚ қабул қиласи байзни низомлар билан тартибга солинади. Кўриб чиқилаётган давр мобайнинда хукумат корхоналар ривожланишига маъмурий тўсиқларни камайтириш сиёсатини фаол олиб борди, бунинг натижасида эса воситаларни қўллаш чекланди ва режали ва режадан ташқари инспекциялар сони сезиларли даражада қисқарди. Ҳозирда мамлакатдаги ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектни ва тадбиркорни режали текшируви фақат НОФМРК тасдиқлаган жадвал асосида, хусусан инспекция жадвалга киритилган бўлса ва фақат келишилган вақт мобайнинда олиб борилиши мумкин. Текширув жараёни тобора қаттиқроқ тартибга солинмоқда ва давлат хукуқ-тартибот органлари учун кўпроқ тақиқ ва чеклашлар белгиланмоқда. Шундай қилиб, хусусий корхоналар учун атроф-мухитга тегишли талабларга мувофиқлик текширувлари бир йилда бир марта тарбияниг ўрнига икки йилда бир марта қилиб камайтирилди, давлат корхоналарида текширувларни бир йилда бир мартадан ортиқ ўтказилиши мумкин эмас. Текширув одатда 30 календарь кундан ошмаслиги керак, ва истисно ҳолларда, НОФМРК қарорига биноан, вақтни 30 календарь кундан ошмайдиган кўшимча муддатга узайтириш мумкин. 2008 йил Инқизотга қарши дастурда 2009 йилда мувофиқлик текширувлари сони янада қисқартириши, жумладан режали текширувлар сонини 30 фойзга қисқартириш назарда тутилган (2.1-расм). Бунинг устига, тартибга солинаётган жамоа доирасида давлат хукуқ-тартибот органлари томонидан

<sup>5</sup> (Европа парламенти ва Кенгашининг 2000 йил 23 октябридаги сув сиёсати соҳасида Жамоа ҳаракати учун асос солган 2000/60/ЕС директиваси) Directive 2000/60/EC of the European Parliament and of the Council of 23 October 2000 establishing a framework for Community action in the field of water policy.

мувофиқлик текширувларини ўтказиш жараёнлари ва инспекторларнинг ҳуқук ва масъулиятлари тўғрисида юкори даражадаги хабардорлик мавжуд эканлигини таъкидлаш муҳим аҳамият касб этади (2.1-рамка).

Кўриб чиқилаётган давр мобайнида Ўзбекистонда корхоналарнинг атроф-муҳит талабларига мувофиқлигини режаланмаган текширувлари имконияти ҳам камайтирилди. Улар факат НОФМРК ёки унинг худудий комиссиялари қарори билан қуйидаги ҳолларда ўтказилиши мумкин:

- Текширув зарурати Президент фармонлари ёки ҳукумат қарорларидан келиб чиқса;
- Агар давлат ҳуқуқ-тартибот органи ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект томонидан қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида яхши асосланган, ҳужжатлар билан тасдиқланган мурожаатни олганда;
- Фавқулодда вазиятнинг олдини олиш;
- Санитария ва эпидемиология вазиятининг оғирлашуви ва қўшни мамлакатдан юқумли касаллик олиб қирилиши ва тарқалиши эҳтимоли юзага келганда.

#### **Рамка 2.1: Режали текширувлар тўғрисида жамоатчиликнинг хабардорлиги**


Жамоатчилик хабардорлигини ошириш мақсадларида, жамоатчилик бизнес жамоаси режали текширув қилиниши тўғрисидаги ҳужжатлар билан танишиш имкониятига эга. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлари ва якка тартибдаги тадбиркорларни текширув қилиш режаси “Норма” аҳборот ва ҳуқукий маълумотлар ва бошқа маълумотлар базасида жойлаштириладиган “Солик ва божхона хабарномаси” газетасида эълон қилинади. Адлия вазирлиги лойиҳа Халқаро молия корпорацияси ва Швейцариянинг Иктисодий масалалар бўйича давлат котибияти қўмаги билан ҳуқуқ-тартибот органлари ўтказадиган текширув тўғрисида батафсил йўриқнома шилаб чиқди.

Текширувлар, жумладан режаланмаган текширувлар сонини камайтиришдан қўзланган мақсад ҳуқуқ-тартибот органлари тадбиркорлик фаолияти маъносида ваколатларини сунистешмал қилишига боғлиқ. Бироқ, бундан мувофиқликни мониторинг жараёнини ва ҳуқукий чораларни қўллашни атроф-муҳит инспекторлари учун мураккаб қиласи, хусусан экологик номувофиқлик ҳолларини аниқлаш имкониятини, чунки тегишли корхоналар режали текширувлари тўғрисида тўла хабардор ва шунинг учун атроф-муҳитга тегишли бузилишлар далилларини яшириш имконига эга.

Шундай бўлса ҳам 2.1-жадвал да келтирилган маълумот атроф-муҳит соҳасидаги ҳуқуқ-тартибот органларининг режали ва режадан ташқари текширувлари сони қисқарганига қарамай номувофиқлик аниқланган ҳоллар сони ўсиб бораётганини кўрсатади. Шундай қилиб, текширувлар сони қисқарганилиги экологик мувофиқликка сезиларли таъсир кўрсатди, деб айтиш қийин.

Аслида, корхоналар ва хусусий тадбиркорлар устидан ўтказиладиган текширувлар сонининг сезиларли даражада қисқариши билан Ўзбекистонда атроф-муҳитга эмиссияни мониторинг қилиш аҳамияти ортди. Бундай мониторингни ТМДҚнинг Таҳлилий назорат бўйича ихтисослашган давлат инспекцияси ва Соғликни сақлаш вазирлигининг Санитария ва эпидемиология назорати бош бошқармаси олиб боради. 2006 йил Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиши тартиби тўғрисидаги низомига мувофиқ ифлослаш манбаларни мониторинги инспекция жараёнлари талаблари билан копланмайди. 1999 йилдан бери Ўзбекистонда атроф-муҳитни ифлослаш манбаларни мониторинг қилиш дастури амалда. 2006–2010 йилларга мўлжалланган табиий атроф-муҳит мониторинги дастурига мувофиқ у Таҳлилий назорат бўйича ихтисослашган давлат инспекцияси томонидан тузилган биринчи навбат корхоналар рўйхатига асосланган бўлиши керак. Тегишли қонун ҳужжатлари умумий ва батафсил хусусиятга эга эмас. Амалда, бундай ифлослаш манбалари мониторинги ўтказиладиган корхоналар рўйхати НОФМРК билан келишилиши керак. Шундай қилиб, давлат органлари, вақти вақти билан, саноат корхоналарининг ифлослаш манбалари атрофида ифлословчи моддаларнинг атроф-муҳитга эмиссияси ёки ташланиши намуналарини, тупроқда, чиқиндида ва ер усти сувда олишлари мумкин. Бундай намуналар худуди таҳлил қилинганда ифлословчи моддалар даражаси тасдиқларган эмиссия стандартларидан ошиб кетгани аниқланса, кўп ҳолларда кейинги инспекция ўтказишга сабаб ва тартиб бузувчиларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Атроф-муҳит мониторинги масалалари З-бобда батафсилроқ муҳокама қилинади.

**Расм 2.1: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг режали текширувлари, 2003–2008**



Манба: Ўзбекистон "Норма" хуқуқий маълумот базасида берилган 2003-2008 йиллардаги ойлик текширувлар режаси.

Изоҳ: Ушбу рақамлар муаллиф томонидан 12 вилоят, Қоракалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри бўйича тақсимланган текширувга мўлжалланган корхоналар сонининг ойлик рўйхати асосида хисобланган.

Ўзбекистонда ифлослашнинг қўчма манбаларининг инспекцияси чекланган экологик талаблар билан олиб борилади. Масалан, автотранспорт воситаларини токсик моддалар ва двигатель тутун чиқариш қобилияти ва тупроқ ҳосилдорлигини пасайишига олиб келадиган ангизларга ўт қўйишнинг олдини олиш ва битумни эритиш кабиларни назорат қилиш. Бундай инспекциялар юридик ва жимоний шахсларни инспекция қилиш жараёни талабларига ҳам киритилмаган. "Тоза ҳаво" кампаниялари йилда икка марта ўтказилиб, унда транспорт воситалари эмиссияси токсиклиги, шунингдек автотранспорт корхоналари, хизмат ва техник хизмат станциялари ва автомобиль таъмирлаш корхоналарининг экологик ҳолати текширилади. Умуман, бундай инспекцияларда мамлакатда рўйхатдан ўтган автомобилларнинг тахминан 40 - 48 фойзи қамраб олинади.

Ёввойи ҳаёт ва алоҳида ҳимояланган ерлар борасида атроф-муҳит талабларига мувофиқлик, аввал бўлганидек, тегишли ерларни қўриқлаш ва патруль орқали назорат қилиш инспекциялари замирида барпо этилган. Улар ҳам инспекция тартиб-қоидаси талаблари доирасига кирмайди, ва умуман ушбу соҳада хуқуқ-тартибот механизмлари биринчи АҲШ олиб борилгандан бери деярли ўзгармаган. Шу муносабатда, кўриб чиқилаётган давр мобайнода қабул қилинган 2004 йил Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида қонун, ТМДҚнинг 2006 йил Ов қилиш ва балиқ овлаш ва 2008 йил Ўрмонларни муҳофаза қилиш низоми фақат батафсилроқ қоидаларга ва маҳсус ҳамояланган табиий ерлар, ўрмонлар, балиқ ови ва ов ерларига тегишли атроф-муҳит соҳасидаги талаблар сони, асосан уларга риоя қилишни таъминлашга ёндашув ўзгармаган ҳолда ошишига олиб келди. Бундай меъерий хужжатлар қабул қилинишига қарамай, Ўзбекистонда ёввойи ҳаётни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун Маъмурий жавобгарлик кодекси ва Жиноят кодексида тегишли равишда белгиланган маъмурий ва жиноий жазо чоралари қайта кўриб чиқилмади.

Ўзбекистонда фуқаролар томонидан атроф-муҳиттга тегишли хуқуқбузарликни мониторинг қилиш ва хуқуқий чоралар кўриш механизми биринчи бўлиб жамоатчилик атроф-муҳит инспекциялари институти орқали жорий этилган эди. Бундай мақом номзодларини нодавлат ташкилотлари (ННТ) ёки бошқа ташкилотлар кўрсатган Ўзбекистон фуқароларига ТМДҚ ёки унинг худудий бўлимлари томонидан

берилиши мумкин. Жамоатчи атроф-мухит инспекторларига атроф-мухитга тегишли бир қатор ТМДҚнинг 2000 йил Жамоатчи экологик инспекторлари тўғрисидаги низом ва Маъмурий жавобгарлик хақидаги кодекснинг қисми бўлган хукуқ-тартибот ваколатлари берилган. Бироқ, ушбу механизм амалда кам қўлланилади ва жамоатчи атроф-мухит инспектори мақоми берилган одамларнинг сони чекланган. ТМДҚ фуқаролик жамиятнинг вақти вақти билан ваколатли давлат органлари олиб борган инспекцияларда иштирокини жамоатчиликнинг атроф-мухит талабарини бажарилишини таъминлашда қанташуви, деб билади.

Давлат органларининг тегишли қарорлари ва ҳаракатлари устидан маъмурий ва суд жараёнлари орқали жамоатчилик шикояти имконияти 2002 йил Шаҳарсозлик кодексида ифодаланган.

Текширувлар орқали олинган мувофиқлик мониторинги ва талаблар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги маълумот “Атроф-мухит – 1” статистика шакли орқали тўпланади. Гарчи маълумотларни ТМДҚнинг турли инспекциялари олиши мумкин бўлса ҳам, улар жамоатчилик учун очиқ эмас. Факат хукуқбузарликлар сони ва йигиб олинган маъмурий жарималар миқдори тўғрисидаги айrim-айrim маълумот 2005 ва 2008 йилларда эълон қилинган атроф-мухит холати тўғрисидаги миллий хисобот орқали жамоатчиликка етказилди. Шунингдек, атроф-мухит соҳасидаги хукуқ-тартибот органлари тартибга солинаётган жамоани янги қонун ва низомлар ва уларнинг амалий тадбиги, ёки фойдаланиш мумкин бўлган энг яхши усуулларга йўл кўрсатиш мақсадида ахборот кампаниялари, ўқитиш ва малака ошириш тадбирлари ёки имплементация йўриқномалари каби профилактика чора-тадбирларини кам ўтказадилар. Саноат корхоналари чиқарган ифлословчи моддалар устидаги маълумот Тахлилий назорат бўйича ихтисослашган давлат инспекцияси олиб борадиган уч турли маълумот (атрофдаги ҳаво, сув ва чиқинди) базасида тўпланади.

## **2.6 Корхоналарда экологик бошқарув тизимларини рағбатлантириш**

Энг охирги пайтда Ўзбекистонда мувофиқликни рағбатлантириш чора-тадбирлар анча чекланган миқёсда ўтказила бошланди. 2003 йилдан 2005 йилгача ТМДҚнинг Атроф-мухит бўйича сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва нормалар давлат кенгаши маҳсулот ва хизматларни эко-сертификатлаш тўғрисида бир қатор хужжатлар қабул қилди. Бироқ, амалда, муайян ҳалқаро ва миллий режимлар, хусусан Хавфли чиқиндиларнинг трансчегаравий ҳаракати ва уларни йук қилишни назорат қилиш тўғрисида Базел конвенцияси ва Дизель ва бензин двигателли транспорт воситалари учун эмиссия лимитлари бўйича Европа Иттифоқи қоидалари таъсирига тушадиган чекланган миқдордаги маҳсулот эко-сертификатлаш доирасига киради. Эко-сертификатлар асосан бундай маҳсулотни экспорт ёки импорт қилиш учун берилади.

Ўзбекистонда корхоналарда экологик бошқарув тизим (ЭБТ)ларини тарғиб қилишда муайян олға силжиш юз берди. 2002 йилда Ўзстандарт (Ўзбекистоннинг стандартлаш, метрология ва сертификатлаш бўйича агентлиги) ЭБТга тегишли ISO 14001 ва 14004 асосланган миллий стандартларни қабул қилди. Саккиз корхона ISO 9001 ва 14001 бўйича сертификатлаш органи сифатида аккредитация олди. Ўзстандарт маълумотига кўра Ўзбекистоннинг олти корхонасига ЭБТ ISO 14001 сертификати берилди ва 195 корхона ҳозирда ISO 9001га мувофиқ сертификатланган.

Хўжалик тармоқларининг атроф-мухитга тегишли фаолият жиҳатлари тўғрисидаги ахборотни кенгрок жамоатчиликка етказиш орқали мувофиқликни оширишни тарғиб қилишда олға силжиш йўқ. Бу факт Ифлословчи моддаларни чиқариш ва қўчиш реестрлари ёки эко-туризм ёки баркарор туризм тўғрисида сертификатлаш каби такомиллашган воситаларга тааллуқли эмас, ҳатто мониторинг, инспекциялар ва хукукий чораларни кўриш натижасида олинган маълумот кенг жамоатчиликка мунтазам равишда очик эмас.

## **2.7 Атроф-мухитга оид қонун хужжатлари бажарилишини таъминлаш воситалари**

Ўзбекистон қонун хужжатларида атроф-мухит соҳасидаги номувофиқликка жавобан кўриладиган куйидагича уч тур чоралар белгиланади:

- Маъмурий чоралар, булар маслаҳат ва огоҳлантириш каби “мулойим” чоралардан тортиб жарима ёки корхонани ёпиш каби “қаттиқроқ” чоралар каби ёндашувлардан иборат бўлиши мумкин;
- Одатда фақат оғир ҳуқуқбузарликлар билан чекланган ёки маъмурий чоралар самара бермаганда кўлланиладиган жиноий жазо чоралари;
- Фуқаролик жавобгарлик чоралар, бунда етказилган заарни қоплаш назарда тутилади ва бу чора суд томонидан татбиқ этилади.

Ишларни маъмурий тартибда кўриб чиқиш сафр қилинадиган вақт маъносида энг самарали ҳисобланади ва иккала тараф, давлат органлари ва тартибга солинаётган жамоа учун ҳаммасдан арzon тушади. Атроф-муҳитга тегишли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарорлар устидан амалда кам ҳолларда шикоят қилинади. Атроф-муҳитга тегишли маъмурий ҳуқуқбузарлик борасида атроф-муҳит ҳуқуқтартибот органларининг ихтиёрида кўйидаги ижрони таъминлаш воситалари бор: маъмурий жарима; корхона фаолиятини тўхтатиб кўйиш; маъмурий ҳуқуқбузарликнинг тўғридан-тўғри воситаси ёки обьекти бўлиб хизмат қилган нарсани мусодара килиш ва муайян даврга ов қилиш ҳукуқидан маҳрум этиш. Маъмурий жарима энг кўп кўлланиладиган ижрони таъминлаш маъмурий восита ҳисобланади, унинг миқдори атроф-муҳит соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун бир ойлик иш ҳақидан 10 ойлик иш ҳақигача бўлиши мумкин. Тилга олинган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун белгиланадиган жарима миқдорлари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидани кодексда белгиланган бўлиб, номувофиқликни давом эттиришдан ушлаб коладиган чора, деб қаралмайди. Ўзбекистондаги биринчи АҲШдан бери атроф-муҳитга тегишли қонунларга риоя қилмаслик учун маъмурий жазо чоралари тизимида икки муҳим ўзгариш рўй берди. Биринчи, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88-моддасига тупроқ деградацияси ва атроф ҳавонинг заарли моддалар билан ифлосланишига олиб келувчи анғизларга ўт кўйиш, хазон, дараҳт шоҳлари ва ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиш учун маъмурий жавобгарлик жорий қилинган янги қисм киритилди. Иккинчи, корхона фаолиятини тўхтатиб кўйиш кўриб чиқилаётган даврда, хусусан 2006 йилда, чекланди.

Атроф-муҳитга тегишли жиноий ҳуқуқбузарлик учун қатор жазо чоралари мавжуд, хусусан, жарима, муайян ҳуқуқларни тортиб олиш, ахлоқ тузатиш меҳнати, ҳибсга олиш ва озодликдан маҳрум қилиш. Бироқ, жиноий жазо чоралари атроф-муҳитга тегишли ҳуқуқбузарликларни жазолаш учун кам кўлланилади. 2001 йилда Жиноят кодексидаги атроф-муҳитга теришли ҳуқуқбузарликларга доир моддаларнинг ярми жиноий жавобгарликни гуманизация қилиш руҳида жиноий қайта кўриб чиқилди, хусусан, санкциялар муддати қисқартирилди, тегишли ҳуқуқбузарликлар учун кўлланиладиган жазо чоралари сони оширишди. Ҳозирги пайтда жарима энг кўп кўлланиладиган жиноий жазо чорасидир.

Қонунга риоя қилишини таъминлашнинг фуқаролик чоралари атроф-муҳит соҳасидаги маъмурий ва жиноий ҳуқуқбузарликлар учун кўлланади. Ишларнинг фақат кичик қисми атроф-муҳитга тегишли қонунларни бузганлик туфайли етказилган заарни қоплаш мақсадида судларга узатилади. Масалан, 2007 йилда 92 судда кўрилган ишлар бўйича сувга чиқинди оқизиш лимитлари бузилганлик учун заарни қоплаш тариқасида фақат 11,57 миллион сум йигиб олинди. Аксарият ҳолларда атроф-муҳит инспекциялари аниқлаган атроф-муҳитга етказилган заарни корхоналар ўз ихтиёри билан тўлайди.

## **2.8 Эмиссия ва атроф стандартлари ва уларга риоя қилишни таъминлаш**

Ўзбекистонда аксарият сифат стандартлари ҳанузгача Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган РЭКларга асосланган. Булар эмиссия даражасини белгилаш ва экологик раҳсатномалар бериш учун энг муҳим асос ҳисобланади. Сув ва тупроқ РЭКстандартлари асосан совет пайтида кўлланилган сифат стандартларининг ўзи, ҳолбуки атмосфера ҳавосига тегишли баъзилари (ахоли яшайдиган жойлардаги атроф ҳаво РЭКлари (СанПиН N 0179-04) ва, масалан, азот диоксиди учун атроф-муҳит ҳавоси стандарти) қайта кўриб чиқилди.

Биринчи АҲШдан бери ТМДҚ ифлословчи моддалар учун эмиссия лимитларини ҳисоблаш ва жорий этишга доир қатор муҳим методология ҳужжатларни.

2.2-рамкада тилга олинган ҳужжатларда корхоналар учун ҳавога эмиссия, сувга оқизиш ва чиқиндиларни олиб чиқиш лимит қийматларини ҳисоблаш ва уларни ТМДҚда тасдиқлаш жараёнларини

аниқлаш борасида йўриқ кўрсатилади. Атроф ҳаво учун тасдиқланган эмиссия стандартлари уч ва беш йил (I–III – тоифалар учун янги модернизация қилинган экспертиза), чиқиндилар чиқариш учун – беш йил кучга эга. 2.2-рамкада тилга олинган сувга оқизишга тегиши хужжатларда эмиссия стандартларини белгилашга янги, услугга асосланган ёндашувни тарғиб. Бу ёндашувдан мақсад – оқизмаларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш ва қабул қилувчи сув ҳавзасининг ўзлаштириш қобилиятига асосланиб тадрижан РЭКларга эришиш учун мавжуд услублардан энг яхшиси қўлланилишини таъминлаш. Чиқинди чиқариш учун қайта кўриб чиқилган методология хужжати вактингчалик ташлама лимитларини белгилаш ва экологик жиҳатдан соглом тарзда чиқиндиларни ишлаб чиқариш майдонларида бошқариш билан чекланади. Хужжатда чиқиндиларни қайта ишлаш ёки улардан қайта фойдаланиш, ташиш, ёкиш ёки маҳсус жойлар ва полигонларда охирги чиқариш масалалари кўриб чиқилмайди. Сувга оқизиш стандартларини тартибга солиш Ўзбекистонда бошқаларга қараганда энг яхши ривож топган кўринади; бироқ, ушбу ёндашувнинг мамлакатда бажарилишини баҳолашга ҳали вақт эрта.

Амалда, эмиссия стандартлари билан қамраб олинган ифлословчи моддаларнинг кўпи корхоналар томонидан мониторинг қилинмайди. Эмиссия даражаси лимитидан ошиб кетилганлиги учун тўлов ушбу лимитларга риоя қилишни таъминлаш воситаси, деб ҳисобланади. Бироқ, ҳавони ифлословчи моддалар эмиссияси учун жорий этилган маъмурий жарималар, шунингдек атроф-муҳит соҳасидаги талабларга риоя қиласлик учун маъмурий жарималар, айниқса ҳавога эмиссияга келганда, ифлословчи корхоналарнинг хатти-харакатини ўзгартириш учун ниҳоятда паст, деб ҳисобланади.

#### **Рамка 2.2: 2004–2006 қабул қилинган эмиссия стандартлари бўйича методология хужжатлари**

- Оқава сувга ишлов беришда техник жиҳатдан имкони бор индикаторларга кўра ифлословчи моддаларни сув ҳавзаларига оқизиш ва ерга кўмиш бўйича лойиха лимитларни ишлаб чиқиш ва ташкиллаштириш жараёни (Ўз РХ 84.3.5:2004)
- Оқава сувга ишлов беришда техник жиҳатдан имкони бор индикаторларга кўра ифлословчи моддаларни сув ҳавзаларига оқизиш ва ерга кўмиш лимитларни белгилаш учун индикаторлар (Ўз РХ 84.3.6:2004)
- Оқава сувга ишлов беришда техник жиҳатдан имкони бор индикаторларга кўра ифлословчи моддаларни сув ҳавзаларига оқизиш ва ерга кўмиш лимитларни ҳисоблаш бўйича методик йўрикнома (Ўз РХ 84.3.7:2004)
- Чиқиндиларни ҳосил қилиш ва истеъмол қилиш лимитлари бўйича лойихаларни ташкил қилиш ишлаб чиқиш (Ўз РХ 84.3.17:2005)
- Ўзбекистон Республикаси корхоналири учун ҳавога эмиссия лимитларини белгилаш ва ифлослаш манбаларини инвентаризация қилиш бўйича йўрикнома, 2006

## **2.9   Хулоса ва тавсиялар**

Атроф муҳим соҳасидаги талабларга риоя қилишга ва уни таъминлашга бўлган муносат ва ёндашув, аслида, шунингдек атроф-муҳит соҳасидаги сиёsat воситалари мажмуаси Ўзбекистонда биринчи АҲШ ўтказилгандан бери айтарли ўзгартмаган.

Ўзбекистонда атроф-муҳит талабларига риоя қилинишини таъминлаш тизимининг ажralиб турадиган хусусияти – бу НОФМРК инспекцияларни режалаштириш, тартибга солиш ва мониторингга юкори даражада марказлашган ёндашувдир. НОФМРК илгари сураётган устун умумий ёндашув атроф-муҳит соҳасидаги инспекциялар сонини қисқартириб Ўзбекистондаги корхоналар зиммасидаги юкни енгиллаштиришдан иборат. Бу бизнес жамоаси учун бир неча ижобий оқибатларга олиб келади ва мамлакатда фаолият юритиш учун яхшироқ тартибга солиш режимини таъминлади. Бироқ, шунингдек бу хукуқ-тартибот органлари изчиллик кўрсатмай, тартибсиз, атроф-муҳит талабларига мувофиқликни ва риоя қилишни таъминлаш тўғрисида аниқ стратегик тушунчага эга бўлмай атроф-муҳит қонунларини қўллаши вазиятига олиб келади. Текширувлар сонини мунтазам камайтириш атроф-муҳит талабларига мувофиқликни ва риоя қилишни таъминлаш механизми таъсирчанлиги ва самарадорлигини баҳолаш учун асосий иш кўрсаткичи, деб ҳисобланиши мумкин эмас. Бундай қисқартириш атроф-муҳит шароитларининг яхшиланиши ёки барқарор ривожланиш максадларига эришишга олиб келмайди.

**Тавсия 2.1:**

Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси тегишили оргарлар билан биргаликда:

- (a) Мақсад ва устун вазифалар, тегишили муддатлар ва атроф-муҳит талабларига мувофиқликни ва уларга риоя қилинини таъминланганлигини кафолатлайдиган иш кўрсаткичлари белгиланган атроф-муҳит талабларига риоя қилинини таъминлаши стратегиясини ишлаб чиқши;
- (b) Ушбу стратегияни тегишили маъмурий погоналарда самарали амалга ошириши учун зарур бўлган имкониятларни ошириши фаолиятни таъминлаши лозим.

Атроф-муҳит соҳасидаги сиёсатнинг катор воситалари, масалан, атроф-муҳит аудитлари ёки атроф-муҳитга таъсирини баҳолашда жамоатчилик иштироки талаблари қонун қоидалари аниқ бўлмаганлиги туфайли кўлланилмайди ёки тарғиб қилинмайди. Бундай ёндашув кўп ҳолларда мамлакатда баъзи янги ва илгор воситалардан самарали фойдаланишни жадаллаштирадиган восита, деб ҳисобланган бир пайтда у жиддий камчиликларга эга. Бундай воситалар ва талаблар ҳақида ҳукуматнинг тартибга солувчи органлари ва тартибга солинаётган жамоада билим етишмаслиги улар самарали равишда бажарилишини мураккаблаштириши мумкин. Шунингдек, бу тартибга солишда жиддий зиддиятларга сабаб бўлиши, қонун хужжатларидаги тафовутларга ва ҳатто коррупция масаласи эҳтимоллигига олиб келиши мумкин. Гарчи, амалдаги қонун хужжатларига кўра, давлат дастурлари ва концепциялари лойиҳалари учун давлат экологик экспертизани ўтказиш шарт бўлса ҳам, стратегик атроф-муҳит баҳолаш чораси умуман тарғиб қилинмайди.

**Тавсия 2.2:**

Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси:

- (a) Атроф-муҳит аудити, атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва стратегик атроф-муҳитни баҳолаш каби атроф-муҳит соҳасидаги сиёсат воситалари тўғрисида қонуности ҳужжасат лойиҳасини тузииши;
- (b) Батағсил бажарииш режаси ва йўриқномалар орқали уларнинг амалий татбиғини разбатлантириши лозим.

Инспекция ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишдаги қонунга риоя қилишни таъминлаш фаолияти ҳақидаги ҳисбот (шарҳ, сводка)лар жамоатчилик учун очик бўлиши атроф-муҳит соҳасидаги хукуқ-тартибот органларининг транспарентлиги ва жамоатчилик олдида жавобгарлигининг мухим жиҳати ҳисобланади. Ундан ташқари, ҳисботлар саноат корхоналари устидан жамоатчилик экологик назорати ва аниқланган хукуқбузарликларга нисбатан хукуқ-тартиботга риоя қилишни таъминлаш механизмини кўллаш жиҳатидан фуқаролар ва ННТ учун қимматли ахборот манбаи бўлиб қолади.

**Тавсия 2.3:**

Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси органлар билан биргаликда:

- (a) Инспекциялар ва табиатни муҳофаза қилиши ва табиий ресурслардан фойдаланиши талабларига риоя қилишини таъминлаши ҳаракати тўғрисидаги шарҳ ва қисқача баёнлар каби маълумотлар жамоатчилик учун очик бўлишини таъминлаши;
- (b) Ушбу маълумотни мунтазам янгилаб туриши керак.

Ўзбекистонда маъмурий жарималар, аслида, ягона мавжуд маъмурий жазо чораси ва, янада кўпроқ, атроф-муҳит қонунларига риоя қилмаганлик учун ягона санкция ўрнида кўрилади. Бундай вазиятда жарималарнинг қонунларга риоя қилишни таъминлаш воситаси сифатида самарадорлиги ва таъсиранлигини баҳолаш имкони мавжуд эмас. Улар атроф-муҳит соҳасидаги талабларга риоя қилмаслиқдан ушлаб қолувчи омил сифатида амал қилмайди. Ушбу контексда, қайта ва мунтазам равишида содир этиладиган маъмурий хукуқбузарлик учун тайинланадиган жазо чоралар масаласини қайта кўриб чиқиш фойдали бўлур эди, чунки фаолиятни тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш каби мавжуд имкониятлар катта чекловчи иқтисодий омилларга дуч келади.

**Тавсия 2.4:**

Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси маъмурий санкцияларнинг ҳозирги пайтда атроф-муҳит соҳасида ҳукуқбузарликка қарши қўлланилишининг самарадорлиги ва таъсиранлигини қайта кўриб

чиқиб қайта ва мунтазам равишида атроф-муҳит соҳасида қонун ҳужжатларини бузии ҳолларида кучайтириши имкониятини кўриб чиқшии лозим.

АМТБ ва экологик рухсатномалар бериш миллий қонун ҳужжатлари ва атроф-муҳит соҳасидаги сиёсатнинг муҳим воситалари сифатида Ўзбекистонда фаол қўлланиб қелмоқда. Бироқ, кўп соҳаларда улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа Иқтисодий Комиссияси (БМТЕИК) ва Европа Иттифоқининг БМТЕИК Эспу конвенцияси,<sup>6</sup> Европа Иттифоқининг АМТБ тўғисидаги директиваси<sup>7</sup> ва БМТЕИК Аархус конвенцияси<sup>8</sup> каби тегишли ҳукукий воситалари билан уйғунлаштирилмаган. Бу хусусан АМТБ керак бўлган фаолият турлари рўйхати, АМТБ жараёни босқичлари, шунингдек атроф-муҳитга тегишли қарорлар қабул қилинишида жамоатчиликнинг иштироки ҳолларига тегишли. Юқорида тилга олинган БМТЕИК конвенцияларининг ратификациясини янада орқага суриш юқорида тилга олинган атроф-муҳит соҳасидаги воситаларининг Ўзбекистонда имплементациясининг тегишли халқаро илғор тажрибага номувофиқлигини орттириб боради (4-боб).

#### *Тавсия 2.5:*

*Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаи воситалир ва жамоатчилик иштирокини БМТЕИКнинг тегишли воситалари билан уйғунлаштириши мақсадида Вазирлар Маъқамаси:*

- (a) Табиат қўриқхоналарни, миллий боғлар ва ўрмончилик бўлими, ўрмончилик ва ўрмонлар ҳолатини давлат назорати бўлинмаси (Эспу конвенцияси), Атроф-муҳит масалаларида ахборотдан фойдаланиш имкониятлари, жамоатчиликнинг қарорлар қабул қилишида иштироки ва судга мурожсаат қилиш имконияти тўғрисида (Аархус) конвенцияси ва Аархус конвенциясининг Ифлословчи моддаларни чиқариш ва кўчирishi реестрлари бўйича Киев протоколининг ратификация қилиниши жараёнини тезлаштириши;
- (b) Ушибу воситаларинг тўла имплементациясини таъминлаш учун батафсил ҳукукий ва меъерий шароитни яратили лозим.

<sup>6</sup> Табиат қўриқхоналани, миллий боғлар ва ўрмончилик бўлими, ўрмончилик ва ўрмонлар ҳолатини давлат назорати бўлинмаси.

<sup>7</sup> 2-хаволани қўринг.

<sup>8</sup> Атроф-муҳит масалаларида ахборотдан фойдаланиш имкониятлари, қарорлар қабул қилишида жамоатчиликнинг иштироки ва судга мурожсаат қилиш имконияти тўғрисида конвенция.

## 3-боб

# **МОНИТОРИНГ, АХБОРОТ, ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ ВА ТАЪЛИМ**

### **3.1 Кириш**

Ўзбекистонда биринчи (2001 йил) Атроф-муҳит ҳолати шарҳи (АҲШ)да, айниқса қарор қабул қилувчиларга зарур ва умуман жамоатчиликка ахборот етказишни таъминлаш мақсадида маълумот тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатиш маъносида мамлакатдаги мониторинг тармоғини қайта ташкил этиш ва кучайтириш зарурати қайд этилган эди. Хусусан, Ўзбекистон ҳаво ифлосланишини баҳолаш техник имкониятларни яхшилаши; биохилма-хилликни тежамли мониторинг тизимини яратиш; ер ости суви учун марказлашган маълумот базасини барпо этиш ҳамда мониторинг ва маълумот бошқариш мутахассисларини тайёрлаш тавсиф этилган эди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг барча жараёнларида жамоатчилик иштирокини таъминлаш мақсадида биринчи АҲШда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (ТМДҚ) нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликни ва жамоатчиликнинг муҳофаза этилган ерларни бошқаришда иштирокини кенгайтириши тавсия этилган эди.

Биринчи АҲШдан бери Ўзбекистон юқорида тилга олинган соҳаларда баъзи ижобий натижаларга эришди. Бироқ, атроф-муҳит мониторингини ахборот ва сиёсатнинг самарали воситасига айлантириш, жамоатчиликнинг қарорлар қабул қилишда иштирокини ошириш ва барқарор ривожланиш тамойилларини турли босқичларда таълимга киритиш учун хукумат ва маҳсус давлат органлари яна кўп иш қилишлари керак.

### **3.2 Атроф-муҳит мониторинги**

#### *Атроф-муҳит сифати мониторинги*

Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Гидрометеорология хизмати (Ўзгидромет) ўн уч худудий бўлинмалари билан биргаликда мамлакатда ҳаво, ер усти суви, тупроқ сифати ва радиоактивлик мониторингини амалга оширадиган асосий давлат органи хисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилдаги Ўзбекистон Республикасида Гидрометеорология хизматини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори билан атроф-муҳит мониторингининг мақоми муайян даражада оширилди ва Ўзгидрометнинг ифлосланишини мониторинги хизматининг вазифалари аниқроқ белгиланди. Унинг мониторинг тизими кенгайтирилмади, баъзи соҳаларда эса 2001 йилдан кейин кисқартирилди (3.1-жадвал ва 3.1-харита).

#### Ҳаво сифати мониторинги

2002 йилда ҳаво сифати мониторинги икки кичик (саноати йўқ) шаҳарда маблағ этишмагани туфайли тўхтатилди. Ўзгидромет ҳозирги пайтда мамлакатнинг 25 жойида 66 муқим мониторинг станциясида ҳаво сифатини кузатиб келмоқда. Кўчма лабораториялар сони 2002 йилдан бери 36 фоизга камайди. Тизим зичлиги мониторинг миллий талаблари (шаҳар аҳолисининг 50.000–100.000 кишисига бир станция)дан паст. Ўзгидромет биринчи навбатда тўққизта қўшимча муқим мониторинг станциясини: ушбу шаҳарларда аҳоли сони, саноат ўсиши ва транспорт кўпайиши билан мутаносиб равишда бештасини Тошкентда, учтасини Жиззахда ва биттасини Наманганда, ўрнатишни шарт, деб билади.

Одатда, мониторинг дастури беш ифлословчи моддани қамраб олади: чанг (муаллақ заррачалар жами – TSP), углерод моноксиди (CO), азот диоксиди ( $\text{NO}_2$ ), олтин гугурт диоксиди ( $\text{SO}_2$ ) ва азот моноксиди (NO). Бошқа параметрлар ифлословчи саноат ва яқин орадаги шаҳарлар ва теваракдаги ерлар характеристикасига кўра қўшилади. Ер якинидаги озон миқдори саккизта шаҳарда ўлчанади. Жами, Ўзбекистонда 16 газсимон модда, бензопириналар ва 6 оғир металл бўйича мониторинг олиб борилади. Халқаро ҳамжамият томонидан инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун энг заарли, деб топилган бир қатор бошқа ифлословчилар – майнин заррачалар ( $\text{PM}_{2.5}$  ва  $\text{PM}_{10}$ ), учувчан органик бирикмалар

(бензопирендан ташқари), полиароматик углеводородлар (ПУВ) ва турғун органик ифлословчилар (ТОИ)нинг ҳаводаги концентрацияси Ўзбекистонда ўлчанмайди.  $PM_{2.5}$  ва  $PM_{10}$  ларни ўлчаш 2009 йилда Қорақалпогистонда Ўзгидромет ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бошқариладиган лойиха доирасида бошланди.

### Харита 3.1: Мониторинг



Манба: Ўзбекистоннинг 2008 йил экологик шархи, индикаторларга асосланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури, 2008.

Изоҳ: Харитада кўрсатилган чегара ва номлар уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қўллаб-кувватлаши ёки қабул қилганлигини билдирамайди.

Мониторинг протоколлари сабиқ Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи (СССР)да 1980 йилларда қабул қилинган мониторинг йўрикномаларга асосланган ва ўшандан бери бирон марта кўриб чиқилмаган ва қайта кўриб чиқилмаган. Намуналар аксарият станцияларда кўлда қисқартирилган дастур асосида, ҳозирги мониторинг низомларида талаб қилинган кунига 4 марта қарши ўлароқ кунига уч марта олинади. Ўлчов олиб бориш частотаси ва автоматлашган мониторлар йўқлиги туфайли ифлословчилар томонидан қисқа вақтли тасодифий ёки атайн эмиссияси аниқланмай колади.

Ҳозирда Ўзгидромет ишлатаётган мониторинг жиҳозлари 15-30 йиллик жиҳозлар. Ҳаво намуналарини олиш жиҳозларга бўлган талаб факат 40 фоиз қопланган. Таҳлил реактивлари, солиштириш намуналари ва бошка реактивлар етишмовчилиги туфайли углерод бисульфиди ва водород хлоридини ўлчаш 1990 йиллар бошида тўхтатилди ва янгиланмади. Баъзи сабабларга кўра, катор параметрлар аксарият шаҳарларда онда-сонда ўлчанади ёки ўлчовлар, айниқса ер сатҳига яқин озон маълумотлари ишончли эмас. Намуналар факат фотометрия усуслари билан текширилади. Замонавий атом абсорбция спектроскопияси, газ суюқлик хроматография ёки полярография қаби физик ва кимёвий усуслар Ўзбекистонда кўлланилмайди.

Ўзгидромет мунтазам қайд этиб келаётган Ангрен, Фарғона, Навоий ва Нукус шаҳарларида ҳаво юқори даражада ифлосланганлиги туфайли инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун туғдирилган ҳавф юқорида

тилга олинган етишмовчилик ва камчиликлар сабабли етарли баҳоланмаётган бўлиши мумкин. Ўзгидромет ўз мониторинги маълумотлари асосида ҳар йили ҳисоблайдиган интеграллашган ҳаво ифлосланиши индекси мунтазам равишда мониторинг дастури билан қамраб олинган шаҳарлар орасида мазкур тўрт шахарда 2001–2007 йиллар мобайнида қиймат энг катта эканлигини кўрсатиб турибди (Жадвал 3.2). Интеграллашган ҳаво ифлосланиши индекси кўриб чиқилаётган шаҳарлар ҳудуди учун хос беш ифлословчининг рухсат этилган концентрацияси (РЭК) қийматидан қачон ошиб келитганликни кўрсатади. Одатда булар МЗЖ (TSP), SO<sub>2</sub>, NO<sub>x</sub>, CO ва формальдегид. Ҳар бир беш ифлословчи учун йиллик ўртacha қиймат индексни ҳисоблашда ишлатилади.

### Жадвал 3.1: Атроф-муҳит мониторинги тизимлари, 2001–2008

Тизим	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
<b>Ҳаво сифати мониторинги</b>								
Мониторинг билан қамралган шаҳарлар	27	27	26	24	25	25	25	25
Муким мониторинг станциялари	69	69	68	65	67	66	66	66
Кўчма мониторинг станциялари	11	11	9	9	8	8	6	7
Фон мониторинг станциялари	1	1	1	1	1	1	1	1
Трансчегара мониторинг станциялари	3	3	3	3	3	3	3	3
Атмосфера ёғингарчилик мониторинги	14	14	14	14	14	14	13	13
<b>Ер усти сув сифатининг мониторинги</b>								
Сувни кузатиш шаҳобчалари	89	83	84	86	86	86	87	87
Гидрокимёвий ўлчаш билан қамралган сув ҳавзалари	61	59	58	58	58	58	61	61
Гидробиологик ўлчаш билан қамралган сув ҳавзалари	15	15	14	10	10	10	14	10
Фон мониторинг станциялари	6	5	5	5	5	5	5	5
<b>Ер ости сувни мониторинги шаҳобчалари</b>	1,860	..	..	..	..	..	..	1,074
<b>Тупроқ сифати мониторинги</b>								
Тупроқда оғир металлар мониторинг қилинадиган жойлар	14	14	14	14	14	14	14	14
Тургун органик ифлословчилар мониторинг қилинадиган фермер хўжаликлари	255	258	258	258	258	258	258	259
<b>Радиация мониторинги</b>								
Кунлик гамма радиацияга тутилиш ўлчанадиган станциялар	42	42	42	42	34	34	34	34
Йиғма бета-радиоактивликни ҳисоблаш учун ёғингарчилик намуналар олинадиган станциялар	25	25	25	25	25	25	25	25
<b>Таҳлил лабораториялар</b>								
Ўзгидромет	21	21	21	21	21	21	21	21
Сертификатланган лабораториялар	17	17	17	17	17	18	19	19
Атроф муҳит инспекцияси	17	17	17	17	17	17	17	17
Сертификатланган лабораториялар	1	1	2	2	2	2	5	5
Санитария ва эпидемиология назорати бўлими	138	..	..	..	..	..	..	175
Сертификатланган лабораториялар	23	..	..	..	..	..	..	43
Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси	4	4	4	4	4	4	4	4
Сертификатланган лабораториялар	4	4	4	4	4	4	4	4

Манбалар: АҲШ гурухига Ўзгидромет, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни саклаш вазирлиги ва Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси хабар қилган маълумот, 2009.

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида, Тожикистон чегараси яқинида жойлашган уч мониторинг станцияси Ўзбекистондаги трансчегараий станция ҳисобланади. Улардан мақсад атроф ҳавода Тожикистон алюминий заводидан чиқадиган водород фторидини ўлчаш эди. Аммо ушбу уч станция

трансчегаравий станциялар учун Европада ҳавони ифлословчи моддаларни узоқ масофага қўчишини мониторинги ва баҳолаш бўйича ҳамкорлик дастури (ЕМЕР)да белгиланган асос (1 даражада) талабларга жавоб бермайди. Ҳаво ифлословчилар оқимини баҳолаш учун халқаро келишилган методологияни кўлламаслик Ўзбекистоннинг Тожикистон алюминий заводи эмиссиясининг таъсирини баҳолаш ҳаракатига фойда келтирмаётди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария ва эпидемиология назорати бош бошқармаси орқали корхоналар санитария зоналари, иш жойлари ва уй-жой зоналарида ҳаво сифатини мониторинг қилади.

### **Жадвал 3.2: Аҳолиси энг кўп шаҳарларда интеграллашган ҳаво ифлосланиши индекси, 2000–2007**

Шаҳар	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007
Навоий	7.62	7.09	6.46	5.51	5.76	5.80	5.36	5.61
Нукус	5.06	5.04	..	5.18	5.62	5.07	5.08	5.25
Ангрен	3.63	4.20	4.60	5.13	5.38	5.57	5.17	5.22
Фарғона	5.94	5.84	5.06	4.98	4.70	4.87	4.64	5.09

Манба: Ўзгидромет, 2007; ва Ўзгидромет фаолияти соҳасидаги шаҳарларда ҳаво ифлосланиши ва хавфли моддалар эмиссиясининг 2007 йил шархи, Тошкент, 2008.

#### Ер усти сув мониторинги

Ўзгидромет умуман олганда 2001 йилдан 2008 йилгача дарё, канал ва сув омборларидаги кузатув шоҳобчаларининг жами сонини сақлаб қелди (Жадвал 3.1). Ҳозирда у 61 сув ҳавzasидаги 109 ўлчов мосламада ер усти сув сифатини кўзатиб қелмоқда. Кузатув шоҳобчалар сони тегишли сув мониторинги низомларида кўрсатилган талаблардан кам. Кузатув шоҳобчалари факат катта сув ҳавзаларида жойлашган. Ўзбекистонда сатҳ сувининг диффуз ифлосланиши етарли даражада кузатилмайди.

Жорий тармоқ 50 яқин параметр тўғрисида маълумот бериб муаллақ ва органик моддалар таркибини, асосий ифлослантирувчи ва оғир металлар борлигини чамалайди. 2001 йилдан бери гидробиологик кузатувлар олиб борилаётган сув ўзанлари сони учдан бирга ошди. Бундай кузатувлар Тошкент вилояти билан чекланган. Гидробиология параметрлари билан перифитон, зообентос ва макроусимликлар қамраб олинган.

Сув ҳавзасининг катта-кичиклигига кўра намуналар ё ойма-ой, ёки йилда бир марта ёхуд гидрология циклларида мос равишда олинади. Ўзгидромет тўплаб таҳлил қилган маълумот мониторинг шоҳобчаларида ифлословчилар даражаси барқарор, кўпинча сув сифати стандартлари (РЭКлар) талабларига яқин эканлигини кўрсатади. Салар канали (Тошкент ва Янгийўл шаҳарларидан қуий оқими), Самарқанддаги Сиёб сув коллектор тизими ва Зарафшон дарёсининг Сиёб сув коллектор тизимининг мансабидан қуий оқими Ўзбекистонда энг ифлосланган сув оқимлари ҳисобланади.

Умуман, сув сифати мониторинги Ўзбекистонда асосан мониторинг жиҳозлари эскираётгани ва охирги йилларда маблағ етишмаётганидан келиб чиқсан ҳаво сифати мониторингидагидек камчиликларга дуч келмоқда.

Бошқа муассасалар ички ер усти суви мониторингини олиб борадилар. Масалан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги дренаж сув оқиши ва сув сифатини кузатади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ичимлик суви ва гигиена мақсадларидаги сувнинг микробиология ва кимёвий параметрларини кузатиб боради. 2002 йилдан бери у Зарафшон дарёси ва унинг Бухоро, Навоий ва Жиззах вилоятларида ирмоқларида ўрнатилган муқим ўлчаш жиҳозларида сув сифатини мониторинг қилиб келмоқда.

2007 йил охиридан бошлаб нефть компанияларининг қўшма корхонаси бўлган Орол денгизи оператор компанияси Орол денгизи Ўзбекистон қисмининг шарқи ва гарбида, Тикланиш (Возрождение) яриморолида ва сейсмик фаолият олиб борилаётган жойларда 25 кузатув станцияларида атроф-мухитни кузатмоқда. Мониторинг фаолияти хусусида ТМДҚ билан келишилган.

Гарчи Ўзбекистон кўшнилари билан трансчегара сув сифати мониторинги борасида ҳамкорлик қилмасада, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда ҳамкорлик мавжуд (барафсилоқ 4-бобда).

### Ер ости суви мониторинги

2001 йилдан бери Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси эксплуатация қиласиган ер ости сувини кузатиш жойлари сони бир 40тага камайди (3.1-жадвал). Бу ер ости суви кўпроқ қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун эмас, балки ичимлик суви етказиб беришга қаратилиш зарурати муносабатида кузатув тармоғи оптимизация қилинганлиги билан изоҳланади. Натижада 2009 йилда жами ишлаб турган 28.800 ер ости сув қудуқдан фақат 1.671 ер ости қудуғида кузатув олиб борилди. Жорий тармоқ 120 катта ва кичик шаҳарда ичимлик суви учун ер ости сувини етказиб берадиган қудуқларни қамраб олади. Тармоқ қисқариши билан бир вактда 2000–2009 йиллар мобайнида молиялаш ҳар йили 15–20 фоиз ортиб борди. Бу кузатув тармоғини қайта жиҳозлаш ва қудуқларни чуқурлаштириш имконини берди.

Ер ости сувини кузатиш жойларидан мақсад дастлаб ер ости суви сатҳи (сув олиш имкони)ни ва табиий геокимёни баҳолаш эди. Намуналар бир йилда икки марта олинади. Барча намуналар қисқартирилган деб юритиладиган кимёвий таҳлилдан ўтказилади, бу таҳлил 13-14 параметр, жумладан нитрат, pH ва оғир металларни қамраб олади. Ер ости сувини ичимлик сув учун етказиб бериладиган сув горизонтларидан олинган намуналар ичимлик суви сифатининг стандарти (ГОСТ стандартлари) талаблари бўйича таҳлил қилинади.

Ер ости суви мониторинги маълумоти сув горизонтларига қайтма таъсир манбаларини баҳолаш учун кўлланилади. Мониторинг дастурининг натижалари бутун мамлакатда ер ости сувларининг қишлоқ хўжалигидан нитратлар билан ифлосланиши пасайланлигини ҳамда Зарафшон шаҳри ва унинг теварагида саноатлар ифлосланиши ошганини кўрсатмоқда. Ангрен шаҳридаги нефть омбори ва Фарғона шаҳрида нефтни қайта ишлаш заводида ер ости сувининг ифлосланиши устида тадқиқот олиб борилмоқда. Орол денгизи тубидаги қирқ бешта кузатув пунктида денгиз суви сатҳи пасайишининг минтакада ер ости сув сатҳига кўрсатаётган таъсирини баҳолашга имкон беради.

Кузатув тармоғи орқали Ўзбекистонда ер ости сув сифатига трансчегара таъсирини чамалаш харакати қилинмоқда. Ўн икки кузатув пункти Тожикистон алюминий заводининг таъсирини кузатишга қаратилган. Майлисув ва Сумсар дарёлари яқинидаги бир неча кузатув пункти Қирғизистонда жойлашган радиоактив думлардан ер ости суви ифлосланишини баҳолашга хизмат қиласи.

### *Тупроқ ва ер мониторинги*

Ўзгидромет қишлоқ хўжалик ерларида 10 кимёвий модданинг мониторингини амалга оширади. Шунингдек у тупроқ кислотали ( $\text{pH}$ )ги ва гумусни ўлчайди. Намуналар қишлоқ хўжалик кузатув пунктларида йилига икки марта олинади. Масалан 2007 йилда тупроқдаги пестицидлар концентрацияси 12 вилоят ва Қорақалпогистон Республикасида баҳоланганди. Шаҳарлар атрофида саноат ифлослаган тупроқ 20 заарли моддага нисбатан таҳлил қилинади. Ушбу пунктларда намуналар беш йилда бир марта олинади. Масалан 2007 йилда Нукус, Самарқанд ва Чирчик шаҳарлари атрофидан олинган тупроқ намуналари таҳлил қилинган эди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги вақти вақти билан шаҳарлардаги уй-жой ва дам олиш ерларидан, саноат зоналири, курилиш учун ажратилган ерлар ва қишлоқларда тупроқ намуналарини олади. Нитратлар, оғир металлар ва микроблар билан заарланиш таҳлил қилинади. 2005 йилдан бери Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тожикистон алюминий заводидан чиқаётган ифлосланиш таъсири остидаги Сурхондарё вилоятида тупроқда эрувчан фторидларни мониторинг қилиб келмоқда.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (ЕРДК) Вазирлар Маҳкамаси 2000 йил Ер мониторинги тўғрисидаги қарорига биноан ер мониторингини олиб боради. Тупроқшунослик ва агрокимё тадқиқот институти 2000 йилда Ўзбекистонда ер мониторинги учун методик қўлланма ишлаб чиқди. У бутун мамлакат бўйлаб танлаб олинган (устун) ер участкаларида тупроқнинг барча параметрларини тавсифлашга қаратилган қамровли давлат дастурини бажармоқда.

2009 йил бошларига келиб тадқиқот саккиз вилоятда якунланган эди. Тугатилиши 2013 йилда белгиланган дастур фермерларнинг ерлари учун тўлов микдорини белгилаш асосини яратиб бериши кутилмоқда. 2008 йилда ЕРДҚ Ўзбекистоннинг тупроқ харитасини 1:750 000 микёсда эълон қилди. У Ўзбекистонда ер ресурслари ҳолати, жумладан тупроқнинг микдор ва сифат ҳолатини ёритадиган йиллик миллий ҳисботини эълон қилади. Бироқ, ҳисботга тупроқ эрозияси киритилмайди. ЕРДҚ 2009 йилда вилоятлар бўйлаб ер ресурслари атласини эълон қилишни режалаштирумокда.

### *Биохилма-хиллик, жумладан ўрмонлар мониторинги*

Ўзбекистонда охириги марта ўрмонларни давлат рўйхатига олиш (инвентаризацияси) 1988 йилда амалга оширилган эди. Ўшандан бери инвентаризация ўтказилмаган эди, вахоланки, конун хужжатларига биноан, рўйхатга олиш ҳар беш йилда бир марта ўтказилиши керак. Ўзбекистонда ўрмон ёнгинлари мониторинги ўтказилмайди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ўрмон хўжалиги департаментига бўйсунадиган ўрмончилик хўжаликлари (100га яқин) ўрмонларининг мавсумий баҳолашини ўтказадилар. Натижалар статистика шаклида Давлат статистика қўмитаси, ҳам ўрмончилик департаментига тақдим этилади. Ўзбекистонда бошқа ўсимликлар рўйхати ҳеч қачон тайёрланмаган. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ихтисослашган ўрмончилик хўжаликларда етиштириладиган доривор ўсимликларнинг 35 тури тўғрисида маълумот йигади, аммо эълон қилмайди.

2000 йилда ўрмончилик департаменти ўрмонлар тўла рўйхати (кадастрини тайёрлаш учун методология кўлланмасини ишлаб чиқди. 2005 йилда Вазирлар Махкамаси Давлат кадастрлар тайёрлаш тартиби тўғрисида низом қабул қилди. Ўрмонлар майдони, таркиби, дараҳтлар ёши, ҳолати ва захираси, ўрмончилик хўжаликлари, туманлар, вилоятлар ва бутун мамлакатда ёғоч ва ёғоч бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарилиши киритилган ўрмон кадастридан мақсад мамлакат ўрмонларининг пул микдоридаги қийматини ҳосил қилишдир. Ўрмончилик департаментига ушбу вазифани бажариш учун қўшимча ходимлар берилмагани туфайли тўпланган маълумот маҳсус маълумот тоифаларда талабнинг 35дан 65 фоизигича жавоб беради. Маълумот на эълон қилинган, на ишлатилади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги беш давлат овчилик хўжалиги Фанлар академияси ва Тошкент давлат университети мутахассислари иштирокида 14 тур сут эмизувчи ва 7 тур қўшлар популациясини қамраб олган рўйхатни туздилар, уларни овлаш учун ТМДҚ квоталар белгилайди. Маълумот статистика шаклига биноан Статистика давлат қўмитасига тақдим этилади. Рўйхатнинг айrim турларга тегишли натижалари вақти вақти билан ТМДҚнинг Атроф-муҳит хабарномасида эълон қилинади. Гарчи давлат ов хужаликлари қонунга биноан ерларида ҳозир бўлган хавф остидаги турлар популацияси тўғрисида ҳисбот беришлари шарт бўлса-да, улар бу вазифани бажармайдилар.

Мухофазадаги табиий ерлар, хусусан олти тоғли қўриқхонаси ва уч чўл-тўқай қўриқхонаси, икки тоғли миллий парки, тўққиз заказниклар ва Бухородаги ихтисослашган жайронларни табиий қўпайтириш худуди (питомник - Жайрон экологик маркази) тегишли маъмуриятлар томонидан бошқарилади. Маъмуриятлар территорияларида учрайдиган ҳайвонот турлари тўғрисида маълумот тўплаб уни йиллик ҳисбот шаклида юқори ташкилотлар - Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ёки ТМДҚга тақдим этадилар. Ушбу ҳисботлар Ўзбекистонда биохилма-хилликни муҳофаза қилиш соҳасида сиёsatни ишлаб чиқиш учун қўлланилмайди, шунингдек улар жамоатчилик учун ҳам очиқ эмас.

2006 йилда ТМДҚ ва Фанлар академиясининг Биология ва зоология институти биргаликда мамлакат Қизил китобининг иккинчи нашрини эълон қилдилар, унда хавф остидаги турлар, жумладан 23 тур сут эмизувчи, 48 тур қўш, 16 тур судралувчи, 17 тур балиқ, 3 аннелид (халқали чувалчанг), 14 моллюск ва 61 бўғимоёқлилар турлари кўрасатилган.

2000 йил Ўзбекистон наботот давлат кадастри низоми ва Ўзбекистон ҳайвонот давлат кадастри низоми (Вазирлар Махкамаси қарори)га кўра, ТМДҚ кўриб чиқилаётган икки кадастри тайёрлаш ва янгилаш учун масъул давлат органи сифатида белгиланган эди. Мақсад мамлакатдаги ёввойи турларнинг таксономик мақоми, популяцияси, учрайдиган ерлари, ареали ҳолати ва пул микдордаги қиймати тўғрисида мунтазам равишда маълумот тўплаш тизимини йўлга қўйиш эди. Куйидаги органлар маълумот киритилишини таъминлаш учун қўйидагича масъул эдилар:

- Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги – озиқ-овқат учун фойдаланиладиган доривор ва безак (манзарали) ўсимликлар, ов ва тижорат ҳайвонот турлари ва қишлоқ хўжалиги ва ўрмонлардаги ҳайвонот зааркунандалари учун;
- ТМДҚ – техник ҳосил сифатида фойдаланиладиган манзарали ўсимликлар учун;
- Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси – яйлов ва тоф ўтлоқларидағи ўсимликлан учун;
- Табиий кўриқхоналар ва миллий боғлар ҳудудида учрайдиган ҳайвонот турлари учун;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги – хавфли инфекция ташувчи ҳайвонлар учун;
- Фанлар академияси – камёб ва хавф остидаги ҳайвонот ва ўсимлик турлари ва юкорида кўрсатилмаган бошқа ҳайвонлар учун.



*АМХШ сафари давомида ННТлар билан маслаҳат, Тошкент, 2009*

Балиқнинг саноат турлари тўғрисидаги маълумотни тугатилган Ўзбалиқ давлат корпорацияси тўплар эди. ТМДҚ икки кадастр учун маълумот тақдим этиши шаклини барпо этиб ахборот базасини тўла ишга тушириши керак эди. 2005 йил 1 апрель куни Вазирлар Маҳкамаси Мухофаза этиладиган табиий ҳудудлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни қабул қилиб ушбу кадастр учун масъулиятни ТМДҚ заммасига юклади.

ТМДҚ ва бошқа тегишли вазирлик ва идораларга ушбу мақсад учун бюджет ажратилмаганлиги учун биринчи беш йил давомида юкорида тилга олинган кадастрларни тайёрлаш йўлида деярли ҳеч қандай фаолият амалга оширилмади. 2006 йилда ТМДҚ ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш давлат назорати таркибида мониторинг ва кадастрлар бўлимини ташкил қилди. Унинг фаолияти натижаси ўлароқ Жиззах ва Навоий вилоятлари ўсимлик дунёси гурухлари хариталари, Қорақалпоғистон Республикасида икки ҳудуд ёввойи ҳаёт рўйхати, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳайвонот ҳаёти тўғрисида икки хисобот ва бошқалар тузилди. Ҳозирги пайтда у кадастр шаклида Ўзбекистон лишайниклари тўғрисида хисобот тайёрламоқда. Мониторинг ва кадастрлар бўлими юридик шахс сифатида фаолият юрита олмайди, ва оқибатда бу бўлим ходимлари томонидан дала тадқиқотларини олиб боришга халақит қиласиди ва тадқиқот институтларни субпудратчи қилиб жалб этишга йўл қўймайди.

Мухофазаланган табиий ерлар кадастрини тузишда ҳеч қандай ижобий ҳаракат қилинмади.

## *Ифлосланиши мониторинги*

ТМДК ўзининг Тахлилий назорат бўйича ихтисослашган давлат инспекцияси (ТНИДИ) орқали саноат ва транспорт корхоналарининг эмиссия ва чиқаришларини кузатиб боради ва мониторинг маълумотининг рухсатномаларида белгиланган эмиссия ва чиқариш даражасига мослигини текширади. Мамлакатдаги бир 2.000 катта ва ўрта корхонадан 1990 йиллар охирида ТНИДИ мунтазам ТНИДИ мониторинги ўтказилиши керак бўлган бир 350 (асосан энергетика, кимё ва қазиб олиш саноати) корхонасидан иборат рўйхат тузади. Ушбу корхоналарнинг 141сида ҳаво ифлословчи эмиссия ҳар ой мониторинг қилинади; 116 корхонада (улардан 75си оқава сувни қайта ишлаш корхоналари) сув ҳавзаларга оқизиш (оқава сувни қайта ишлаш корхоналари учун) ёки шаҳар оқава сув йиғиш тизимида (бошқа корхоналар учун) ҳар чоракда мониторинг ўтказилади; ва тупроқ ифлосланиши 92 жойда (токсик кимёвий моддалар кўмиладиган ерлар, илгари қилоқ хўжалик аэродромлар бўлган ерлар, дум ташландилари, саноат зоналари ва нефть тозалаш ва нефть омборлари тевараги) йилда икки марта мониторинг қилинади. Ушбу корхоналарнинг кўпида ўз тахлил лабораториялари йўқ.

ТНИДИ мониторинг маълумоти муайян корхоналарнинг эмиссияси мунтазам равишда ҳаво эмиссияси лимитлардан ошиб кетишини кўрсатади: СО учун 6 баробар, NO учун – 5дан 8 баробаргача, SO<sub>2</sub> учун - 4дан 24 баробаргача ва ЖМЗ учун - 10дан 24 баробаргача. Оқава сувни қайта ишлаш корхоналарининг кўпи самарасизdir, ҳолбуки улар қайта ишлаб сув ҳавзаларига оқизадиган сувда аммоний, нитритлар, органик моддалар, мис, хром ва нефть маҳсулотлари бўйича РЭКдан сезиларли даражада ортиқ. Гарчи эски пестицид ташлаш ерларида ва илгари қишлоқ хўжалик аэродромлари бўлган майдонларда тупроқ ифлослиги камайиб бораётган бўлса ҳам, у ҳанузгача хлорорганик пестициidlар жиҳатидан РЭКдан сезиларли даражада юқорилигича қолмоқда. Ўзбекистонда нитратлар билан ифлосланган қишлоқ хўжалик ерлари майдони ошиб бормоқда.

Баъзи саноат корхоналарида тупроқдаги мис миқдори РЭКдан 8-9 баробар ортиқлиги мунтазам равишда қайд этилиб келди. Нефть тозалаш заводлари ва нефть омборлари атрофида тупроқнинг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши кўп вилоятлarda ташвиш түғдирмокда. Ифлосланиш мониторинги ушбу корхоналарда атроф-мухит текшируви бажарилиши билан боғланмаган. Ушбу текширувлар ҳар бир корхонада икки йилда бир марта билан чекланиб, корхоналарда ўтказиладиган барча турдаги текширувлар учун масъул Назорат килювчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгashi томонидан тасдиқланиши керак (2-боб). Кўшимча 3 соатгача давом этиши мумкин бўлган атроф-мухит текширувлари корхоналарда фуқаролар шикоят қилган бўлсалар ёки авариядан кейин ўтказилиши мумкин. Ушбу контексда, ТНИДИ ифлосланиш мониторинги корхоналар текширувлари орасида юзага келтирадиган аслидаги ифлосланиш даражаси тўғрисида муҳим маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади. Ушбу натижаларни вилоят атроф-мухит текширувлари алоҳида корхоналар тўлайдиган ифлосланиш бадалини мувофиқлаштириш учун кўллайдилар. Бундай мувофиқлаштириш ҳар чоракда тасдиқланади. Ҳар ойда вилоят ТНИДИлари эмиссияга тегишли мониторинг маълумотларини марказий ТНИДИга тақдим этадилар; ҳар чоракда улар тушунтириш ахборотини тақдим этадилар; йиллик асосда улар эмиссия, чиқариш ва тупроқ ифлосланиши учун белгиланган лимитлардан ошиб кетиш ҳоллари тўғрисида хисобот берадилар.

## *Тахлилий лабораториялар*

ТНИДИнинг 1 марказий ва 28 худудий тахлил лабораторияси бор. Ушбу лабораториялардан бештаси сув ва тупроқда пестициidlар миқдорини баҳолашда ихтисослашган. Марказий ва тўрт худудий лаборатория тегишли халқаро стандартлар (Халқаро стардатизация ташкилоти (ISO)/Халқаро электротехника комиссияси (IEC)нинг кўшма Тест ва калибрвка лабораториялари учун умумий талаблар 17025:2005-сон публикациясидаги тавсия этилган стандартлар) асосида аккредитация қилинган ва иккитасининг аккредитацияси 2009 йилда кутилмоқда. ТНИДИ эмиссия ва чиқаришда ифлословчи моддаларни аниқлаш усулларини ишлаб чиқади. У Ўзгидромет, Соғликни сақлаш вазирлиги ва Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тахлилий лабораториялари билан биргаликда ўзаро калибрвка машгулотларини ўтказади. У корхоналар тахлил лабораториялари ўлчовларининг сифатини текширади ва ушбу лабораторияларни сертификатлади. Айни пайтда, ТНИДИ тўлов эвазига хусусий корхоналарга мониторинг хизматини кўрсатади. Баъзи ҳолларда бу манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин.

Ўзгидромет ҳаво сифатини таҳлил қилувчи 17 лаборатория, сув сифатини таҳлил қилувчи 2 лаборатория ва тупроқ сифатини таҳлил қилувчи 1 лабораторияни эксплуатация қиласи. Ушбу лабораториялардан биттаси ҳам ISO 17025:2007га мувофиқ аккредитация қилинмаган. Шундай бўлса ҳам, ўлчов мосламалари сертификатланган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги эксплуатация қилаётган санитария ва гигиена лабораториялари сони 2001 йилдаги 138дан 2009 йилдаги 175гача ошди, ва ISO 17025:2007 бўйича аккредитация қилинган лабораториялар сони 23 дан 45гача ошди. Ушбу лабораториялардан кўпи таъмирланди ва қайта жихозланди. Бу 2001 йилдан бери ҳаво намуналарида таҳлил қилинадиган параметрлар сонини 28дан 32гача, сув намуналарида – 21дан 26гача ва тупроқ намуналарида 12дан 24гача олиб чиқиш имкониятини берди. Тошкентдаги марказий лабораторияда сув ва озиқ-овқат маҳсулотларида оғир металларни аниқлаш янги таҳлил усули киритилди. Ислом тараққиёт банки Ўзбекистонда 2010 йилдан бошлаб молиялаши келишилган лойиҳада ифлосланиш ва озиқ-овқатни мониторинг қилишни такомиллаштириш учун барча санитария ва гигиена лабораторияларни кўшимча замонавий жиҳозлар билан таъминлаш назарда тутилган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг икки юз ўн бактериология лабораторияси (улардан 43таси ISO 17025:2007 бўйича аккредитациядан ўтган) ичимлик суви ва гигиена сувининг сифатини, шунингдек тупроқ ва озиқ-овқат сифатини таҳлил қилиб келмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 23 радиология лабораториясидан барчаси 1.740 қуримга ва муассаларда ионловчи радиация таъсири ўлчаш учун аккредитациядан ўтди. 2001 йилда ҳам бактериология, ҳам радиология лабораториялари у ёки бу миқёсда таъмирланди.

Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси бир марказий ва уч худудий лабораторияга эга. Улардан ҳеч қайсиси ISO 17025:2007 аккредитациясини олмаган. Шундай бўлса-да, ўлчов асбоблари сертификатланган.

Ўзбекистондаги таҳлил лабораторияларининг умумий холати ўзгаришлари 3.1.-жадвалда келтирилган.

#### *Атроф-муҳит сифати стандартлари*

Гарчи Ўзбекистонда аксарият сабиқ СССР атроф-муҳит стандартлари (МАС)лар қўлланиб келинса-да, улар расман миллий стандартлар сифатида қайта тасдиқланди ёки бир мунча қайта кўриб чиқилиб янгидан эълон қилинди. Стандартлар тизими қамровли ва ҳаддан ташқари кўп мақсадга йўналтирилганлигича қолмоқда. У қўйидагиларни қамраб олади:

- Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2005, 2006 ва 2008 йилларда тасдиқлаган атроф ҳаво учун 478 РЭК, шунингдек яқинда ТМДҚ тасдиқлаган ўсимликларнинг ҳаво ифлосланиши таъсирида бўлишига доир 3 РЭК;
- Балиқчилик учун аҳамиятли сув ҳавзаларидаги сув сифатига доир, сабиқ СССР Балиқчилик вазирлиги 1990 йилда тасдиқлаган 952 РЭК (уларда 912 кимёвий модда ва 40 заҳарловчи гербицид ва пестицид қамраб олинган) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2000 йилда тасдиқлаган ичимлик сувига доир 46 РЭК (38 кимёвий модда, 6 бактериология ва 2 радиология параметри);
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2005 йилда тасдиқлаган тупроқ сифатига доир 111 РЭК.

Ўзбекистонда РЭК кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқишида идоралараро маслаҳат мувофиқлаштирувчи орган мавжуд эмас. Натижада номинал РЭКва уларни аслида ижро этилиши (мувофиқлик) орасида фарқ бор.

Назорат қилинадиган ифлословчиларнинг сони ҳаддан ташқари катта эканлиги давлат органлари зиммасига бажариб бўлмайдиган мониторинг ва мувофиқликни таъминлаш талабларни юклайди. Бир қатор Ўзбекистон старндрартлари аниқлаш ва ҳисоблаш бўсағасидан паст бўлгани туфайли улар бажариляптими, йўқми аниқлашнинг имкони йўқ. Бундан ташқари, бюджет чекланганлиги туфайли мониторинг стандартларига биноан ўлчаниши керак бўлган кўп параметрлар устидан кундалик мониторинг бажарилмайди. Масалан, ТНИДИ факат 4дан 40тагача ҳаво параметрини, 5дан 20тагача сув параметри ва 26 тупроқ параметрини ўлчайди.

Бошқа томондан, баъзи моддалар (масалан, эвтрофикация (сув ҳавзасининг ўсимлик босиши)га сабаб бўладиган фосфор ва сувдаги канцероген моддалар) назорат қилинмайди. Тикланиш ёки сув экотизимларини саклаш мақсадларида сув сифати параметрлари белгиланган эмас.

Мавжуд атроф-мухит сифати стандартлари барча манфаатдор тарафлар учун фойдали бўлиши мақсадида ўзгартирилиши ва ривожлантирилиши зарур. Атроф-мухит стандартларининг қайта кўриб чиқилган тизимида ҳам халқаро кўрсатмалар, ҳам атроф-мухитнинг ўзига хосликни инобатга олган ҳолда дикқат-эътибор хавфли моддаларга қаратилиши керак.

### **3.3 Ахборотни бошқариш ва ҳисбот**

#### *Aхборот тизими ва ифлосланиши тўғрисида маълумот*

ТНИДИ ифлосланиш мониторингидан олинган маълумот базасини олиб боради. Маълумот базаси яхши тузилган бўлиб ундан ифлосланиш параметрлари бўйича ва алоҳида корхоналар бўйича маълумот бериши мумкин. Икки йилда бир марта ТНИДИ Ўзбекистон Республикасида ифловлаш манбалари ҳолати ва уларнинг атроф-мухитга таъсири ахборотномасини эълон қиласди. Ахборотноманинг янгилик жихати шундан иборатки унда алоҳида корхоналар бўйича ифлосланиш даражасидан ошиб кетганлик эълон қилинади ва улар белгиланган лимит қийматлари (ҳаво ифлосланиши учун) ва тегишли РЭКлар лар билан (сув ва тупроқ ифлосланиши учун) таққосланади. Ушбу “номини айтиш ва қоралаш” тизими Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа Иқтисодий Комиссияси (БМТЕИК) шархларнинг иккинчи даврасида кўриб чиқкан мамлакатлар орасида ягонадир. Охирги Ахборотнома 2007 йилда адади 400 нусха билан нашр этилди. Бироқ, Ахборотнома ва ифлосланиш мониторинги маълумотни Интернетга чиқарилмади.

Ўзгидромет 1996 йилдан бери ҳаво, ер усти сув ва тупроқ сифати электрон маълумотлар базасини олиб боради. Куйидагилар эълон қилинади:

- Кундалик атроф-мухит хабарлари;
- Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Чирчик ва Тошкент шаҳарларидағи ҳаво ифлосланиши ва мамлакатдаги атроф-мухитнинг юқори ва ўта юқори ифлосланиш тўғрисида ойлик қайдлар;
- Асосий сув оқимларида гидрокимёвий кўрсаткичлар бўйича сув сифати ойлик хабарномалари;
- Тошкент вилоятининг асосий сув оқимларида экологик шароит ва ушбу сув оқимларида гидробиология кўрсаткичларга биноан сув сифати тўғрисида йилда тўққизта хабарнома;
- Ер усти сув сифати ва тупроқ ифлосланиши йиллиги;
- Катта ва кичик шаҳарларда ҳаво сифати ва ифлословчи эмиссиялар йиллик шархи.

Ушбу нашрлар мамлакатнинг бир 50та давлат муассасаси орасида тарқатилади. Жамоатчилик уларни осонликча ола олмайди. Ўзгидромет ўз веб-сайти ([www.meteo.uz](http://www.meteo.uz))да жойлаштирадига мониторинг ахбороти Тошкентдаги ҳаво ифлосланишининг кундалик ҳолати ва қисқа муддатли прогноз билан чекланади.

Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ер ости суви сатҳи ва сифати борасида ер ости суви маълумот базасини юргизади. У ер ости суви ва сувдан фойдаланиш тўғрисида йиллик ахборот хабарномасини нашр этади. Соғлиқни саклаш вазирлиги гигиена, экология ва инсон саломатлиги тўғрисида ойлик ахборот хабарномасини нашр этади. Ушбу хабарномалар давлат органлари доирасида чекланган сонда тарқатилади. Жамоатчилик улардан фойдаланиши осон эмас; шунингдек уларни онлайн ҳам кўриб бўлмайди.

Ўзбекистонда интеграллашган ёки ўзаро уланган электрон атроф-мухит маълумот базаси мавжуд эмас.

#### *Атроф-мухит статистикаси*

Статистика давлат қўмитаси 20-30 йил мукаддам киритилган статистика шакллари асосида деярли ҳеч қандай ўзгартириш киритмай, атроф-мухитга тегишли статистика маълумотларини тўплашда давом этмоқда. Куйидагилар маълумот билан қамраб олинади: ҳаво эмиссияси ва у билан ишлаш; ўрмон

худудлари, ўрмонларни тиклаш ва озиқ-овқат бўлмаган маҳсулотни йиғиб олиш; балиқчилик хўжаликларида балиқ олиш ва кўпайтириш; ер ўзлаштириш; муҳофаза қилинган табиий ерлар; атроф-муҳит муҳофазасининг жорий таннархи; ва атроф-муҳитни ифлослаш бадаллари. Транспорт эмиссияси, иссиқхона гази эмиссияси, озонни емирадиган моддалар сарфи, оқава сув чиқариш ва хосил қилиш, ва саноатнинг хавфли бўлмаган чиқиндисини қайта ишлаш ва чиқариб ташлаш каби муҳим атроф-муҳит масалалари статистик маълумот йиғиши билан қамраб олинмайди. 2006 йилда кичик (ишловчилар сони 100 ходимгача) корхоналарнинг ҳаво эмиссиялари, оқава сув чиқариши ва чиқинди хосил қилиши тўгрисидаги статистика ҳисоботлари йўналтирилгани биринчи АҲШ ўтказилганидан кейинги ягона силжиш бўлди.

Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистондан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда атроф-муҳитга тегишли даврий статистик тўпламлар эълон қилинмайди. Атроф-муҳитга тегишли чекланган миқдордаги маълумот фақат пуллик нашр сифатида тарқатиладиган миллӣ «Статистика йиллиги»да эълон қилинади. Статистика давлат қўмитаси атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир фақат танланган давлат органлари фойдаланиши учун йиллик хабарнома чиқаради. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш Даствури (БМТТД)нинг молиявий ёрдами орқали 2006 йилда Статистика давлат қўмитаси Статистика давлат қўмитаси бир маротабали Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш: факт ва ракамлар, 2000–2004 йиллар нашрини эълон қилди. Статистика давлат қўмитаси тўплаган аксарият атроф-муҳитга тегишли маълумот Ўзбекистон жамоатчилиги учун очиқ эмас. Маълумот талабга асосан ва фақат ҳақ тўланashi эвазига берилади. Статистика давлат қўмитаси атроф-муҳитга тегишли статистик маълумотни ўзининг веб-сайтида жойлаштирмайди.

#### *Атроф-муҳит ҳолати тўгрисидаги маълумот*

ТМДҚ 1.000 нусхада атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисида миллӣ ҳисоботни ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр қиласди. Бундай ҳисоботларнинг охиргиси 2005 йилда эълон қилинган бўлиб 2002–2004 йиллар даврини қамраб олади. Ҳисоботнинг қисмлари билан ТМДҚ веб-сайтида танишиш мумкин. Ҳисобот асосан баён бўлиб (Белград, 2007 йил) Европа учун атроф-муҳит вазирлар олтинчи конференциясида тасдиқланган БМТЕИКнинг Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиёда атроф-муҳитни баҳолаш ҳисоботларини тайёрлаш йўриқномасига риоя қилмайди. У турли вазирлик ва идоралар тақдим қилган ахборотнинг йиғиндиси бўлиб қолмоқда. Атроф-муҳит соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқишида ҳисобот натижаларидан чекланган миқёсда фойдаланади.

2008 йилда ТМДҚ Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида (1988–2007) миллӣ ҳисобот ни эълон қилди. Унга 2007 йил атроф-муҳит маълумоти киритилган, ҳам у ахботорга бой, бироқ, у индикаторларга асосланмаган ва ўқиши осон ҳисобот эмас. Ҳисоботнинг бир минг нусхаси бутун мамлакат бўйлаб тарқатилди. 2008 йилда ТМДҚ Ўзбекистоннинг 2008 йил экологик шарҳи, индикаторларга асосланган, ва Ўзбекистоннинг экологик атласини эълон қилди. Ҳар иккала нашр БМТРД лойиҳаларининг натижаси бўлиб БМТЕИК томонидан Европа атроф-муҳит агентлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган индикаторларни тарғиб қилди. Халқаро келишилган атроф-муҳит индикаторларининг Ўзбекистонда барқарор равишда қўлланилиши шубҳа туғдиради, чунки ТМДҚ келажакда индикаторларга асосланган баҳолашни жорий этиш учун бирон бир чора кўрганлигидан далолат йўқ.

Ҳар икки йилда бир марта ТНИДИ Атроф-муҳит мониторинги: атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботини эълон қиласди. Унда ихтисослашган мониторинг тармоқлари учун масъул олти давлат муассасали тўплаган мамлакатдаги ҳаво, сув ва тупроқ мониторинги натижалари тақдим этилади. Унда ифлосланиш тенденциялари ва асосий таҳдидлар аниқланади. Энг сунгги ҳисобот 2007 йилда эълон қилиниб 1.000 нусхада тарқатилди.

### 3.4 Жамоатчилик иштироки

#### *Нодавлат ташкилотлари*

Ўзбекистон қонун хужжатларида нодавлат ташкилот (ННТ)лари Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий органларида рўйхатдан ўтиши керак, деб белгиланган. Рўйхатга олиш тартиб-қоидаси нибатан оддий бўлса-да, фаолиятни тартибга соловчи низомлар анча мураккабдир. масалан, ННТлар ўз фаолиятлари тўғрисида мунтазам равишда Статистика давлат кўмитаси ва Солиқ назоратига хисобот бериб туришлари шарт. ННТ йигилиш ўтказиши режаласа, у Адлия вазирликни йигилиш тури ва молиялаш манбаи ҳақида хабардор қилиши керак. Вазирлик маблағ сарфлаш сметасини тасдиқлади; тасдиқлаш тартиб-қоидаси бир ойдан олти ойгача вақт олиши мумкин. Агар ННТнинг ҳисобида олти ой давомида пул маблағлар ҳаракати бўлмаса, Адлия вазирлиги уни тугатиши мумкин.

Адлия вазирлигининг маълумот базасига кўра 2009 йилда Ўзбекистонда 7 162 ННТ мавжуд эди. Ушбу ННТдан 200 нафари атроф-мухит муҳофазасини асосий фаолият тури, деб эълон қилган эди. Амалда фақат 45 атроф-мухит ННТ фаолият кўрсатмоқда деб ҳисобланади. Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида учтагина фаол ННТ бор, бу давлат томонидан тартибга солиш кучли эканидан бўлиши мумкин.

2004 йилда хукумат Грантлардан фойдаланишни йўналтириш тўғрисида қарор қабул қилди, бунда грантларни фақат икки миллий банк орқали ишлатиш мумкин қилиб белгиланди. Грантлардан фойдаланишни назорат қилиш ва тасдиқлаш учун ҳайъат тузилди. Ўша йили Ўзбекистонда Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик кодекси талаблари оширилиб, грантлардан фойдаланиш қийинлашди. Ушбу чоралар нима сабабдан қабул кўрилган бўлса ҳам, улар ННТнинг фаолиятини анча мураккаблаштириди. Вазиятни юмшатиш мақсадида Ўзбекистонда 2007 йилда Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонунни қабул қилинди. Қонунда муайян шартлар билан ННТ давлат грантларини ажратиш ва субсидия бериш имконияти назарда тутилган. Қонун амалда қўлланилаётганлиги тўғрисида хеч далолат йўқ.

“Ҳаёт учун таълим”, “Экологик тоза Фарғона учун”, “Экомактаб” ва “Логос” каби ННТлар синфдан ташқари экологик таълимда сезиларли роль ўйнамоқдалар. 2004 йилда бир 40 атроф-мухит ННТлар “Европа Экофоруми”, ННТлар уюшмасини барпо этишди.

ТМДК Табиатни муҳофаза қилиш миллий фондидан фойдаланиб атроф-мухит ННТларга молиявий ёрдам кўрсатади. Грантлар тендер орқали берилади. 2004 йилдан 2009 йилгача ННТларга ажратилган грантлар йиллик миқдори 300 мартадан кўпроқ ортиб 250.000 сўмдан 77.000.000 сўмга бориб етди. Бироқ грантлар мамлакат ННТнинг бир нечаси, хусусан, Экология ва саломатлик халқаро фонди (Экосан), “Логос”, “Жонли табиат” ва “Экомактаб”га ажратиб берилган кўринади. Шу пайтгача бундай грантлар экологик таълим мақсадларида ажратилиб келди. Масалан, 2009 йилда ТМДК “Экомактаб”га Ўзбекистонда барқарор ривожланиш мақсадида таълимни тарғиб қилиш концепциясини ишлаб чиқиш ва масаланинг ҳақиқий аҳволи тўғрисида шарҳ тайёрлаш учун грант ажратди.

ННТлар билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ТМДК “Европа экофоруми” билан ўзаро тушуниш меморандумини имзолашни режалаштироқда. Кўмита ўз ҳудудий бўлимлари учун ННТлар билан ҳамкорлик тартиби ва соҳалари хусусида тавсиялар тайёрлади. ТМДК яқин келажакда ТМДК раҳбари раислигида ва ТМДК катта мансабдор шахслари, илмий ходим ва ННТ вакилларидан таркиб топган (маслаҳат) жамоат кенгашини барпо этишни кўриб чиқмоқда. Шундай мўлжалланаётган таркиб билан кенгашнинг фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик механизми сифатида самарадорлиги шубҳа туғдиради.

#### *Ахборот олии имконияти*

Ўзбекистонда жамоатчилик хабардорлиги ошириш мақсадида ТМДК атроф-мухит борасида ахборотни фаол тарқатиб келди. 2002 йилда у кейинги йилда веб-порталга айлантирилган веб-сайтни юзага келтириди. ТМДК ўзбек ва рус тилларида, жами адади 4.000 нусха бўлган ва болалар учун иловаси бор «Экология хабарномаси» ойлигини чиқарадиган “Чинор” нашриётини ташкил қилди. Шунингдек

“Чинор” айрим мавзуларда кўп Ўзбекистоннинг муҳофаза қилишган худудлари, табиий қўриқхона ва миллий боғлар, уч жилдли “Оммабоп экологик энциклопедия” ва турли китобча, брошюра ва плакатлар каби нашрларни чиқаради. Маблағ давлат бюджети ва Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғармаси орқали таъминланади. Нашрлар режасини ТМДҚнинг илмий-техника кенгаши тасдиқлайди. ТМДҚ миллий телевидение ва радиостанцияларда экологик дастурларни молиялайди ва ўқиш, мусобақа ва матбуот конференциялар ташкил қиласди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига биноан, ТМДҚ, жумладан ТМДҚ веб-портали ([www.uznature.uz](http://www.uznature.uz))ни бошқарадиган ва ТМДҚнинг ҳудудий органлари веб-сайтлари тузишини мувофиқлаштирадиган ахборот хизматини ташкил этди. Веб-портал ҳар ҳафта янгиланади ва 2009 йил баҳорида унга ойда 1.200 марта мурожаат этилган.

Шу муносабат билан жамоатчилик, айниқса қишлоқ ерладаги аҳоли учун коммуникация воситалари ёрдамида атроф-муҳит тўғрисидаги ахборот олиш имкониятлари Ўзбекистонда анча чекланганлигини айтиб ўтиш жоиз (Жадвал 3.3).

### **Жадвал 3.3: 100 киши аҳолига телекоммуникациялар ривожи, 2001–2006**

	<b>2001</b>	<b>2002</b>	<b>2003</b>	<b>2004</b>	<b>2005</b>	<b>2006</b>
Интернет фойдаланувчилари	0.60	1.09	1.92	2.55	3.31	4.08
Шахсий компьютерлар	..	..	1.59	2.18	2.82	3.08
Телефонлар	6.66	6.65	6.70	6.61	6.74	..

Манба: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика бўлими (United Nations Statistics Division) 2009.

ННТлари Ўзбекистонда ОАВлари кескин экологик муаммоларни муҳокама этишдан бош тортади, дейдилар ва жамоатчилик ахборот олишига, жумладан, қуидаги тўсиқлар мавжуд, деб кўрсатадилар: (а) Ўзгидромет, Статистика давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси атроф-муҳит борасидаги ахборотни талаб даражасида тарқатмайдилар ва (б) кўпроқ техник мутахассислар ва илмий ходимлар эмас, омма учун мўжалланган экологик даврий нашрнинг йўқлиги. Натижада, ННТлар фикрига кўра, Ўзбекистонда жамоатчилик шаҳарлар ҳавоси, ичимлик суви, ер ости суви, тупроқ ва озиқ-овқатнинг заарлариши, айниқса пестицидлар билан заарланиши каби атроф-муҳитга тегишли ташвиш туғдирадиган масалалар ҳақида етарли ахборотга эга эмас.

#### *Атроф-муҳит масалаларида қарор қабул қилиши*

Қонун хужжатларида ҳуқуқий актлар лойиҳаси, меъерий актлар ёки дастурларни ишлаб чиқиша жамоатчиликнинг катнашиши белгиланмаган. 2006 йилдан бери қонун лойиҳалари “Миллий хабарнома” да эълон қилинмайди. Шундай бўлса-да, ТМДҚ ихтисослашган ННТлар вакилларини коллегия йиғилишларига таклиф этиб бундай хужжатларни муҳокама этишга жамоатчилик вакилларини жалб қиласди. Гарчи ТМДҚ ННТларни чиқиндиларни қайта ишлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасига фикр-мулоҳазалар билдиришга таклиф этган бўлса-да, билдирилган фикр ва мулоҳазалар инобатга олинганд-олинганмаганини тўғрисида қайтма ахборот бермади. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистонда 2008–2009 йилларда ўрмонларни муҳофаза қилиш концепцияси лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасини ташкил қилди.

2000 йилдаги Давлат экологик экспертиза (ДЭЭ) тўғрисидаги қонунга ва Вазирлар Маҳкамасининг Давлат экология экспертизаси тўғрисидаги низом тўғрисидаги 2001 йил қарорига кўра, жамоатчилик экологик экспертизаси (ЖЭЭ) деб аталадиган чорани кўрсагина таклиф қилинаётган фаолият, режа ёки дастурнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш хужжатларини олиш имкониятига эга. ЖЭЭ натижалари атроф-муҳитга зарарли таъсири мумкин бўлган лойиҳа, режа ёки дастурни мақулайдиган ДЭЭга нисбатан маслаҳат мақомига эга. Амалда Ўзбекистонда бир нечагина ЖЭЭ ўтказилган. ДЭЭ ўтказилганда қўпинча таклиф этилаётган хўжалик фаолияти уйларининг бузилишига олиб келганда, умумий овқатлариш корхоналарни жойлаштирганда ёки қишлоқ хўжалиги ерларини бегоналаштирганда

фуқаролар фикри олидани. ДЭЭда лойиҳалаштирувчидан ушбу мақсадда жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш ва натижаларни фуқаролар имзолари билан ДЭЭга тақдим этиш талаб қилинади. Гражланлар ДЭЭ чиқарган қарор устидан судга шикоят қилиш хуқуқига эгадирлар. Амалда шундай шикоятлар қилингандик холлари маълум эмас.

Қонун хужжатларида Ўзбекистонда экологик рухсатномалар беришда жамоатчиликнинг қатнашиши белгиланмаган. ТМДҚ ва унинг вилоят органлари, талабга биноан, жамоатчилик вакиларига атроф-мухит текширувлари натижалари билан танишиши рухсат этади. ТМДҚнинг вилоят маъмуриятлари жамоатчилик вакилларини кўнгилли инспекторлар сифатида ўз инспекцияларига жалб қиласидилар ва уларни ўқитадилар.

### **3.5 Экологик таълим ва барқарор ривожланиш учун таълим**

#### *Мактабгача таълим ва мактаб таълими*

Ўзбекистонда кўп мактабгача таълим муассасаларида болаларни табиат ва атроф-мухит билан танишириш машғулотлари ташкил қилинади. Жами мактабгача муассасаларнинг бир 40 фоизида экологик таълим учун махсус хоналар бор ва муассасаларнинг 16 фоизида болалар табиатни парвариш қилишни ўрганадиган “Атроф-мухит сўқмоқлари” ташкил қилинган.

Ўзбекистонда барча бошланғич мактабларда атроф-мухит мавзулари 1 ва 2 синфларда “Атрофимиздаги дунё” ва 3 ва 4 синфларда “Инсон ва табиат” фанларида ёритилади. Умумтаълим ва ўрта мактабларда хусусан экология дарслари йўқ. Атроф-мухитга тегишли баъзи мавзулар табиий фанлар ва саломатлик ва соғлом турмуш тарзи фанларига киритилган. Биохилма-хилилк, инсон ва ер, сув – ҳаёт манбаи мавзуларида 5-дан 9-синфга қадар қўшимча ўкув материали сифатида қўлланмалар яратилган. 2005 йилда “Бошланғич мактабда экологик таълим” методологик қўлланманма ишлаб чиқилган эди. 2009 йилда 5-дан 9-синфгача ўқитувчилар учун “Инсон ва табиат” қўлланмаси чоп этилди. ТМДҚ мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар учун атроф-мухит мавзуларида бир неча қўлланмана нашр этди.

Халқ таълими вазирлиги қошидаги Миллий таълим маркази барқарор ривожланиш учун таълим (БРТ) борасида ўқитувчилар учун малака ошириш олиб боради. БРТдан баъзи ўкув материаллар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, Фан ва Маданият Ташкилоти (ЮНЕСКО) ва Марказий Осиё минтақавий атроф-мухит маркази ёрдами билан нашр этилди. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилар учун БРТдан методологик ва малака ошириш қўлланмасини нашр этди.

#### *Касб-ҳунар таълими ва олий таълим*

Ўзбекистондаги барча касб таълим муассасалари (касб-ҳунар колледжлари)да мажбурий экология ёки атроф-мухитни муҳофаза қилиш дарслари ўтилади. Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий оғатларни мониторинг қилишдан ўкув режалар мавжуд. Битирудиларнинг 80 фоизи ишга жойлашади.

Ўзбекистонда бир неча экологик ўкув режалари бўйича давлат стандартлари қабул қилинган. Экология фани мамлакатдаги барча олий таълим муассасалари учун мажбурийдир. Деярли барча техник университетларда атроф-мухит инженерлари тайёрланади. Мирзо Улугбек номидаги Миллий университет, шунингдек Андижон, Бухоро, Коракалпогистон, Самарқанд ва Термиз университетларида экология ва табиатдан фойдаланиш йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрланади. Тошкент иқтисодиёт университетида экология иқтисодчиси йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрланади. Атроф-мухит бошқаруви, экологик хуқуқ ва атроф-мухит мониторинги каби муҳим фанлардан ўкув режалар йўқ кўринади. 3.4-жадвалда Ўзбекистонда 2001 йилдан 2008 йилгача университетларни атроф-мухитга тегишли йўналишларда битирган талабалар сони келтирилган.

Урганч университетида барқарор ривожланиш ва экологик таълим кафедраси мавжуд. Ўзбекистон Миллий университети (ЎзМУ)нинг биология факультетида барқарор ривожланиш дастури ўқитилади.

### *Қайта тайёрлаш*

2006 йилда ТМДҚ ва ЎзМУ атроф-мухит мутахассисларини ва атроф-мухит бўйича дастур ва қўлланмалар тайёрлаш учун қўшма марказ туздилар. 2008 йилда (М.В.Ломоносов номидаги) Москва нозик кимёвий технологиялар давлат академияси ушбу марказнинг ҳаммуассиси бўлди. ЎзМУ профессор-ўқитувчилари ва ТМДҚнинг юкори лавозимдаги ходимлари ТМДҚ ходимлари ва саноат корхоналарининг атроф-мухит мутахассислари учун ўкув машғулотлар олиб борадилар. 2008 йилда марказда мамлакат учун 96 нафар мутахассис тайёрланди. ТМДҚ корхоналар учун маҳсус атроф-мухит бўйича машғулотлар ташкил қиласди. Умуман, давлат хизматчиларининг экологик таълими Ўзбекистонда на барқарор, ва на тизимлидир.

**Жадвал 3.4: Университетларда атроф-мухит мутахассисларини тайёрлаш; айрим йўналишлар бўйича битирган талабалар сони, 2001–2008**

	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008*
Кимё ва экология	..	39	..	..	280	270	317	365
Атроф муҳит муҳофазаси (курилиш)	91	86	1	..	..	141	141	..
Атроф муҳит муҳофазаси (саноатда)	..	..	..	..	134	..	141	141
Экология ва табиий ресурсларни бошқариш	..	33	187	247	267	246	10	239

Манба: Статистика давлат қўмитаси, 2009.

Изоҳ: \*Чамалаш.

### *Норасмий таълим*

Мамлакат аҳолиси орасида норасмий таълимни ТМДҚ, муҳофазаланган табиий ерлар маъмурияти, “Биоэкосан” миллий ўкув ва методология маркази ва ННТлар олиб боради. Масалан, Бухоро ихтисослашган жайрон питомниги мактаб ўқувчилари, талабалар ва маҳаллий аҳоли учун ўкув тадбирлар ўтказади. Зарафшон қўриқхонаси, Тошкент ботаника боғи ва Угам-Чотқол миллий боғи бошқа ташкилотлар билан бир қаторда мамлакатда норасмий атроф-мухит бўйича таълимда фаоллик кўрсатмоқда. “Ҳаёт учун таълим” мактаб ўқувчилари учун атроф-мухит бўйича таълим марказини юритувчи ННТдир.

### **3.6 Сиёсатни шакллантириш учун шароит**

#### *Мониторинг ва ахборот*

Ўзбекистон интеграллашган мониторинг тизимини яратиш йўлида сезиларли ютуққа эришган. 2002 йилдаги Давлат атроф-мухитни мониторинги тўғрисидаги низомда мамлакатда давлат атроф-мухит мониторингининг вазифалари, мақсади ва натижалари таърифланган бўлиб олти давлат органи: ТМДҚ, Ўзгидромет, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ва ЕРДҚнинг вазифалари ва масъулиятлари белгиланди. Мониторинг фаолияти ҳукumat тасдиқлаган мониторинг дастури асосида олиб борилиши лозим. Давлат атроф-мухити мониторинги, тегишли давлат органлари риоя қилиши керак бўлган методологияни тасдиқлаш ва мониторинг маълумотини тўплаш ва баҳолаш ва уни, жумладан йиллик атроф-мухит ҳолати тўғрисидаги миллий хисобот шаклида қарор қабул қилувчилар ва жамоатчиликка етказиш учун масъулият ТМДҚ зиммасига юкланди.

Гарчи давлат атроф-мухит мониторинги тизими ёввойи ҳаёт мониторингини қамраб олиши кутилган бўлса-да, Низомда бундай бўлиши учун масъулиятларни белгиланмаган. Натижада биохилма-хиллик ва экотизимлар мониторинги Ўзбекистонда етарлича ривожланмаганлигича қолаверди.

Давлат атроф-мухит мониторинги дастури бажарилишини мувофиқлаштириш мақсадида ТМДҚ 2002 йилда идораларо мувофиқлаштириш кенгашини барпо этди. 2006 йилдан бери кенгаш йигилмаяпты; шундай бўлса-да, ишчи даражада мувофиқлаштириш давом этмоқда.

Низомни давом эттириб, ҳукумат ундан кейинги икки мониторинг дастурини тасдиқлади. Биринчи (2003–2005 йилларга мўлжалланган) дастур 2003 йилда, (2006–2010 йилларга мўлжалланган) иккинчиси эса – 2006 йилда тасдиқланган эди. Ушбу давом эттириш дастурлари давлат мониторинг дастури учун масъул олти давлат органининг одатдаги мониторинг фаолияти комбинацияси бўлиб кўринади. Фаолият кўпинча умумий тарзда таърифланиб равshan устун вазифалар белгиланмаган эди. Шундай бўлса-да, дастурлар Ўзбекистонда атроф-мухит мониторингига ажратилган бюджет маблағлари ошганини кўрсатди. 2003 йилдан 2006 йилгача бундай мониторинг учун ажратилган йиллик маблағ 1.884,6 миллион сўмдан 2.818,8 миллион сумга (ёки жорий АҚШ далларида 1,94 миллион АҚШ долларидан 2,31 миллион)гача ошди.

Давлат атроф-мухит мониторинги дастурини ривожлантириш учун маҳсус тадбирлар ҳукумат тегишли равишда 1999 ва 2008 йилларда қабул қиласан 1999–2005 ва 2008–2012 йилларга мўлжалланган атроф-мухитни муҳофаза қилиш ҳаракат дастурларига киритилган эди. Охирги дастурда, масалан, қуидагилар назарда тутилган: (а) эмиссия манбалари, қишлоқ хўжалик ерлари ва ер ости сув ифлосланиши мониторинги учун жихозларни харид қилиш; (б) биохилма-хиллик бўйича маҳсус тадқиқотларни тайёрлаш ва (с) ТМДҚ ахборот маркази қошида атроф-мухит бўйича марказлашган маълумот базасини яратиш. Ушбу соҳаларда бирон бир ютуқка этишилганлигини баҳолашга ҳали жуда эрта.

Шу билан биргаликда, ҳукумат ифлосланиш даражаси айниқса ташвиш уйготадиган ерларда мониторингни кучайтириш учун баъзи дастурларни тасдиқлади. Ушбу Амударё, Кашқадарё ва Зарафшон дарёларининг айрим оқим масофаларида, Сурхондарё вилоятининг Тожикистон алюминий заводининг трансчегара таъсидаги баъзи ерлари ҳамда Олмалиқ ва Бекобод шахарларига интеграллашган сув сифатини кузатишга тааллуқлидир.

ТМДҚ мониторинг натижалари бир бирига мос келишини ва ахборот алмашувини осонлаштириш мақсадида бир неча кўрсатма ҳужжатлар чиқарди. Шундай бўлса ҳам бир қатор этишмовчилик ва заиф жиҳатлар бор, айниқса мониторинг билан қамраб олинмаган жойлар, мониторинг жиҳоз ва ускуналарининг эскирганлиги, мониторинг маълумоти унчали ишончли эмаслиги, мониторинг усул ва тартиб-қоидаларининг халқаро келишилган стандартларга мос эмаслиги, марказлашган ёки ўзаро уланган атроф-мухит маълумоти базаси йўқлиги, ва ниҳоят, сиёсатни белгилаш ва қарор қабул қилишда мониторинг натижаларидан етарлича фойдаланмаслик.

2000 йил Давлат кадастрлари тўғрисидаги қонунга биноан ҳукумат 21 давлат кадастри, жумладан ер, ер усти суви, ер ости суви, ўрмонлар, наботот, хайвонот, муҳофазаланган табиий ҳудудлар ва чиқинди кадастрларини яратиб мунтазам янгилаб бориши лозим. Маълумотда ҳар бир ресурснинг микдор ва сифат баҳоланишини, шунингдек, унинг пул маблағ қиймати кўрсатилиши керак. Бунда нафакат жуда катта вазифалар қўйилган, балки уни бажариш учун етарлича ходимлар, маблағ ва методологик йўналтириш таъминланмаган. Оқибатда ҳар бир кадастрни тузишдаги муваффақият айтарли эмас.

Ўзбекистон ва Марказий Осиёning бошқа мамлакатлари биргаликда 2001 йил 21 сентябрда қабул қиласан Марказий Осиё учун минтақавий ҳаракат режасида мониторинг ва ахборот борасида 2002–2007 йиллар мобайнида бажарилиши керак бўлган муҳим мақсад ва қиска муддатли чоралар кўрсатиб ўтилган эди. Ўзбекистон Режада белгиланган эмиссия мониторинги тизимини ва Ўзбекистон ҳудудида трансчегаравий дарёларда ер усти суви сифати мониторингини такомиллаштириш мақсадлар томон сезиларли ютуққа эришди. Бироқ Ўзбекистон Режада айтиб ўтилган ҳаво ифлословчиларининг трансчегара ҳаракатини кузатиш тизимини модернизация қилиш чораларини бажарганилигига ёки онлайн ахборот алмашуви тизимини ва компьютер маълумот банкларини барпо қиласан тўғрисида ҳеч қандай далолат йўқ.

ТМДҚ ва Ўзгидромет коллегияларининг 1998 йил 28 сентябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлиси қарори (Қарор 9/1/17)га биноан ҳар иккала орган 2000 йилда атмосфера ҳавоси ва унинг ифлосланиш манбалари мониторингини янада ривожлантириш ва модернизациясига қаратилган 2000–2005 йилларга

мўлжалланган дастур лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Дастур бажарилишининг жами қиймати қарийб 7,5 миллион АҚШ доллари, деб чамаланди. Гарчи давлат томонидан молиялаш дастур бажарилишининг асосий манбаи, деб мўлжалланган бўлса-да, аслида дастур потенциал халқаро донорлар учун тайёрланган эди. Донорлар топилмагани учун дастур лойиҳаси тасдиқланмади ва бажарилмади.

### *Жамоатчилик иштироки*

Ўзбекистонда ахборот, жумладан атроф-муҳит тўғрисидаги ахборотни жамоатчилик олиши имкониятини яратувчи баъзи ҳуқуқий ва меъерий ҳужжатларни қабул қилинди. Бунда 2002 йил Ахборот эркинлиги тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида қонун, 2002 йил ва 2007 йил Вазирлар Маҳкамасининг Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида назарда тутилади.

2001 йил қабул қилган Марказий Осиё учун минтақавий ҳаракат режасида бир қатор мақсадлар белгиланган, уларга биноан Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари жамоатчилик атроф-муҳит тўғрисидаги ахборотни олиши имкониятини яратишга ва жамоатчиликнинг атроф-муҳитга тегишли чоралар тўғрисидаги қарор қабул қилишда иштирокини таъминлашга келишдилар. Ушбу мақсадларга эришиш йўлида маълум ижобий натижаларга эришилди. Ҳеч қандай ижобий ўзгариш рўй бермаган, ёки бир озгина силжиш бўлган соҳаларда жиддий саъй-ҳаракат талаб қилинади. Ушбу қўйидагиларга тегишлидир:

- Атроф-муҳит масалаларида ахборотдан фойдаланиш имкониятлари, жамоатчиликнинг қарорлар қабул қилишда иштироки ва судга мурожаат қилиш имконияти тўғрисида (Аархус) конвенциясининг асосий қоидаларини бажариш мақсадида маслаҳат ёрдамини кўрсатиш;
- Ривожланишга доир лойиҳа тайёрланиш босқичида бўлган даврда уни кенг муҳокама қилишга маҳаллий жамоатчиликни жалб қилиш;
- Жамоатчиликни қонун лойиҳаларини муҳокама қилишга жалб этиш.

2008–2012 йилларга мўлжалланган Табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат дастури (ТМХД)га биноан, Ўзбекистонда Аархус конвенциясига аъзо бўлиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Мамлакатда Конвенция қоидаларига, айниқса жамоатчилик иштироки ва судга мурожаат қилиш имкониятиша тегишли қоидаларга мос бўлиш учун яна кўп иш қилиниши лозим. Жорий қонун ҳужжатлари ва меъерий актларда жараёнлар батафсил белгиланмаган. ТМДК ва баъзи бошқа давлат органлари томонидан ана шу борада қарор қабул қилишга жамоатчиликни жалб этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари муттасил бўлмагач, ошкора ва равшан шароит яратилмади.

### *Атроф-муҳит борасида таълим*

2005 йил 7 ноябрдаги 242/33/79-кўшма буйруқлари орқали Олий ва ўрта маҳсүт таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва ТМДК Атроф-муҳит соҳасидаги таълим, атроф-муҳит соҳасидаги ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда профессионал таълим тизимини такомиллаштиришнинг 2006–2010 йилларга мўлжалланган дастури ва концепциясини қабул қилдилар. Ушбу давлат органлари атроф-муҳит борасидаги таълим ва барқарор ривожланиш учун таълимни мувофиқлаштирувчи кенгашни барпо этдилар. Кенгаш давлат муассасалари ва ННТлар дастурни бажариш учун қилаётган ҳаракатларига кўмаклашиш мақсадида мунтазам йиғилиб туради.

Юқорида тилга олинган дастурни бажариш йўлида жуда кам ижобий натижаларга эришилди. Дастурда белгиланган кўп маҳсус чора-тадбирлар: ҳусусан, атроф-муҳит соҳасида узлуксиз таълим борасида қарор лойиҳасини ҳукуматга тақдим этиш учун ишлаб чиқиш; атроф-муҳит таълим ахборот ресурс марказни барпо этиш; атроф-муҳит соҳасида таълим ва БРТга бағищланган республика конференциясини ўтказиш; БРТга бағищланган дарсликлар нашр этиш ва вилоят марказларида экология ва ўлкашунослик музейларини барпо этиш ишлари амалга оширилмади.

2007 йил 31 май куни бўлиб ўтган йиғилишида ТМДК коллегиясида мамлакатда атроф-муҳит соҳасидаги таълимни янада такомиллаштириш чоралари муҳокама қилинди ва БМТЕИКнинг Барқарор

ривожланиш учун таълим стратегияси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш учун таълим ўн йиллигини Ўзбекистонда бажаришга бағишиланган миллий ҳаракат дастури лойиҳаси кўриб чиқилди. Хусусан, унда Миллий университет қошидаги атроф-муҳит соҳасидаги ўкув марказини кучайтириш, атроф-муҳит мутахассисларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш, юқоридаги уч давлат органи ходимлари учун ўкув семинарлар уюштириш ва атроф-муҳит ва барқарор ривожланишга тегишли фанлардан дарс бериш учун қўлланмалар нашр этишга карор қилинди. Ҳозирги кунда ушбу қарорлар ижро этилганлиги тўғрисида далолат йўқ. БРТ борасидаги миллий ҳаракат режаси охирига етказилмади.

ТМХД атроф-муҳит соҳасидаги узлуксиз таълим ва БРТнинг янги концепцияси яратилишини назарда тутади; БМТЕЙКнинг Барқарор ривожланиш учун таълим стратегияси талабларини атроф-муҳит соҳасида таълим давлат стандартларига киритишни; Ўзбекистонда атроф-муҳит соҳасидаги таълим тўғрисида ахборот ва таҳлил шарҳини нашр қилиш; мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, касб-хунар таълими муассасалари ва университетлар учун атроф-муҳит борасида дарслклар нашр этиши.

### **3.7   Хулоса ва тавсиялар**

Ўзбекистонда интеграллашган атроф-муҳит мониторинг тизимини яратиш йўлида сезиларли ютуқларга эришилди. ТМДҚ давлат мониторинг дастурларига биноан олти давлат органининг мониторинг фаолиятини мувофиқлаштиради. Бироқ, идоралараро мувофиқлаштириш кенгаши 2006 йилдан бери йиғилмайди. Ўзбекистонда ифлосланиш манбалари мониторинги жиддий равишда яхшиланган бир пайтда, атроф-муҳит мониторинги тармоқларини яратишда долзарб бўлиб турган ижобий силжишларга эришилмаган. Тармоқ зичлиги мониторингга доир миллий талабларга мос бўлишдан анча йироқ. Халқаро ҳамжамият томонидан инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун энг зарарли, деб топилган бир қатор ифлословчилар концентрацияси ўлчанмайди. Биохилма-хиллик ва экотизимлар мониторинги Ўзбекистонда етарлича ривожланмаганича қолмоқда. Мамлакатда атроф-муҳит соҳасидаги интеграллашган ёки ўзаро уланган электрон маълумотлар базаси мавжуд эмас.

#### **Тавсия 3.1:**

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси бошқа давлат органлари билан мувофиқлаштирган ҳолда ва атроф-муҳитни мониторинг қилиши идоралараро кенгаши ёрдамида:*

- (a) *Мониторинг соҳасидаги меъерий ҳужжатлар талабларига жавоб берииш учун атроф-муҳит мониторинги тизимини оптималь тарзда кенгайтириши;*
- (b) *Ўлчанадиган параметрлар сонини, хусусан атроф ҳавода  $PM_{2.5}$ ,  $PM_{10}$  учувчан органик моддалар, поліароматик углеводородлар ва турғун органик ифлословчиларни ва сувда қўшимча биологик параметрларни ўлчашни киритиб ошириши;*
- (c) *Босқичма-босқич автоматик ўлчашга ўтиши ва маълумот сифати ва сақлаши тартиб-қоидаларини тақомиллаштириши;*
- (d) *Биохилма-хилликни мониторингини давлат мониторинг дастурининг самарали қисмига айлантириши;*
- (e) *Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси қошида атроф-муҳит мониторингини амалга ошираётган бошқа давлат органларининг маълумот базалари билан ўзаро боғлиқ интеграллашган атроф-муҳит маълумот базасини яратиши лозим.*

Гарчи Ўзбекистонда аксарият собиқ СССР атроф-муҳит стандартлари (РЭКлар) кўлланиб келинса-да, улар расман миллий стандартлар сифатида қайта тасдиқланди ёки бир мунча қайта кўриб чиқилиб янгидан эълон қилинди. Ўзбекистонда РЭКлар ни кўриб чиқишида, ишлаб чиқишида ёки қайта кўриб чиқишида идоралараро маслаҳатни мувофиқлаштирувси орган мавжуд эмас. Оқибатда, номинал РЭКлар ва уларни амалда бажарилиши (мувофиқлик) орасида фарқ бор. Бир қатор Ўзбекистон старндартлари аниқлаш ва ҳисоблаш бўсағасидан паст бўлгани туфайли улар бажарилляптими, йўқми аниқлашнинг имкони йўқ. Бюджет чекланганлиги туфайли мониторинг стандартларига биноан ўлчаниши керак бўлган кўп параметрлар устидан кундалик мониторинг бажарилмайди.

#### **Тавсия 3.2:**

*Соғлиқни сақлаши вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси билан биргаликда рухсат этилган концентрациялар (РЭКлар)ни тартибга солинадиган параметрлар сонини имкон қадар ўлчаб*

*бўладиганларга олиб келиши мақсадида сонини жиоддий равишда қисқартириши ва РЭКларни халқаро стандартлар ва кўрсатмаларга мувофиқлигини таъминлаш учун қайта кўриб чиқиши лозим.*

ТМДҚ атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисида миллий ҳисоботни ва эмиссия ва чиқариш мониторинг натижалари тўғрисида ҳисоботни мунтазам нашр қиласди. Ҳисобот асосан баён бўлиб (Белград, 2007 йил) Европа учун атроф-муҳит вазирлар олтинчи конференциясида тасдиқланган БМТЕИК Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиёда атроф-муҳитни баҳолаш ҳисоботларини тайёрлаш йўриқномасига риоя қилмайди. Ўзгидромет, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ўзлари тўплайдиган атроф-муҳит маълумотини бир неча давлат органлари учунгина эълон қиласдилар. Статистика давлат қўмитаси атроф-муҳит борасида статистика тўплам маълумот эълон қилмайди. Фақат сотувга чиқариладиган республика «Статистика йиллиги» да чекланган миқёсда атроф-муҳитга тегишли маълумот эълон қилинади.

#### Тавсия 3.3:

*Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет), Статистика давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси атроф-муҳит борасида тўплайдиган маълумотларни ва уларнинг ўқиши осон бўлган талқинини веб-сайтиларида жойлаштириб ва айни пайтда жорий атроф-муҳитга тегишли нашрларининг ададини сезиларли даражада ошириб ва атроф-муҳит статистикасини тўплам маълумоти каби янгиларни ўйла қўйиб кенг жамоатчиликка уларни олиш учун имкон яратишлари лозим.*

*Ушибу давлат органлари ва Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси (Белград, 2007 йил) Европа учун атроф-муҳит вазирлар олтинчи конференциясида тасдиқланган БМТЕИК Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиёда атроф-муҳитни баҳолаш ҳисоботларини тайёрлаш йўриқномасини қўллашлари керак.*

Ўзбекистонда жамоатчиликнинг ахборот, жумладан атроф-муҳитга тегишли ахборотни олиш имкониятини кенгайтирадиган баъзи ҳужжатлар қабул қилинди. Давлат экология экспертизаси тўғрисида қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг давлат экология экспертизаси тўғрисидаги низом ҳақида қарори таклиф қилинаётган фаолият, режа ва дастурларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолашда жамоатчилик қатнашувини чеклайди. Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатларида экологик рухсатномалар беришда жамоатчилик иштирокига йўл қўядиган қоидалар йўқ. Ўзбекистонда Аархус конвенциясига аъзо бўлиш йўлида тайёргарлик кўрилмоқда. Конвенция қоидаларига, айниқса жамоатчилик иштироки ва судларга мурожат қилиши имкониятига тегишиларига мувофиқ бўлиш учун мамлакатда яна кўп иш қилиниши лозим. ТМДҚ ва бошқа давлат органларининг жамоатчиликни маҳсус ҳолларда қарорлар қабул қилишга жалб этиш ҳаракатлари тизимли эмас, ва шундай экан, транспарент ва равшан шароит яратмайди.

#### Тавсия 3.4:

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси ва Адлия вазирлиги фуқаролик жамияти вакиллари билар биргаликда Атроф-муҳит масалаларида ахборотдан фойдаланиши имкониятлари, жамоатчиликнинг қарорлар қабул қилишида иштироки ва судга мурожсаат қилиши имконияти тўғрисида (Аархус) конвенцияси механизм ва талабларини мамлакат қонун ва меъерий ҳужжатларига киритиш ва уларни равшан, транспарент ва изчил қилиши мақсадида ишни давом эттиришлари лозим.*

Ўзбекистон Атроф-муҳит соҳасидаги таълим, атроф-муҳит соҳасидаги ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда профессионал таълим тизимини такомиллаштиришнинг 2006-2010 йилларга мўлжалланган дастури ва концепциясини қабул қилди. Бироқ, дастурда белгиланган кўп маҳсус чоратадбирлар бажарилмади. Ўзбекистонда БМТЕИКнинг Барқарор ривожланиш учун таълим стратегиясини бажариш миллий ҳаракат режаси 2006 йилдан бери тайёрланмоқда. Давлат мансабдор шахсларнинг атроф-муҳит борасидаги таълими изчил ва тизимли эмас.

#### Тавсия 3.5:

*Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси ва бошқа манбаатдор томонлар, жумладан нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда:*

- (a) Ўзбекистонда БМТЕИКнинг Барқарор ривожланиши учун таълим стратегияси бажарии учун миллий ҳаракат режасини ишилаб чиқшии якунланишини тезлаштиришлари;
- (b) Атроф-муҳит таълими ва барқарор ривожланиши учун таълим бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашини Стратегияни бажаришинг самарали воситасига айлантириши учун вакиллик даражасини ошириб, барча манфаатдор томонларни жалб қилган ҳолда унинг таркибини кўриб чиқшии лозим.

## 4-боб

# **ХАЛҚАРО БИТИМЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ**

## **4.1 Халқаро ҳамкорлик учун умумий шароит**

### *Сиёсий ва ҳуқуқий шароит*

Атроф-мухит соҳасида ҳалқаро ҳамкорлик тамойиллари Ўзбекистоннинг ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилишни ҳам қамраб олган ташқи сиёсатида ифода этилган.

2008 йил 2008–2012 йилларга мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш дастурида атроф-мухитнинг минтақавий муҳофазаси билан яқиндан боғлиқ атроф-мухит масалаларида ҳалқаро ҳамкорлик учун энг сўнгги шароит ифода этилган. У атроф-мухит борасидаги ратификация қилинган кўп тарафлама битимлар (АМКБ)даги мажбуриятларни бажариш, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳалқаро дастур ва лойиҳаларда қатнашиш ва мамлакат ичидаги трансчегара ифлосланишни камайтиришга йўналтирилган ҳамкорликни рағбатлантириш, чегара ҳудудлари ва сув ҳавзаларида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш механизmlарини ривожлантиришга қаратилган.

1992 йил Конституцияси муқаддимасида “умумэътироф этилган ҳалқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги” тан олинишини назардан қочирмаслик керак. Бу нормалар шартномадан ташқари мажбуриятларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Бундан Ўзбекистон ўзи тараф бўлмаган атроф-мухитга тегишли шартномларда ифода этилган ҳалқаро нормаларга риоя қилиш учун чоралар кўриши мумкинлиги келиб чиқади.

### *Институциявий шароит*

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (ТМДК), Кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) Ўзбекистон ратификация қилган асосий АМКБни бажарувчи органлари ҳисобланади. Жадвал 4.1 АМКБ масалаларида келганда ушбу давлат органларининг орасидаги масъулият тақсимланиши кўрсатилган.

## **4.2 Атроф-мухит борасидаги глобал битимлар**

III-иловада баъзи АМКБлар келтирилган ва Ўзбекистон имзолаганлари кўрсатилган.

### *Кимёвий моддалар бўйича ҳалқаро режим*

Ўзбекистон 1998 йил Ҳалқаро савдодаги муайян ҳавфли кимёвий моддалар ва пестицидлар бўйича дастлабки хабардорлик шарти билан розилик тартиб-коидаси тўғрисида (Роттердам) конвенцияси (ХСП конвенцияси) ёки 2001 йил Турғун органик ифлословчи моддалар тўғрисида (Стокгольм) конвенцияси (ТОИлар конвенцияси) иборат кимёвий моддалар режимига тўла қўшилган эмас; бироқ ҳозир иккинчи Конвенция учинчи марта Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқилмоқда.

ТМДК ТОИлар конвенцияси ва 1989 Ҳавфли чиқиндиларнинг трансчегаравий ташилиши ва уларни йук қилишни назорат қилиш тўғрисида Базель конвенцияси бажарилишига масъул орган, ҳолбуки Ташқи иқтисодий фаолият, инвестиция ва савдо вазирлиги ХСП конвенцияси учун масъулдир. Шундай бўлсада, Ўзбекистон «Кимёвий моддаларни ҳалқаро бошқаришига стратегик ёндашув» жараёнида фаол қатнашмоқда. Бу 2020 йилга бориб кимёвий моддалар атроф-мухит ва инсон саломатлигига салбий

таъсири минималлашган тазда ишлаб чиқилиши ва қўлланилишини белгилаб қўйган Баркорор ривожланиш 2002 Йоханнесбург жаҳон саммитини қўллаб-қувватлаш, деб хисоланади.

### **Жадвал 4.1: Ижрочи органлар**

<b>Ижрочи орган</b>	<b>Битим</b>
Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	Биринчи ўринда сувда сузувчи күшларнинг яшаш мухити сифатида ҳалқаро аҳамиятга эга булган сув-ботқоқ мухитлари тўғрисидаги (Рамсар) конвенцияси Озон қатлами муҳофазаси тўғрисида Конвенция Озон қатламини емирувчи моддалар ҳақида Протокол Хавфли чиққиндиларни чегаралар оша ташиш ва йўқотиш ҳақида Конвенция Биохилма-хиллик ҳақида Конвенция Йўқолиб кетиши хавфи остидаги ёввойи жонзод ва ўсимликларнинг ҳалқаро савдоси ҳақида Конвенция Ёввойи хайвонларнинг қўчманчи турларини саклаш буйича (Бонн) конвенцияси
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	Чегаралароша сув хавзалари ва ҳалқаро қўлларнинг муҳофазаси ва фойдаланиш ҳақида Конвенция Ҳалқаро сув хавзаларини кемачилиқдан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳақида Конвенция
Ташки иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги	Баъзи хавфли кимёвий моддалар ва пестицидларнинг ҳалқаро савдосида аввалдан розилик бериш тартиби ҳақида Конвенция
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	Жаҳон маданий ва табиий меросининг муҳофазаси ҳақида Конвенция
Гидрометеорология хизмати маркази	Иқлим ўзгариши ҳақида БМТнинг Доиравий Конвенцияси Киото Протоколи Жиддий қурғоқчилик ва/ёки саҳроланишга дучор бўлган мамлакатлар, айниқса Африкада саҳроланишга қарши кураш тўғрисида конвенцияси

Манба: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, 2009.

#### *Озон қатламини муҳофаза қилиши ҳақидаги конвенцияси*

Ўзбекистон Монреаль ўзгартириш ва қўшимчалари ҳамда Пекин ўзгартириш ва қўшимчаларини 2006 йилда имзолаб, 2007 йилда кучга киритганлиги билан озон муҳофазасига тўлиқ қўшилганини кўрсатди. 2001 йилдан бери озонни емирадиган моддалар (ОЕМлар) истеъмолини қисқартириди. OEM мониторинги мунтазам олиб борилади. Ноқонуний олиб кирилган CFC-12 йўқ қилиб борилади. Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликда, божхона пунктлари OEM детекторлари билан жихозланди. Ўзбекистон ҳалқаро ташкилотлар билар ҳамкорликда совутиш соҳосидаги миллий эксперт ва мутахассисларнинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида чоралар кўрмоқда.

#### *Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши бўйича асосий конвенцияси*

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши бўйича асосий конвенцияси (БМТИЎАК)га биноан Ўзбекистон иккинчи миллий хабарномани тақдим этди. Ўзбекистон Тоза ривожланиш механизмида БМТИЎАК I-иловасига киритилмаган ва Киото Протоколига В-иловага киритилмаган мамлакат сифатида қатнашмоқда. 2007 йилда Киото протоколи Тоза ривожланиш механизми бўйича мамлакатдаги лойиҳаларни бошқариш учунг идоралараро кенгаш барпо этилди (9-боб).

#### *Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиоддий қурғоқчилик ва/ёки саҳроланишга дуч келган мамлакатлар, хусусан Африкада саҳроланишга қарши кураш конвенцияси*

Ўзбекистонда саҳроланиш эрозия, шўрланиш, сув оқимлари вақти-вақти билан йўқ бўлиб кетиши ва сув ости сув сатҳининг пасайиб кетиши туфайли келиб чиқяпти. Конвенцияяга кўра Ўзбекистон асосий ҳаракатни Орол денгизи ва Қизилкум чўлига қаратади. Яна бошқа қўшни мамлакатлар биларн ҳамкорликда Ўзбекистон Глобал атроф-муҳит соҳасидаги имконият Глобал экологик жамгарма ва Осиё

тараққиёт банки томонидан маблағ билан таъминланган кенг қамровли миңтақавий лойихада қатнашмоқда.

#### *Хавфли чиқиндиларнинг трансчегаравий ҳаракати ва йўқ қилинишини назорат қилиши тўғрисида конвенцияси*

1996 йилдан бери Ўзбекистон 1989 Хавфли чиқиндиларнинг трансчегаравий ҳаракати ва уларни йўқ қилиши назорат қилиш тўғрисида Базель конвенциясига унинг кўшимча протоколларини имзоламай кўшилиб келди. 2002 йил Чиқинди тўғрисидаги қонун хавфли чиқиндилар балан ишлаш, импорт, экспорт ва сақлашни тартибга солади. Радиоактив моддалар ҳам ушбу қонун билан тартибга солинади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Саноат Ривожланиши Ташкилоти (ЮНИДО) ёрдами билан, Тоза технологиялар маркази барпо этилди ва корхоналар даражасида 10 лойиха амалга оширишди. Тоза технологиялар дастури ва уни татбиқ этиш бажарилмоқда. 2007 Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси 2008–2017 йилларга мўлжалланган чиқинди бошқариш миллий стратегияси ва ҳаракат режасини тасдиқлади.

#### *Бутундунё маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиши тўғрисида конвенцияси*

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Таълим, Фан ва Маданият Ташкилоти (ЮНЕСКО)нинг Бутундунё маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисида конвенциясига кўшилган ва ўндан келиб чиқадиган мажбуриятларни тезкорлик билан бажарип келмоқда. Жаҳон мероси рўйхатига маданий қадрият учун тўрт хусусият киритилди. 2008 йилда маданий ва табиий мерос сифатида вақтинчалик рўйхатга 30дан ортиқ жой, жумладан миңтақавий ҳамкорликнинг янги шаклларини ўрганишнинг қизиқарли шакли бўлган Ипак йўлининг Марказий Осиё ва Хитой қисмларини жойлаш учун серияли номинациялар вақтинчалик рўйхатга олинди. Ғарбий Тиёншон (Тангритов) Чотқол биосфера давлат қўриқхона (Ўзбекистон, Кирғизистон, Қозоғистоннинг трансчегара номинацияси) ЮНЕСКОнинг номинация учун кўриб чиқиладиган жойларнинг вақтинча рўйхатига киритилган. 2001 йил Маданий мерос обьектларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида қонунга 2004 ва 2005 йилларда кўшимча ва ўзгартиришлар киритилди, аммо унда ҳанузгача ҳалқаро аҳамиятга эга маданий ва табиий мерос таърифи берилмаган.

#### *Тамакини назорат қилиши асосий конвенцияси*

Ўзбекистон Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг 2003 йил Тамакини назорат қилиш асосий конвенциясига кўшилмаган. Конвенциянинг 18-моддасида: "...Тарафлар тамаки етиштириш ва ишлаб чиқаришга алокадор ҳолда атроф-муҳит ва кишиларнинг атроф-муҳит билан боғлиқ саломатлигини муҳофаза қилишга лозим эътибор берадилар..." - дейилади.

#### *Биологик хилма-хиллик тўғрисида конвенцияси*

Ўзбекистон биологик хилма-хиллик ва турлар муҳофазаси борасида баъзи чоралар кўрди. Биологик хилма-хиллик тўғрисида конвенцияга кўра 2006 йилда Конвенцияни бажариш ва самарадорлики тўғрисидаги учинчи миллий ҳисобот тақдим этилди, аммо тўртинчи ҳисобот анча пайсалга солинмоқда. Биохилма-хиллик стратегияси ва ҳаракат режаси 1998 йилда қабул қилинган бўлиб ўшандан бери бирон марта янгиланмади.

Ўзбекистон Биохавфсизлик бўйича Картахена протоколига кўшилмаган. Гарчи 2008–2012 йилларга мўлжалланган Табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат дастурида кўшилиш масаласи кўриб чиқилиши мумкин дейилган бўлса ҳам, бунга чоралар кўрилмади. Шунингдек, генерик модификацияланган организм ва/ёки ушбу воситага кўшилиш масаласини кўриб чиқиш ваколати ким, ёки қайси вазирликка юкландигани ноаник.

Ўсимлик ва ҳайвонот турларининг сақланиш мавқеини баҳолашга қамровли ёндашувни таъминлаб берадиган Табиатни сақлаш ҳалқаро иттифоқининг 2008 йил Йўқолиб кетаётган турлар қизил рўйхатига кўра Ўзбекистонда 52 тур жиддий хавф остида/хавф остида/заифлашган қаторида, айни пайтда яна 415 тур камроқ хатарда ва 5 тур тўғрисида маълумот етарли эмас. 2006 йилда Ўзбекистон миллий Қизил

китобни чиқарди, унда баъзи жиҳатлардан 2008 йил Халқаро қизил рўйхатга қараганда қаттиқроқ талаб қўйилган, қисман эса унга билан мос келади. Қизил рўйхат 1998 йил Биохилма-хиллик миллий стратегияси ва ҳаракат режасининг элементидир. У саклаш ҳаракат режалари, икки томонлама ва минтақавий битимлар, шунингдек ҳимояларгандарга тегишли қонун ҳужжатлари ва турли-туман қонун ва актлар, жумладан браконьерлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларга асос бўлиб хизмат қиласди.

Турларни муҳофаза қилиш яхлит кўринишда амалга оширилмайди, хилма-хил ижрочилар баъзан мувофиқлаштирилмаган тарзда иштирок этадилар. Ташибишли томони щуки, агар тезда чоралар кўрилмаса, муайян турлар учун глобал миқёсда энг муҳим ареални таъминлаб турган Ўзбекистонда кўпроқ турлар йўқ бўлиб кетади. Кўпинча маълумот етишмайди ва баъзан муҳофазаланган табиий ерларда ҳам ов қилиш давом этади. Бахтга қарши, муҳофазаланган табиий ерлардан ташқарида браконьерликнинг олдини олиш учун хукукий чоралар оз. ТМДҚ Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш давлат назоратининг браконьерликка қарши фаолияти хукукий кўллаб-куватланса, фойда келтиради, шунингдек браконьерликка доир маҳсус маълумот ва тадқиқот етишмаслигини инобатга олсак, ахборот янгиланиб турадиган маълумот базасини яратишга эҳтиёж сезилади.

#### *Йўқолиб кетиши хавфи остида турган ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари билан халқаро савдо қилиши тўғрисидаги конвенцияси*

Конвенция ратификация қилинганидан бери Ўзбекистонда хавф остидаги турларга тегишли қонун ҳужжатлари, импорт, экспорт ва савдо лицензиялари ишлари такомиллаштирилди. ТМДҚ Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликда чегарада қаттиқ назоратни таъминламоқда. Кушларнинг баъзи турларига айниқса эътибор берилмоқда. Хукукбузарликлар тўғрисида хабар қилиш тезкор линия ташкил қилинган.

#### *Ёввойи ҳайвонларнинг кўчманчи турларини сақлаши буйича конвенцияси*

Худудидан кўчманчи қушлар ўтишлари туфайли Ўзбекистон кўчманчи қуш турларига айниқса эътибор қаратди. Конвенция асос қилиниб икки ўзаро тушуниш меморандуми ишлаб чиқилди. Халқаро миқёсда 2008 йилдан бери Қизил рўйхатга киритилган кескин хавф остидаги тур бўлган оққуйруққа тегишли 2005 йил Оққуйруқ (*Saiga tatarica*)ни сақлаш, тиклаш ва ундан барқорор фойдаланиш тўғрисидаги ўзаро тушуниш меморандуми каби битимлар Ўзбекистон томонидан 2006 йилда, шунингдек 2002 йил Хонгул (*Cervus elaphus bactrianus*)ни сақлаб қолиш ва тиклашга тегишли ўзаро тушуниш меморандуми имзоланди. Тўрт орнитология муҳофазаланган табиий худуд (заказник)<sup>9</sup> ва оққуйруқни ҳимоя қилиш ва миграцияси учун муҳофазаланган ер ташкил этилди.

Конвенция шарофати билан Ўзбекистон Сибирь турнасини муҳофаза қилишда қатнашмоқда ва Тувалоқни муҳофаза қилиш битими ва ҳаракат режасига қўшилишни кўриб чиқмоқда. Шунингдек у 2004 йилда Африка-Осиё кўчманчи сузувчи қушларни сақлаб қолиш тўғрисидаги конвенцияни имзолади.

#### *Биринчи ўринда сувда сузувчи қушларнинг яшаш муҳити сифатида халқаро аҳамиятга эга булган сув-ботқоқ муҳитлари тўғрисидаги конвенцияси*

Ушбу Конвенция доирасида халқаро аҳамиятга молик икки (умумий майдони 558.400 га) сув-ботқоқ ер айтиб ўтилган: Денгизкўл (31.300 га) 2001 йилда ва Айдар-Арнасой кўллар тизими (350.000 гектарга яқин) 2008 йилда; бошқа ерлар хозирда рўйхатга киритилиш жиҳатидан кўриб чиқилмоқда. Конвенцияга қўшилганлик Глобал атроф-муҳит имконияти Глобал экологик жамғарма, ЁТҚЖЖ ва Жаҳон Банки билан бажариладиган сув-ботқоқ ерларга тегишли лойиҳаларда қатнашиш учун кўлланилди.

<sup>9</sup> Заказник муҳофаза режими: дараҳтларни тагидан кесиш, ботқоқликларни куритиш ва табиий экотизимга вайрон килувчи таъсир қўрсатадиган кимёвий моддалар кўллаш катъиян тақиқланади. Резавор мева, кўзиқорин териш ва ўтин ығиши, ўт ўриш, туризм ва балиқ овлаш барчаси рухсат этилган.

2008 йилда бўлиб ўтган Тарафлар конференцияси учун тайёрланган биринчи ҳисоботида Ўзбекистон диққат ва такомиллаштиришни талаб қилаётган бир неча масалани кўрсатиб ўтди. Бу айниқса маълумот тўплашга, баҳолашга ва бошқарувга тегишли эди, жумладан, масалан ерларни бошқариш самарадорлиги ва КТЭБ масъул ходимлари билан ишни мувофиқлаштириш. Шунингдек, муҳофазадаги ер маъмурияти билан алоқалар ва турлар муҳофазаси яхшиланиши, ҳамда сув-ботқоқ ерларга тегишли миллий сиёsat барпо этилиши керак.

### *Халқаро форумларда қатнашиш*

Ўзбекистон КТЭБнинг асосий органлари йиғилишларида мунтазам қатнашиб келди. Бироқ, кўп ҳолларда ушбу йиғилишларда ким иштирок этиши аввалдан равшан бўлмайди, бу эса миллий ва минтақавий мувофиқлаштиришни қийинлаштиради ва Ўзбекистон атроф-муҳит соҳасидаги бундай форумлардан мақбул натижа чиқишига ҳиссасини қўшишига анча халақит беради. Ундан ташқари, КТЭБлар доирасидаги миллий ҳисбот беришга тегишли мажбуриятларга доим ҳам ўз вактида ва тўлалигича риоя қилинмайди.

### **4.3 Минтақавий ҳамкорлик**

#### *Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа Иктиносидий Комиссияси*

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа Иктиносидий Комиссияси (БМТЕИК) атроф-муҳит соҳасида унинг шафелигига келишилган бешта Конвенция, хусусан 1979 йил Узоқ масофали трансчегаравий ҳавони ифлослантириш тўғрисидаги конвенцияси (Трансчегаравий ҳавони ифлослантириш тўғрисидаги конвенцияси), 1991 йил Кўриқхоналар, миллий боғлар ва ўрмончилик бўлими, ўрмончилик ва ўрмонлар ҳолатини давлат назорати бўлинмаси (Эспу конвенцияси), 1992 йил Саноат фалокатларининг трансчегаравий таъсир тўғрисида конвенцияси, 1992 йил Трансчегаравий оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича конвенция (Сув ресурслари хақида конвенция ёки Сув конвенцияси) ва 1998 Саноат фалокатларининг трансчегара таъсири тўғрисидаги конвенцияси бўйича маъмурий вазифалар бажаради. Ўзбекистон ушбу беш БМТЕИК конвенциядан фақат биттасига – Сув конвенциясига аъзодир (4.7-бўлим).

Биринчи Атроф-муҳит ҳолати шархи (АҲШ)да Ўзбекистон беш БМТЕИК конвенциясига аъзо бўлиши тавсия этилган эди (у пайтда Сув конвенцияси ратификация қилинмаган эди). Колган тўрт конвенцияда аъзоликка олиб бориши мумкин бўлган миллий жараёнлар ҳозирги пайтда турли босқичлардадир. Эспу конвенциясига аъзо бўлиш 2009 йилда кутилмоқда. Гарчи 2008–2012 йилларга мўлжалланган 2008 йил Табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат дастурида Аархус конвенциясига аъзо бўлиш учун зарур хужжатларни тайёрлаб лойиҳаларини тузиш муҳимлиги айтилган бўлса-да, бундай аъзолик муқаррар эканлигидан хеч нарса далолат бермайди.

Трансчегаравий ҳарактери туфайли БМТЕИК конвенциялари глобал КТЭБлардан кўра Марказий Осиё мамлакатлари орасида кўпроқ сиёсий ҳамкорликни талаб қиласди. Баъзи БМТЕИК конвенцияли муносабати билан ҳукумат даражасида аъзо бўлиш амалда нима оқибатларга, жумладан мамлакатдаги манфаатдор тарафлар ва молиявий муассасалар учун нимага олиб келиши мумкинлиги борасида аниқлик мавжуд эмас. Гарчи Ўзбекистон ҳозирда қолган тўрт БМТЕИК конвенциясига қўшилмаган бўлса-да, мамлакат муайян даражада уларни бажарди. Ўзбекистон мунтазам равишда ўзи аъзо бўлмаган БМТЕИК конвенцияларинг ҳукуматлараро ва баъзан эксперталар учрашувларида қатнашиб келмоқда ва ушбу кузатувчи ролида ҳукукий режимнинг шаклланишига таъсир кўрсатмоқда.

#### Узоқ масофали трансчегаравий ҳавони ифлослантириш тўғрисидаги конвенцияси

Ратификация жараёни бошланган эмас. Бироқ, Трансчегаравий ҳавони ифлослантириш тўғрисидаги конвенцияси ва унинг 1999 йил Ачитқиланиш, сув ҳавзаларнинг эвтрофиқацияси, ва ер сатҳи олди озонни камайтириш бўйича протоколининг ратификацияси Ўзбекистонга илмий ҳамкорлик ва сиёсий музокаралар орқали ҳавони ифлословчи моддалар эмиссиясини қисқартириш учун маҳсус чоратадбирларни белгилашга кўмаклашган бўлур эди. Марказий Осиё мамлакатлари орасида фақат

Қозоғистон ва Қирғизистон конвенцияни ратификация қилдилар. Ратификация ушбу икки мамлакат билан трансчегаравий ҳаво ифлосланиши борасида мuloқот учун замин яратган бўлур эди.

### Саноат фалокатларининг трансчегаравий таъсири тўғрисида конвенция

Конвенция 1992 йилда қабул қилиниб 2000 йил 19 апрель куни кучга кирди. Конвенциядан мақсад тарафларга саноат ҳалокатларнинг олдини олишга, уларга тайёр туришга ва мувофиқ равишда жавоб чораларни кўришда ёрдам беришdir. Конвенцияда, шунингдек, ҳалокат юз бергандা тарафлар бир бирига ёрдамга келиши, тадқикот ва ишланмаларда ҳамкорлик қилиши ва ахборот ва технологиялар билан алмашиши рағбатлантирилади. Қозоғистон Марказий Осиё минтақасида Конвенцияга қўшилган ягона давлатdir. Бироқ, Ўзбекистон бутунлай четда эмас. У Конвенция котибияти 2005 йил декабрь ойида ташкил қилган Конвенцияни бажариш учун талаб қилинадиган миллий даражадаги мажбуриятларни бир хил тушунилишини таъминлашга қаратилган юксак даражадаги мажбуриятлар учрашувида тўла қатнашди. Учрашууда Конвенцияни бажаришга қаратиб олинган мажбуриятлар ифода этилган баёнот қабул қилинди ва у миллий кўмак дастурларини тузишга йўл очиб берди.

Кейин вазиятни ўрганиш гурухи 2007 йил июль ойида Ўзбекистонда бўлди. У Ўзбекистон Конвенциянинг асосий талабларидан кўпини кенг миқёсда бажариб бўлган, деган хulosага келди ва асосий олдиндаги вазифаларни кўйидагича тавсия қилди: (1) қўшни мамлакатларни хавфли фаолият тўғрисида хабардор қиладиган органни тайинлаш ва (2) Саноат фалокатлар тўғрисида хабар бериш тизимини мумкин қадар тезроқ амалга ошириш. Шундан келиб чикқан ҳолда мамлакат дастурнинг кейинги босқичига ўтиши ва керак бўлганида кўмак олиб Конвенциянинг мураккаброқ талабларини бажариш борасида фаол иш олиб бориши мумкин бўлур эди.

Шундан кейин 2009 йил февраль ойида Фавқулодда вазиятлар вазирлигида алоқалор учун янги масъул киши тайинланди; Саноат ҳалокатлари тўғрисида хабар бериш тизимини ривожланиб бормоқда. Бироқ Конвенцияга тўла қўшилиш ҳалокатларнинг олдини олиш ва хабардор қилиш борасида нозик масалаларга боғлиқ, бунда Ўзбекистон икки томонлама чора-тадбирлар заруратига диққатни жалб қилмоқда.

Шу орада, 2007 йил апрель ойида Вазирлар Маҳкамасининг 71-қарори билан фавқулодда вазиятларни олдиндан кўриш ва олдини олиш ва фавқулодда, жумладан табиий фавқулодда вазиятлар борасида ишлайдиган вазирлик ва идоралардан иборат ҳукumat миқёсидиги комиссияни тузиш ҳукumat дастури қабул қилинди.

### Европа учун атроф-муҳит жараёни

Ўзбекистон Европа учун атроф-муҳит жараёнида қатнашади. ТМДҚ БМТЕИК Атроф-муҳит соҳасидаги сиёсат қўмитасининг Атроф-муҳит мониторинги ва баҳоланиши ишчи гурухининг фаолиятида иштирок этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш Дастури билан ҳамкорликда Ишчи гуруҳ ишлаб чикқан индикаторлар асосида миллий атроф-муҳит индикаторлари рўйхати тузилди. Миллий атроф-муҳит индикаторлари асосида Ўзбекистон учун атроф-муҳит ахборот тизими (АМАТ)<sup>10</sup> йўлга қўйилди. АМАТ атроф-муҳит борасидаги ахборотнинг қамровли манбаидир. АМАТ веб-сайти орқали Ўзбекистон атроф-муҳит мониторинг маълумотини сўраб олиш, тахлил қилиш ва онлайн режимида кўрсатиш мумкин. Икки нашр чоп этилди: Ўзбекистоннинг индикаторларга асосланган 2008 йил учун атроф-муҳит шарҳи ва Ўзбекистоннинг атроф-муҳит атласи. Веб-сайт ташкил қилинганидан бери ҳеч қардай маълумот қайта ишланмади ва веб-сайтда фақат 2006 йилгача тўпланган маълумот кўрсатилади (3-боб).

### Осиё ва Тинч океани минтақаси учун иқтисодий ва ижтимоий комиссия

Осиё ва Тинч океани минтақаси учун иқтисодий ва ижтимоий комиссия (ОТИИК)нинг турли ташаббуслари орасида Осиё учун барқарор ривожланиш Пномпень минтақавий платформаси 2001

<sup>10</sup> АМАТ веб-сайтига мурожаат қилинсин: <http://eis.uznature.uz>.

йилда барқарор ривожланиш борасида жаҳон саммитига тайёрланиш учрашувида ишлаб чиқилган ва минтақанинг умумий устун вазифалар: глобаллашув, урбанизация, сувдан фойдаланиш, маҳаллий бошқарув ва экологик бошқарув белгилаган эди. Платформада барча Марказий Осиё ташаббуслари инобатга олинган. Асосий мақсад экологик хавфсизликнинг Марказий Осиё минтақавий тизимини, трансчегара ифлосланишини олдини олиш тизимини, бирлашган тармоқ мониторинг тизимини, минтақавий эрта хабардор қилиш тизимини, чиқинди остидаги ерларни тиклаш ва экологик мақбул технологияларни киритишни барпо этиш.

#### *Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти*

Ўзбекистон 1985 йилда Эрон Ислом Республикаси, Покистон ва Туркия аъзо мамлакатлар орасида иқтисодий, техник ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ташкил қилган минтақавий хукуматлараро Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)нинг аъзосидир.<sup>11</sup> Энергетика, минерал ресурслар ва атроф-мухит бошқармаси атроф-мухит соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш учун масъулдир. Ташкилот ОТИИК билан яқиндан ҳамкорлик қиласи.

#### *Шанхай ҳамкорлик ташкилоти*

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти 2001 йилда Хитой, Қозогистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Ўзбекистон барпо қилган хукуматлараро хавфсизлик ташкилотидир. Ташкилотнинг асосий мақсади аъзо мамлакатлар орасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муносабатларни мустаҳкамлаш, сиёsat, савдо ва иқтисодиёт, фан ва технология, маданият, таълим, энергетика, транспорт, туризм, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларида самарали ҳамкорликни кенгайтириш; ҳамда минтақада тинчлик, хавфсизлик ва баркарорликни саклаш ва таъминлаш учун биргаликда харакат қилиш, янги, демократик, адолатли ва оқилона сиёсий ва иқтисодий ҳалқаро тартибни ўрнатиш сари ривожланиш.

#### *Бошқа шартномалар*

Янги ҳуқуқий воситалар муносабати билан Ўзбекистон Марказий Осиёни ядервий қуролдан холи зона деб эълон қилиш шартномасини 2006 йилда имзолаб 2007 йилда ратификация қилди, шартнома 2009 йилда кучга кирди. Шартномада ўтмишдаги фаолиятдан келиб чиқсан радиоактив заарланиш таъсиридаги территорияларни экологик тиклаш масаласи ҳам тилга олинади.

Шунингдек, Ўзбекистон 2006 йил Марказий Осиёда барқарор ривожланиш учун атроф-мухитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги асосий конвенция борасидаги музокараларга қўшилган эди, аммо ҳозиргача унга аъзо бўлмаган. Конвенциянинг мақсади Марказий Осиё минтақасида барқарор ривожланиш учун атроф-мухитнинг самаралари муҳофазасини таъминлаш, жумладан, шартнома тарофларининг сиёсати ва харакатларини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтириш ўюли билан атроф-мухит ҳолатини ижобий мустаҳкамлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, трансчегаравий атроф-мухитга заарни камайтириш ва олдини олишдир. Конвенция ҳали кучга кирмаган, чунки барча беш мамлакат уни ратификация қилиши зарур, ҳозирча эса факат уч мамлакат ушбу хужжатни имзолади (Қозогистон билан Ўзбекистон имзолаганларича йўқ). Ҳозирги пайтда ушбу Конвенциянинг истиқболи равшан эмас. Агар Конвенция кучга кирса, у минтақавий экологик ҳамкорлик учун жуда мазмунли асос яратган бўлар эди.

#### **4.4 Икки томонлама ҳамкорлик**

Ўзбекистон Хитой, Грузия, Хиндистон, Истроил, Япония, Қозогистон, Қирғизистон, Малайзия, Корея Республикаси, Словакия, Швейцария, Тожикистон, Таиланд, Туркия, Туркманистон ва Украина билан атроф-мухитга тегишли компонентлар киритилган бир катор икки томонлама битимлар имзолаган. Биринчи АҲШдан бери икки томонлама битимлар Озарбайжон (2006 йил), Қувайт (2008 йил) ва Бирлашган Араб Амирликлари (2006 йил) билан битимлар имзолади. 2007 йилда Ўзбекистон билан

<sup>11</sup> Ҳозирги аъзолар: Афғонистон, Озарбайжон, Эрон Ислом Республикаси, Қозогистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркия, Туркманистон ва Ўзбекистон.

Хитой орасида атроф-мухитни сақлаш ҳамда хайвонот ва ўсимлик дунёсини бошқариш борасида ўзаро тушуниш меморандуми имзоланди. Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлар (БАА) орасида атроф-мухитни муҳофаза қилиш борасида ўзаро тушуниш меморандуми 2008 йилда имзоланиб Ўзбекистон ҳаракат дастурининг лойиҳасини ишлаб чиқди ва БААга кўриб чиқиш учун тақдим этди.

### *Европа Иттифоқи/Европа Ҳамжамияти билан ҳамкорлик*

Юқоридагилардан ташқари, Европа Иттифоқи (ЕИ) билан ҳамкорлик мустаҳкамланди. Европа Ҳамоалари ва унинг аъзо мамлакатлари ва Ўзбекистон орасида 1999 йил Шериклик ва Ҳамкорлик битимининг ижроси 2004 йилда Вазирлар Махкамаси томонидан ижобий баҳоланди ва ЕИ аъзо мамлакатлари билан лойиҳалар бажариш учун замин бўлиб хизмат қиласди. Европа Ҳамжамиятиянинг ёрдами 1991 йилдан 2006 йилгача 228,85 миллион евро ташкил қиласди.

Таълим Марказий Осиёнинг барча беш мамлакатида устун вазифа ҳисобланади. Хусусан, 2008 йил Ўзбекистонда “Ёшлар йили”, деб эълон қилинди. ЕИ Ўзбекистон билан ҳамкорликни кўп фойдали имкониятлар келиб чиқиши мумкин бўлган соҳа, деб ҳисоблайди. Европа комиссиясининг “Темпус” каби дастурлари ва аъзо мамлакатлар билан икки томонлама алмашув дастурлар минтақада яхши йўлга кўйилган.

Европа Ҳамжамиятиянинг 2007–2013 йилларда Марказий Осиёга Ёрдам Кўрсатиш Минтақавий Стратегия Ҳужжатида атроф-мухитга тегишли масалаларда, фавқулодда вазиятларда чоралар ва ҳаракат борасида ҳамкорлик ва Мустақил Давлатлар Ҳамжамиятия Техник Ёрдам (ТАСИС) доирасидаги фаолиятга ургу берилади. Ҳужжатда куйидаги муҳим соҳаларга алоҳида дикқат қаратилган: сувни боқариш ва унинг сифати, чиқиндиларни бошқариш, табиатни муҳофаза қилиш ва ердан фойдаланиш.

Ўзбекистон, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари каби, табиий оғатлар, сейсмик фаолият ва курғоқчилик хавфидадир. Барча мамлакатларда фавқулодда вазиятларда чора кўриш муассасалари бор ва шу чоққача минтақада сув тошқини хавфини юқори қилиб келган тўғонлар хавфсизлиги масаласини ечишда ижобий натижаларга эришилди. 2003 йилдан бери Европа Ҳамжамияти Марказий Осиёда оғатларга тайёрлик ҳаракат режаларини ҳам маблағ билан таъминлаб турди. Фавқулодда ҳалатлар учун мамлакатлараро режалар ишлаб чиқиш учун ҳам мамлакат, ҳам минтақавий даражаларда кўпроқ мувофиқлаштирилган ёндашув зарур.

Шу сингари, ТАСИС ҳам минтақада уйғунлашган атроф-мухит соҳасидаги сиёsat учун умумий замин яратиш мақсадида Марказий Осиёнинг беш мамлакати илгари сураётган Барқарор ривожланиш учун Марказий Осиё ташаббусини атроф-мухитга тегишли масалаларда кўллаб-куватлаб, катта ёрдам кўрсатди. Мамлакатлараро дарё бассейнларини бошқаришга келганда, икки томонлама ёки уч томонлама асосда ТАСИС кўллаб-куватлаган лойиҳалар минтақа мамлакатлари истеъмол қилаётган сувдан интеграллашган фойдаланишининг кенгроқ қамровли концепциясини ишлаб чиқиши ёрдам бўлди. ТАСИСнинг минтақавий ва Марказий Осиё дастурлар кўп ҳолларда Шарқий Европа. Кавказ ва Марказий Осиё (ШЕКСО) минтақасида устун вазифаларни ва, масалан, транспортда, энергетикада ва атроф-мухитда ўзаро манфаатли лойиҳаларни биргалиқда аниқлаш имконини берувчи минтақавий мулокот тармоғи ёки механизmlарини яратишда самара берди. ТАСИС доирасидаги минтақавий ҳамкорлик етарли такомиллик даражасига этиб келажакда ўзи ривожланиб борадиган жарёнга айланишга тўла истиқболга эга. Европа-Кавказ-Осиё (ТРАСЕКА) атроф-мухит конференцияси, Каспий денгизи денгиз атроф-мухитини муҳофаза қилиш учун асосий конвенция ва Марказий ва Шарқий Европа учун Экологик Ҳаракат Режасини бажариш учун Maxsus Гуруҳ каби янги минтақавий механизmlарни барпо этишда катализатор вазифасини бажарди. Ҳамкорлар орасида илгор тажриба ва олинган сабоқлар алмашуви имконини яратиб, чора-тадбирларни уйғунлаштиришни тарғиб қилиб ва шунга тегишли имкониятлар ривожлантиришни тақдим этиб Еининг минтақавий дастурлари дахлдор секторларда бутун минтақадаги ислоҳотлар жараёнининг суръатини ва барқарорлигини оширди.

## **4.5 Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ва барқарор ривожланиш**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2000 йил Мингйиллик Декларацияси йўлида Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ)га тегишли ўз мақсад ва индикаторларни шакллантириди. 1-

бобда Ўзбекистоннинг 2007 йил сентябрь ойида тасдиқланган 2008–2010 йилларга мўлжалланган Фаровонликни ошириш стратегиясида МРМ қай тарзда кўриб чиқилиши тўғрисида батафсил ахборот берилган. 2003 йилнинг иккинчи ярмида ҳукумат, фуқаролик жамияти ва халқаро ҳамжамият иштирокида мамлакат учун маҳсус ривожланиш мақсадларини шакллантириш жараёни бошланган эди. 2006 йилда Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатдаги гурухи томонидан тайёрланган МРМ миллий хисоботи эълон қилинди. Ҳисоботдан мақсад Ўзбекистондаги ҳозирги тенденциялар ва ривожланиш истиқболини ўрганиб мамлакат миқёсида МРМга эришиш сари ижобий ўзгаришларнинг мониторингини осонлаштириш эди. МРМ “пакет” мажмуа бўлиб ва, гарчи ушбу шарҳга барча МРМ дахлдор бўлса-да, 7-мақсад (Атроф-мухит барқарорлигини таъминлаш) хусусан муҳимдир. Ушбу мақсад муносабатида Ўзбекистон икки миллий мақсадни белгилаб олди: (1) барқарор ривожланиш тамойилларини мамлакат сиёсатига интеграллаштириш ва 2015 йилга бориб атроф-мухит ресурслардаги зиён ўрнини тиклаш; (2) 2015 йилга бориб яхшиланган сув манбаларидан ва санитария воситаларидан фойдаланадиган шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг улушкини ошириш. Ҳисоботда 2015 йилга бориб атроф-мухит барқарорлигини таъминлаш миллий мақсадига эриши имконияти бор, деган хulosага келинади. Ҳисобот учун асос бўлган Ўзбекистоннинг миллий мақсад ва мўлжаллари глобал мақсадларга жуда ўхшайди; бироқ, афсуски, биохилма-хиллик йўқолишини камайтириш мақсади миллий даражада қабул қилинмади.

Умуман, 7-мақсад билан боғлиқ индикаторлар борасида 2001–2009 йиллар даврида Ўзбекистонда, ҳар ҳолда бор эълон қилинган маълумот асосида хulosा қилиш мумкинки, кўп ҳам ижобий ўзгариш бўлмади. Масалан, муҳофазаланган қуруқдаги ва денгиз жойларнинг бутун худудга фоиз нисбати ўзгармади: 8.086 км<sup>2</sup> (1,9 фоиз), ва ўрмонли ерлар майдонинг ўлуши ушбу давр мобайнида 0,2 фоизга (7,8 дан 8 фоизгача) ошди. Ундан муҳимроғи, яхшиланган санитария воситаларидан фойдаланиш имкониятини ошириш мақсади учун 1999 йилдаги 51 фоизга нисбатан 2005 йилда 67 фоизгача ўсиш кўрсатилса ҳам, яхшироқ сув манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш мақсади учун 1990 йилдаги 94 фоиздан 2005 йилдаги 82 фоизгача соғ пасайиш кўрсатилмоқда.

Гарчи атроф-мухит барқарорлиги аксарият ривожланиш стратегиялари ва ҳаракат режаларига киритилган бўлса-да, уларни амалда бажариш ҳануз яхшилашни талаб қилинади. Ўзбекистон МРМнинг атроф-мухит барқарорлиги мўлжалларига эришиши мумкин. Бироқ ижобий ривожланиш жуда секин бўлиб келди, асосан ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларни институтлаштириш ва самарали бажариши учун сиёсий ирода ва астойдил ҳаракат етишмаслиги туфайли. Жамоат иштироки ва маълумот тўплаш ва ундан фойдаланиш имконияти ҳам яхшиланishi мумкин эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатдаги гурухи мамлакатдаги ҳамкорлар билан Фаровонликни ошириш стратегиясини бажариш ва 2015 йилга бориб МРМ ютуқларини максималлаш учун яқиндан ҳамкорлик қилиб умумий мамлакатни баҳолашни ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2010–2014 йилларга мўлжалланган ривожланишга кўмак асосий жараёнини бошлаб юборди.

Минтақа даражасида Қозогистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон атроф-мухит ва иқтисодиёт вазирлари галма-гал раислик қилувчи, Марказий Осиё минтақасидаги нодавлат ташкилотлари ва бошқа муассасалар иштирокида Орол денгизини сақлаб қолиш халқаро жамғармаси қошида Барқарор ривожланиш давлатлараро комиссияси (БРДК) 1994 йилда барпо этилди. Мамлакатларнинг ҳаммаси одатда вазирлар учрашувларида иштирок этишади. БРДК Марказий Осиё учун субминтақа барқарор ривожланиш стратегияси БРДКнинг Марказий Осиё учун атроф-мухит режаси ва Марказий Осиё учун барқарор ривожланиш субминтақавий стратегияни ишлаб чиқди, унинг якуний лойиҳаси 2009 йил февраль ойида тугатилиши керак эди. БРДК ўзининг 2009 йил 26 майда бўлиб ўтган мажлисида минтақавий ҳаракат режасининг “концепциясини тақдим этишни” ўтказишга ва халқаро ташаббус ва форумларда қатнашишда давом этишга қарор қилди. Шунингдек, БРДК 2006 Марказий Осиёда барқарор ривожланиш учун атроф-мухитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги асосий конвенция 4.3.-бўйимда айтилгандек музокара олиб борди. Бунга кўшимча равища, БРДК Бишкекда Минтақавий төг марказини барпо этилишини қўллаб-қувватлади, марказ төг экотизимларини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан лозим равища фойдаланишни таъминлаш ва төг худудлари жамоаларига тегишли ижтимоий ва иқтисодий масалалар борасида иш олиб бориш мўлжални билан барпо этилди.



*Орол денгизи гарбий қисмининг собиқ туби*

#### 4.6 Махсус эътибор: трансчегаравий сув ресурслари

Совет Иттифоқининг парчаланиши ва унинг ўрнида қатор мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан сув ресурсларини бошқариш, баҳам кўриш ва муҳофаза қилишнинг илгари ички бўлган қўп масалалари энди халқаро тус олди. Янги вазият суверен давлатлар орасидаги сувдан фойдаланиш муносабатларни тартибга солиш масаласига янгича ёндашишни, жумладан ҳамкорлик учун мувофиқ халқаро ҳуқукий асос яратишни тақозо этди. Ўзбекистон трансчегаравий сув масаласида халқаро ҳамкорликка катта аҳамият беради, чунки, сув ресурслари мавжудлиги маъносида, Ўзбекистон, қуи оқим мамлакати бўлиб, юқори оқим мамлакатларига қарам.

Ўзбекистон 1992 Трансчегаравий сув йўллари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича конвенциясига, гарчи унинг сув ва саломатлик, ва фуқаролик жавобгарлик хусусидаги қўшимча ва ўзgartиришлар ёки қўшимча протоколларига қўшилмаган бўлса-да, 2007 йил аъзо бўлди. Ўша куннинг ўзида, 2007 йил 4 сентябрь куни шу пайтгача 17 мамлакат қилганиден у 1997 Кемалар юрмайдиган халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуки тўғрисидаги конвенциясига кўлишди.

Марказий Осиё сув секторида қуи оқим сув микдорига сезиларли таъсир кўрсатадиган ва шунинг билан экотизимларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган гидроэлектростанциялар ва бошқа инфратузилмалар сингари янги лойиҳалар қўшни мамлакатларга билдирилиб, муҳокама этилиши муҳим аҳамиятга эга. Тўғонлар ва бошқа сув қўрилмалардан ҳавфсиз фойдаланишни таъминлаш йўлида минтақавий ҳамкорлик режалаш босқичида бошланади. Иншоотлар ва улар фаолиятининг атроф-мухитга таъсирини, жумладан мамлакатлараро таъсирини эрта режалаштириш палласида баҳолаш замонавий экологик сиёсатда яхши тан олинган жараён бўлиб мамлакатлар орасида яхши қўшничилик муносабатларнинг муҳим дастлабки шарти хисобланади. БМТЕИК Трансчегаравий шароитда атроф мухитга таъсирини баҳолаш бундай мулоқот ва ҳамкорлик учун муҳим ҳуқукий замир бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Трансчегара сув ресурслари бўлинмас табиий тизимни ташкил қиласди. Айни пайтда, улар турли давлатлар орасида “баҳам кўрилади”, ҳар бир давлат ресурснинг ўз худудида жойлашган қисмига нисбатан суверенитетидек фойдаланади. “Оқилона ва одилона ишлатиш” тамойили трансчегаравий сув

хукуқий режимиңнинг фундаментал қоидаси ҳисобланади. Ушбу қоидага биноан бассейндаги ҳар давлат ўз худудида ушбу бассейн сувидан оқилона ва одилона улуш миқдорида фойдаланиш ҳукуқига эгадир.

Сув ресурсини одилона баҳам кўриш Марказий Осиёда катта муаммолигича қолмоқда. Икки энг муҳим дарё, Амударё ва Сирдарё, иккаласи сув таъминоти учун нафақат Ўзбекистонда, балки Қирғизистон, Тожикистон (бу икки давлат юқори оқим мамлакатларидир), Қозогистон ва Туркманистонда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Юқори оқимда сувни ишлатиш қўйи оқимда сувдан фойдаланиш имкониятларини белгилаб кўйиб, низо ёки ҳамкорлик учун замин яратади.

Шунингдек, ушбу икки дарё Қозогистон ва Ўзбекистон ўртасида бўлинган қуруқлик ичи ҳавза бўлган Орол денгизига оқиб борадиган энг муҳим сув манбалари ҳисобланади. 2007 йилга келиб Орол денгизи қисқарип дастлабки сатҳ юзасининг 10 фоизига келди, аввал икки, сўнг уч алоҳида кўл Шимолий Орол денгизи ва Жанубий Орол денгизи, буниси 2003 йилда яна шарқий ва ғарбий ҳавзаларга ажралиб қетди (4.1-харита).


Ўшандан бери Қозогистондаги Шимолий Орол денгизининг йўқолиб бориши бир мунча қайтарилиди. Кўкорол тўғонини тиклаш 2005 йилда якунланиб, сув сатҳи 8 метрга кўтарилиди. Шўрлик пасайди ва энда сувда яна балиқ пайдо бўлди. Иккинчи тўғон қуришни бошлаш 2009 йилга белгиланган. Ўзбекистонда бундай ижобий ҳодисалар юз берадётгани йўқ. Кўкорол тўғонининг тепасидаги шлюз ортиқча сувни каттароқ қисми Ўзбекистонда жойлашган Жанубий Орол денгизига оқизиб юборишга мўлжалланган. Бироқ унинг сатҳ юзи ҳамон қисқарип бормоқда ва ифлосланиш ва ортган шўрлик унинг табиий флора ва фаунасини хароб қилиб инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатишда давом этмоқда. Агар Амударёдан қайтмас сув олиш миқдори қисқартирилмаса, вазият ўзгариши кутилмайди. Мамлакат миқёсида сувталаб пахта етиштиришга камроқ эътибор берилса, бу Орол денгизини тиклаш учун фойдали бўлар эди.

1993 йилда Орол денгизини тиклашга қаратилган қўшма давлатларо экологик ва илмий дастурлар ва лойиҳаларга киришмоқ ва уларни молияламоқ мақсадида Орол денгизини сақлаб қолиш ҳукуматлараро ҳалқаро жамғарма (ОДХЖ) барпо этилди. 2008 йилда ОДХЖга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида кузатувчи мақоми берилди. Давлатлараро сув мувофиқлаштириш комиссияси (ДСМК) давлатлараро баргаликда сув манбаларини бошқариш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда ҳамкорлик тўғрисидаги битим 1992 йилда имзоланиши билан яратилган ҳукуматлараро ташкилотdir. ДСМКнинг асосий мақсади коллектив етакчиликни мустаҳкамлаш ва минтақавий давлатлараро сув бошқаруви, сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга ва қўшма дастурларни бажаришга тегишли қарорлар қабул қилиш. ДСМК ҳар иккала бассейн сувини бошқариш масъулиятини бевосита Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг собиқ Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигидан олди. ДСМКнинг қарорлари Марказий Осиё мамлакатлари учун мажбурий.

ОДХЖ ва ДСМКнинг иккаласи Орол денгизи масаласи ва унинг иқтисодий ва экология жиҳатларини кўриб чиқади. Давлат раҳбарлари учрашувларида анча умумий руҳдаги баёнотлар қабул қилишади. ОДХЖнинг муассис давлатлари раҳбарларининг сўнгги 2009 йил 28 апрелда бўлиб ўтган учрашувида Орол денгизи билан боғлиқ қийин аҳвол Марказий Осиё билан чекланмайди, деб таъкидланган эди. Марказий Осиё сув ва энергетика тизимларининг мушкул аҳволи минтақанинг келажак иқтисодий ривожланиши, шунингдек, экологик ва ижтимоий баркарорликка таҳдид солмоқда.

Орол денгизи шароити яхшилаш учун, масалан, Глобал экологик жамғарма, ТАСИС, Жаҳон Банки ва алоҳида донорлар шафелигига қатор лойиҳалар маблағ билан таъминланди. Бироқ, Ўзбекистонда Орол денгизи бассейнининг аҳволи тобора ёмонлашиб бораётган вазиятда институциявий тадбирлар, қабул қилинган сиёсат ва қонун хужжатлари, шунингдек, бажарилган лойиҳалар ҳануззагча яхшилашишга олиб келмади ва исталган натижаларга эришишдан йироқ, деган хулоса чиқариш мумкин.

**Харита 4.1: Орол денгизи 1960–2008**



Манба: БМТЕИК иши, НАСА суратлари, АҚШ Миллий съемка ва хариталаш агентлиги маълумотлари ва [www.unimaps.com](http://www.unimaps.com).

Изоҳ: Харитада кўрсатилган чегара ва номлар уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қўллаб-куватлаши ёки қабул қилганлигини билдирамайди.

Ўзбекистон диққатни Орол денгизини тиклаш мақсадидан микроклимдан ютиб қолиш учун ва Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари 1994 йилда қабул қилган Орол денгизининг қирғоқ зонасини сақлаб қолиш хукуматлараро концепциясига мувофиқ эрозия, саҳроланиш ва ўрмонсизланиш ва биохилма-хилликни йўқолишига карши курашни кўзлаб унинг жанубида қатор кўллар яратишга кўчирди. Улар ҳозирги шароитда Орол денгизини тиклаб бўлмаслигини тан олишди ва унинг қирғоқ зонасини сақлашга келишиб олдилар.

#### **4.7 Хulosса ва тавсиялар**

Муҳофазаланган турларни сақлаб қолишга доир конун ҳужжатлари яхлит эмас ва шу борада фаолият кўрсатувчи кўп сонли идоралар орасида мувофиқлаштириш самарали эмас. Самарали ва тезкор чоралар кўрилмаса, яна кўпроқ турлар мамлакат худудида йўқ бўлиб кетади. Кўп ҳолларда маълумот мавжуд эмас, баъзан ов муҳофазаланган табиий ерларда ҳам давом этади. Бахтга қарши, муҳофазаланган табиий ерлар ташқарисида браконьерликка қарши қонуний чоралар кўриш етарли эмас.

##### Tavсия 4.1:

*Табииатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси:*

- (a) Тегишли ҳалқаро битимлар, айниқса Биологик хилма-хиллик тўғрисида конвенциясида шартларида кўрасатилган талабларга биноан биохилма-хилликни муҳофаза қилиши қамровли дастурини ишлаб чиқиши;
- (b) 1998 йил Биохилма-хиллик миллий стратегияси ва ҳаракат режасини янгилаб бажариши лозим.

Ижрочи идоралар орасида ва ўзида муайян кўп томонлама экологик битим (КЭБ)лар доирасида алоқа учун масъул кишилар аниқ белгиланмаган. Алоқа учун муқобил масъуллар ҳам, жумладан Ўзбекистон қўшилмаган КЭБлар учун масъуллар ҳам аниқ белгиланмаган. Бир бири билан КЭБлар учун алоқага масъул кишилар бир ижроси идорада тайнинланмаган. Гарчи Тарафлар конференцияси йифилишлари ва бошка тегишли тайёргарлик учрашувларда иштирок этиш алоқа учун масъул кишиларнинг вазифаларига кирса-да, боғлиқ фаолиятни мамлакат даражасида мувофиқлаштириш, масалан мамлакат эксперtlари билан мулоқот, қониқарли эмас.

КЭБлар доирасида мажбуриятларга мувофиқ миллий ҳисботлар етарли даражада қамровли ҳам эмас, вактида ҳам тақдим этилмайди. Муайян КЭБга масъул этиб тайнинланган ижрочи идора КЭБ котибияти орқали тегишли КЭБ билан боғланиш имкониятини, унга мувофиқликни ёки уни бажаришни осонлаштириш мақсадида техник ёрдам сўраш ваколатига эга эмас.

##### Tavсия 4.2:

*Табииатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси, ҳалқаро атроф-муҳит масалаларига дахлдор идоралар билан ҳамкорликда мувофиқлаштириши ва ахборот алмашини осонлаштириши мақсадида алоқа учун масъулларни тайинлаши борасида мувофиқлаштириши механизмини ишлаб чиқиши лозим.*

БМТЕИК қрнвенциялари глобал КЭБларга қараганда кўпроқ сиёсий ҳамкорликни талаб қиласди. Ўзбекистон Сув конвенциясини ратификация килди ва Эспу ва Аархус конвенцияларини ратификация килиш жараёнини бошлаб юборди. БМТЕИК Трансчега ҳавони ифлослантириш тўғрисидаги конвенцияси ратификацияси Ўзбекистонга илмий ҳамкорлик ва сиёсий музокаралар орқали ҳаво ифлословчилар эмиссиясини камайтириш учун кўрилиши керак бўлган маҳсус чора-тадбирларни аниқлаш борасида ёрдам кўрсатган бўлур эди. Шунингдек, у Европада ҳавони ифлословчи моддаларни узоқ масофага кўчишини мониторинги ва баҳолаш бўйича ҳамкорлик дастури (ЕМЕР)нинг ҳаво ифлосланиши тармогининг бир кисми бўлур эди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон учрашувларида мунтазам қатнашиб Саноат фалокатларининг трансчегаравий таъсири тўғрисида конвенциясига қизиқиш намоён қилмоқда. Ўзбекистон, турли минтақавий маъмурий ташкилотлар аъзоси сифатида эрта хабар бериш тизимларига ҳам жалб этилган. Ҳолатни ўрганиш гурухи Ўзбекистонда 2007 йил июль ойида бўлди ва Ўзбекистон Конвенциянинг асосий талабларидан кўпини асосан бажариб бўлди, деган хуносага келди. Шундай экан, мамлакат дастурнинг кейинги палласиги қўшилиб лозим бўлганда ёрдам олиб Конвенциянинг мураккаброқ талабларини бажариш устида ишлаши мумкин эди. Вазирлар Маҳкамаси Фавқулодда вазиятларни

олдиндан кўриш ва олдини олиш ва фавқулодда вазиятларда, жумладан табиий фавқулодда вазиятларда чора кўриш учун барча вазирлик ва идоралар иштирок этадиган ҳукумат қомиссиялари тузиш ҳукумат дастурини тасдиқлади.

**Тавсия 4.3:**

*Мутасадди вазирликлар ўз фаолиятининг Узоқ масофали трансчегаравий ҳавони ифлослантириши тўғрисидаги конвенцияси ва Саноат фалокатларининг трансчегаравий таъсири тўғрисида конвенциясида кўрсатилган муҳим талабларга янада мувофиқроқ бўлишини таъминлашлари лозим.*

*Вазирлар Маҳкамаси ушибу икки БМТЕИК конвенцияси ва Узоқ масофали трансчегаравий ифлослантириши тўғрисидаги конвенцияси Ҳамкорликдаги дастурни молиялаш тўғрисида Женева протоколи (ЕМЕР протоколи)га қўшилишига қарор қилиши лозим.*

Шунингдек, Ўзбекистон Тургун органик ифлословчи моддалар тўғрисида (Стокгольм) конвенцияси (ТОИлар) борасидаги музокараларда қатнашди. Барча глобал конвенциялардан факат Роттердам Халқаро савдодаги муайян хавфли кимёвий моддалар ва пестицидлар бўйича дастлабки хабардорлик шарти билан розилик тартиб-қоидаси тўғрисидаги Роттердам конвенцияси Ўзбекистоннинг қизиқишидан ташқарида қолиб қелмоқди.

**Тавсия 4.4:**

*Вазирлар Маҳкамаси Тургун органик ифлословчи моддалар тўғрисида (Стокгольм) конвенцияси ва Халқаро савдодаги муайян хавфли кимёвий моддалар ва пестицидлар бўйича дастлабки хабардорлик шарти билан розилик тартиб-қоидаси тўғрисидаги Роттердам конвенциясига қўшилишига қарор қилиши лозим.*

Марказий Осиё мамлакатлари гидрология жиҳатдан ўзаро боғлиқлик тўри билан чирмалган. Минтақанинг барча давлатлари манбаатларини мувофиқлаштириш долзарб бўлиб қелмоқда. Ўзбекистон минтақавий экологик ҳамкорликни жадаллаштириш учун муҳим асос бўлиши мумкин бўлган 2006 йил Марказий Осиёда барқарор ривожланиш учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги асосий конвенция қўшилганича йўқ. Конвенциянинг мақсади Марказий Осиё минтақасида барқарор ривожланиш учун атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилишни таъминлаш, жумладан экологик вазиятни мустаҳкамлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, трансчегара экологик зарарни камайтириш ва олдини олиш.

**Тавсия 4.5:**

*Вазирлар Маҳкамаси минтақавий ҳамкорликни, айниқса атроф-муҳит масалаларида ҳамкорликни кенгайтириши учун Марказий Осиёда барқарор ривожланиши учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиши тўғрисидаги асосий конвенцияга аъзо бўлишига қарор қилиши лозим.*

## **II-ҚИСМ: ИҚТИСОДИЙ ВОСИТАЛАР ВА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР**



## 5-бөб

# **АТРОФ-МУХИТ МУХОФАЗАСИ УЧУН ИҚТИСОДИЙ ВОСИТАЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР**

### **5.1 Институциявий ва сиёсий шароит**

2001 йилдаги биринчи Атроф-мухит ҳолати шархи (АХШ)да атроф-мухит вазифаларини бажариш учун мавжуд меъерий ва иқтисодий воситалар тизими тасвирланган эди. Булар жумласида эмиссия бадали (ҳаво ифлосланиши, чикинди сув оқизиш ва чикинди чиқариш), фойдаланиш бадаллари, табиий ресурсларни қазиб олиш ва улардан фойдаланиш учун солик ва атроф-мухитга етказилган зарап учун жарима ва товон тўлови. Иқтисодий воситалар ва тўловнинг ҳуқуқий замири 1992 йил Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун билан яратилган эди. Ушбу Конуннинг 33-моддасида барча воситалар, жумладан ресурсларни тежайдиган технологиялар киритиш учун солик имтиёзлари ва кредит субсидияларни қўллаш имконияти санаб ўтилган.

Охирги шарҳ пайтидан бери янги воситалар киритилмади. Бироқ, мавжуд воситалар асосида тўловни, жумладан имтиёзларни, ҳисоблашни ва киримни турли даражадаги худудлар орасида тақсимлашни белгилайдиган қоидаларга ўзгартиришлар киритилди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (ТМДК) атроф-мухит масалаларида давлат сиёсати ва бошқа вазирлик ва идоралар ҳаракатини мувофиқлаштириш учун етакчи мутасадди идорадир. ТМДК атроф-мухит масалаларидаги сарф учун ресурсларни йўналтиришда муҳим аҳамият касб этадиган атроф-мухит маблагини бошқаради. Шунингдек, у атроф-мухитга етказилган зарапдан сўнг чоралар кўриш ташаббуси билан чиқиши мумкин. ТМДК бевосита Сенатга ҳисобот беради, бу эса унинг мустақиллигини таъкидлайди, нуфузини оширади ва атроф-мухит масалаларининг тармоқлараро хусусиятини таъкидлайди. Саъй-харакатига қарамай, ТМДК фаолиятининг самарадорлиги ходимлар сони ва маблағ танглиги билан чекланган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги суғориш учун ишлатиладиган сув устидан назорат ва бошқарувни амалга оширади. Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси табиий ресурслардан фойдаланиш дастурларни тайёрлайди ва атроф-мухитга таъсири бор жараёнларни кузатиб боради. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ердан фойдаланишни назорат қиласи. Шу йўл билан тўпланган ахборот ер солиги ва бошқа тўловларни белгилаш учун хизмат қиласи. Нархнавони белгилаш ваколати охир-оқибатда Молия вазирлигига берилган. Коммунал хизматлар учун мутасадди идора (Ўзкоммунхизмат) масъулиятига жумладан вилоятлараро сув қувурларини мувофиқлаштириш ва ушбу секторга инвестицияларни жалб қилиш киради. Маҳаллий чикинди масалалари билан маҳаллий ҳокимият органлари шуғулланади.

Барча янги қўрилиш лойиҳалари ва хорижий савдо маҳсулоти уларнинг атроф-мухитга таъсири баҳоланиши мақсадида кўриб чиқиласи. Корхоналар эмиссиялари ва зарарли моддаларни атроф-мухитга чиқаришлари ва табиий ресурслардан фойдаланишни хужжатларда акс эттиришлари шарт.

1998 йил Атроф-мухит миллий ҳаракат режаси (АММХР)да атроф-мухитни бошқаришда бозор муносабатларига асосланган рағбатларни кучайтириш назарда тутилган ва атроф-мухитни ва табиий ресурсларни бошқаришни устун вазифалардан бири сифатида белгиланган. АММХРдан кейин 1998 йил 1999-2005 йилларга мўлжалланган атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш дастури ва 2008 йил 2008-2012 йилларга мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Вазирликлар, идоралар ва давлат қўмиталари, вилоят ҳокимликлари ва бошқа давлат органлари ушбу дастурни бажаришга қаратилган чоралар қўриш ва, мувофиқ равишда, уларни йиллик давлат инвестициялари дастурига киритиш таклифлари билан Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига мурожаат қилишлари мумкин.

Иқтисодий ва атроф-мухитга доир сиёсатларни бирлаштириш мамлакатнинг ривожланиш режаларининг асосий мақсади, деб эълон қилинган эди. 2004–2006 йиллар ва 2010 йилгача мўлжалланган Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражасини ошириш стратегияси ва 2008–2010 йилларга мўлжалланган аҳоли фаровонлигини ошириш стратегиясининг иккаласида атроф-мухит, саломатлик ва иқтисодий истиқболлар орасидаги чамбарчас боғланиш таъкидланган. Бироқ, атроф-мухит деградациясининг иқтисодий ва ижтимоий баҳоси тўлалигича ҳали чамалаб чиқилмаган. Фаровонликни ошириш стратегиясида атроф-мухит баркарорлигини юзага келтириш учун икки стратегия ишлаб чиқилиши назарда тутилган: атроф-мухит хавфсизлиги стратегияси ва қайта тикланувчи энергия стратегияси. Сиёсатни ифода этишдаги баъзи ижобий ўзгаришларга қарамай, ҳануз атроф-мухит борасидаги устун вазифаларни асосий иқтисодий ривожланиш режалари, сиёсат ва дастурларга самаралироқ киритиш учун қилинадиган нарсалар кўп.

## **5.2 Иқтисодий воситаларни атроф-мухит мақсадлари учун қўллаш**

### *Солиқ*

Табиий ресурслар ва ердан фойдаланиш учун соликка тортиш асосларини Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунда қўриш мумкин. Қонунга кўра, ставкалар сифат, ноёблик, тиклаш имкониятилари, жойлашув ва бир қатор бошқа омиллар, жумладан қонун ҳужжатларида экспуатация чегаралари белгиланганлиги асосида белгиланади.

2007 йил Солиқ кодексига кўра, сув ресурсларидан фойдаланиш, шунингдек ер солиги ва ер ости ресурслардан фойдаланиш учун турли соликлар мавжуд. Бунинг устига, жисмоний шахслар транспорт учун ёқилғидан фойдаланиши ҳам соликка тортилади. Ушбу солик бензин, дизель ёқилғи ва газ чакана савдосида кишиларга сотилган ёқилғи миқдори асосида йиғиб олинади (транспорт бўлимими кўринг).

Сувдан саноат мақсадларида фойдаланиш соликка тортилади; бироқ, шўрни ювиш мақсадларга қўлланиладиган каби истиснолар бор. Аҳолига сув етказиб берадиган корхоналарда факат ўз эҳтиёжлари учун ишлатиладиган сув соликка тортилади. Гарчи сув солиги мамлакат миқёсида белгиланса-да, 2008 йилдан бери тушум маҳаллий бюджеттага кирим қилинади. Ставкалар жуда паст, сувдан самаралироқ фойдаланишни рағбатлантириш учун ставкани сезиларли даражада ошириш хусусида муайян муҳокама бўлиб ўтган эди. Фаолият турларига кўра фарқ бор, энг паст ставка ягона солик тўламайдиган қишлоқ хўжалик корхоналарга, дехқон ва фермер хўжаликлари ҳамда тадбиркорлик билар шуғулланадиган шахсларга қўлланилади. Ер ости сув учун ер усти сувига нисбатан юкорироқ ставка қўлланилади. Қишлоқ хўжалик фаолияти учун ставкалар фарқи айниқса кичик (куб метри учун 1,3 сўм ва 1,1 сўм, тегишли равишда, 2009 йилда). Солиқ сув ишлатилган жойда йиғиб олинади, сув олинган ерда эмас.

Ер солиги ердан ишлаб чиқариш мақсадда фойдаланиш учун татбиқ этилади, бунда қатор истисно ва имтиёзлар қўлланилиб баъзилари самаралироқ фойдаланишни рағбатлантиришга қаратилган. Ягона (бошқа солик тўловларни, хусусан сув солигини қопладиган) ер солигидан фойдаланадиган қишлоқ хўжалиги корхоналари учун солик мажбурияти 2004 йилдан бери ернинг меъерий қиймати асосида белгиланиб келмоқда. Бу мавжуд ишлаб чиқариш ихтисослашуви асосида белгиланади. Қишлоқ хўжаликдаги бошқа солик тўловчиларга нисбатан ер бонитети баллари қўлланилади.

Ер ости бойликларидан фойдаланувчилар, маҳсулотни бўлиш битимлар асосида фаолият кўрсатаётганларидан ташқари, уч тур соликка тортилади: ер ости бойликларидан фойдаланиш солиги, ўта юқори фойда солиги ва имзолаш ва тижорат экспуатация бонуслари. Ишлов берилган ёки қазиб олинган минерал ресурсларнинг қиймати ер ости бойликларидан фойдаланиш солигининг асоси бўлиб хизмат қилади, ставкалар тегишли минералларга боғлик. Ўта юқори фойда солиги катод мис, цемент, полиэтилен гранулалари ва табиий газ ишлаб чиқарувчи ёки қазиб олувчи корхоналардан йиғиб олинади. Сотиш нархи ва йиллик бюджетта оид қонун ҳужжатларида белгиланган меъерий нарх орасидаги фарқ солик базаси ҳисобланади. 2009 йилда қўлланиладиган ставкалар катод мис учун 60 фоиз ва бошқа маҳсулот учун 75 фоиз эди. (Асосий макроиқтисодий индикаторларни белгилаш ва

2008 йил давлат бюджети параметрлари тўғисида Президент Фармони). Бонус бир маротабали тўлов хисобланади.

### **Жадвал 5.1: Атроф-мухит тушумлари, ЯИМ фоизи хисобида, 2003–2008**

	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Ёкилғи истеъмоли солиги	0.40	0.41	0.46	0.37	..	..
Ер солиги	0.53	0.59	0.58	0.54	0.56	0.50
Ер ости солиги	0.31	0.46	2.33	2.35	2.18	2.39
Сув солиги	0.09	0.09	0.09	0.09	0.10	0.10
Экология солиги	0.63	0.64	0.75	0.10	..	..

Манба: Молия вазирлиги, 2009 (веб-сайтдан); Давлат солик қўмитаси, бевосита ахборот, 2009.

Аввал айтилган соликлардан ташқари 1998 йилда корхона жами сарфининг 1 фоизи микдорида экология солиги жорий этилди. 2001 йил январь ойидан эътиборан ушбу солик тушумлари маҳаллий бюджетларга кирим қилинди. Бироқ, номига қарамай, ушбу солик орқали тўплланган ресурслар атроф-мухит мақсадларига ишлатилмади. Уни атроф-мухит мақсадидаги иқтисодий восита, деб хисоблаб бўлмайди, чунки у умумий тарзда, фаолиятларни атроф-мухитга таъсирига кўра фарқламаган ҳолда қўлланилди. Экология солиги 2006 йилда хўжалик юритувчи субъетларга солик юкини енгиллаштириш умумий, жумладан даромад солиги ставкасини (2004 йилдаги 18 фоиздан 2007 йилдаги 10 фоизгача) камайтириш ҳам назарда тутилган, сиёсатининг бир қисми сифатида бекор қилинди.

Бу барча соликлар биринчи ўринда табиий ресурсларни эксплуатация қилишдан олинган иқтисодий рентанинг бир қисмини ушлаб қолиб, даромадни оширишга қаратилган эди. Тушумлар умумий бюджеттага кирим қилиниб ушбу соликларнинг ресурсларни бошқаришга кўрсатган таъсири чекланган бўлди (5.1-жадвал).

Гарчи сувдан фойдаланиш ва ер соликлари 2001–2008 йиллар мобайнида ЯИМ фоизи хисобида деярли барқарор бўлган бўлса ҳам, ер солигидан даромад 2008 йилда пасайди. Ер остидан фойдаланиш солигидан тушган даромад 2005 йилдан бери сезиларли даражада ошди. Даромаднинг бундай ошиши қисман табиий газ учун ставка кескин ошгани билан изоҳланади, ставка 2006 йилда 30 фоизга пасайишидан аввал 2004 йилдаги 18,5 фоиздан 2005 йилдаги 58 фоизга кўратилди.

Табиий ресурсларга солик ставкалари ҳар йили йиллик давлат бюджетида белгиланади. Узоқни кўзлаган солик ва ғазна ислохотининг бир қисми сифатида хукумат даромад ва фойда солиги ставкасини пасайтириб, айни пайтда табиий ресурслар солиги ставкаларини оширди (5.2-жадвал).

### **Жадвал 5.2: Табиий ресурслар солигининг фоиз хисобида узиши, 2004–2008**

	2004	2005	2006	2007	2008
Сув солиги	30	30	50	50	20
Ер солиги	..	30	50	50	20
Ёкилғи истеъмол солиги	..	25	20	33	25

Манба: Халқаро валюта фонди, 2008.

*Эмиссия бадали ва бошқа тўловлар*

#### Концепция ва хисоблаш

Ифлосланиш бадаллари ҳаво ва сув ифлосланиши ва чиқинди чиқарилиши учун йигилади. Ставкаларни Вазирлар Маҳкамаси ТМДҚ таклифлари асосида белгиланади. Бундан ташқари, табиий ресурслардан маҳсус фойдаланиш (ўсимлик ва хайвонот дунёси) учун ҳам тўлов мавжуд; бироқ, булар атроф-мухит мақсадларида ишлатилмайди.

Миллий қонун хужжатларида белгиланган лимитлардан паст ва баланд ифлосланиш фарқланади. Гарчи технология имкониятларидан келиб чиқиб баъзи истисноларга йўл қўйилса-да, ушбу лимитлар ҳар бир корхона учун рухсат этилган концентрациялар (РЭК) талабларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади. Корхоналар эмиссияларини жорий технология ва аслида чиқарилган маҳсулот миқдори асосида ҳисоблайдилар ва талайгина бирламчи маълумот қайдларини олиб борадилар. Вақти-вақти билан улар ТМДҚ олиб бориладиган лаборатория таҳлиллари орқали текширилади. Эмиссия ва чиқариш турли ифлословчи ва чиқиндилар хиллари учун лимитларни белгилайдиган рухсатномалар бор демакдир. Рухсатномалар олинмаган бўлса, жами товон тўловлари ўн баробар ошади.

1996 йил Табиатдан фойдаланишнинг илм-фанга асосланган, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини босқичма-босқич жорий этиш концепцияси, атроф-мухитни ифлослантириш ва чиқиндиларни йўқ қилиш учун тўловни босқичма-босқич жорий қилиш хужжатларига мувофиқ ҳам паст, ҳам юқори лимитлар назарда тутилган. Ушбу жараён 2010 йилга бориб тугатилиши мўлжалланган эди. 1992 йилда (биринчи босқич) лимитдан юқори ифлослаш учун тўлов киритилишидан сўнг, 2000 йилда (иккинчи босқич) меъерий лимит доирасида ва ундан юқори ифлослаш учун тўлов айнан биринчи АХШ олиб борилишидан олдин жорий этилди.

Тўлов ифлосланиш содир бўлган жойга қараб тегишли атроф-мухит жамғармаларига тўланади (5.4-бўлим). Ифлослаш учун тўлов ишлаб чиқариш сарфи деб ҳисобланмайди, акс ҳолда у солиққа тортиш мақсадларида фойдаланадан айирган бўлар эди. Унинг ўрнига компаниялар уларни бевосита фойдаларидан тўлашлари шарт. Ушбу тўловлар ифлословчи корхоналарни атроф-мухитга улар эҳтимол етказган зарар оқибатларини бартараф этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ўша пайтдан бери ифлосланиш учун бадал тўлаш тизимида икки энг аҳамиятли ислоҳот бўлиб ўтди. Биринчиси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил Атроф-мухитни ифлослантириш ва чиқиндиларни йўқ қилиш учун тўловни босқичма-босқич жорий қилиш тўғрисидаги карорга биноан 2003 йилда ўтказилди. 2006 йида Табиатдан маҳсус фойдаланганик учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги карор билан яна ўзгартиришлар киритилди. 2010 йилдан кейин ислоҳотнинг яна бир босқичини ўтказиш назарда тутилган. Бунда табиий ресурслардан маҳсус мақсадларда фойдаланиш учун тўлов тизимини янада такомиллаштириш режалаштирилган. Шунда табиий ресурслар, жумладан сув, ер ва ўрмон ресурсларидан нооқилона фойдаланиш учун тўлов жорий этилиб атроф-мухитни бошқаришнинг иқтисодий воситалари сони орттирилади.

Кўчма манбалар эмиссияси учун тўлов турли ёқилғи истеъмоли асосида ҳисобланади. Қонун хужжатларида, лозим бўлганда, транспорт воситалари ва юрилган масофа тўғрисидаги турли тахминлар асосида ёқилғи истеъмолини ҳисоблаш қоидалари келтирилган. Чиқиндилар учун ифлослаш бадаллари токсиклик даражасига боғлиқ. Токсик бўлмаган чиқинди турлари бўйича фарқланади. Бу қоида нафақат ставкаларга, балки чиқинди миқдорини ўлчашга ҳам тааллуклидир: ишлаб чиқариш учун ҳажм асосида, қазиб олиш саноати учун вазн асосида. 2003 йил ислоҳотига кўра токсик бўлмаган чиқиндилар лимитлари турли (ишчилар, мижозлар сони ёки бино-иншоотлар катта-кичилги каби) кўрсаткичлар асосида турли хўжалик фаoliyatlari учун ҳисобланади.

Бир қатор фойдаланувчилар атроф-мухитни ифлослаш ва чиқинди чиқариш учун товон тўловлари хусусида маҳсус шароитдан баҳраманд бўлдилар. Баъзи ҳолларда бундай имтиёзлар умумлаштиришган ифлослаш (жумладан, лимит доирасидаги эмиссия ва чиқариш) бадаллари киритилишининг таъсирини мулойимлаш учун восита сифатида жорий этилган эди.

2003 йил ислоҳотига кўра уй-жой ва коммунал хизматлар база ставканинг 20 фоизини, аммо 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар. Тошкент метрополитени аввал фойдаланган имтиёзлар бекор килинди. Юридик шахслар тўланадиган миқдор энг кам иш ҳакининг 5 баробаридан кичик бўлса, товон тўловлардан озод қилинадилар. Қазиб олиш саноатида чиқиндилардан қайта фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида янада ишов берилган ёки хом ашё сифатида ишлатиш учун сақлаб қўйилган чиқиндилар учун тўлов жорий этилмаган. 2006 йилда фосфор ўғитларнинг чиқиндисини қайта ишлатиш учун яна истиснолар жорий этилди.

Охирги АҲШдан бери ислоҳот илгарилаб истисно ва имтиёзлар режими қатъйлашиб борди. Бироқ, бир ислоҳоти кезида киритилган бўлиб фақат бюджетдан молияланадиган барча ташкилотлар ифлослаш бадалини тўлашдан озод қилинганинигидир. Агар бундай давлат томонидан молияланган ташкилотларнинг таркибида хўжалик фаолияти (масалан, пуллик хизматлар) олиб борувчи бўлинмалар мавжуд бўлса, бундай фаолиятдан ифлослаш бадаллари ундирилади. 2006 йилда уй-жойлар ва коммунал хизматлар учун имтиёзлар кўлами қисқартирилди. Маҳаллий ҳокимиятларнинг оқава сувни тозалаш корхоналари энди база ставкаларнинг 20 фоизи миқдорида бадал тўлайдилар. Уй-жойлардан оқава сувни тозалайдиган саноат компаниялари база ставканинг 50 фоизини тўлайдилар.

2003 йилда “частота коэффициентлари”нинг киритилиши яна бир муҳим ўзгартириш бўлди. Ушбу янги тартибга кўра белгиланган лимитдан ошиб кетган эмиссия ва чиқариш учун тўлов лимитдан қанча ошиб кетилганликка мувоғик 5 баробаргача оширилиши мумкин, энг юқори коэффициент лимитдан 2,1 баробар ошиб кетилганда қўлланади. Аввал белгиланган лимитдан ошиб кетиш учун фақат база ставгадан 20 фоиз ортиқроқ ставка қўлланарди. Шунинг билан бирга белгиланган лимитдан пастроқ эмиссияда коэффициентлар ўхшаш тарзда қўлланиб тўлов камайтирилишидан фойда келтиради. 2006 йилда янада қатъйроқ режим жорий этилик барча коэффициентлар икки карра оширилди. Натижада белгиланган лимитдан ортиқ эмиссия учун тўлов энди 10 баробаргача оширилиши мумкин. Мавжуд режим юқори даражада прогрессивлик демакдир. Унинг симметрик характеристики (эмиссия ва чиқариш лимитдан юқори ҳолда тўлов ортиши ва пастроқ бўлса, тўлов камайиши)ни инобатга олсак, ушбу тизим ифлослашни мунтазам қисқартириш учун рағбат яратиб туради.

#### Йигиб олиш жараёни ва даромад динамикаси

Ифлослаш бадаллари тўловини йигиб олиш жараёни олинган даромадни тақсимлаш қоидалари ривожланиши натижасида ўзгарди. Барча (лимит доирасида ва ундан ортиқ) эмиссиялар учун тўлов жорий қилинишидан сўнг даромаднинг 80 фоизи давлат бюджетига тушиши белгиланиб қолган қисми атроф-муҳит жамғармаларга тақсимланди. Атроф-муҳит жамғармаларига кирим қилинадиган даромадни йигиши атроф-муҳит инспекторлари зиммасига юкланди. 2003 йил ислоҳоти натижасида маҳаллий атроф-муҳит жамғармалари инспекторлар йигиб олган барча тўловларни олар эдилар. 2004 йил ноябрь ойидан эътиборан барча атроф-муҳитга оид тўловларни маҳаллий атроф-муҳит жамғармаларига кирим қилинади, аммо булар даромаднинг 50 фоизини давлат бюджетига ўтказишлари зарур. Бироқ, энди атроф-муҳит инспекторлари зиммасига жами тўлов миқдорини йигиб олиш юкланди.

Атроф-муҳит инспекторлари зиммасига юкланди тўлов йигиши масъулиятидан уларни асосий вазифаларини бажатишдан чалғитадиган маъмурий юқ демакдир. Уларнинг тўловини ундириб олиш ваколатлари солиқ идоралариникидан заифроқ, бу эса риоя қилиш маъносида салбий таъсирга эга.

2003 йил ислоҳотида аввалги чоракнинг ўртacha ойлик миқдорига асосланган ойлик бўнак тўлов ҳам жорий этилган эди. Чоракли қарзни узишнинг ўрнига киритилган бу чора ушбу тўловлардан кирим қилинадиган даромадга борқарорроқ тус берди.

Ифлослаш бадаллари миқдор бўйича, эмиссия қилинган ифлословчилар ёки чиқарилган чиқинди миқдорига қараб белгиланади. Атроф-муҳитга тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш харажатларининг ўзгариши инобатга олинниб ставкаларни вактида қайта кўриб чиқиши механизми мавжуд эмас. Ставкалар 2001 йилда 10 фоиз, 2003 йилда 30 фоиз ва 2006 йилда 20 фоиз оширилди. Яна 30 фоизга ошириш тақлифи тақдим этилди, аммо тақлиф хозирча қабул қилинади. Ставкаларни қайта кўриб чиқишининг жорий тартиби охирги ставка оширилишидан сўнг юз берган энг кам иш ҳақи миқдори ёки корхоналар томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чораларни амалга ошириш харажатидаги ўзгариш каби бир катор кўрсаткичлар замирида талабни асослаб бериши керак бўлган ТМДҚнинг тақлифига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилди. ТМДҚнинг талабини Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги ўрганиб чиқади ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади.

Жорий индексация механизмида ихтиёрий элемент мавжуд бўлиб у ставка қачон ва қанчага оширилишида ноаниқликни вужудга келтиради. Бу эса тўловларнинг интизомга келтириш кучи ва йигилган даромаднинг асл қиймати маъносига салбий оқибатга олиб келади (чунки корхоналар тўловлар ўзгармай турган ҳолда бошқа сарф-харажатлар ошиб боришини кузатадилар).

Кўтиб чиқилаётган даврда ифлослаш бадали тўловлари номинал қийматда ошиб борди (Жадвал 5.3), бунга юқорироқ ставка ва белгиланган лимитлардан ташқарига чиқсан эмиссия ва чиқаришга нисбатан қатъйлашиб борган режим ҳисса қўшди. 2008 йилда ифлослаш бадаллари тўловидан даромад 2004 йилда йигилгандан қарийб икки баробар кўп эди. Бироқ улар ЯИМ фоизи ҳисобида барқарор равишда камайиб борди ва ушбу давр мобайнинда тахминан учдан бирга камайди.

Гарчи муҳит турлари бўйича бир мунча фарқлар бўлса-да, умуман, белгиланган лимит доирасидаги ва ўлардан ташқари эмиссия ифлослаш бадалидан тушган даромаднинг ўзаро нисбати 2004–2008 йилларда нисбатан барқарор бўлиб турди. Сувга белгиланган лимитдан ортиқ оқизилган чиқиндиларнинг нисбий салмоғи ортди, аммо бу лимит доирасида оқизиш кескин камайиши туфайли юз берди, оқибатда жами даромадда иккаласи қўшилган ҳиссаси камайди. Ушбу хилма-хил динамика иқтисодий воситалар ифлослашни назорат қилиш соҳасида турли даражада самара бериши тўғрисида далолат беради.

Чиқинди чиқариб ташлаш муаммоли кўринади: белгиланган лимитдан юқори чиқариш учун тўловнинг лимит доирасида чиқариш учун тўловга нисбати барқарор равишда юқори бўлиб келмоқда ва у 2004–2008 йиллар давридаги чиқиндидан тушган жами даромаднинг 56 фоизини ташкил қилди. Ўрта ҳисобда белгиланган лимитдан ташқари чиқинди учун тўловдан тушган даромад мазкур даврдаги ифлослаш бадалларидан тушган жами даромаднинг 22 фоизини ташкил қилади. Умуман, чиқинди чиқариш бадали тўловлари 2008 йил жами даромаднинг тахминан 40 фоизини ташкил қилди. Аксинча, кўчма манбалардан ҳаво ифлосланиши бадалларидан тушган дарқарор равишда камайиб борди ва 2008 йилда жами даромаднинг 3 фоизини ташкил қилди, 2004 йилдаги 7,5 фоиздан шунгача пасайган.

Тўловларнинг жами микдорини йигиб олиш масъулияти атроф-муҳит инспекторлари зиммасига юкланиши билан боғлиқ ҳолда йигиб олиш даражаси пасайиши юз бераётган кўринади. Қарз учун солинган жарималар микдори жами даромаднинг фоизи ҳисобида 2005 йилда икки баробар ошиди. Охириги йилларда ахвол бир оз яхшиланганлигига қарамай бу нисбат юқорилигича қолди ва 2008 йилда кескин равишда ошиб 5,6 фоизга етди.

### Бахолаш

Охириги ислоҳотдан кейин 171 ифлословчи ҳавога эмиссия қилинган ва 87 модда сувга оқизилган ҳолларда товон тўлови ундириладиган бўлди. Мазкур ифлословчи моддаларнинг сони катта бўлиб, мониторинг ва маъмурӣ жиҳатдан сезиларли сарф-харажатларга олиб келади. Сони камроқ ифлословчиларга дикқатни қаратадиган ва хатти-ҳаракат тарзини ўзгаришишга кучлироқ рағбат бўладиган эмиссия тўлов даражасини белгилайдиган ислоҳотни амалга ошириб ифлослаш тўловларини йўналтиришишга деярли уриниш бўлмади. Бунинг устига, иқтисодий воситалар ислоҳотини атроф-муҳит соҳасида маҳсус мақсадларга эришиш билан меъерий характердаги элементларга эга низомлар пакети сифатида боғлаш ташабуси бўлмаган эди. Бўлиб ўтган ислоҳотларда ифлослаш нархи умумий тарзда оширилди, аммо самаралироқ воситаларга олиб борадиган тўловларнинг лозим даражаси ва структурасини белгилашга маҳсус уриниш бўлмади. Ифлослаш учун тўлов экологияга инвестиция қилишни рағбатлантирувчи восита эмас, кўпроқ атроф-муҳит мақсадларида йигиладиган даромадни ундириш учун самарали восита бўлиб келмоқда.

Бунинг устига корхоналарнинг ўз ифлословчи моддаларига нисбатан олиб бораётган атроф-муҳит мониторингининг техник сифати пастлиги ва ишочли эмаслигини Осиё Тараккиёт Банки таъкидлаган эди. Ифлослашни назоратида иқтисодий рағбатлантиришдан самарали фойдаланиш учун мустаҳкам меъерий асос зарур.

Ифлослашни назорат қилишда маҳсулот учун тўлов эмиссия учун тўловга қўшимча чора бўлиши мумкин, яъни истеъмол пайтида ифлослантирувчи маҳсулот учун бу ёндашув қулай бўлади ёки мониторинг қилиш қийин бўлган эмиссия ҳолида ҳам яхши билвосита чора бўлиши мумкин. Ёқилғи

истисноси билан бундай иқтисодий воситалар хозирда қўлланилмаяпти. Сифати паст қўмир, таркибида кўргошин ва озонни емирувчи моддалар бор бўёқлар учун маҳсулот тўловларини жорий қилиш лойиҳаси муҳокама қилинмоқда.

### Жадвал 5.3: Ифлослаш учун бадаллардан даромад, 2004–2008

	2004	2005	2006	2007	2008
Ифлослаш тўлови, миллион сўм	1,740.1	1,970.5	2,412.8	3,075.5	3,336.9
Ифлослаш тўлови, миллион АҚШ доллари	1.71	1.77	1.98	2.43	2.53
ЯИМ фоизи хисобида	0.01	0.01	0.01	0.01	0.01
Эслатма					
ЯИМ, миллиард сўм	12,189.5	15,210.4	20,759.3	28,186.2	36,839.4
Айирбошлиш курси: АҚШ долларига сум	1,019.9	1,113.9	1,219.6	1,264.1	1,320.9
<b>Муҳитлар бўйича тақсимот, фоизлар</b>					
Жами	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
Лимит доирасида	<b>54.80</b>	<b>55.45</b>	<b>60.51</b>	<b>56.98</b>	<b>54.43</b>
Хаво					
Кўчмас манбалар	14.00	14.99	17.09	17.37	21.97
Кўчма манбалар	7.02	3.45	4.06	2.73	2.66
Сув	13.05	13.97	16.41	14.80	7.56
Ер	4.57	4.17	5.06	4.58	5.19
Чиқинди	15.57	18.87	17.88	17.51	17.06
Лимитдар юкори	<b>45.20</b>	<b>44.55</b>	<b>39.49</b>	<b>43.02</b>	<b>45.57</b>
Хаво					
Кўчмас манбалар	7.19	7.19	7.40	7.59	8.97
Кўчма манбалар	0.50	1.10	1.01	0.64	0.37
Сув	6.67	5.86	5.09	7.28	5.78
Ер	5.67	6.15	6.79	7.22	7.99
Чиқинди	25.16	24.25	19.20	20.30	22.46
Карз учун жарима жами даромаддан фоиз хисобида	<b>1.25</b>	<b>3.01</b>	<b>2.04</b>	<b>2.05</b>	<b>5.61</b>

Манба: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, 2009.

#### Бошқа молиявий манбалар

Атроф-муҳит масалаларини ечиш учун солиқ ва ифлослаш бадалларидан ташқари бошқа манбалар ҳам ишга солиниши мумкин. Хусусан, Тоза ривожланиш механизми (ТРМ) потенциал даромад манбаидир. Янгиланадиган энергия манбаларини ривожлантириш ва энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳаракати иссиқхона газлари эмиссиясини қисқартириб, ушбу фаолиятни молиялаш учун инвестиция манбаларини таъминлаб беради. МРМдан ташқари Жаҳон Банкининг Углерод ҳамкорлик имконияти углерод лойиҳаларини, хусусан энергетикада молиялаш учун имкониятлар яратади. 9-бобда углерод молиялиш ва иқлим ўзгаришига боғлиқ бошқа масалалар муҳокама этилади.

### 5.3 Нарх-наво сиёсати ва субсидияларнинг атроф-муҳитга таъсири

Атроф-муҳит соҳасидаги бошқарув мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг муҳим компонентидир. Ўзбекистонда энг муҳим масала - бу ер ва сувдан фойдаланишнинг барқарор моделларини яратиш. Мувофиқ баҳолаш тартиби самарадорликни рағбатлантириш ва зарур инвестициялар учун маблағ тўплашга ижобий ҳисса қўшиши ва шу йўл билан атроф-муҳит борасидаги талабларни кўриб чиқкан ҳолда иқтисодий ривожланишни жадаллаштириши мумкин. Чиқиндини олдини олиш ва атроф-муҳит соҳасида инвестицияларни рағбатлантириш учун нархда тўлиқ сарф акс этган бўлиши керак. Қандай бўлса ҳам, ресурслардан фойдаланиш тартибга солиш ва тўламаслик ва қарзларнинг нисбатан кўплигининг таъсири остида бўлади, бу эса фойдаланувчилар тўлайдиган аслидаги нархга таъсир қиласи.

## *Қишлоқ хўжалиги*

Қишлоқ хўжалиги сектори сувнинг асосий истеъмолчиси ҳисобланиб, жами истеъмолнинг ҳажм ҳисобидаги 90 фоизи ушбу секторга тўғри келади. Сувдан самарасиз фойдаланиш ботқоқлашув ва шўрланишнинг кенг кўлам олишига ҳисса қўшди. Ушбу атроф-муҳит муаммоларининг аниқ иқтисодий оқибатлари мавжуд, чунки улар ҳосил камайиши ва қишлоқ хўжалиги ерлари ишдан чиқишига олиб келади. Вазият сув тежашга қаратилган иқтисодий рағбат заифлиги ва инвестициялар даражаси пастлиги туфайли ёмонлашиб бораётган инфратузилманинг қўш таъсирини акс эттиради. Кечиктирилган капитал маблағлар ва жорий фаолият ва эксплуатация харажатлари активлар қийматининг 40 фоизини ташкил қиласди.

Миллий стратегияларда фильтрланишдан лозим даражада ҳимоялаш мавжуд эмаслиги (каналларнинг фақат учдан биррида фильтрланиш қопламалари мавжуд) сугориш учун ортиқча сув ишлатилишининг асосий сабаби сифатида таъкидланади. Сугориладиган ерларнинг тахминан 60 фоизига сув насослар ёрдамида чиқарилади, бу эса Жаҳон Банкининг фикрига кўра асосий сарфни ташкил қиласди. Ўзбекистонда электр истеъмолининг 20 фоизи машинали сугориш ҳиссасига тушади. Эскирган жиҳозлар ишлатилиши туфайли энергиянинг таннархи юқорилигича қолиб келмоқда.

Фаровонликни ошириш оралиқ стратегиясида сугориш самаралироқ қўлланиши мумкин деб эътироф этилади ва ер ва сув ресурсларидан фойдаланишга доир такомиллашган рағбатлар ишлаб чиқиш режалари баён этилган. Фаровонликни ошириш стратегиясида ушбу сиёsat йўналишлари саклаб қолинди.

Сугориш учун сув (гарчи бир мунча миқдордаги сув ягона ер солигига киритилган бўлса ҳам) текин етказиб берилади ва қўламли нарх белгилаш схемаларини қабул қилиш режалаштирилмаяпти. Бироқ, Иқтисодиёт вазирлиги сувни сустеъмол қилганлик учун маъмурний жарималарни сезиларли даражада ошириш таклифини киритган. Сувдан фойдаланишга доир ҳам маъмурий, ҳам иқтисодий воситаларни қўллаш ўлчов жиҳозларини такомиллаштиришни тақозо этади. Ушбу йўналишда Фаровонликни ошириш стратегиясида сугориш учун ишлатилган сув миқдорини ўлчаш тизимини ривожлантириш назарда тутилган.

Қишлоқ хўжалиги секторида муҳим қайта куриш юз берди, ширкат жамоа фермерларга ижарага берилган кичикроқ ер участкаларига бўлинди. Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, гарчи чекланган асосда бўлса ҳам, вужудга келди, улар маҳаллий сугориш ишларида муайян, жумладан инфратузилмага инвестиция киритиш ваколатларига. Бироқ ерга эгалик қилиш тартибида тўла мулкдорлик назарда тутилмаган, ер давлат мулки ҳисобланади, бу эса молиявий рағбатларни заифлаштиради.

## *Энергетика*

Охириги йилларда юз берган бир мунча яхшиланишга қарамай, энергетика самарадорлиги пастлигича қолмоқда, бу эса ҳаво ифлосланишига ҳисса қўшмоқда. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), харид қобилияти тенглиги асосида олинса, Жаҳон Банкининг “Жаҳон ривожланиш қўрсаткичлари”га биноан 2005 йилда бир килограмм нефть эквиваленти ҳисобида фақат 1,11 АҚШ долларини ташкил қиласди, ваҳоланки ўрта ва паст даромадли мамлакатларда бу қўрсаткич 3,99 АҚШ долларини ташкил қиласди. Самарадорликни ошириш саноат атроф-муҳитга тегишли стандартларга риоя қилишига ҳисса қўшган бўлар эди. Энергия нархи пастлиги инвестицияларни рағбатлантиrmайди ва юқори самарадорликни таъминламайди. Хусусан, нефть ва қўмир жаҳон бозори нархларидан арzon сотилди. Бироқ, электр энергия ва газ тарифлари сезиларли даражада оширилди. Чунончи, 2002 йил апрель ойи билан 2004 йилнинг охири мобайнида электр энергия нархи 2,6 баробар ошди ва шу билан электроэнергетика секторининг молиявий ахволи яхшиланди. 2004 йил ва 2009 йил биринчи чораги мобайнида электр энергия нархи икки баробар ошди. Жорий тарифлар ҳам жорий фаолият, ҳам эксплуатация харажаларини қоплади. Улар истеъмолчилар турига қараб ўзгаради. Уй хўжаликлари тахминан 31 сўм/квсоат, саноат истеъмолчилар тўлайдиган нархнинг тахминан ярмини тўлайди. Оммавий тадбирлар учун тариф З баробар юқорироқ.

Электр энергияси тарифларига мавжуд инфратузилмани кенгайтириш ва модернизация қилишни молиялаш мақсадидаги инвестиция компоненти киритилмаган. Газни узатиш ва электр энергиясини тақсимлашдаги йўқотишлар, бу муаммо Фаровонликни юксалтириш стратегиясида белгиланган бўлиб, қўшимча инвестицияларни талаб қиласди.

Энергетика тармоғида ҳақ тўламаслик муаммоси кенг тарқалган бўлиб хукумат масалани ўлчов жорий қилиш дастури орқали ечишга ҳаракат қиласди, бунда ҳақ йигиб олиш кўрсаткичи сезиларли даражада яхшиланди. Энергия низоми маълумотига кўра ушбу ўлчов жорий этиш дастури электр энергетика ва газ секторларида деярли якунланди. 2002 йилдан бошлаб газ ўлчагичлар газ тақсимлаш тармоқларига уланган уй хўжаликларида ўрнатилди. 2008 йил инқизозга қарши чора-тадбирлар дастурида тадрижан барча тур истеъмолчилар учун электр энергия истеъмол қилиш ва унга ҳақ тўлаш устидан автоматлашган назорат тизимини 2009–2015 йиллар мобайнида жорий этиш назарда тутилган, йирик корхонлар учун бу жараён 2009 йилда якунланиши керак. 2009–2012 йиллар мобайнида электр энергия ва коммунал хизматлар ҳақини йигиши хусусий операторлар ихтиёрига ўтказилади, улар фаолият натижаларига кўра тақдирланадилар.

### *Транспорт*

Транспорт воситалар фойдаланиш ошиб бориши шахар худудларида ифлосланишнинг асосий манбай ҳисобланади. Жамоат транспорти сифатида микроавтобусларни кўпайтириш йўл ҳаракати ортиб боришига ҳисса қўшди. Жисмоний шахслар транспорти учун ёқилғи солиғи, 5.2-бўлимда кўриб чиқилгандек, ҳозирги солиқдан фарқли ўлароқ даромад фойдаланишга боғлиқ ҳолда ўзгармайдиган автотранспорт эгаларига солинадиган солик ўрнига жорий этилди.

ГТЁ (GTZ)нинг “Халқаро ёқилғи нархлари” нашрининг маълумотига кўра, Ўзбекистон бензин солиғи жуда юқори бўлган мамлакат ҳисобланади, солик чакана нарх таркибида бир литрга 135 АҚШ центини ташкил қиласди. Аксинча, дизель ёқилғининг нархи халқаро нарх-наво билан таққослаганда паст бўлиб 2008 йил ноябрининг ўрталарида 75 АҚШ центини ташкил қиласган эди. Этилланган ёқилғини ишлатмасликка ҳаракат қилинган бир пайтда ундан ҳамон бир оз микдорда фойдаланиляпти.

Бензин устига қўйиладиган акциз солик 2009 йилда 40 фоиз (ёки тоннага 281.000–221.000 сўмдан кам бўлмаган микдорда) эди, айни пайтда дизель ёқилғи солиғи 34 фоиз (ёки тоннага 38.000 сўм) эди. Бензин тоннасига 2009 йилда 281.000дан 221.000 сўмгача ставкаларда солик солинган бўлса, дизель ёқилғи солиғи 130.000 сўм эди. Керосинга 9 фоиз ставкасида солик солинади.

Импорт қилинган транспорт воситалар учун акциз солиғи эски моделлар учун юқорироқ бўлиб, автомобиллар паркини янгилашни рағбатлантиради. Одатда, ишлатилган транспорт воситаларига нисбатан қарши омил двигатель ҳажмининг бир куб сантиметри учун 3 АҚШ долларига тенг. Ҳар ҳолда, ҳам янги, ҳам ишлатилган транспорт воситаларига қўлланиладиган ставкалар ички маҳсулотни муҳофаза қилиш мақсадида юқори белгиланган (баъзи ҳолларда 70 фоизгача). Шунингдек импорт транспорт воситаларидан бож ҳам ундирилади, ишлатилган транспорт воситаларига нисбатан двигатель ҳажмининг бир куб сантиметри учун қўшимча 1,2 АҚШ доллари ундирилади. Йўл жамғармаси бошқа мамлакатлардан кириб келаётган ва транзит ва мамлакат фуқаролари сотиб олган транспорт воситаларидан тўловларни кирим қиласди, аммо бу тушум атроф-муҳит мақсадларида ишлатилмайди.

### *Коммунал хизматлар*

Қишлоқ ерларда ва кичик шаҳарчаларда соғлик учун хавфсиз сув ва канализациядан фойдаланиш имконияти чекланганича қолмоқда. Оқава сувни қайта ишлаш одатда шаҳарларда амалга оширилади, аммо қишлоқ аҳоли яшайдиган жойларга етиб бормаган. Осиё Тараққиёт Банкининг маълумотига кўра оқава сувни қайта ишлаш иншоотлар хизматидан 40 фоизидан кам аҳоли фойдаланади. Хусусан, қишлоқ жойлар аҳолисининг бешдан бири соғлик учун хавфсиз ичимлик сувидан фойдаланмайди. Умуман, сув билан таъминлаш ва канализация хизмати хароб ёки етишмайдиган инфратузилма туфайли ночор ахволда. Бу юқори сарф ва катта микдорда сув ҳисобга олинмасликка олиб келади.



*Тошкентдаги бизнес маркази*

Ахоли яшайдиган жойлар чиқиндиларни йиғиш ва чиқариш ҳокимиятлар зиммасига юқланган, ваҳоланки ҳокимиятларга тегишли сув корхоналари оқава сувни қайта ишлаш ҳакини уй жой хўжаликлари ва корхоналар учун ошириб бормоқдалар. Харажатларни қоплаш ва тўлашдан бўйин товлаш муаммолари хусусий секторнинг иштирок этишига халақит бермоқда. Бироқ, вилоятлар орасида сезиларли фарқ бўлса ҳам тарифлар кўпроқ сарфни акс эттирадиган бўлган. Маблағ этишмаслиги одатда маҳаллий бюджет хисобидан қопланади. Гарчи коммунал таъминотчиларнинг молиявий ахволи яхшиланган бўлса ҳам, инфратузилмани модернизация қилиш учун етарли ресурс жамлаш муаммолигича қоляпти. Ушбу тармоқ халқаро ёрдамдан фойда кўрди (5.8-бўлим). Давлат сиёсатида ушбу хизматларни қўрсатишда давлат хусусий ҳамкорлик орқали хусусий секторнинг иштироқи ошиб бориши назарда тутилган. Бухоро ва Самарқандда сув ресурсларидан фойдаланишда давлат хусусий ҳамкорлик тажрибаси бор, аммо яққол натижалар йўқ. Умуман, сувни тежашга қаратилган рағбатлар тарифлар қиймати ва ўлчов асбоблари билан жиҳозлаш чекланганлиги туфайли етарли даражада таъсирили бўлмади. Асосий маблағларнинг аксарият қисми грант бўлмаган (кредит ёки хиссадорлик) асосда таъминланиши сарфни қоплаш сари ҳаракатни давом эттиришни тақозо қиласи. Жорий тариф тизимида риоя қилишни таъминлаш механизми кучли эмас ҳамда вақтида тўлайдиганларни тариф режалари орқали рағбатлантириш мавжуд эмас. Юқорироқ тарифлар бирга истеъмолчиларга қўрсатиладиган хизматларнинг сифати ошириб борилиши керак.

Саноат ва майший чиқиндиларни тасарруф қилиш Ўзбекистон юзланиб турган асосий экологик муаммолардан биридир. 2007 йилда Сенатнинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари ва атроф-мухит қўмитаси 2008–2017 йилларга мўлжалланган Чиқиндиларни чиқариш миллий стратегия ва ҳаракат режаси лойиҳасини тасдиқлади (1-боб). Чиқиндини йиғиштириш ҳақи паст бўлиб йиғиш транспорт воситаларининг эскириб қолган паркини янгилашга етарли маблағни таъминламайди. Ифлослаш бадали тўловлари тизими саноат чиқиндиларини чиқариш эвазига корхоналардан даромат кўриш имконини берган бир пайтда майший чиқиндига келганда вазият ўзгачадир. Риоя қилишни таъминлаш механизmlари қатъий эмас, бу эса риоя қилишга кучли рағбат яратмайди ва чиқиндиларни чиқариш борасида иқтисодий воситаларнинг қўллаш миқёсини чеклайди. Чиқиндиларга тегишли статистика маълумоти етарли эмас, бу эса самарали стратегияларни амалга оширишга тўсқинлик қиласи. Махсулот учун тўлов тизими ҳам мавжуд эмас, бундай тизим қайта ишлашни рағбатлантирган ёки чиқиндини қайта ишлаш корхоналарига маблағ жамлаш имконини берган бўлар эди.

## 5.4 Экологик жамғармалар

Мақсадлы маблағ ажратиши молиялашни атроф-мухит әхтиёжларига йўналтириш ва атроф-мухит сиёсатини ресурслар учун рақобатлашувчи талаблардан химоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун давлат ва маҳаллий даражадаги атроф-мухитни муҳофаза қилиш жамғармаларни ташкил қилишга замир яратади.

Атроф-мухит жамғармалари тизими Атроф-мухитни муҳофаза килиш миллий жамғармаси ва 14 маҳаллий жамғармалардан иборат. 2008 йилда 40 фоизга яқин тушум Тошкент шахри ва Тошкент вилоятидан йифилди. Турли даражалардаги жамғармаларни ТМДҚ, вазирликларнинг тегишли ҳудудий ташкилотлари ва илмий муассасалар вакилларидан иборат кенгашлар бошқаради.

Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари мақоми тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил қарори жамғармаларни ташкил қилиш асосий қоидалари, даромад манбалари ва рухсат этилган сарфлар турларини белгилаб беради. Биринчи АҲШдан қейинги давр мобайнида 2003 ва 2004 йилларда атроф-мухит жамғармаларининг тизимга кирим қилинадиган турли даромадларнинг нисбатига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди (5.1-бўлим). Охирги ислоҳотга (2004 йил Вазирлар Маҳкамасининг Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори) ва 2004 йил Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, ифлослаш бадал тўловлари, атроф-мухитга зарар етгазганлик учун товон ва атроф-мухит соҳасидаги (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва ов қилишга тегишли хужжатлар истисноси билан) қонун хужжатларини бузганлик учун жарима ва атроф-мухит инспекторлари фаолиятидан келиб чиқсан жарима тўловларининг 50 фоизи маҳаллий жамғармаларда қолади. Бунга қўшимча равища, маҳаллий жамғармаларнинг даромадлари атроф-мухит борасида чора-тадбирлар ўтказадиган корхоналарда хиссадорлик даромади ва кўнгилли бадаллар ҳам киритилган. Даромаднинг асосий қисми ифлослаш бадали тўловидан тушади (2008 йилда 80 фоизга яқин эди), жарималар иккинчи ўринда.

Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғармаси ҳисобига тушадиган даромад маҳаллий жамғармалар даромадларининг 25 фоизи, корхоналарда иштирок этишдан тушган даромад, кўнгилли хиссалар ва ноширлик фаолияти даромадидан иборат. Бунинг устига, 2004 йил ислоҳотига кўра, у марказий атроф-мухит инспекторларининг ҳаракати натижасида солинган ва ундирилган атроф-мухитга зарар етказганлик учун жарима ва даъво маблағларидан 50 фоизни олади. Амалда маҳаллий жамғармалардан ўтказмалар Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғармасининг жами маблағини ташкил қиласди (Жадвал 5.4).

**Жадвал 5.4: Атроф-мухит жамғармалари, даромад ва ҳаражатлар, миллион сўмда, 2001–2007**

	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007
<b>Жами даромад</b>	<b>256.9</b>	<b>407.6</b>	<b>782.0</b>	<b>2,019.3</b>	<b>1,208.7</b>	<b>1,448.1</b>	<b>1,978.7</b>
Маҳаллий (ўтказмалардан ташқари)	192.8	304.1	593.6	1,582.3	906.7	1,090.8	1,549.4
Миллий	64.0	103.6	188.4	437.0	302.0	357.3	429.3
<b>Жами сарф</b>	<b>239.8</b>	<b>387.2</b>	<b>644.6</b>	<b>1,693.1</b>	<b>1,395.3</b>	<b>1,622.8</b>	<b>1,955.0</b>
Маҳаллий (ўтказмалардан ташқари)	176.2	294.5	514.0	1,424.2	884.0	1,234.5	1,577.5
Миллий	63.6	92.7	130.6	268.9	511.3	388.3	377.4

Манба: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, 2009.

Жамғармалар томонидан атроф-мухит соҳасида қилинган сарф жумладан инфратузилма жиҳозлари, атроф-мухитга етказилган зарарни бартараф этиш ва муҳофазаланган табиий ҳудудларни ривожлантириш сарфларидан иборат. Бунга қўшимча равища илмий изланиш ишлар ва атроф-мухит органларининг фаолиятини моддий-техникавий кўллаб-куватлаш ҳам киради. Жамғармалар ресурсларидан ходимлар ва бошқа ҳамкорларга мукофот (даромаднинг 15 фоизи доирасида) тўланади ва атроф-мухит инспекторлари мажбурий сугурта қилинади. Жамғармалар корхоналар сармоясида хиссага

эга бўлишлари ва улар олган кредитларни қайтаришда иштирок этишлари мумкин. Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғармаси халқаро ҳамкорликда ҳам иштирок этади (Жадваллар 5.5 ва 5.6).

#### **Жадвал 5.5: Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғарма сарфининг фоизи, 2001–2007**

	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007
Сарфлар	100	100	100	100	100	100	100
Экология чоралари	38.3	38.2	59.4	75.2	67.2	64.5	55.6
Ўқитиш	3.2	1.1	2.7	1.0	0.6	1.6	1.4
Нашрлар	4.7	10.0	4.9	4.5	0.4	0.2	3.7
Мукофот	10.4	11.0	14.3	11.2	5.8	12.7	15.9
Бошқа	43.4	39.7	18.7	8.2	26.0	21.0	23.5

Манба: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, 2009.

#### **Жадвал 5.6: Маҳаллий атроф-муҳит жамғармалари сарфларининг фоизи, 2004–2008**

	2004	2005	2006	2007	2008
Харажатлар (трансферлардан ташқари)	100	100	100	100	100
Курилиш, техник ускуналар, атроф муҳит инфратузилмасини қайта куриш ва таъмирлаш	12.2	6.8	9.3	4.8	3.2
Тадқиқотлар ва техник иқтисодий изланишлар	1.6	1.6	3.7	1.5	7.5
Худудий ишлар	1.2	2.9	3.3	3.6	0.0
Қўшимча молиялаштириш	20.0	24.2	23.9	24.9	29.7
Ривожлантиш учун материаллар ва техник асос	29.7	30.2	29.0	25.4	22.0
Малака ошириш	0.5	1.2	0.5	0.8	0.6
Мукофотлар	17.6	18.3	17.1	17.5	19.8
Бошқа	17.3	14.9	13.3	21.5	17.2

Манба: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, 2009.

Харажат республика миқёсида Вазирлар Маҳкамаси, қўйирок худудий даражаларда тегишли ижроия органлари тасдиқлаган йиллик дастурга асосан амалга оширилади. Сарфланмаган маблағ кейинги йил бюджетнинг харажат кисмига ўтказилади. Жамғармалар вактинча молиявий фойдани банк депозити шаклида инвестиция қиласидан, аммо кредит олмайдилар. 5.2-бўлимда айтилганда, ойлик бўнак тўловларнинг жорий этилиши молиявий режалаштиришни осонлаштириди.

Ҳар йили Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғармаси молиялаш таклифларини оммавий ахборот воситаларида жойлаштиради ва ҳукумат органлари орасида тарқатади. Биринчи танловни ТМДҚнинг Илмий-техника кенгаси ва ТМДҚнинг коллегияси ўтказади, улар лозим бўлганда ташки консультацияга мурожаат қилиши мумкин. Танлаб олинган лойиҳалар сўнг Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғармасининг кенгаси томонидан кўриб чиқилади, у даромад истиқболи асосида қайси лойиҳаларни молиялаш имкони бўлиши мумкинлигини белгилайди. Ушбу чамалар асосида, хусусан маҳаллий жамғармалар билан хамкорлик орқали молиялашнинг қўшимча манбалари изланади. Барча амалга ошириб бўладиган лойиҳалар киритилган якуний дастур Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқиш учун тайёрланади, бунда таклифлар атроф-муҳит соҳасидаги чора-тадбирларга мувофиқ эканлиги таъминланади.

Лойиҳаларнинг бажарилиши ҳафталиқ ҳисоботлар орқали кузатиб турилади, уларни чоракли ҳисоботларга бирлаштириб Молия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғармаси раҳбарлигига фаолият кўрсатадиган маҳаллий жамғармалар фаолияти ҳам ушбу ҳисоботларга киритилади. Маҳаллий жамғармалар устидан назорат борасида атроф-муҳитга тегишли амалий чоралар харажатлари жами харажатнинг 40 фоизидан кам эмаслиги таъминланади.

Атроф-муҳит жамғармаларга кирим қилинадиган ресурслар ифлослаш учун бадаллар динамикаси билан узвий боғлиқдир. 5.2-бўлимда ёритилган турли ислоҳотлар натижасида ушбу даромад ошгани туфайли жамғармаларда харажатларни ошириш учун етарли маблағ тўпланди. Атроф-муҳит жамғармалари

атроф-мухит борасида режалаштирилган чора-тадбирларни молиялашда муҳим аҳамият касб этиб келди. 1999 йилдан 2005 йилгача Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғармаси Табиатни муҳофаза қилиш миллий фонди зарур ресурсларнинг 4дан 6 фоизигача қисмини етказиб бериши куталган эди. Амалда, бошқа манбалардан маблағ етарли бўлмагани туфайли ҳакиқий улуш 12-14 фоизни ташкил қилди. 2008 йилдан 2012 йилгача ҳисса 14-16 фоиз миқдорида бўлиши назарда тутилган. Кўпроқ маблағ ажратилиши Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғарманинг молиявий аҳволи яхшиларганини кўрсатади.

Атроф-мухит жамғармаларининг молиявий аҳволи яхшиланиши атроф-мухит борасида харажатларни молиялашда ортиб бораётган роль ўйнашга имкон яратди. Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғармаси маҳаллий жамғармалар фаолиятини яқиндан назорат қилиш имконига эга. Бироқ, жамғармалар фаолият кўрсатаётган институциявий тузилма ва дастурий шароитни Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ)нинг Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги экологик жамғармалар учун Санкт-Петербург йўриқномасига мувофиқ ўзгартириб бўлмайди. Жамғармаларни бошқарувчи кенгашларнинг, айниқса молияланниши мўлжалланган лойиҳаларни танлаб олиш билан боғлиқ қарорларини қабул қилишга тегишли аниқ таърифланган ва кенг жамоатчиликка етказилган мезонлар мавжуд эмас. Манбаатдор тарафлар қарор қабул қилиш жараёнига таъсири қилиш имкониятлари яққол жорий этилмаган. Потенциал даъвогарлар лойиҳалар қабул қилиниши мезонлари билан танишиш имкониятига эга эмаслар хамда атроф-мухит соҳасидаги устун вазифалар билан боғланиш доим ҳам аниқ белгиланмаган.

## **5.5 Атроф-мухитга боғлиқ харажатларнинг асосий тенденциялари**

Атроф-мухит соҳасидаги сарфлар давлат органлари сарфлари, ички хўжалик юритувчи субъектлар, хорижий компанииялар ва донор ташкилотлар сарфларидан иборат. Гарчи маълумот тарқатилиши чекланган бўлса-да, Статистика давлат қўмитаси режали равишда сарфлар тўғрисида маълумот тўплайди. Мавжуд ҳисобот тизимида ахборот ҳам талаб қоидаси асосида: сарф қилган субъект тўғрисида маълумот, ҳам молиялаш қоидаси асосида: сарфни қоплаган субъект тўғрисида маълумот тўпланади. Бироқ, ИҲРТ фикрига кўра, ушбу тартиб Атроф-мухитни муҳофаза қилиш фаолияти ва харажати таснифига тўла мос эмас. 2006 йилдан бошлаб кичик (100 кам ходим) корхоналарга тегишли ахборот тўплана бошланган. Хонадонларнинг атроф-мухит сарфлари тўғрисида ахборот йўқ.

Жами атроф-мухит соҳасидаги сарф ҳам абсолют рақамларда, ҳам солиширма маънода паст. Бироқ, охирги йилларда кескин ўсиш кузатилмоқда (5,7-жадвал). 2007 йилда жами атроф-мухит сарфлари 189 миллион АҚШ долларини ташкил қилди, бу 2001 йилдаги миқдордан қарийб 3 баробар кўп. 2003 йилда кузатилган кескин ўсиш майший ва саноат оқава сувни тозалаш маҳаллий иншоотларни таъмирлаш мақсадида фавқулодда аралашув туфайли юз берди. Ушбу бир маротабалик ҳодисадан сўнг атроф-мухит соҳасидаги сарфлар 2004-2007 йиллар мобайнида ЯИМнинг ўртача 0,85 фоизини ташкил қилди. Охирги йилларда ҳавони муҳофаза қилиш учун сарф энг катта сарф тоифаси бўлиб қолди, унинг ҳиссаси 2005–2007 йилларда жами сарфнинг қарийб ярмини ташкил қилди. Бундай устунликнинг сабаби ушбу муҳитнинг жами атроф-мухитга инвестициялар аҳамияти ортишидадир, 2006–2008 йиллар жамининг 80 фоизидан ортиғи ҳавога тўғри келди. Бу сувни муҳофаза қилишга берилган эътиборнинг кескин пасайиб кетишидан яққол ажralиб туради, 2006–2008 йилларда у жами сарфнинг 5,8 фоизини ташкил қилди, ваҳоланки 2001–2005 йилларда унинг ҳиссаси 27,4 фоизни ташкил қилган эди.

Атроф-мухитга инвестицияларда аниқ тенденция кузатилмайди, ҳолбуки у 2007 йилда жами сарфнинг 22 фоизини ташкил қилди. Бу 2001–2007 йиллар мобайнидаги ўртачага мос, аммо йилдан-йилга рақамлар орасида фарқ катта, чунки инвестицияларнинг нотекислиги туфайли қатор инвестициялар ҳажмида бир мунча бекарорлик кузатилади. 2008 йилда атроф-мухитга инвестициялар мамлакат иқтисодиётига киритилган жами инвестицияларнинг 1,1 фоизини ташкил қилди. Бу рақам Европанинг кўпроқ ривожланган мамлакатларида кузатиладигандан камроқ, аммо Қозогистонда 2002–2005 йилларда 0,3 фоиз қайд қилинган минтаقا контекстида нисбатан юқори кўрсаткич.

## 5.6 Давлат харажатлари

ИХРТга кўра, 2000–2005 йиллар мобайнида давлат манбалардан атроф-муҳит учун сарф ушбу даврдаги жамининг 30 фоизини ташкил қилди. Бу чамалаш корхоналар атроф-муҳит муҳофазасига сезиларли ҳисса кўшганидан далолат беради, бу ТМДҚ тақдим этган 1994–2007 йиллар даврида корхоналар атроф-муҳит сарфлари жами харажатларнинг 69-84 фоизини ташкил қилди, деган ахборот билан мос.

ТМДҚдан ташқари, бир қатор давлат органлари атроф-муҳит борасида сарфларни қўратади. Молия вазирлиги веб-сайтида эълон қилингандек, бюджетта кўра атроф-муҳит мақсадларидағи сарф алоҳида харажат моддаси ҳисобланмайди, чунки сарфларнинг ҳукумат вазифалари бўйича тўлиқ таснифи ишлаб чиқилмаган. ТМДҚнинг 2004 ва 2005 йилда тегишли равишда 891,5 миллион ва 1.159 миллион сўм микдордаги жорий харажатлари (асосан, иш ҳақи) бўйича тафсилотлари бор. Иккинчи рақам 2005 йилдаги жами бюджет харажатининг 0,03 фоизига teng (бюджетдан ташқари сарфлар бундан мустасно). Капитал харажатлар ушбу бюджет моддаси ҳисобидан амалга оширилмайди. ТМДҚ атроф-муҳит жамғармалари тизимини назорат қиласи, бу 5.4-бўлимда муҳокама қилинган эди. 2002 йилдан 2007 йилгача ушбу жамғармалар молиялаган атроф-муҳит чора-тадбирлар атроф-муҳит капитал сарфининг ўртacha 2,7 фоизига teng эди.

**Жадвал 5.7: Атроф-муҳит соҳасидаги сарф, 2001–2008**

	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
<b>Жами, миллион сўм</b>	28,147.3	33,491.5	155,294.3	101,435.9	112,594.8	200,613.3	239,373.8	..
<b>Жами, миллион АҚШ доллари</b>	66.5	43.4	159.9	99.5	101.1	164.5	189.4	..
Жорий, миллион сўм	16,612.4	24,117.0	146,536.5	86,560.0	100,375.2	131,967.8	186,767.5	..
Капитал, миллион сўм	11,534.9	9,374.5	8,757.8	14,875.9	12,219.6	68,645.5	52,606.3	96,710.3
<b>ЯИМ фоизи</b>								
Жами	0.57	0.45	1.61	0.83	0.74	0.97	0.85	..
Жорий	0.34	0.32	1.52	0.71	0.66	0.64	0.66	..
Капитал	0.23	0.13	0.09	0.12	0.08	0.33	0.19	0.26
<b>Таркиби</b>								
<b>Жами</b>	<b>100</b>	..						
Сув	39.47	47.07	84.62	59.84	40.03	30.63	37.23	..
Ҳаво	24.75	27.30	7.00	25.60	44.47	55.56	47.35	..
Ер	35.20	24.02	7.10	10.80	12.53	12.43	12.89	..
Биохилма-хиллик	0.56	0.87	1.21	3.73	2.07	1.07	1.61	..
<b>Жорий</b>	<b>100</b>	..						
Сув	50.13	52.79	88.08	64.27	42.48	43.70	46.07	..
Ҳаво	37.37	32.89	6.39	22.60	44.94	38.20	39.08	..
Ер	12.24	14.06	4.46	11.19	10.28	16.46	13.06	..
Биохилма-хиллик	0.26	0.26	1.07	1.94	2.30	1.63	1.79	..
<b>Капитал</b>								
<b>Жами</b>	<b>100</b>							
Сув	24.11	32.34	26.75	34.08	19.94	5.51	5.87	5.91
Ҳаво	6.57	12.92	17.12	43.05	40.64	88.92	76.71	76.42
Ер	58.03	15.04	13.32	8.52	10.98	2.12	1.10	0.96
Минерал ресурслар	10.24	34.62	37.92	0.00	20.03	2.56	12.89	16.17
Бошка	1.05	5.07	4.90	14.35	8.41	0.89	3.43	0.54

Манба: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, 2009.

Ғазначилик тизимининг жорий этилиши билан умуман бюджет жараёнининг транспарентлиги ошиди ва ҳисбот яхшиланди. Бироқ, атроф-муҳит жамғармалари ушбу тизимдан ташқарида қолди. Ўрта муддатли бюджет мўлжаллари 2005 кейин ишлаб чиқилди, унда молиявий режалаштиришнинг умумий рамкалари белгиланган. Бироқ, ушбу режалаштиришда атроф-муҳит борасидаги устун вазифаларни кўриш кийин. Фаровонликни ошириш стратегиясида натижага асосланган бюджетглаш ва сарф самарадорлигини аниқлаш учун бажариш сифатига асосланган кўрсаткичларни устун вазифа сифатига

белгиланади. Ушбу ҳаракатда шу пайтгача эътибор саломатлик ва таълим каби энг йирик сарфлар тоифасига қаратилган эди. Кўзланган мақсадлар ва мўлжаллар орасида мавжуд бир бирини қоплаш маъносига сарфларнинг самарадорлиги баҳолаш учун сарф ҳақида такомиллашган ҳисоботдан атроф-мухит сиёсатини йўналтириш, аникроғи, уларни иқтисодий ва секторлар бўйича сиёсатларга интеграллаш фойда кўрган бўлур эди.

ТМДҚ 2008–2012 йилларга мўлжалланган Табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат дастурида назарда тутилган чора-тадбирлари таърифлаш, ташкил этиш ва бажариш учун мутасадди ҳисобланади. Дастурда тақлиф этилган турли чоралар учун молиялаш манбалари белгиланади. Бироқ, бошқа вазирлик ва идоралар билан мувофиқлашув кенг миқёсда олиб борилмайди. Бу умумий қабул қилинган атроф-мухит муаммоларини таърифлаш ва уларни ечиш учун керакли маблағли ажратишга халақит беради. Дастур асосан дастур ҳаражатининг қарийб 90 фоизини қопладиган йирик корхоналар амалга оширадиган қатор чора-тадбирлар негизида қурилади. Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғармаси молиялашнинг ишончли манбаи ҳисобланади (5.4-бўлим).

Дастур кўп йиллик бўлган бир пайтда, бюджет маблағлари йиллик асосда ажратилади. Бу Давлат инвестициялар дастури доирасига ажратиладиган маблағларига ҳам тегишли, буни Иқтисодиёт вазирлиги ҳар йили тайёрлайди. 2008–2012 йиллар даврига мўлжалланган Табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат дастурига Давлат инвестициялари дастури орқали молиялаш керак бўлган радиациядан тозалаш чора-тадбирлари киритилган, булар тўлалигича баҳоланмаган.

Фаровонликни ошириш стратегиясида атроф-мухит соҳасидаги сарфнинг миқдори ва сифатига ижобий таъсир қилиши мумкин бўлган қатор ислоҳотлар назарда тутилган. Давлат сарфларини бошқариш муносабатидаги узоқ муддатли мақсадлар орасида сув билан таъминлаш, канализация ва атроф-мухит соҳасидаги стратегик ривожланиш дастурлари ва лойиҳаларини мувофиқ равишда маблағ билан таъминлаш алоҳида таъкидланган. Ушбу устун вазифалар атроф-мухит барқарорлиги, жумладан тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва хавфсиз канализацияни, таъминлаш билан боғлиқ Мингийиллик ривожланиш мақсадлари билан ҳамоҳанг.

## **5.7 Мамлакат корхоналарининг ҳаражатлари**

Юқорида айтилгандек, корхоналар мамлакат атроф-мухит сарфларининг асосий қисмини кўтаради. Улар атроф-мухит учун мақбул технологиялар киритганда солиқ имтиёзларидан фойдаланиши мумкин. Атроф-мухит органлари сотиб олинаётган жаҳозлар лозим талабларга жавоб беришини таъминлаш мақсадида сертификация вазифаларини бажаради.

ТМДҚ бўлажак ҳаракат режалари атроф-мухит соҳасидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши учун уларни йирик корхоналар билан муҳокама қиласи. Кўриладиган чора-тадбирлан борасида эришилган келишувлар 2008–2012 йилларга мўлжалланган Табиатни муҳофаза қилиш дастурига киритилган. Атроф-мухит жамғармалари фаолиятини тартибга соладиган қоидаларга биноан, корхоналарнинг атроф-мухит учун қилган ҳаражатлари ифлослаш учун бадал тўловларидан чегирилиши мумкин.

Атроф-мухит борасидаги хизматлар бозори яхши ривожланмаган, чунки атроф-мухит сарфларининг умумий ҳажми ва меъерий база бизнес учун кўп имконият яратмайди.

## **5.8 Чет эл бевосита инвестициялари ва донорлар ҳаражатлари**

Жами бевосита чет эл инвестициялар (БЧЭИ) Ўзбекистонда анча кам. Европа ривожланиш ва тикланиш банкининг маълумотига кўра 1989–2007 йиллар мобайнидаги жон бошига йигма БЧЭИ атиги 77 АҚШ долларини ташкил қилди, бу эса ўтиш давридаги мамлакатлар орасида энг паст рақам. Бироқ, БЧЭИ охирги йилларда сезиларли даражада жадаллашди. 2007–2008 йиллардаги инвестициялар, чамаларга кўра, 1995–2006 йилларда киритилган жамидан 30 фоиз юқори. Чет эл инвестициялари жалб қилинган баъзи тармоклар, масалан энергетика, атроф-мухитга сезиларли таъсир кўрсатади.

Чет эл донорлари атроф-мухитга бевосита ёки билвосита таъсири бўлган бир қатор лойиҳаларда иштирок этдилар. ИҲРТнинг ҳисоб китобига кўра, 2001–2005 йилларда донор ва халқаро молия

институтларнинг атроф-мухит соҳасидаги ёрдамининг 7 фоизи Ўзбекистонга тўғри келди, ёки бу Ўзбекистоннинг ўша даврдаги ЯИМнинг қарийб 0,4 фоизи демакдир. ИҲРТнинг статистика кўчирмаларига қараганда, донорларнинг умумий атроф-мухит муҳофазасини икки томонлама ва кўп томонлама молиялаши миқдори 2000–2007 йилларда мажбуриятлар асосида 44,7 миллион АҚШ долларига етди (5.8-жадвал). Ушбу жами миқдорнинг катта қисми 2002 йилда Швейцария томонидан Бухоро ва Самарқандда сув таъминоти учун ҳомийлик ёрдами (10,1 миллион АҚШ доллар) ва Америка Кўшма Штатларининг 18 миллион АҚШ доллари қийматидаги Атроф-мухитни Бошқариш дастури хисобига тўғри келади. Тўлаш асосида, ўша даврнинг ўзида, маблағ қиймати жами 37,5 миллион АҚШ доллари эди. Ушбу давр мобайнида тўланган сув таъминоти ва канализация грантлари 27,1 миллион АҚШ доллари миқдорига етди.

**Жадвал 5.8: Чет эл ёрдами, умумий атроф-мухитни муҳофаза қилиш, миллион АҚШ долларида, 2000–2007**

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007
<b>Ажратилган</b>								
Жами	0.13	1.00	33.59	5.24	0.60	3.15	0.41	0.57
РЁҚ* мамлакатлари	0.13	1.00	33.59	5.24	0.03	2.93	0.23	0.19
Кўп томонлама	..	..	..	..	0.57	0.22	0.18	0.38
<b>Бажарилган</b>								
Жами	..	..	2.62	10.52	16.18	2.30	4.56	1.35
РЁҚ* мамлакатлари	..	..	2.62	10.52	15.61	2.06	4.29	0.97
Кўп томонлама	..	..	..	..	0.57	0.25	0.27	0.38

Манба: ИҲТТ. Статистика маълумотлари қисқартмалар, веб-сайтдан 2009 йилда олинган.

Изоҳ: \*Ривожланишга Ёрдам Кўмитаси.

Халқаро ташкилотлар атроф-мухитга таъсири бор лойиҳаларни маблағ ва техник ёрдам билан таъминладилар. 2008 йилнинг охирида Осиё Тараққиёт Банки мамлакатдаги шу пайтгача энг йирик лойиҳасини тасдиқлади, лойиҳа сув ресурсларини бошқаришга тегишли бўлиб унинг доирасида 100 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ва 1,2 миллион АҚШ долларли техник ёрдам грант назарда тутилган. Сувдан фойдаланиш ва сув билан таъминлаш, жумладан дренаж, сугориш ва сув-ботқоқ ерларни ривожлантириш лойиҳалар, ва Самарқанд ва Бухорода шахар сув хизматлари Жаҳон Банкининг мамлакатдаги фаолияти дикқат марказида бўлиб келди. Глобал экологик жамғарма доирасида жами миқдори 11,2 миллион АҚШ долларига тенг 11 миллий лойиҳа шу пайтгача тасдиқланиб, ушбу миқдорнинг учдан биридан ортиғи босқичма-босқич озонни емирадиган моддаларни фойдаланишдан чиқаришга қаратилган.

Биринчи миллий кенг қамровли кам таъминланганликни қисқартириш стратегияси (Фаровонликни ошириш стратегияси)ни ишлаб чиқилиши ҳаракатларни донорлар билан миллий устун вазифаларга мос равишда мувофиқлаштиришга яхшироқ замин яратиб берди.

## 5.9 Хулоса ва тавсиялар

Биринчи АҲШ амалга оширилган пайтдан бери бир қатор соҳаларда муайян ижобий ўзгаришлар юз берди. Ифлослаш бадаллари режими қатъийлаштирилди ва атроф-мухит жамғармалари тасарруфидаги ресурслар ортди. “Яшил солиқлар” томон силжиш рўй берди, даромад (фойда) солиқлари ставкалари пасайтирилиб табиий ресурслар солиқлари ставкалари ошириб борилди. Тарифлар кўпроқ сарф-харажатни акс эттирадиган бўлган ва тўламаслик вазияти яхшиланди. Фаровонликни ошириш стратегиясида атроф-мухитни бошқариш, хусусан сув билан таъминлаш ва канализацияга сарфлаш устун вазифалар қаторида тан олинди. Мамлакатдаги бюджет ислохотидаги умумий ижобий ўзгаришлар фонида атроф-мухит учун сарф-харажат шароити яхшиланди.

Эмиссия бадаллари тўлови тизими давлатнинг атроф-мухит учун килган сарфини молиялашда муҳим аҳамият касб этади ва эмиссия ва чиқинди чиқаришни қисқартишни рағбатлантиради. Ушбу икки киррали роль (даромад келтириш ва хатти-харакатни ўзгартириш) тўловларга қатъий риоя қилиш ва

нарх-наво ошиши билан ставкаларни қайта күриб чиқишига боғлиқ. Ҳозирги асослар бундай шароитни таъминламайди. Индекслаш фақат хусусий бир ҳоллар учун амалга оширилади. Атроф-муҳит инспекторлари зиммасига тўловларни йигиб олиш юкланиши уларни асосий вазифаларидан чалғитади, маъмурий харажатларни юзага келтиради ва риоя этишини таъминлашни заифлаштиради. Соликларни ундириш жорий вазифалари қаторида тўловлар вақтида амалга оширилишини таъминлашда солик органларининг имкониятлари юкорирок.

#### Тавсия 5.1:

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги:*

- (a) Атроф-муҳитни ифлослаш бадаллари ставкаларини қайта күриб чиқши механизмини белгилашлари;
- (b) Сони камроқ ифлословчи моддаларга дижқатни қаратиб, хатти-ҳаракатни ўзгартиришига кучлироқ разбатлар яратиш ва ифлослаш бадаллари тўлови тизимини соддалаштириши лозим.

Бюджет ташкилотлари ва коммунал хизмат корхоналари учун жорий этилган истиснолар ифлослаш бадаллари тизимининг даромад келтириши ва хатти-ҳаракатни ўзгартиришга рағбатлар яратиш муносабатидаги самарадорлиги путур этказади. Атроф-муҳит нуқтаи назаридан тартибга солувчи қоидалар “ифлословчи тўлайди” тамойилига қатъий риоя қилиб ва заиф разбатлар туфайли бузилмай бир хил татбиқ қилиниши мухим аҳамият касб этади. Агар молиявий юк баъзи ташкилотлар учун ҳаддан ташқари оғир бўлса, бюджетдан бевосита молиялаш таъминланиши мумкин.

#### Тавсия 5.2:

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда қарор қабул қилишини осонлаштириши мақсадида бюджет ташкилотлари ва корхоналар учун жорий этилган истисноларни миқдорий ифода этишилари ва самарадорлигини баҳолаши лозим.*

Атроф-муҳит жамғармалари тизими атроф-муҳит мақсадларида молиялашнинг ишончли манбаси эканлиги исботланди. Бироқ, транспарентлик, методология ишларига кўпроқ эътибор бериш ва сиёсат таҳлилини яхшилаш орқали самарадорликни ошитиш мумкин бўлур эди. Бу эса ҳам донорлар жамоасидан, ҳам умумий бюджет молиялашдан қўшимча ресурсларни жалб қилишга ижобий таъсир кўрсатган бўлур эди.

#### Тавсия 5.3:

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси ва Вазирлар Маҳкамаси:*

- (a) Бошқарув кенгашиларда қарор қабул қилиши учун қарор қабул қилиши қоидаларини тақомиллаштиши;
- (b) Молиялаш учун лойиҳаларни танлаб олиши ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш методологиясини тақомиллаштириши ва бу ахборотдан жамоатчилик фойдаланиши имкониятини яратиш;
- (c) Жамғармалар фаолияти тўғрисида молиявий фаолияти ва сиёсат мақсадларига эришишига кўрсатилган таъсир тағсилотлари берилган ийллик ҳисоботларни эълон қилиши йўли билан атроф-муҳит жамғармалари бошқарув кенгашилари фаолиятининг транспарентлиги ва самарадорлигини ошириши лозим.

Гарчи маҳсулот тўловларини қўллаш осон бўлса-да, улар кенг татбиқ этилмайди. Улар мавжуд бир катор иқтисодий воситаларга фойдали қўшимча бўлар эди ва яққол равишда мураккаблигича қолаётган ва сезиларли мониторинг харажати бор ифлослаш бадаллари тизмини соддалаштиришга ҳисса қўлган бўлар эди.

#### Тавсия 5.4:

*Вазирлар Маҳкамаси, Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси билан ҳамкорликда:*

- (a) Ифлослаш бадалларининг баъзиларини маҳсулот тўлови билан алмаштириши имкониятини кўриб чиқши;
- (b) Атроф-муҳит учун зарарли маҳсулот нархини солик орқали оширадиган меъерий ҳужжатлар лойиҳасини ишилаб чиқшиши ва шу йўл билан олинган даромадни атроф-муҳит мақсадларига ажратишши лозим.



**ІІІ-ҚИСМ: ЭКОЛОГИК ТАШВИШЛИ  
МАСАЛАЛАРНИ ИҚТИСОДИЁТ  
ТАРМОҚЛАРИГА ЖОРЙ ӘТИШ ВА БАРҚАРОР  
РИВОЖЛАНИШНИ ТАРГИБ ҚИЛИШ**



## 6-боб

# **СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БАРҚАРОР БОШҚАРИШ ВА МУХОФАЗА ҚИЛИШ**

### **6.1    Кириш**

Ўзбекистон ва унга қўшни мамлакатларнинг аксарияти Орол денгизининг ички дренаж бассейнида жойлашган бўлиб, трансчегаравий сув ресурсларини баҳам кўришади. Чучук сувнинг тақчиллиги ҳозирда энг катта экологик муаммо ҳисобланади ва келажакда муаммо бўлиб қолади, чунки сув ҳосилдорлиги паст шўрланган ерларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотини олиш мақсадида сугориш учун ҳал қилувчи ресурс ҳисобланади. Дренаж коллекторлар сувини дарёларга оқизиш ва сув тозалаш тизимларининг самарасизлиги сув ресурслари сифати пасайишига ва сув шўрлиги ортиб боришига олиб келмокда.

Сув ресурсларидан фойдаланиш жиҳатидан Ўзбекистоннинг табиий шароити анча ноқулай. Марказий Осиё гидрография тармоғида сув ҳавзалари ва ресурслар жуда нотекис жойлашган. Сув ресурсларининг фақат тахминан 10 фоизи мамлакатда ҳосил бўлиши туфайли Ўзбекистон қўшни мамлакатлардан оқиб кирадиган сувга юкори даражада боғлиқ. Экологик имкониятларни ҳисобга олмай сув ресурсларидан фойдаланиш ҳам сув сифати ёмонлашгани ва ичимлик суви билан таъминлашда танг вазиятга олиб келди.

Ўзбекистоннинг иккинчи Атроф-муҳит ҳолати шарҳи (АҲШ) пайтида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2009 Бутунжаҳон сув куни мавзуи “Баҳам кўрилган сув – баҳам кўрилган имкониятлар” бўлиб унда қисман Орол денгизи бассейнида охирги ўн йилликларда сувдан фойдаланиш туфайли юз берган, нафақат Марказий Осиёда, балки дунёда энг ташвишли сув инқирозларидан бири, Орол денгизи фалокатига дикқат жалб қилинди.

Орол денгизи фалокатининг сабаблари ва оқибатлари яхши маълум. Орол денгизининг қуриб бориши билан бирга бассейнда аҳоли орасида пайдо бўлган ёки ортиб бораётган даражада оммавийлашаётган турли касалликларга, қимматли қишлоқ хўжалик ерлари, транспорт йўллари ва турар жойларнинг деградациясига, ишсизлик, кам таъминланганлик ва миграцияга олиб келган кўп экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар вужудга келди.

### **6.2    Сув ресурслари**

Орол денгизи ички дренаж бассейнида сув ресурслар ниҳоятда нотекис жойлашган ва турли ер усти оқим шаклланиши шароитлари билан белгиланади. Улар тоғли ҳудудларда қулай бўлиб чўл ва яrim чўл эгаллаган кенг текисликларда ноқулайдир.

Ер усти сув ресурсларининг энг кўп миқдори (90 фоизга яқин) қўшни мамлакатларнинг тогли ҳудудларида ҳосил бўлади. Ички сув ресурслари кўл, ер ости сув ресурслари, дарёлар ва музликлар сув ресурсларидан иборат. Йирик ва кичик дарёлар, шунингдек ер ости суви Ўзбекистондаги қимматли сув ресурсларининг асосий тарқибий қисмлари ҳисобланади (6.1-жадвал).

Ваҳш ва Панж дарёлари қўшилиб ҳосил бўладиган Амударё ҳамда Норин ва Қорадарё ва Тошкент яқинида Чирчик дарёси қўшилиб, ҳосил бўладиган Сирдарё бош дарёлар ҳисобланади. Амударё бассейни Сурхондарё, Қашқадарё ва Зарафшонларни қамраб олади, аммо фақат Қашқадарё ва Шеробод дарёлари бутунлигicha Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Бош дарёларга қўшимча Ўзбекистонда 17,7 мингдан ортиқ табиий сув оқимлари мавжуд. Сатҳи 700.000 га бўлган Амударё дельтаси табиий сув-ботқоқлик тизимини ташкил қилиб Орол денгизи инқирози туфайли сезиларли даражада ўзгарди.

**Жадвал 6.1: Ҳозир мавжуд сув ресурсларинин тақсимоти, миллион м<sup>3</sup>**

Дарё бассейни	Дарё			Ер ости суви	Захкаш коллектор фойдаланиш учун тавсия этилган	Мавжуд сув ресурслари
	Ўзак оқим	Кичик	Жами			
Сирдарё	10,490	9,425	19,915	1,590	2,600	24,105
Амударё	22,080	10,413	32,493	301	2,310	35,104
Ўзбекистон учун жами	32,570	19,838	52,408	1,891	4,910	59,209

Манба: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, 2008.

#### *Ер усти суви*

Орол денгизи ва унинг қирғоқ зонаси трансчегара сув оқимларининг йиллик миқдори билан таъминланади, бунда 14,5 км<sup>3</sup>/йил миқдордан кам бўлмаган лимит сув олинади. Бу миқдор Амударё учун 10 км<sup>3</sup>/йил миқдордан ва Сирдарё учун 4,5 км<sup>3</sup>/йил дан ташкил топган. Ушбу лимитларга риоя қилиш ҳар бир йилда мавжуд сув миқдори ва фойдаланувчилар томонидар сувдан оқилона фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш қобилиятига боғлиқ. Дельта ва қирғоқ экотизимларни заардан муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон қирғоқ ва дельта ичи кўллар ва денгиз кўрфазларини ўрнини босувчи сунъий равишда бошқариладиган ҳавзалар тизимини яратишни ва ўрмон мелиорация чораларини режалаштирган. Ушбу мақсадда, мамлакатда мавжуд сувнинг ўртача 3,0 км<sup>3</sup> йилда Амударёнинг қуий оқимида Қизилжар тарафига оқизилиши мўлжалланган. Сув мавжудлигига қараб, оқизилган сув миқдори йилига 0,5 ва 4 км<sup>3</sup>/йил (2005 йил) орасида бўлди.

Ўзбекистонда тахминан 500 кўл бор. Улар асосан сатҳи 1 км<sup>2</sup> кичик сув ҳавзаларидир. Фақар 32 кўлнинг сатҳи 10 км<sup>2</sup>дан ортиқ. Тоқтоғул сув омборидан қишида сув чиқариб ташланиши туфайли Айдар - Арнасой кўл тизимининг сатҳи ортиб боришига олиб келди, энди у Ўзбекистон энг катта кўл хисобланади. Унинг сарҳи 3.600 км<sup>2</sup> ва сифими 42 км<sup>3</sup> бўлиб бу кўлда барча бошқа сув омборлардан кўп сув захираси сақланади. 2008 йилда у Биринчи ўринда сувда сузувчи қушларнинг яшаш мухити сифатида халкаро аҳамиятга эга булган сув-ботқоқ мухитлари тўғрисидаги Рамсар конвенцияси рўйхатига киритилди.

Сув омборлари Ўзбекистонда сув фойдаланиш тизимини эксплуатациясида мухим аҳамият касб этади, улар ўзгарувчанлик (гидрология экстремал ҳолатлар)га мослашиш ва сур ресурсларини бошқашида қўшимча имконият берадилар. Ҳозирги пайтда мамлакатда фойдаланишда асосан сугориш мақсадларида ишлатиладиган 51 сув омбори бор. Ўзбекистоннинг энг йирик сув омборлари кўп мақсадли бўлиб асосан сугориш, электр энергия ишлаб чиқариш ва саноат мақсадларига мўлжалланган. Ушбу сув омборларнинг жами номинал сифими 18,8 км<sup>3</sup> бўлиб актив сифими 14,8 км<sup>3</sup>га teng. Ушбу инсон кўли билан яратилган сув-ботқоқ ер экотизимлардан балиқчилик учун фойдаланилади. Сув-ботқоқ ерлар экотизимлари муаммолари сув кириб келишининг бекарорлиги ва муҳофазаси ночорлигидан келиб чиқади. Натижада ушбу экотизимнинг табиий мухити ва биохилма-хиллигини сақлаб қолиш учун имконият чекланган.

#### *Ер ости суви*

Ўзбекистонда чамалангандеги регионал сув захираси 18.455 миллион м<sup>3</sup>/йилга teng. Жами амалда олинадиган сув миқдори 7.749 миллион м<sup>3</sup>/йилга teng бўлиб бу чамалангандеги захиранинг тахминан 42 фоизини ташкил қиласди (Жадвал 6.2).

Ўзбекистондаги жами табиий ер ости суви захиралари 24,35 км<sup>3</sup> teng, деб чамаланади. Ушбу миқдордан 20,79 км<sup>3</sup> тўртламчи қатламда, 2,92 км<sup>3</sup> юкори плиоцен-тўртламчи қатламда ва 0,46 км<sup>3</sup> юкори бўр қатламида жойлашган. Чучук ер ости суви асосан Фарғона водийсида (34,5 фоиз) ва Тошкент (25,7 фоиз), Самарқанд (18 фоиз), Сурхондарё (9 фоиз) ва Қашқадарё (5,5 фоиз) вилоятларида жамланган, қолгани эса шўртнанг ёки шўр бўлиб уларни ишлатиш имконияти кам. Қолган худудлардаги чучук сув жами 7 фоизни ташкил қиласди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг ер ости сув ресурслари қарийб кунига 64 миллион м<sup>3</sup> таъминлаши мумкин. Ер ости сувини қазиб олиш билан шаклланиш орасидаги мувозанат марказлашган қазиб олиш худудларда мониторинг қудуклари орқати кузатиб борилади. Ер ости сувини олиш тенденцияси 2001 йилдаги кунига 13,45 миллион м<sup>3</sup> дан 2008 йилдаги кунига 18,19 миллион м<sup>3</sup> етиб борди, бунда 120 шаҳар ва туман марказлари қамраб олинди. Қайта ташкил қилиш ва янги автоматик жиҳозлат туфайли кузатув станциялар сони 40 фоизга 2001 йилда (1.850 дан 1.074гача) қисқартирилди.

**Жадвал 6.2: Ер ости сув захиралари ва фойдаланиш, миллион м<sup>3</sup>/йил**

Минтақа ер ости суви чамаланган захираси	18,455
Казиб олиш учун тасдиқланган захира	7,796
Жами амалдаги қазиб олиш	7,749
Ички сув таъминоти	3,369
Саноат	715
Суфориш	2,156
Вертикал захқаш қудуклари	1,349
Насос синови	120
Бошка	40

Манба: CAWATERinfo, [http://www.cawater-info.net/aryl/groundwater\\_e.htm](http://www.cawater-info.net/aryl/groundwater_e.htm) (2009 йил август ойида кўрилган)

Минтақа чамасида Марказий Осиё мамлакатларининг трансчегара сувли горизонтлари ҳам қамраб олинди. Гарчи тадқиқот тугалланмаган бўлса-да, 19 сувли горизонт икки ёки кўпроқ мамлакат учун чегара ёки баҳам қўрилган трансчегара, деб тан олинди. Улардан ўн иккитаси Ўзбекистон билан унинг кўшиллари ўртасида. Трансчегара ер ости суви минтақада сезиларли аҳамиятга эга.

2001 йилдан бери ушбу 12 трансчегара сув горизонтини кузатиш тобора кўпроқ қизиқиш уйғотмоқда. Саноатнинг Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистондаги трансчегара ер ости суви захираларига таъсири 12 кузатув станциялар орқали кузатиб келинмоқда.

### 6.3 Сув сифати ва мониторинг

Атроф-муҳит шароити ва сув сероблиги орасидаги яқиндан алоқани назарда тутиб сув сифатини баҳолаш учун кўпгина миллий кўрсаткичлар ишлаб чиқилган. Сув захираларининг ҳолати, хўжаликнинг турли тармоқларида сув истеъмоли ҳажми, сув оқими тақчиллиги ва ер усти ва ер ости сув сифати ўзгариши моделларини баҳолаш учун йигирма бешта экологик кўрсаткич ва ўнта кичик кўрсаткич кўлланади.

#### *Ер усти сув сифати*

Ер усти сувининг ифлосланиши кенг тарқалган бўлиб ер ости, жумладан қудук сувининг сезиларли даражада ифлосланишига олиб келади. Сувнинг ифлосланиши касаллик (буйрак касалликлари, онкология ва ўткир инфекцияли касалликлар) кўрсаткичи ўсиб боришида муҳим роль ўйнаяпти ва катталар ва болалар ўлими кўрсаткичлари ўсиб боришига олиб келяпти. Антропоген таъсир тупрок ифлосланиши (шўрланиш, токсик ифлосланиш, пестициллар, ўғитларнинг қолдиқ миқдори ва оғир металлар билан ифлосланишга) ҳам олиб келмоқда ва инсонлар саломатлигига таъсир қилмоқди.

Мамлакат сув захираларининг ҳозирги сифати ўта қоникарсизлигича колмоқда. Дарёларнинг ўрта ва кўйи окимларида минераллашув ва ифлосланишнинг энг юқори даражалари кузатилмоқда. Бу эса аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги ва табиии муҳитни сақлаб қолиш учун жиддий таҳдид демакдир. Ифлосланган сув қишлоқ хўжалигидан (78 фоиз, саноат (18 фоиз) ва шаҳар хўжалиги (4 фоиз) секторларидан келади. Қишлоқ хўжалиги ер усти ва ер ости сувининг энг йирик ифлословчисидир.

Гарчи саноат оқавалари ҳажм жиҳатидан бир оз камроқ бўлса-да, улар токсиклик даражаси туфайли кўпроқ заарли ва ҳавфли ҳисобланади.

Сув ифлосланиши индекси (СИИ) сув сифатини интеграллашган баҳолаш учун қўлланади. СИИда энг руҳсат этилган концентрациянинг (РЭК) улушида ифодаланган олти гидрокимёвий индекснинг арифметик ўртачаси ҳисобланади. Ушбу индекслар – эриган кислород таркиби, кислородга биокимёвий талаб (КБТ) ва концентрацияси ўртачадан энг юкори бошқа ҳохлаган тўрт ифлословчи. СИИга кўра сув сифатининг етти, I дан бошлаб (жуда тоза, СИИ < 0,3) VII гача (ўта ифлос, СИИ > 10) синфи мавжуд.

Қишлоқ хўжалик кимёвий моддалар (нитрат, фосфат, пестицидлар)ни ҳаддан ташқари ишлатиш қишлоқ хўжалик ерларининг ва сугориладиган далалардан дренаж коллектор сувига оқиб сув захираларининг интенсив ифлосланишига олиб келмоқда. Коллектор сувидаги концентрация уй хўжалиги суви/ичимлик суви учун РЭК қийматларидан 5-10 баробар юкори.

Бор ахборот таҳлили шуни кўрсатадики, барча сув учун СИИ охирги уч йилда бир оз ўзгариб сув сифатининг III (ўрта ифлосланган) синфига мос. Сув ҳавзаларининг бир мунчаси II сув тоифаси (тоза) синфига жавоб беради. Булар Чимён трактида оғир антропоген юкланиш туфайли турли йилларда II (тоза) синф билан III (ўрта ифлосланган) синф орасида бўлиб турган Чотқол, Угам, Оқтошсой, Кизилча ва Чимёнсойлардир.

#### *Ер ости суви сифати*

Ўзбекистоннинг шарқида мавжуд сув захирасининг 60 фоизи ер ости сувидир. Бир неча ҳудуддан ташқари бу сув Ўзбекистоннинг 2000 йилги давлат (O'z DST) 950 стандартида ичимлик сувига қўйилган талабларига жавоб беради.

Мамлакатнинг ғарбий қисмида (Зарафшоннинг қуи оқими ва Қашқадарё, Сирдарё, Амударё ва Марказий Қизилқум бассейни)да ер ости суви юкори даражада минераллашган ва қаттиқдир. Йирик дарёлар (Амударё ва сугориш каналлари) оқими бўлаб ҳосил бўлган, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида ичимлик суви етказиб бериш учун ишлатилаётган ер ости чучук сув линзаларининг суви охирги 10-15 йил мобайнода минераллашув ва қаттиқлиги ортиб борганлиги (сугориш таъсири) туфайли миллий стандартлар талабига жавоб бермайди.

Казиб олинган ер ости сувини 50 фоизига яқини Фарғона водийсига тўғри келади. Бошқа вилоятлардаги каби ер ости сув захираларининг емирилиши ва антропоген таъсир туфайли сифати ёмонланиши одатий ҳол бўлиб қолган. Жорий ва бўлажак ичимлик сув манбаларини яхшироқ муҳофаза қилиш мақсадида ер ости чучук суви формациялари мавжуд ўн бир зонага “миллий экологик аҳамиятга эга ҳудуд” мақоми берилди. Мамлакатнинг Қорақалпоғистон Республикаси каби минтақаларида антропоген омиллар туфайли ер ости суви сифати ёмонлашишда давом этмоқда.

1995 йилдан бери деярли ҳамма вилоятларда жойлашган бир юз кирқ гидрогеология станциясида ер ости суви ҳолати кузатиб борилмоқда. Мониторинг тизими 99 миллий ер ости суви депозити, сув омбори ва дум тизимини, 1.671 кудук ва 43 булоқни қамраб олади ва автоматика билан жиҳозланган 1.074 кузатув станциясидан иборатдир. Шунингдек, 7.000 йирик сувдан фойдаланувчилар учун турли (ичимлик суви, саноат ва сугориш) мақсадларда ер ости суви қазиб олиниши кузатиб борилмоқда, бунда тармок 45.000 кудукдан иборат бўлиб улардан 28.800 эксплуатацияда ва йилига 17,7 миллион м<sup>3</sup> сувни насос билан чиқариб бермоқда. 2001 йилдан бери ер ости суви мониторинги ва разведкасига қиритилган инвестициялар миқдори йилига 15–20 фоиз ўсиб борди, буларнинг барчаси тўлалигича давлат томонидан молияланган узоқ муддатли дастур доирасидадир (3-боб).

Ичимлик суви Ўзбекистон 2000 ичимлик суви давлат стандарти (O'z DST) бўйича атом абсорбция спектроскопия, юкори сифатли суюқлик хроматография ва фермент таҳлил (полимераза занжирили реакция) каби замонавий жиҳозлар ёрдамида таҳлил қилинади, бунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва РЭК рўйхатлари қўлланади. 2001 йилдан бери симоб ва хром учун қўшимча РЭКлар киритилди.



*СамАвто корхонаси, Самарқанд*

Балнеологик аҳамиятга эга 133 минерал сув қудугидан 2005 йилда 119си физиологик актив бирикмалар<sup>12</sup>, тузлар концентрацияси юкори, газ бирикмали ва юкори ҳароратли кўдуклардир, жумладан захираси тасдиқланган 81 ва захираси тахмин қилинган 38 жой. Булар қаторида курортлар, санаторийлар, профилакторийлар, дам олиш уйлари, сув қадоқлаш корхоналари. Уларнинг ҳаммаси ҳам ҳозир эксплуатацияда эмас, чунки бир қатор сув объектлари таъмирталаб ва техник жиҳозлашга муҳтож.

#### **6.4 Сувдан фойдаланиш ва сув инфратузилмасининг ҳолати**

Ўзбекистон умумий сувдан фойдаланиш трансчегара ва Орол денгизи ички бассейнининг сув захираларини йил қурғоқчилигига қараб 45 билан 62 км<sup>3</sup>/йил орасида ўзгарадиган тасдиқлаб белгиланган лимитга мувофиқ баҳам кўришга асосланган. Ушбу миқдорнинг 90 фоизидан ортиғи сугориладиган қишлоқ хўжалиги учун ишлатилади (6.3-жадвал).

Истеъмолчи сувдан фойдаланиши тенг сув таъминоти тамойилига асосланган. Иқтисодиётнинг турли секторлари орасида сув етказиб бериш жиҳатидан устунликлар кўйидагича:

- Ичимлик суви ва коммунал сув таъминоти;
- Саноат;
- Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ерларда сув таъминоти;
- Хукуматнинг махсус қарори билан тасдиқланган сувдан фойдаланувчилар;
- Сугориш тизимлари ва кичик дарёларга соғломлаштирувчи сув чиқариш.

#### *Сугорииш*

Сувнинг бутун ҳажмидан 90 фоизига яқини сугоришга сарфланади, бунда йилига мавжуд сув захираларига қараб 38,6–59,5 км<sup>3</sup> (2002–2008 йиллар) сарфланади. Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиёти учун аҳамияти ва қишлоқ жойларда яшовчи 16,579 миллион киши ҳаёт воситалари, даромад ва фаровонлик жиҳатидан сувга бевосита боғлиқ эканликлари ҳисобга олинса, ушбу тармоқка сувни мувофиқ равища етказиб бериш ўта муҳимдир.

<sup>12</sup> Бром, бор, иод-кремний, радон, водород сульфид ва темир.

### Жадвал 6.3: Сув ресурслардан ўртача фойдаланиш, 2002–2006

Сув ресурсларидан фойдаланиш	км <sup>3</sup>	%
<b>Жами, жумладан:</b>	<b>55.1</b>	<b>100</b>
Суфориладиган зироатчилик	49.7	90.2
Суфоришдан бошка фойдаланувчилик, жумладан:	5.4	9.8
Уйларнинг ва ичимлик суви таъминоти	3.4	6.1
Саноат	1.2	2.2
Балиқчилик тармоғи	0.8	1.5

Манба: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, 2008.

Хозирги пайтда 4,3 миллион га ернинг суфориш тизими қуввати 1дан 300 м<sup>3</sup>/с гача тенг 1.600 насос станция ва 140.000 км коллектордан иборат бўлиб, ўртача йилига 57 км<sup>3</sup> сув талаб қиласди. Сувдан ноқилона ва самарасиз фойдаланиш суформа қишлоқ хўжалигини ривожлантириши чеклаётган асосий омил ҳисобланади. Бетонланмаган магистрал каналларда, хўжаликлардаги суфориш тармоғи ва бевосита далаларда суфориш орқали ерга фильтрланиш туфайли сувни сезиларли микдорда йўқотиш тизим самарадорлиги пастлигининг асосий сабаби ҳисобланади. Манбадан олинган сувнинг факат кичик қисми фойда билан ишлатилиди.

Охирги йилларда Вазирлар Маҳкамаси магистрал каналлар самарадорлигини ошириш ва шу йўл билан сув таъминотини яхшилашга қаратилган қатор чоралар қабул қиласди. Халқаро ташкилотлар ва донор мамлакатлар турли даражада ва турли вилоятларда суфориш ва сувдан фойдаланишга оптималь ёндашувларни намойиш этиб келмоқдалар.

Суформа қишлоқ хўжалиги тармоғида техник, сувдан фойдаланиш ва экологик чоралар комбинацияси назарда тутилган. Бунга каналлар ва суфориладиган ерларда сувни йўқотишни камайтириш, сувни сақлаш ва сув билан кам таъминланган жойларда сувни кўпайтириш мақсадида суфориш ва дренаж тармоғини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш киритилган. Магистрал каналлар ва насос станцияларини тикиш ва қайта таъмирлаш мақсадларига давлат бюджетидан қарийб 60 миллиард сўм (таксинан 41 миллион АҚШ доллари) ажратилди.

“Оптимал” сценарий бўйича (Жадвал 6.4) суфориш тизимларининг<sup>13</sup> самарадорлиги 2010 йилга бориб , 0,70 ва 2025 йилга бориб 0,75 этиши керак. Сувдан фойдаланиш усуулларнинг самарадорлиги<sup>14</sup> яқин келажакда ўртача 0,69га ва 2025 йилга бориб 0,74 га этиши режалаштирилган.

#### Ичимлик суви

Ер ости суви 6.1-расмда кўрсатилгандек асосан уйларга сув бериш ва ичимлик суви (173,5 м<sup>3</sup>/с), суфориш ва сув захирасини ривожлантириш (70,5 м<sup>3</sup>/с) ва саноат ва техник сув таъминоти учун (29,6 м<sup>3</sup>/с), фойдаланилди.

Ер ости суви захиралари аҳолига етказиладиган ичимлик сувининг 80 фоизини таъминлаб беради. Умуман, мавжуд ер ости чучук сув захиралари аҳолининг ичимлик сувига бўлган талабини қондиради. Бироқ, шуни айтиш лозимки, охирги бир неча йил давомида ер ости сувининг сифати ёмонлашиб бормоқда, оқибатда ичимлик суви манбайи сифатида фойдаланиб бўладиган ер ости суви захираси камайиб бормоқда. Мамлакатнинг ғарбий ҳудудларидаги ер ости суви захираларида шўрланиш ва қаттиқлик ошгани ҳақида маълумот бор.

<sup>13</sup> Суфориш тизими самарадорлигига турли компонентлардан иборат бўлиб сақлаш давомида, транспортировка ва суфориладиган ерларга татбиқ этиши чоғида йўқотиш инобатга олинади.

<sup>14</sup> Ўзбекистонда қўйдаги сув бериш усууллари қўлланади: юза суфориш; маҳаллийлашган суфориш; томчилаб суфориш; ёмғирлатиш; фонтанлатиб суфориш; ферма орқали суфориш (ёнлама харакат, қатор фидираклар); суб-суфориш ва қўлда суфориш.

#### Жадвал 6.4: Суғоришни ривожлантириш ва суғорилувчи қишлоқ хўжалигига сувга талаб


Дарё бассейни	Майдон ва сувга талаб ривожланиши сценарийлари							
	2010				2025			
	Минимум млн.га	Оптимум км <sup>3</sup>	Максимум млн.га	Максимум км <sup>3</sup>	Минимум млн.га	Оптимум км <sup>3</sup>	Максимум млн.га	Максимум км <sup>3</sup>
Амударё	2.3	37.0	2.6	34.0	2.9	33.0	2.3	27.0
Сирдарё	1.8	22.0	1.9	21.0	2.0	20.0	1.9	22.0
Жами	4.1	59.0	4.5	55.0	4.9	53.0	4.2	49.0

Манба: Глобал экологик жамғарма: Орол денгизи хавзасида сув ва атроф мухитни бошқариш лойиҳаси, А1 компоненти. Миллий ишчи гурӯхнинг якуний ҳисоботи, 2002.

Изоҳ: Сценарийларда овқатланиш одатларининг ўзгариши инобатта олинмаган.

Шаҳар аҳолиси ичимлик суви билан яхшироқ таъминланган. Шаҳар аҳолисининг тўқсон олти фоизи ичимлик суви таъминоти тармоғига уланган; қишлоқ ерларда бу кўрсаткич 2006 йилда 85,4 фоизга пасайиб етди (Жадвал 6.5). Ичимлик суви етказиши муаммолари Бухоро ва Навоий вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида айниқса жиддийдир.

Расм 6.1: 2008 йилда ер ости сувидан фойдаланиш, минг м<sup>3</sup>/кун



Манба: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, 2009.

Сув таъминоти тизимининг ўртача самарадорлиги атиги 63 фоиз, ва бир қатор вилоятларда бу ракам эскирган жаҳозлар, сув оқими ўлчагичлари йўқлиги ва ишончли маълумот ва таҳлил етарли эмаслиги каби турли техник ва ташкилий муаммолар туфайли 42дан 62 орасидадир.

Жадвал 6.5: Сув таъминоти билан қамраб олиш фоизи, 2000–2006

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006
Шаҳар	79.8	81.2	84.3	87.3	93.1	95.0	96.0
Қишлоқ	72.3	74.9	74.9	75.0	79.1	82.3	85.4

Манба: <http://www.statistics.uz>, 2009.

Кўп одамлар кўдуқ ва суғориш каналлар сувидан фойдаланади. Аксарият ҳолларда (айниқса ёз кунларида) сув санитария талаблари жавоб бермайди. Ҳозирги пайтда мамлакат аҳолисининг қарийб учдан бири миллий талабларга жавоб бермайдиган ичимлик сувини истеъмол қилмоқда. Мониторинг маълумоти водопровод суви ўзининг кимёвий ва бактериологик таркиби жиҳатдан қабул қилинган стандартларга жавоб бермаётганлигини кўрсатади (Жадвал 6.6).

**Жадвал 6.6: Стандарт талабларига жавоб бермайдиган ичимлик суви намуналарининг фоизи, 2002–2006**

	2002	2003	2004	2005	2006
Кимёвий таркиб	16.3	15.9	16.3	18.9	11.7
Бактериологик таркиб	5.1	5.2	5.5	6.0	7.5

Манба: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, 2008.

Изоҳ: Намуналар коммунал сув қувурларидан олинди.

Сув ўлчагичларини ўрнатиш ва сув нархи сабабли ичимлик суви истеъмоли (жон бошига л/кун) қишлоқ жойларда 1996 йилдаги 180,5 л/кундан 2004 йилдаги 114.8 л/кунгача ва шаҳар худудларда 549л/кундан 325,7 л/кунгача камайди.

Муниципал ва ичимлик суви таъминотининг катта қисмини ер ости суви беради. Ер ости чучук суви захиралари нотекис жойлашгани туфайли Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятлари, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларининг ғарбий худудларида ичимлик суви тақчил. Давлатнинг мақсади марказлашган сув таъминоти тизими орқали бутун аҳолига сифати яхши ичимлик суви етказиб бериш ва шаҳар ва посёлкаларда сувга бўлган коммунал талабни қондиришдан иборат.

2002–2008 йиллар даврида йиллик истеъмол ҳажми 2,15 км<sup>3</sup> билан 2,34 км<sup>3</sup> орасида бўлди. Майдони 330 км<sup>2</sup>, аҳолиси 2,3 миллион бўлган ва 99 фоиз қамраб олинган Тошкентда ичимлик суви таъминоти уч асосий манбадан иборат, улардан иккитаси ер ости суви захираси ва бир ер усти манба бўлиб 3.500 км тармоқ орқали кунига 2,3 миллион м<sup>3</sup> сув етказиб берилади. Гарчи хом сув тиник келадиган даврлар бўлса-да, миллий ва халқаро стандартларга жавоб бериш учун сувни фильтрлаш ва хлорлаш орқали тозалаш зарур. Ичимлик сувини саноатда ишлатишга йўл қўйилмайди, кичик корхоналар учун баъзи истиснолар бор.

2009 йилда деярли ҳамма хонадонларга сув ўлчагичлари ўрнатилди, унгача улар кўп квартирали уйларнинг қарийб ҳаммасида ва хонадонларнинг тахминан 50 фоизида ўрнатилган эди. Статистика сув ўлчагичлар ўрнатилган хонадонларда кундалик истеъмол киши бошига 140 л/кунни ташкил қиласа, сув ўлчагичлар ўрнатилмаган хўжаликларда ўртacha кундалик истеъмол киши бошига 580 л/кунни ташкил қилишини яққол кўрсатади.

*Гидроэлектроэнергия ишлаб чиқарии*

Йигирма саккизта гидроэлектростанция электр энергиянинг 12,5 фоизини ишлаб чиқаради. Ўзбекистонда келажакда гидроэнергетикани ривожлантириш энг муҳим қайта тикланувчи энергия манбаларидан бирининг имкониятлари ва самарадорлигини максималлашга қаратилган бўлади. Яқин келажак режаси мавжуд гидроэлектр станцияларни тиклаш ва ривожлантиришдан иборат. Гидроэнергетика тармоғида жами сув ресурсларидан фойдаланиш 2002 йилдаги 3,95 км<sup>3</sup>/йилдан 2008 йилдаги 5,0 км<sup>3</sup>/йилгача ўзгариб турди ва 2025 йил учун 4,04–4,15 км<sup>3</sup>/йил миқдорида чамаланди (8-боб).

*Балиқчилик*

Орол денгизи фалокатининг жиддий оқибатларидан бири бир пайтда йилига 20.000 тонна балиқ етказиб бериб турган тез ривожланиб бораётган балиқчилик тармоғининг йўқолганидир. Балиқчилик саноатининг Орол денгизи қирғоқ зонаси кўллари тизимига кўчириш минтақада балиқ овлаб олишнинг муттасил камайиб боришининг олдини ололмади.

Бундай қўчириш натижасида балиқчилик тармоғи ҳавзаларда балиқ етиштиришга қайта қаратилди ва барча яроқли сув ҳавзаларидан, хусусан Айдар-Арнасой кўллар тизимидан хозирда ушбу мақсадда фойдаланиляпти.

Сув минераллашуви ортиб бориши ва қайта сугориш суви ва саноат оқавасининг сув ҳавзаларга оқизилиши туфайли токсик моддалар билан ифлослаш балиқчилик тармоғига сезиларли таъсир кўрсатди. Ушбу тармоқ сув истеъмолчиси эмас, сувдан фойдаланувчи, деб ҳисобланишига қарамай, унда йиллик олинган  $0,368 \text{ км}^3$  сувнинг қарийб 60 фоизини истемол қилинади.

Салоҳиятнинг бундай ўсиши натижасида балиқчилик тармоғида жами сувга талаб кескин ортади. Сувга талаб 2002 йилдаги  $0,43 \text{ км}^3/\text{йил}$  ва 2008 йилдаги  $0,72 \text{ км}^3/\text{йилдан}$  2010 йилга бориб  $2,1 \text{ км}^3/\text{йилга}$  ва 2025 йилга бориб  $2,4 \text{ км}^3/\text{йилга}$  етади.

## 6.5 Оқава сув

### *Сугоришидан чиқадиган дренаж коллектор суви*

Дарё ва қабул резервуарларга оқизилган дренаж коллектор сувининг йиллик ҳажми  $20\text{--}25 \text{ км}^3/\text{га}$  етади. Дренаж коллектор суви таркибидаги нутриентлар (азот ва фосфор) миқдори ер усти сувидан анча юкоридир.

Ушбу сувлардан энг кўп минераллашгани ( $9 \text{ г}/\text{лгача}$ ) майда дарёлар ва Амударёнинг қуи оқимида кузатилади. Амударё ифлосланишинигш олдини олиш учун Жаҳон Банки молиялаган Дренаж, сугориш ва сув-ботқоқ ерларни яхшилан лойиҳаси доирасида дарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб дренаж оқавасини бошқариш борасида чоралар пакети ишлаб чиқилди. Ушбу чоралар Ўзбекистон ва бутун минтақада сувни тежашга сезиларли хисса қўшиши мумкин эди.

### *Қишлоқ ва шаҳар ҳудудларда канализация*

Гарчи охирги йилларда коммунал хизматларнинг оқава сувини дарёларга оқизиш камайиб келаётган бўлса-да, тозалаш даражаси етарлича юқори эмас. Оқава сувга қайта ишлов бериш иншоотларнинг паст самарадорлиги (номинал қувватнинг 50-60 фоизи) ер усти сув оқимлари ва пастликлардаги сув омборларида ифлословчилар концентрацияси ортиб боришига олиб келмоқда. Ишлов берилган сувда маълумотга кўра аммиак ва нитритлар концентрацияси ортиб бормоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм ва Бухоро вилоятлар каби сув тақчил минтақа ва саноат юқори даражада зич жойлашган ҳудудлар (Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Навоий саноат зоналари)да вазият энг мураккаб.

Шунинг учун аксарият вилоят дарёларининг ўрта ва қуи оқимида сув шўрлиги ошган, шунингдек мунтазам РЭК қўйматига яқинлашадиган ёки ошиб кетаётган сульфат, хлорид, фторид, симоб, фенол ва кремний концентрациялари ортиб бориши хосдир.

Асосий сув оқимларидан энди ичимлик суви билан таъминлаш учун фойдалана бўлмаслик инобатга олинса, аҳолини мувоғиқ равишда сифати яхши чучук ичимлик суви билан таъминлаш мамлакатнинг энг жиддий муаммоларидан бири бўлиб чиқади.

Тошкент шаҳрининг канализация тармоғи шаҳарнинг 90 фоиздан кўпроқни қоплаб  $2.800 \text{ км}$  оқава тармоғи ва реконструкцияга муҳтоҷ уч оқава сувга қайта ишлов бериш иншоотига эга. Шу мақсадда 2009 йилда Ислом тараққиёт банкидан 29 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит шартномаси имзоланади. Саноат оқава сувига келганда, маҳаллий оқава сув компанияси (сувоқава) саноат оқава сувига дастлабки ишлов берилишини таъминлашни корхоналардан талаб қиласи. Бошқача айтганда, корхона оқава сувни сувоқава каналларига чиқаришдан аввал ифлословчилар концентрацияси ва миқдорини пасайтириш учун унга ўз саноат объектида ишлов бериши шарт.

### *Саноат оқава суви*

Ўзбекистоннинг саноати учун йилда  $1,2 \text{ км}^3$  сув олинади, бундан атиги  $0,58 \text{ км}^3$  истеъмол қилинади. Олинган сувнинг қарийб ярми саноат оқаваси сифатида қайтарилади, бу эса атроф-муҳит учун экологик таҳдид туғдиради. Беш юз икки саноат корхонаси таркибида оғир металлар тузлари, фторидлар, фенол, нефть-кимё маҳсулотлари, азот гурухининг ҳаммаси, ва биологик ва ҳар бир саноат тармоғига хос бошқа ифлословчилар бор  $0,14\text{--}0,17 \text{ км}^3/\text{йил}$  яхши тозаланмаган оқавани ер усти сув ҳавзаларига

оқизади (Рамка 6.1). 100дан ортиқ корхонадан чиқадиган тахминан 1–5 фоиз саноат суви дарёларга қайта ишлов берилмай оқизилади.

Сувнинг оғир металлар, фенол ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши асосан саноат ишлаб чиқаришдан. Дарёларга оқизиладиган саноат, хонадон/миниципал ва дренаж коллектор сувида концентрацияси РЭК қийматидан 2 дан 10 баробаргача ортиқ 8дан 10 гача ифлословчи модда бор.

Мамлакат иқтисодиёти реструктуризациясининг бир қисми сифатида саноатда сувни истеъмол қилиш сувдан фойдаланишининг ёпиқ циклларига ўтишга йўналтирилади, бу сув истеъмол қилишни 24-25 фоизгача қисқартириш имконини беради. Саноат эҳтиёжлари учун жами сув олиш ҳозирги  $1,2 \text{ км}^3/\text{йилдан}$  ошмайдиган даражасидан 2010 йилга бориб  $1,4 \text{ км}^3/\text{йилга}$  ва 2025 йилга бориб  $1,6 \text{ км}^3/\text{йилга}$  етади. Охирги йилларда сувни қайта ишлаб фойдаланиш улуши ошиб борди, Тошкент, Навоий ва Фарғона вилоятларининг саноат корхоналарида саноат сувидан қайта фойдаланиш кўрсаткичи энг юқори бўлди.

#### **Рамка 6.1: СамАвто: Саноатда сувдан барқарор фойдаланиши**

СамАвто Самарқандда жойлашган автобус ва юқ машиналари ишлаб чикувчи корхонадир. Саноат ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-мухитга таъсири бўлгандиги туфайли экологик масалалар заводнинг лойихалаш палласида мухокама этилди (ISO 9001 1991дан 2007гача, ва 2008 йил январь ойидан ISO 14000).

Компанияда артезиан қудук ер ости суви ишлатилади, резерв сифатида шаҳар ичимлик сув тармоғига уланган. Бу мақсадда корхонага гидрогеология тадқиқоти асосидаги маҳсус лицензия керак. Ишлаб чиқариш цикли давомида бир транспорт воситасига тахминан  $3 \text{ м}^3$  сув керак. Механик ва кимёвий жараёнлар, қайта олиб ишлатиладиган материаллар учун якуний ион алмашув босқичдан иборат кўп босқичли ишлов бериш жиҳозини кўллаб ишлов берилган оқава сувнинг кўп қисми бўяш боксида қайта ишлатилади. Тозалangan оқава сувнинг колган қисми шаҳар канализация тармоғига оқизилади, бунинг учун компания сув ўлчагичи кўрсатмаси ва ифлословчиларнинг колдик концентрацияси анализига кўра ҳак тўлайди. Икки-уч йилда бир режали инспекциялар ўтказилади, ваҳоланки, авария ҳолатларида инспекция даври бир йилгача қисқартирилади (Қаранг: 2-боб: Мувофиқлик ва риоя этишни таъминлаш механизмлари).

Кейинги қадам - таркибида органик эритувчилар бор бўёқлар ўрнига сув асосидаги бўёқларни қўллаш бўлади; бу бир йиллик давр мобайнида текширилади.

## **6.6 Сув ресурсларига оид сиёсат ва стратегиялар**

### *Сиёсат мақсадлари*

Сувдан оқилона фойдаланишини жорий этиш ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш давлатнинг сув секторидаги сиёсатининг асосий мақсадидир. Шунингдек у кафолатли сув етказиб беришни таъминлаш ва мавжуд инфратузилмани қайта тиклаш, эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш мақсадида жамият ва экотизимларга муҳим хизматларни кўрсатиш йўли билан мамлакат сув секторининг бошқаруви самарадорлиги ва ишончлилигини яхшилашга интилади.

Сув секторидаги ислоҳот сугориш бошқарувида маъмурий ҳудудий ёндашувдан икки босқичли бассейн тизимиға ўтиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қароридан бошланди. Бунда 2003 йил Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш ва 2003 йил сув хўжалиги ташкилотларини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорлари орқали сувдан фойдаланишининг барча далажаларида бозор муносабатлар киритилиши назарда тутилган.

Қатъий марказлашган ёндашув хос бўлган ҳудудий бошқарув тамойилидан бассейн тамойилига асосланган кўпроқ қайишувчан тизимлар ёндашувига ўтиш ушбу қарорлар учун фундаментал аҳамиятга эга. Халқаро миқёсда бассейнга асосланган интеграллашган сув ресурслар бошқаруви (ИСВБ) сув ресурсларни бошқаришида устун парадигмадир. Суғориш тизимларининг бассейн бошқарувини (СТББ) ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини барпо қилиш йўли билан мамлакат сув ресурсларининг икки босқичли бошқариш тизимини яратиш давом этаётган ислоҳотнинг энг муҳим қомпоненти бўлиб қолди.

## *Қонун ҳужжатлари*

1993 йил Сув ва сувдан фойдаланиш қонуни 2007 йил декабрь ойида киритилган қўшимча ва ўзгаришилар билан энг муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Қонунда сув тармоғида аҳоли ва иқтисодиёт эҳтиёjlари учун сувдан оқилона фойдаланишини тартибга солишга, сувни ифлосланишдан ва камайиб кетишидан ҳимоя қилиш ва сувга бошқа салбий таъсирларнинг олдини олиш ва уларни бартараф қилиш, сув ҳавзалари ахволини яхшилаш, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хусусий фермерлар ва дехқон ҳўжаликларнинг сувга нисбатан ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган муҳим қоидалар берилган. Ҳозирда сув истеъмолчилари, сувдан фойдаланувчилар ва сув ҳавзаларининг турли тоифаларини киритиш таклифи билан қонун қайта кўриб чиқилмоқда.

1999 йил Гидротехника иншоотлари ҳавфсизлиги тўғрисидаги қонун сув иншоотларнинг лойиҳалаш, кўриш, фойдаланишга топшириш, тиклаш, сақлаш ва бузиш ишларида ҳавфсизликни таъминларга қаратилган. Сув ресурсларини давлат бошқариши, улардан фойдаланиш ва ҳимоя қилишнинг кўп муҳим жиҳатлари қонун ости ҳужжатлар ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тартибга солинади, 2002 йил Чучук ер ости сувлари ҳосил бўладиган зоналарга алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар мақомини бериш тўғрисидаги қонуни бунга мисол бўла олади.

Хукумат белгилаган устун вазифалар билан ҳамоҳанг равишда Олий Мажлис комиссияси, хукумат идоралари ва манфаатдор тарафлар билан биргаликда СФУ, шунингдек Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг янги таҳририни тайёрламоқда.

2001 йилдан бери Вазирлар Маҳкамасининг дарёларга тегишли саккизта ва ер ости сувига тегишли учта қарори қабул қилинди. Улар, жумладан, сув ресурслари ва суғоришни бошқаришининг ташкил этилишини, сувдан фойдаланишини тартибга солишни такомиллаш ва атроф-муҳит учун ҳавф туғдирадиган корхона ва иншоотларни саккиз асосий дарёнинг сув муҳофаза зонасидан олиб чиқиш орқали ҳимояланган табиий зоналарни сақлаб қолишни таъминлайди. Ҳозирги пайтда 155 шундай корхона ва иншоот олиб чиқилди. Ер ости сув манбалари рўйхати тузилмоқда ва ер ости чучук сувини қазиб олиш учун белгиланган ерлар бўйлаб сув муҳофазаси зоналарни қўриқлаш чоралари амалга оширилмоқда.

## *Стратегия ва дастурларни бажарии*

2002 йил Интеграллашган равишда сув билан таъминлаш концепциясида 2008–2011 йилларга мўлжалланган сув бошқаруви ва мелиорация чораларининг асосий мақсадлари белгиланган. Ушбу кўрсатмаларда дренажни яхшилаш орқали ердан фойдаланишини такомиллаш, суғоришни модернизация қилиш ва ИСРБ жорий этиш орқали қишлоқ ҳужжалигига сув етказиб бериш самарадорлигини ошириш назарда тутилган.

2001 йил Суғориш ва дренаж тизимини ривожлантириш стратегияси ва 2000-2005 йилларга мўлжалланган суғоришни ривожлантириш миллий дастури мазкур концепция билан яқиндан боғлиқ, ушбу икки ҳужжат биргаликда қишлоқ ҳўжалиги ва атроф-муҳит учун биринчи даражали аҳамиятга эга сув ресурсларини бошқариш сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситалари ҳисобланади.

Ўзбекистон сиёсатни қўллаб-кувватлаши 2015 йилга бориб ҳавфсиз ичимлик сувдан ва канализациядан фойдаланиш имкони йўқ кишилар сонини қисқартириш ёки 2015 йилга бориб ИСРБ ва сувдан фойдаланишини самарали режалаш каби сув билан боғлиқ муҳим вазифаларни бажаришга Европа Иттифоқининг аҳди билан мустаҳкамланган Европа Иттифоқининг Сув ташаббусида катнашади. Ўзбекистоннинг миллий ИСРБ стратегиясини ишлаб чиқиш мавжуд тўсиқлардан ўтиш ва кутилаётган демографик ўсиш, миграция ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёjlари билан боғлик сувдан ва ердан фойдаланишдаги ўзгаришиларга мослашувга ёрдам беради.

Тегишли дастур ва лойиҳалар доирасида мамлакатда қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- (1) ИСРБ Фаргона лойиҳаси (2001–2005 йиллар), бунда суғориш сувининг далаларда қўллаш самарадорлиги 42–51 фоиздан 69–81 фоизга ошди.
- (2) Техник аралашув пакети билан ўнг қирғоқ коллектори учун ИСРБга йўналтирилган лойиҳа, шунингдек коллектор дренаж сувини бошқаришнинг имкониятли вариант ва сценарийлари.

- (3) Амударё дельтасидаги Судочье қўлининг сув-боткоқ ери тикланди.
- (4) Нурота-Қизилкўм биосфера қўриқхонасини барпо этилди.
- (5) ZEF (Ривожланиш ва тадқиқот маркази)/Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Таълим, Фан ва Маданият Ташкилотининг халқаро ҳамжамиятнинг молиявий ёрдами билан амалга оширилган ва Ўзбекистонда ИСРБни муваффақиятли жорий этишга ҳисса қўшадиган Хоразмда Ер ва Сув ресурсларини барқарор бошқариш лойихаси каби ИСПБ тўғрисида билим ва хабардорликни оширишга қаратилган лойихалар.

2000-2010 йилларга мўлжалланган қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш давлат дастурида сув таъминоти тармоғини аҳолининг 85 фоизини қопладиган қилиб кенгайтириш ва шаҳарларда, масалан, ўлчагичлар ўрнатиб ва ставкаларни ўзгартириб киши бошига сув истеъмолини қисқартириш назарда тутилган. Одатдаги йўл билан сув етказиб бўлмайдиган ерларга сув таъминотининг муқобил манбаларини топиш ҳам дастурда назарда тутилган.

1998 йил 1999–2005 йилларга мўлжалланган миллий экологик ҳаракат режасида ер усти ва ер ости сувнинг сифатини яхшилашга қаратилган давлат сиёсати белгилаб берилган. 2008–2012 йилларга мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат дастурига сувга қайта ишлов бериш корхоналари, оқава корхоналарни қайта қуриш ва сув қувурларини ётқизиш ва техник хизмат кўрсатиш ишлари киритилган.

## **6.7 Сув ресурсларни бошқариш ва муҳофаза қилиш учун институциявий шароит**

Мамлакат даражасида сур ресурсларни бошқаришни Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (ТМДК), Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ва маҳаллий давлат органлари орқали Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади. Мамлакатда сувдан фойдаланиш ва сувни муҳофаза қилиш масъулияти вилоят ва туман даражасидаги тегишли маҳаллий органларига ҳам юкландган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув ресурсларини бошқариш учун мутасадди давлат органидир. У сувни бошқариш ва ундан фойдаланиш борасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда марказий роль ўйнайди ва Ўзбекистондаги сувни бошқариш идоралар ишини мувофиқлаштиради. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сувни бошқаришга тегишли асосий вазифалари қўйидагича: қишлоқ хўжалиги ва сув секторида сиёсатни ишлаб чиқиш; қишлоқ хўжалиги ва сув ресурслар соҳасида янги технологияларни киритиш ва ишлаб чиқиш; тижорат хизмат корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш; сув ресурсларни бошқаришни такомиллаштириш мақсаадида сугориш ва дренаж тизимларига инвестициялар киритиш; бассейн ташкилотлари учун тартиб ва тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш; СФУни ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш; дарё бассейнлари даражасида ИСРБни жорий этиш; кучли тадқиқот институтларни барпо этиш ва хўжаликларда сугоришни яхшилаш учун ўкув курсларни ташкил қилиш.

Сугориш тизимларининг бассейн маъмурияти (СТБМ) Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги минтақавий органлардир. Мавжуд тузилмалар асосида барпо этилган СТБМларнинг асосий вазифалари сув ресурсларни мақсадли ва оқилона фойдаланишни бошқаришдир; интеграллашган сувни бошқариш техник сиёсатни амалга ошириш; сувдан фойдаланувчиларга сувни узлуксиз ва вақтида етказиб бериш; бассейн доирасида сув ресурсларни оқилона бошқаришни таъминлаш ва сувдан фойдаланишни ишончли ўлчашни таъминлаш.

Сугориш ва дренаж давлат қўмитаси сугориш ва дренаж фаолиятини мувофиқлаштиради. Йирик сувни бошқариш ташкилотларининг бошлиқлари ва вилоят ҳокимларининг сувни бошқариш масалалари учун мутасадди ўринbosарлари ушбу қўмитанинг аъзолари ҳисобланади.

Ўзкоммунхизмат коммунал хизматлар учун мутасадди давлат органидир. У 2000 йилда Коммунал хизмат вазирлиги ўрнига жорий этилган. Ушбу идоранинг асосий вазифалари вилоятлараро сув қувурларининг барқарор ва ишончли ишнини таъминлаш, вилоятлараро сув қувурларидан фойдаланиш ва лойихалаш ва қўриш борасида интеграллашган техник сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалган ошириш ва

меъерий-хуқукий шароит ва коммунал хизматларга таъсир кўрсатувчи техник ва иқтисодий шароитни кузатишга қаратилган таклиф/ташаббусларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ҳокимият ва агентлик раҳбарлиги остида маҳаллий даражада коммунал хизматлар учун вилоят коммунал ва эксплуатация ўушмалари масъул ҳисобланадилар.

ТМДҚ атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш борасида бош ижроия идора ҳисобланади. У ер усти сувини назорат қилиш ва яхшилаш ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги қонун хужжатларига риоя қилиш учун мутасадди ҳисобланади. Шунинг учун унинг таркибида инспекциялар, жумладан Таҳлилий назорат бўйича ихтинослашган давлат инспекцияси мавжуд. У атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва ижро этади. Қўмита бевосита Олий Мажлисга бўйсунади.

Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ер ости сувининг мониторинги ва уни бошқариш учун мутасадди.

Ўзгидромет дарёлар, кўллар ва сув омборларининг гидрология режимини кузатиб боради ҳамда дарёлар, кўллар ва сув омборларидаги сувнинг сифатининг мониторинги учун мутасаддидир.

Санитария ва эпидемиология станциялари аҳолининг эпидемиологик хавфсизлигини таъминлайди. Давлат даражасида станциялар Соғлиқни саклаш вазирлигининг бўлимлари ҳисобланади. Вилоят ва туман даражаларида улар тегишли ҳокимият қошида фаолият кўрсатади. Станциялар хавфли моддалар билан ифлосланишнинг олдини олиш мақсадида ичимлик, коммунал ва сугориш сувининг сифатини мониторинг қилиш учун масъул ҳисобланади.

СФУ яқинда барпо этилган хусусий фермер ва бошқа хўжалик субъектларининг ўушмалари бўлиб сув таъминоти ва хўжаликларнинг сугориш ва дренаж тизимларини эксплуатация қилиш ва уларга техник хизмати кўрсатища хизмат қиласидилар. Биринчи СФУлар 1999-2000 йилларда барпо этилган эди, унда фойда келтирмайдиган колхозларни ислоҳ қилиш хусусий фермер хўжаликларни ташкил қилишга олиб келган эди, улар ўз навбатида фермер хўжаликлари ўушмаларига қайта ташкил этилди. Ушбу ўушмалар биринчи 13 СФУлари униб чиққан замин бўлиб хизмат қилди. Ҳозир Ўзбекистонда 1.693 СФУлари мавжуд. Гарчи СФУ ер ва сувдан фойдаланиш соҳасида янги тур нодавлат ташкилоти бўлсада, улар 2005 йилда қарийб 2,8 миллионга ерда хизмат кўрсатдилар ва тахминан 70.000 км сугориш каналлари ва 50.000 км дренаж тармоғига масъулдирлар.

Мавжуд ҳуқукий тизимнинг чекланганлигини бартараф этиш мақсадида 2004 йил ноябрь ойида СФУ ривожлантиришга тегишли қарорлар қабул қилиш учун маҳсус ҳукумат комиссияси тузилди. Қўйидаги қарорлар қабул қилинди: СФУ тўғрисида қонун ишлаб чиқиш, сугориладиган ерларда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни режалаштириш ва бошқаришда СФУнинг ролини кучайтириш ва барқарор ИСРБ ривожлантириш, гектарга бериладиган сув ҳажмини қисқартирадиган сугориш сувини бериш илғор технологияларни татбиқ этиш орқали сув ресурсларидан яхшироқ фойдаланишга СФУни рағбатлантириш, замонавий сугориш сувини бериш технологияларини татбиқ қилиш учун маҳсус дастур ишлаб чиқиш ва фермер хўжаликларни молиялаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва фермерлар ишлатган сув ҳажмини аниқ ўлчаш ва ҳисоблаш учун СФУга сув ўлчагичларни татбиқ этишда ёрдам кўрсатиш.

## **6.8 Хулоса ва тавсиялар**

Аллювиал текисликларда жойлашган ерларнинг 50 фоизидан ортиғи шўрланиш ва ортиқча сувланишга учраган. Ер шўрланиши арид зоналарнинг тоғ ёнбағри, аллювиал ва пролювиал жойларига хос табиий жараёндир. Бироқ, 22 фоизни ташкил қиласидиган дренажсиз сугориш, инфильтрация туфайли йўқотиш, бетонланмаган каналлар қуриш, ортиқча сугориш, назоратсиз сув таъминоти ва сугориш мақсадида шўр сувдан фойдаланиш тупроқ шўрланишининг асосий сабаблари ҳисобланади.

Гарчи Ўзбекистон сугориш самарадорлигини оширишни режалаштираётган, сув таъминоти ва канализация соҳасида ижобий натижаларга эришган ва ИСРБни татбиқ этишда биринчи тажрибани

кўлга киритган бўлса-да, яна кўп иш қилиниши керак. Сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш ва келажакда сувни бошқариш учун замин яратилиши, шунингдек миллий стандартларга жавоб берадиган ичимлик суви билан таъминлашни халқаро тавсияларга мувофиқ ва халқ саломатлигини ва тоза атроф-мухитни кафолатлаш учун янада яхшилаш лозим.

Шунинг учун тупроқ ва ер ости сувнинг шўрланишига, ботқоқланишига ва таркибида ер усти сувининг энг асосий ифлословчиси ҳисобланадиган ўғит ёки пестицидлар каби кимёвий моддалар мавжуд коллектор дренаж оқимиға олиб келадиган, самарасиз сугориш усууллари, копламасиз сугориш канал ва ариқлар орқали инфильтрация, туфайли юзага келадиган, улкан йўқотишлиарнинг, шунингдек буғланиш йўқотишлиарнинг олдини олиш лозим.

Тиклаш жараёнлари нафақат сугориш тармоғининг асосий канал ва насос станцияларини, балки ер ости ва кечаси сугориш каби замонавий чораларни татбиқ этишга хос ўқиш ва жиҳозларини янгилаш учун молиявий ёрдамга муҳтож СФУ ва фермерлар даражасидаги тажрибаларни қамраб олишини таъминлаш шарт. Сугориш ишларида кўп йиллик тажрибага эга нафакадаги фермерлар қишлоқ хўжалигига сувдан барқарор фойдаланишни татбиқ этишни қўллаб-куватлаш учун катта мутахассислар сифатида жалб қилинишлари мумкин.

Сувни ўлчаш, тегишли сув ҳақини, сувни тежашни рағбатлантириш ва қишлоқ хўжаликларида сувни исроф қилиш учун жарималарни жорий қилиш орқали корхоналарга фақат уларга кераклича сув берилар эди.

#### Тавсия 6.1:

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сугории тизимларининг бассейн маъмурияти ва сувдан фойдаланувчилар уюшмалари билан биргаликда сувни тежаши чора-тадбирлар амалга ошириши, жумладан:*

- (a) Қопламасиз канал ва ариқлар орқали инфильтрация энг кам миқдорга келтириши;
- (b) Замонавий сув сарфи жиҳатидан самарадор сугории усууларини татбиқ қилиши зарур.

ИСРБ сув самарадорлигини айниқса арид жойларда оширишга ёрдам беради. Бу чора нафақат ичимлик сувни етказиб беришни, балки қишлоқ хўжалиги ва бошка ишлаб чиқариш тармоқларининг оқилона талабини қондиришни, шунингдек атроф-мухит талабларини қондиришни таъминлаши шарт. Шунинг учун барча ушбу гурухларни қамраб оладиган қатнашув ёндашуви ва ташкиллашган шаклдаги ўқишни ривожлантиришнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Минтақада ортирилган тажриба ва олинган сабоқлар, халқаро ҳамжамият ёрдами билан Ўзбекистонда қонун ҳужжатларини ислоҳ қилиш, вилоят ва туманлар даражасида мувофиқ муассасаларни ривожлантириш ва кучли бошқарув воситаларини талаб қиласидиган ИСРБ тамойиллари ва ёндашувга муваффакиятли ўтиш имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Канализация ва оқава сувга ишлов беришга инвестицияларнинг устун йўналишларини аниқлаш, бунда янги қурилмаларни қўриш, эскиларини тиклаш ва маблағ билан таъминлашда уларнинг тартибини тузиш ҳал қилувчи чора ҳисобланади. Бу ишлар қурилмаларни ишлатиш, жараёнларни назорат қилиш, приборларни ишлатиш ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатишни оқава сувга ишлов бериш иншоотлар ходимларига ўргатиш билан бирга бажарилиши керак.

Бундан ташқари оқава сув инфратузилмасига инвестициялар, ундан фойдаланиш ва унга техник хизмат кўрсатиш тўла харажатини қоплайдиган нарх-навонинг узок муддатли стратегиясини шакллантириш лозим. Мувофиқ ечимлар топилса, ижтимоий ёки номақбул тангликтининг олди олинади.

Саноат чиқинди сувига тўлиқ қайта ишлов берилишини таъминлаш яна бир мақсаддир. Ушбу чиқинди сув таркибида кўп ҳолларда оғир металлар, феноллар ва нефть маҳсулотлари каби хавфли моддалар бор, Улар дарёларга оқизилганда ер усти сувини ифлослайди ёки сувоқава канализациясига оқизилганда коммунал оқава корхоналарнинг самарадорлигини пасайтиради.

**Тавсия 6.2:****Вазирлар Маҳкамаси:**

- (a) Сув ресурсларини интеграллашган бошқарии тамойилларига тегишили ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиб киритиши;
- (b) Сувни интеграллашган равишда бошқариини режалаштиришига йўналтирилган ва сув секторида ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи етарли даражада юқори мақомга эга мувофиқ тизимни барпо этиши ва халқаро тажрибани инобатга олиб керакли институцияий ривожланишини рагбатлантириши;
- (c) Ҳукумат, нодавлат ташкилотлар, илм-фан вакиллари ва хусусий сектордаги манфаатдор тарафлар билан биргаликда механизм яратиб Европа Иттифоқи Сув Ташаббуси доирасида, шунингдек БМТЕИК Сув конвенцияси ва унинг Сув ва саломатлик протоколи доирасида БМТЕИКни стратегик шерик сифатида кўриб сув ҳўжалигини интеграллашган бошқаруви тўгерисида миллий сиёсат диалогини олиб бориши лозим.

Тавсия 6.2га мувофиқ равищда ичимлик суви инфратузилмасининг тўлиқ харажатларини қопладиган узоқ муддатли сув нарх-навоси стратегияси бўлиши, шунингдек барча сувдан фойдаланувчилар учун сувни ўлчаш жорий этилиши шарт.

Кўплаб кишилар, айникса Орол денгизи минтақаси атрофига санитария талабларига жавоб бермайдиган кудук ва сугориш каналлари сувидан фойдаланишга мажбур. Ушбу аҳолининг санитария яшаш шароитини яхшилаш ва хавфли ички касалликларнинг олдини олиш чиқинди санитарияси ва канализация қайта ишлов бериш тизимиға ҳам боғлиқ. Бу одамлар, шунингдек яккаланган қишлоқ жойлардаги аҳоли яшайдиган пунктлар учун маҳаллий ечимлар ёки узокдан сув етказиб бериш талаб қилинади.

**Тавсия 6.3:**

- (a) Ўзкоммунхизмат агентлиги ва маҳаллий давлат органлари оқава сувга ишлов берииш самарадорлигини оширишилари лозим.
- (b) Вазирлар Маҳкамаси сув билан таъминлаш ва оқава сувга ишлов берииш борасида мақсадларни, устун вазифаларни ва молиявий ресурсларни аниқлаш учун миллий стратегия ва узоқ муддатли дастурни ишлаб чиқиши ва Ўзкоммунхизмат агентлиги маҳаллий давлат органлари билан ушибу стратегияни бажарииши лозим.



## 7-боб


# *ЕР БОШҚАРУВИ ВА МУҲОФАЗАСИ*

### 7.1 Кириш

Ўзбекистон худудини кўп қисми Марказий Осиени энг йирик икки дарёси - Амударё ва Сирдарё - оралигида жойлашган. Мамлакат иқлими кескин континентал бўлиб унда тўрт фасл мавжуд ва шу билан бирга ҳароратнинг кунлик ва кенг мавсумий узгарувчанлиги кузатилади.

Чўл худудида йиллик ёгин миқдори 100-250 мм иборат бўлиб унда қишлоқ хўжалиги ва қоракўлчилиги ривожланган. Адирларда ёгин миқдори жуда паст. Ўрта тоғ тизими серёмғир худуд бўлиб, у ерда йилига ўрта миқдорда 400 мм зиёдроқ ёғингарчилик кузатилади. Мавсумий фаллачилик билан биргаликда бу худудда мева етишириш имконияти ҳам бор. Юқори тоғ тизими ўтлоқ дашт ўсимликлари билан характерланади. Доимий ўтлоқлар ва яйловлар ер худудини кўп қисмини ташкил этади (7.1 расм).

**Расм 7.1: 2002 йилда ердан фойдаланиш**



Манба: Жаҳон Банки <http://siteresources.worldbank.org/INTEEI/Data/20859184/Uzbekistan.pdf> (2009 йил август).

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, гарчи ер ва сувга боғлиқ бўлсада, бу муҳим ресурсларнинг ҳолатига кескин таъсир этган ва таъсирини ўтказиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодининг энг муҳим секторларидан саналади, ва 2007 йилда ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 30,7% ташкил қилди. Озиқ-овқат хавфсизлиги нуқтаи назаридан Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги жами озиқ-овқат истеъмолини 80% қоплайди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги энг муҳим сектор ҳисобланади. Ўзбекистон аҳолиси 1960 йилда 8,4 млн., 2007 йилда 26,7 млн. гача тез суръатларда ўси (ҳозирда аҳоли ўсиш сурати 1,732% ташкил этади). 2007 йилда жами аҳолининг 64,1% қишлоқ шароитда истиқомат қиласа эди. Қишлоқ аҳолисининг 63% қишлоқ хўжалигига ишлаб, кун кечиради. 88% аҳоли саҳроланиш хавфи остида яшади ва бу кўрсатгичлар иқлим ўзгариши натижасида янада ўсиш эҳтимоли юқори. 32.4% аҳоли 14 ёшдан кичик эканлигини инобатга олган ҳолда қишлоқ шароитда кескин ойлик маошларини камайиши натижасида шахарларга кўчиш суръатлари ўсиши мумкин. Шу билан биргаликда, ижтимоий низо ва қишлоқлардан кўчиб келишни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги секторини барқарор ривожланишига ургу бериш даркор.

Ўзбекистоннинг ялпи сугориш тизими 1960 йиллар ва ундан кейин барпо қилинди. Пахта энг муҳим товар маҳсулоти ҳисобланиб Ўзбекистон ҳозирга қадар пахта экспорти бўйича дунёда АҚШдан сўнг иккинчи ўринда турди. Айтиб ўтиш жоизки сугориладиган ерларда буғдой ва бошқа озиқ-овқат экинларига бўлган ички талабни қондириш мақсадида пахта етиширилувчи ерларни тенг иккига бўлиш натижасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Кўшни давлатлар билан сув бўлишиш ва иқлим ўзгарувчанлиги бошқарувига кучайиб бораётган эҳтиёж сугориладиган ерларни умумий бошқаруви янги таҳдидларга юз қаратиб турибди. Мавсумий қишлоқ хўжалик ерларни бошқарув кўрсаткичлари, яйловлар ва чорвачилик ҳолати нохуш тенденцияларни кўрсатади. Яйловларнинг меъеридан ортиқ ишлатилиши сабабли чорвачилик тарқалган кўп ерларда муаммога айланган ва бунинг натижасида хизмат қилиш имконияти ахолиси кўп жойлар яқинида ва узоқдаги маълум даражада ишлатиладиган ерларда чегарадан чиқиб кетган. Яйловлар самарадорлиги 20-25% камайиши Ўзбекистоннинг кўп вилоятларида қайд қилинган ва тахминан 10 млн. га яйловлар кескин яхшиланишини талаб этади.

Ер ислоҳотлари изчил олиб борилаётган бир пайтда ер бошқарувини яхшилашда ва барқарорлигини таъминлашда таҳдид ва имкониятлар яратади.

## **7.2 Ҳуқуқий, меъерий ва институциявий шароит: 2001 йилдан сўнгги ўзгаришлар ва ҳозирги шароит**

### *Ҳуқуқий ва тартибга солувчи доира*

1993 йилда қабул қилинган “Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида Қонунига 2003 ва 2007 йилларда тузатишлар киритилган. Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида қонуннинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда ва бошқа масалалар билан биргаликда сугориш учун ишлатиладиган сувни бошқаруви кўриб чиқилган. Бу қонунда ер бошқаруви ва муҳофазасига оид модда ҳам бор, чунки истеъмол килинадиган сувнинг 90%, йилнинг ва сувнинг келишига қараб, сугориш учун ишлатилади. Қонун лойиҳасида атроф-муҳитга оид параграфлар муҳофаза чораларини ҳар-хил томонларини батафсил очиб беради, мисол учун, сув ишлатувчининг мажбуриятларини белгилаш йўли билан.

1998 йилги Ер кодексига 2003, 2004 ва 2007 йилларда тузатишлар киритилди. Янги ер кодекс лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ҳозирда мутасадди раҳбарлар томонидан кўриб чиқилмоқда. Асосий масъулият Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига юқлатилган. Янги ер кодекс 1998 йилдаги кодексга солиштирганда, атроф-муҳит масалалари, айниқса ер муҳофазасига оид, нисбатан кўп моддаларга эга.

2000 йилги Давлат Кадастри бўйича Қонун мамлакатда 20 кадастрлар яратилганлигига ишора қиласди. Давлат ер кадастри зиммасида ҳисобга олиш, назорат ва ерга эгалик қилиш ҳуқуқини рўйхатга олиш киради. 1998 йилги Давлат ер кадастри Қонунида айтилишича ер сифати, тупрокни баҳолаш, ер нархи, тизимлаштириш ва ер кадастри бўйича маълумотга эгалик қилишни ва уни янгилашни ер кадастри ўз ичига олади. Ер бўлакларига эгалик ва бошқа ҳуқуқларни, қулайликларни, чекланишларни ва ҳақларини узатиш ва тўхтатишни регистрация қилиш лозим.

2006 йилда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик ерлари унумдорлигини ошириш Қонуни кучга кирди. Қишлоқ хўжалик ерларини яхшилаш масаласида 2007 йил октябр ойида сугориладиган қишлоқ хўжалик ерларини яхшилашга оид Президент Фармойиши кучга кирди. *Иrrigation инфратузилмасини тайерлашига ва янгилашига қаратилган Мелиорация ва сугориладиган ерларни 2008-2012 йиллар яхшилаш* Давлат дастури ушбу йилига 60 млрд. сум маблағ ажратилган Фармойиши кўллаб-куватлайди.

1993 йилги Махсус муҳофазадаги табиий ерлар Қонуни 2004 йилги муҳофазадаги табиий ҳудудлар Қонуни билан алмаштирилди (1-боб).

2008-2012 йилларда Табиатни муҳофаза қилиш Ҳаракат дастури сув ва ер ресурсларини бошқарувини муфассал ёритиб беради.

### *Институциявий доира*

Ердан фойдаланадиган ҳар-хил субъектларни бирлаштириш йўли билан хукумат муҳим маъмурӣ ислоҳотларни амалга ошириди. 2004 йилги Ер ресурслари Давлат қўмитаси ва Геодезия ва картография Маъмуряти (қишлоқ ҳўжалик ерлари), Техникавий инвентар бюроси (туарржой бинолари) ва Давлат кадастри (шаҳар ва одам яшамайдиган бинолар) бирлаштириш йўли билан Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси яратилди. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига қўйидагилар масъулиятига юкланган:

- Ер ресурсларини оқилона ишлатиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ер бошқарувини таъминлаш, ерни консервациясини мониторинги, ҳамда тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва тикламоқлик бўйича давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш;
- Тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва ер муҳофазаси, оқилона фойдаланиш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Ер муҳофазаси ва бошқаруви бўйича давлат назоратини қўллаш;
- Геодезик ва картографик фаолиятни юргизиш;
- Жамоат ҳатти-ҳаракати сўраш йўлидаги давлат агентликлари ва жамоат аъзоларини фаолиятларини мувофиқлаштириш;
- Давлат ер кадастрлари, давлат карталари ва геодезик реестрлар, жамоат бинолари ва жиҳозлари, ҳамда давлат реестрлари бирлашган тизимини сақлаб келиш.

Қишлоқ ҳўжалиги бўйича асосий тартибга солувчи ташкилот бу Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигидир. Унга қўйидагилар масъулиятига юклатилган:

- Профессионал билим, эффектив ва оқилона ер, сув ва ўрмон ресурсларидан фойдаланиш натижасида қишлоқ ҳўжалиги бўйича ягона сиёсат ишлаб чиқиш;
- Қишлоқ ҳўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва ислоҳотлар тартиб-қоидаси мониторинги йўлида фаолиятларни ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда янги ширкатларга (кatta қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари) ва фермерларга олди-сотди ташкилотлар билан мулоқотларида амалий ёрдам бериш;
- Эффектив сармоя сиёсатини ишлаб чиқиш;
- Замонавий агротехнологияларни таклиф қилмоқлик ва экспорт тушумини кўпайтириш мақсадида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари мониторинг тизимини яратиш;
- Халқаро ва ички бозор талаблари асосида қишлоқ ҳўжалик дончилик тузилмаси ва хажмини муҳокама қилиш;
- Наслдор чорвачиликни ривожлантириш, ҳамда ветеринар ва бошқа хизмат кўрсатишни йўлга кўйиш;
- Сув ресурсларини асраб-авайлаш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, давлат сув кадастрини бошқаруви ва суғориладиган ерларни яхшилаш мақсадида чоралар кўриш.

### *Ер ресурсларнинг мониторинги*

Ер ресурсларини мониторинг қилиш масъулияти бир нечта маъмурӣ ташкилотлар орасида бўлинган. Атроф-муҳит ифлосланиши манбаларини, ҳамда тупроқ ва заҳарлайдиган кимёвий ахлатхоналар яқинидаги худудлар ва чиқиндилар мониторингига Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (ТМДК) масъул. Ўзгидромет Қишлоқ ҳўжалик ерларини ифлосланишининг мониторингига масъулиятли ташкилотdir. Агротехнологиялар бўйича Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ўз тавсияларини беради. Ер ифлосланиши ва тупроқ сифатини мониторинги билан Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси шугулланади. Булар қаторида Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ва Соғлиқни саклаш вазирлиги уларга юклатилган масъулиятли фаолият соҳасида мониторинг қилишда иштирок этишади.

Суғориладиган қишлоқ ҳўжалик ерларини сифати бўйича Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси олдиндан асосланган комплекс бонитет сифат индикаторини (0-100 шкаласи) ишлатиб муфассал ҳисобот тайерляяпти. Бу иш 2013 йилда якун топади. Ер ресурслари атласи ва Вегетация атласи 2009 йилда чоп этилади. Ер ресурсларини ҳолати бўйича ҳисобот бошқа параметрлар билан бирга тупроқни микдорий ва сифатий ҳолати изоҳи ҳар йили чоп этилади.



*Бухоро вилояти. Жайрон экологик маркази. Тузли кўл*

#### *Халқаро ҳамкорлик*

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциялари доирасида, яъни БМТнинг Кескин кургоқчиликка ва/ёки саҳроланишга учраган мамлакатларда, айниқса Африкада (UNCCD) саҳроланишга қарши кураш конвенцияси, Биологик хилма-хилликни асрар бўйича конвенцияси ва БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси ичидаги ер бошқаруви ва муҳофазаси бўйича мўл ва янги маълумот ишлаб чиқилган ва йигилган.

Глобал атроф-мухитни бошқаруви йўлида Ўзбекистон миллий салоҳиятини баҳолаш иши 2006 йилда яқунланди ва барча учта Конвенциялар қамраб олди. Баҳолаш глобал атроф-мухит бошқаруви тарафдорларига тегишли устувор ички ривожланиш эҳтиёжларига аниқлик киритди. Ўзбекистоннинг Саҳроланишга қарши миллий Дастури 1999 йилда қабул қилинди ва 2002 йилда миллий хисобот тайёрланди. Шундан сўнг кўплаб халқаро ҳамкорлик проектлари бошланиб кетди, шу жумладан Марказий Осиёда Ер ресурсларини бошқаруви лойиҳаси (CACILM) доирасида Саҳроланишга қарши кураш тўғрисида БМТ Конвенцияси бўйича лойиҳа амалга оширади. CACILM шериклиги бешта Марказий Осиё давлатларини ва умумий донор жамоатни ўз ичига қамраб олган. Осиё Тараққиёт Банки мувофиқлаштирувчи вазифасини бажаради. Ўзбекистонда Ўзгидромет БМТ саҳроланишга қарши конвенциясини бажаришда масъул ташкилот ва Конвенция учун яратилган Миллий ишчи гурухни бошқарувчиси бўлиб, CACILM билан ҳамкорликни ҳам мувофиқлаштиради.

### **7.3 Суғориладиган ерлар муҳофазаси ва сифати ўзгаришидаги тенденциялар**

Қишлоқ хўжалик ерларининг жами суғориладиган қисми 4,3 млн. га ташкил этади, ўшандан 3,3 млн. га йиллик ҳосил оладиган экинлар, кўпроқ пахта ва буғдоига ажратилган. 2001 йилдан кейин суғориладиган ерларда бирор-бир ахамиятли ўзгариш бўлгани йўқ. Иқлим ўзгариши сценарийларига қараганда сув танқислиги кучайиб бораверади, ва шунда кўлланилаётган жами суғориш усуллар қишлоқ хўжалик ерларини кенгайтира бориш салоҳиятини чеклаб турадиган асосий омиллардан саналади. Суғориладиган ерлардаги дехкончилик ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 95% беради.

Ер бошқарувига тегишли асосий муаммолар 2001 йилда муҳокама қилинган Атроф-мухит ҳолати шархи (АҲШ) бир хил, яъни тупроқ шўрланиши, тупроқ эрозияси ҳамда заарли чиқиндилар билан тупроқ

захарланиши. 7.1 жадвал Ўзбекистоннинг турли вилоятларида йиллик культивация остидаги сугориладиган ер худудлари ва пропорциялари ҳар-хил сифат классларига (бонитет сифат индикатори асосида, 0-100 шкаласи) тегишли бўлганини кўрсатади. Тупроқ сифати бўйича энг катта муаммолар Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Бухоро, Навои ва Хоразм вилоятларида кузатиш мумкин.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси кўра олиб борилаётган тупроқ сифатини карталаштириш 2002 йилгача кузатилган салгина сусайиш тенденцияси барқарор ҳолатга қайтди ва шунда сўнг кўпгина вилоятлар сифат кўрсаткичлари сал яхшиланди. 7.2-жадвал сугориладиган ер худуди ва фоизларини “яхши”, “коникарли” ва “коникарсиз” тоифалар остида кўрсатади. Шу манбага кўра ўхшаш тупроқ сифатида салгина яхшиланиш тенденцияни 2002 йил ва 2008 йил оралиғида кузатиш мумкин. Жадвал ернинг қоникарсиз ҳолатининг схемасини деградацияни асосий сабаб ёки сабабларига кўра кўрсатади (тупроқ сув режими ёки шўрланиши, ёки иккиси).

1990 йиллар салбий тенденциядан сўнг барқарорлашишга қарамасдан ер бошқаруви ва тупрок муҳофазаси ҳолати ташвиш уйғотишига сабаб бўлади. Сугориладиган ҳудудларда ер деградация умумий даражаси юқори, шу жумладан 55% деградациядан азият чекувчилар ва серпуштлик даражасини маълум кўринишда бўлиши. 78,000 га сугориладиган ер шўрланиш ва/ёки зах сувларини юқорига чиқиши натижасида батамом ишлов беришдан чиқариб ташланган. Мамлакатнинг 8 фоиз сугориладиган ерлари ирригацион эрозияга мойил (2 фоиз салгина ёки кучли эрозияланган). Сугориладиган ерларни 15 фоизи тупроқ кўчишига мойил. Сугориладиган ерда пастқам жойларни эрозияси ҳам муаммо. Бунинг сабаби сугориш сугориш каналларини ўприлиши ҳамда сатҳ қиялиги муҳим бўлган даштларда бошқа тартибсиз йўналиши ирригацион сувлар келиши.

Суст бошқарув практикаси кенг тарқалган ва деградация кучайиш хавфига замин яратади. Уйғунлашган ва диверсификациялашган экин ротациясининг ҳозир бўлмаслиги ва шу билан бирга кенг пахта ва буғдой экиш худудлари, паст миқдорда органик ўғитлар ишлатилиши ва дуккакли экинларнинг кам ишлатилиши ернинг устки қатламларида органик миқдорнинг камлиги ва унумдорлик даражасини пасайишига олиб келди. Шу билан бирга минерал ўғитларни ишлатиш камайди. Керагидан ортиқ, ва баъзан нодаркор, ерга ишлов бериш тупроқ тизимида таъсир этмоқда ва зичланишга олиб келмокда.

Қишлоқ хўжалигига сув ишлатилиши муҳим омил ҳисобланади. Тахминан 90% ер юзидағи сувлар сугориш учун ишлатилади. Керагидан ортиқ сугориш ва сув йўқотиш кенг тарқалган ва ернинг паст-баландлик даражасини аниқлаш йўқлиги муаммони чигаллаштироқда. Шу билан бирга тадқиқот натижалари тарқатилиб бўлиниши ва фермерлар минимал ёрдам билан таъминланиши билан ернинг паст-баландлик даражасини аниқлаш озгина қўшимча саъй-харакатлар натижасида бекиёс сув тежаш имкониятини беради. Самарали дренажсиз керагидан ортиқ сугориш сув босиш ва ботқоқлашишга олиб келади. Баъзи бир мисолларда, 50 дан 60 фоизгача сугориладиган сувларнинг асосий канал тизими ва даштлар оралиғида йўқотилиши ҳақида айтилади. Аммо ўрта ҳисобда бу кўрсаткич 35 фоизни ташкил этади.

Юқорида зикр қилинган муаммоларнинг кўпчилиги ҳар-хил даражадаги Ўзбекистон ҳукумати аъзолари томонидан кўриб чиқилмоқда, мисол учун Мелиорация ва сугориладиган ерларни 2008-2012 йиллар яхшилаш Давлат дастури доирасида. Асосий сугориш каналларни янгилашга қаратилган маҳсус фонд яратилди (кейинги мухокамалар 7.8 кисмда). Озиқ-овқат экинлари ишлаб чиқаришини кучайтириш ва культивация остидаги худудларни оптимизация қилиш чоралари бўйича Президент Фармойиши 2008 йил октябр ойида кучга кирди. 2009 йилдан бошлаб пахта культивацияси учун ажратилган худуд 75,8 минг га кискаради. Мева ва сабзавотларнинг кўпайтириш билан бирга бу Фармойиши фермерлик усууларини ва экин ротациясини яхшилашга имконият беради. Шу жумладан муҳим ижтимоий-иқтисодий натижаларга олиб келади.

Экинларнинг танланиши, сув тежами ва дехқончилик усулига сугориладиган ерларда тупроқ шўрланиши ва эрозияси чамбарчас боғлиқ. Пахта учун кўп миқдорда сугориладиган сув талаб қилинади, буғдой билан солиштирганда эса анча кўп. Янги проектларда қишлоқ хўжалигини сақлаб қолиш, сувни тежаш ва тупроқни эрозиядан асраб-авайлаш ўз ифодасини топиш керак ва рағбатлантириш даркор.

Хозирги илмий тадқиқот далилларга асосан 20 фоизгача ва ундан зиёдроқ ишқорини ювмоқ ва сугориладиган сувларни қисқартирмоқ, қолган манфаатлар билан бирга, Ўзбекистонда (3) ишлаб чиқилган ва қўлланган лазер нишонли ернинг паст-баландлигини аниқлаш (2) йўли билан эришиш мумкин. Тажриба ўтказиш усулларида тўғридан-тўғри экиш ва сомон чириндиларни ишлатиш (мульчирование) фаолроқ қўлланилиши даркор. ЮНЕСКО Ривожланиш ва тадқиқот марказининг (ZEF) Хоразмда Ер ва Сув ресурсларни барқарор бошқаруви проектининг баъзи тадқиқот натижаларига кўра пахта ва дон бошоқларини бирга икки қатор қилиб экиш пахта ҳосилдорлигининг албатта пасайишига олиб келмайди, балки бошқа аҳамиятли экин ўстиришга ва тупрок сифатини яхшилашга имкон яратади (7.1 кути). Юқори даражадаги сув тежаш технологиялари шу жумладан томчили ва сачратиб юборувчи ирригацион қўлланмалар катта бошлангич сармояни талаб этади, ҳолбуки қисқа эгат, чиринди ишлатилиши, лазер нишонли ерни паст-баландлигини ўлчаш ҳамда гидрогелни қўллаш камроқ маблағ талаб қиласди.

Дехконларни ўқитиши, моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқа йўллар билан фермерлик даражасида сув бошқарувини яхшилашга эришиш мумкин. Шу билан бирга сувдан оқилона фойдаланиш учун сувни нархлаш усул сифатида ва тупрок шўрланиши камайтириш қўлланиши даркор.

Ишлаб чиқариш тизимларида сув таннархини уйғунлаштириш йўлида биринчи қадам сувни беҳуда исроф қилишни олдини олиш учун кўзланган дифференциал тариф тизимини ва тўловларни жорий қилиш хозирги ҳолатни яхшилаши мумкин. Аммо сув тежаш тартиб-қоидаларини хато қўлланилиши тупрокни янада шўрланишига олиб келиши мумкин ва бундан сакланиш керак. Демак сув ва ер бошқарувини яхшилаш қўлма-қўл олиб борилиши даркор.

#### **7.4 Тупрок шўрланиши**

Сугориладиган ерларда тупрок шўрланиши кўпроқ Амударё ва Сирдарё ўрта- ва пастги оқим хавзаларида кузатилади. Шўрланишни кучайиши, иқтисодий ва ижтимоий оқибатлар билан биргаликда, қишлоқ хўжалик экинларини кескин камайиб кетишига олиб келади. Ер шўрланиши ракамлари манбага қараб фарқланади. БМТнинг Ривожланиш дастурига биноан 50 фоиздан ошироқ сугориладиган худуд шўрлланган, ўшандан 5 фоизи кескин шўрлланган. ТМДҚнинг маълумотига кўра шўрлланган ерлар 2,179 минг га (ёки сугориладиган ерни қарийб 52 фоизни) ташкил этади, 665 минг га ўрта миқдорда шўрлланган ерлар (16 фоиз) ва 168,9 минг га кескин шўрлланган ерлар (3,93 фоиз). Ўзбекистоннинг Саҳроланишга қарши кураш бўйича БМТ Конвенцияси Миллий ишчи гурухини маълумот қилишича шўрланишдан деярли 53 фоиз (2,279 минг га) сугориладиган ерларга зарар этади, шу жумладан бу худудни 47 фоизи ўрта ёки юқори миқдорда шўрлланган. 1996-2006 йиллар оралиғида шўрлланган худуд хажми 91 минг га қискарди.

Еости сувларини кўтарилиши ва илдиз зонасида тузларни тўпланиши иккинчи даражали шўрланишга сабаб бўлади. Керагидан ортиқ миқдор сугориладиган сув билан тузни ювуб чиқариш ертаги сувларини кўтарилиши ва ботқоқлашиш хавфини кучайтиради. Ўзбекистонда шўрлланган тупрок бошқаруви ҳамда кескин шўрлланган ва ботқоқлашган ерлар, шу жумладан биодренаж ва биотозалашга оид муҳим илмий тадқиқот ва экспериментлар мавжуд. Шўрлланган ерларни кенг миқёсда реабилитацияси қишлоқ хўжалиги томонидан қўллаб-куватланади, аммо, килинмаяпти. 7.1-харита вилоятга қараб сугориладиган ерларни шўрланиш даражасини кўрсатади.

Орол денгизи хавзасини куриганини ва тўпланган тузлар, чиқиндилар ва тупрок заррачаларини тарқалишини дараҳт ўтказиш йўли билан тўхтатишига ҳаракат қилинди. 1.3 млн. гектардан зиёд туби очилиб қолган ҳавза Ўзбекистон худудида жойлашган. Орол денгизи куриган хавзасида химоя қилиш вазифасини бажарувчи дараҳтларни экиш суръатлари ўтган 15 йил давомида 15-20 минг гектарни ташкил этади.

**Жадвал 7.1: Ҳар йили сүғорилиб, экин экиладиган ерларда тупроқ сифати, га**

Республика ва вилоятлар	Ёмон		Үртадан паст		Үрта		Яхши		Жудаям яхши		Жами	Бонитет индекси
	Класс I	Класс II	Класс III	Класс IV	Класс V	Класс VI	Класс VII	Класс VIII	Класс IX	Класс X		
	Бонитет индексига кўра баҳолаш											
	0-10	11-20	21-30	31-40	41-50	51-60	61-70	71-80	81-90	91-100		
Қорақалпогистон	..	1,919	29,810	237,202	69,846	46,458	24,497	6,801	..	..	416,533	41
Андижон (а)	..	311	9,593	34,322	39,801	45,187	50,547	38,267	6,015	35	224,078	57
Бухоро (б)	..	1,038	16,521	57,391	42,070	55,294	40,843	19,456	83	..	232,696	50
Жиззах	..	105	3,607	40,717	143,261	48,533	30,379	7,413	2,809	..	276,824	50
Қашқадарё	..	..	3,455	71,977	198,976	87,416	50,375	25,003	8,177	..	445,379	51
Наманган	..	235	13,499	45,776	47,117	36,667	32,553	33,383	18,181	1,301	228,712	59
Навои	..	3,358	9,618	15,253	17,668	18,200	20,423	12,853	2,099	..	99,472	52
Самарқанд	..	41	2,044	29,478	72,263	89,756	57,187	38,321	16,770	547	306,407	57
Сурхондарё (с)	..	704	11,047	43,203	59,838	79,317	50,049	20,985	6,915	..	272,058	56
Сирдарё (д)	..	..	1,739	36,344	93,772	60,918	51,580	7,694	8	..	252,055	52
Тошкент	..	..	2,631	37,586	86,361	67,968	74,385	45,380	14,600	29	328,940	59
Фарғона	..	1,426	8,043	59,139	56,142	58,386	67,580	33,001	5,570	452	289,739	56
Хоразм (е)	..	625	8,839	46,296	34,932	82,052	49,291	11,848	102	..	233,985	53
<b>Жами</b>	<b>..</b>	<b>9,762</b>	<b>120,446</b>	<b>754,684</b>	<b>962,047</b>	<b>776,152</b>	<b>599,689</b>	<b>300,405</b>	<b>81,329</b>	<b>2,364</b>	<b>3,606,878</b>	<b>55</b>

Манба: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, 2009.

Қайдлар:

- а Андижон вилоятидан олинган маълумотлар 2002 йилда тупроқ баҳоланишига асосланган
- б Сурхандарё вилоятидан олинган маълумотлар 2003 йилда тупроқ баҳоланишига асосланган
- с Бухоро вилоятидан олинган маълумотлар 2004 йилда тупроқ баҳоланишига асосланган
- д Хоразм вилоятидан олинган маълумотлар 2005 йилда тупроқ баҳоланишига асосланган
- е Сирдарё вилоятидан олинган маълумотлар 2006-2007 йилда тупроқ баҳоланишига асосланган
- Бошқа вилоятлардан олинган маълумотлар 2001 йилда гача тупроқ баҳоланишига асосланган

## 7.5 Тупрок ифлосланиши

Охирги 10-15 йил давомида Ўзбекистонда пестицидлар ва минерал ўғитларни ишлатилиши кескин камайди. Ўзбек хукумати ва тадқиқот институтлари мақтovга арзигулик ҳаракатлари туфайли интеграциялашган ўсимлик муҳофазаси практикаси киргизилди ва заҳари камроқ кимёвий ва биологик ўсимлик муҳофазасига ўтилди. Ҳозирда ҳайдаладиган ерларда пестицидлардан фойдаланиш даражаси 0.4 кг/га ташкил этади, Совет эраси пайтларида бу кўрсаткич 15-19 кг/га бўлган.

Шунга қарамасдан, ўғит ва пестицид қолдиқларидан тупрок ифлосланиши кўпгина вилоятларда муаммо бўлиб қолмоқда. Мисол учун DDT<sup>4</sup> қолдиқлари билан заҳарланиш Андижон ва Фарғона вилоятларида максимал мумкин бўлган микдордан 2.4 дан 6.1 мартағача ошади. Ишлатилмаётган, маълум йўсинда зарарсизлантириладиган ёки йўқ қилинмоқ даркор бўлган эски пестицидлар ҳажми 1,500 тоннани ташкил қиласди. Туз ва токсик заррачаларни Орол денгизи очилиб қолган ҳавзасидан чанг тўзонлари билан тарқалиши ер ва сув сифатини саклаш бўйича ташвиш уйғотади, ҳамда инсон соғлиғига тўғридан-тўғри ҳавф тугдиради.

**Жадвал 7.2: Суғориладиган ерлар ҳудуд ва фоиз ҳисобида тоифаларга бўлиниши, 2002-2008 йиллар**

Йил	Жами	Яхши		Қониқарли		Қониқарсиз		Қониқарсиз сифат сабаблари		
		1,000 га	1,000 га	%	1,000 га	%	1,000 га	%	Ертаги сувлар кўтарилиш жадвали	Шўрланиш
2002	4,253.80	1,719.80	40.4	2,185.30	51.4	348.7	8.2	156.2	115.2	77.2
2003	4,261.80	1,719.50	40.3	2,170.00	50.9	372.2	8.7	197.1	80.0	95.1
2004	4,266.20	1,682.80	39.4	2,214.70	51.9	368.8	8.6	192.6	80.4	95.7
2005	4,273.60	1,720.50	40.3	2,207.00	51.6	346.1	8.1	185.9	65.4	94.9
2006	4,281.80	1,750.00	40.9	2,193.30	51.2	338.0	7.9	175.0	60.1	102.7
2007	4,290.00	1,779.00	41.5	2,172.00	50.6	338.7	7.9	170.1	87.8	80.5
2008	4,289.80	1,821.70	42.5	2,159.10	50.3	317.8	7.4	148.8	72.3	96.6

Манба: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, 2009.

## 7.6 Яйлов деградацияси

Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун сатҳ жиҳатидан яйловлар энг кўп тарқалган ер тури бўлиб 21-22 млн. га ташкил этади. Манба ва қўлланадиган класификацияяга қараб бу ҳажмдан 15-18 млн. га чўл яйловлари қамраб олган, 3-5 млн. тоғ этаги яйловлари ва 1 млн. зиёдроқ га ер тоғ ва юқори тоғ яйловларини ташкил этади. Қорамол боқиши ем-ҳашак ишлаб чиқаришга чамбарчас боғлиқ ҳамда аҳолиси бор ва суғориладиган ер ёки артезиан сув қудуклари жойлашган ҳудудларда тарқалган. Дуккакли ем-ҳашак экинлари, айниқса беда, пахта ва буғдой экин ротацияси учун ниҳоятда қулай аммо культивация қилинадиган ерларда улар билан ракобатлашади. 2001-2005 йиллар оралиғида қорамол ва қўй сони бирмунча барқарор бўлган (7.3 жадвал), аммо бундан ем-ҳашак ишлаб чиқаришда ва яйловлар ҳосилдорлиги ҳажми ўзгармас бўлиб қолади деган маъно келиб чиқмайди.

Қишлоқлар, аҳоли кўп жойлар ва сув ҳавзалари ёнида жойлашган яйловлар ҳолати анча ёмонлашган, чунки ҳаддан ортиқ фойдаланилган. Ёқилғи ва ўтин учун ўсимликларни пайхон қилиш, яйловлар ҳолатини ёмонлашиши билан бирга, эрозия жараёнини, шу жумладан нотекис ерларда сув эрозиясини, бошланишига сабаб бўлади.

Яйловларнинг ем-ҳашак бериш салоҳияти ва/ёки уларни умуман ишдан чиқиши, пахта ва буғдой учун суғориладиган ҳайдаладиган ерларга бўлган талаб кўй-эчки боқишдан кўпроқ қорамолга таъсир этади. Кўшимча ем-ҳашак (қиши учун) ҳамма шароитда керак, бундан ташқари, ишлаб чиқариш тизими қуруқ келган йилларда умумий ҳолатларга кўникиш ва уларни бошқара олиши керак.

Турли ҳалқаро ташкилотлар томонидан яйлов маҳсулдорлигини ошириш ёки ушлаб туриш техник ечимини тавсия этишди. Улар ичида умумий эрозия қарши чоралари, шу жумладан энг заиф ҳудудларга мол киритилишига чекланишлар ва ҳаддан ташқари ўтлатишга чегирмалар, ҳолати ёмонлашган

яйловларда қайта уруғ экиш, янги ем-хашак экинларини ва янги нав хилларини жорий қилиш киради. Барқарор яйлов бошқаруви мақсадида ҳамкорлик ва сармоялар учун қулай ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароит яратиш қишлоқ хұжалик экинларини парвариш қилишдан ҳам қийинрок.

Яйловларнинг деградация даражаси умумий индикатори эрозия ва саҳроланиш муаммосини чукурлигини күрсатади. Яйловларни ҳаддан ташқари ишлатиш натижасида ва иқлим ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда 16.4 млн. га ошиқ (73 фоиз) яйлов ерлари деградация араfasида турибди. Энг зарар күрган вилоятлардан Қорақалпогистон Республикаси, ҳамда Навоий ва Бухоро вилоятлари саналади. Самарқанддаги Қоракүлчилик ва чўл экологияси тадқиқот институти кўрсаткичларига асосан чўл яйловларини 40 фоизи деградациядан азият чекади, айниқса Қизилкум чўлида (44 фоиз). Институтнинг тавсиясига биноан чўл яйловларини бошқаруви яйлов муҳофазаси ва реабилитацияси учун ҳаётий муқобилдир. Ер сатхини биоремедиация (фитомелиорация) усули билан катталаштириш ва самарали навларни, шу жумладан экзотик ўсимликларни, кўпайтириш йўли билан муҳофаза қилиш ҳамда унумдорликни ошириш мумкин. Ташкилий мазмунда, яйлов муҳофазаси ва реабилитацияси ўтлатишга вақтинча чегирмалар киргизиш ва сув хавзалари атрофида ҳаддан ортиқ сиқиқликни ечишни талаб этади.

### **Жадвал 7.3: 1990, 1995, 2000-2005 йиллар давомида қорамол боқиши динамикаси**

Жонзот турлари	1990	1995	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Жами қорамол (1,000)	4,580	5,848	5,268	5,344	5,478	5,879	6,243	5,400
шундан сигирлар (1,000)	1,856	2,337	2,305	2,364	2,293	2,557	2,704	2,800
кўй ва такалар (1,000)	9,230	10,049	8,886	8,930	9,234	9,929	10,580	10,500
отлар (1,000)	120	145	155	150	145	145	145	145
тўнғизлар (1,000)	716	350	80	89	75	90	87	90
паррандачилик (1,000)	26,473	18,500	14,787	14,800	15,725	18,053	19,184	18,350

Манба: FAOSTAT, 2006

Қоракүлчилик қорамол боқишда муҳим жой эгаллайди чунки улар кескин қуруқ шароитларда яшаб кетиши хусусиятига эга. 50 ортиқ мамлакат уларни етиштириш учун боқиши үсулини генетик маркази бўлган Бухородан ўзлаштириб олдилар. Ўзбекистонда кўйлар сони 4,5 млн. ташкил этади, ва шуларни ярмидан кўпи катта кооперативлар ичida парваришиланади. Йил давомида подалар баъзан ўсимлик салоҳияти 0.2 т/га ошмайдиган қумли чўлларда бокилади. Юқорида зикр этилган яйловларни ҳаддан зиёд ишлатилиши ва деградацияси қорақўйчиликка таъсир этмоқда ва бунга 2 млн. одам кун кечириши боғлиқ. Кучайиб бораётган иқлим ўзгарувчанлик шароитлари янада вазиятни чигаллаштироқда.

### **7.7 Деградацияга йўлиққан қишлоқ хұжалик ерлари**

ZEF/ ЮНЕСКО Ривожланиш ва тадқиқот марказининг Хоразмда Ер ва Сув ресурсларни барқарор бошқаруви лойиҳаси шўрланиш ва/ёки ботқоқлик натижасида ташлаб кетилган экин ерларида дараҳт навлари бўйича илмий далиллар ҳамда ёқилғи учун ёғоч ишлаб чиқариш, барглардан ем-хашак тайёрлаш ва мева етиштириш усулларини тақдим этди. Шуни назарда тутган ҳолда ва дунёни бошқа жойларида ўхшашибазият бўлгани сабабли, тадқиқот, экспериментлар ва пилот лойиҳаларни олиб бориш янада рағбатлантириш керак. Ишлаб чиқаришга кўшимча сифатида кирғоқ бўйи ва тоғ қиялиги эрозия назорати талаблари дараҳт навларини ишлатишини оқлайди.


Фермер хўжаликларда ресурслар етишмаслигини ҳамда қисқа муддат ичida фойда олиш эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда бунаёнги узоқ муддатда ҳаражатини қоплайдиган ишлар жамоат фонdlари ва/ёки осон кредитлар эвазига бажарилиши даркор. Реабилитация кўлламини кенгайтириш ҳамда чиқариб ташланган ерларни қайтадан ишлатиш мақсадида ўқитиши, технологиялар ва ўсимлик ашёларини кўллаб-куватлаш инфратузилмаси бўлиши керак. Баравар аҳамиятлisisи ишлаб чиқариш ва/ёки муҳофаза қилиш йўлида узоқ муддатли сармоялар учун ижтимоий-иктисодий шароит ва хукумат сиёсати келажакда олинадиган фойда учун имкон яратиб бериши керак, шу жумладан ерга эгалик қилиш ёки ерни ишлатиш хукуки.

Илова: Ушбу харитада кўрсатилган чегаралар ва номланишлар расмий ўтқазилиш маъносини ёки БМТ томонидан қабул қилинишини англашмайди.

## 7.8 Иқлим ўзгариши барқарор қишлоқ хўжалиги учун муаммо сифатида

Қишлоқ хўжалиги муҳим омил саналмиш шу жумладан ялпи ички маҳсулот ҳамда иш ва ижтимоий барқарорлик масалалари доирасида Ўзбекистон иқлим ўзгариши олдида жуда ожиз. Ўзбекистонни сугориладиган ерларда қишлоқ хўжалик фаолияти чегаралараро дарёларга 90 фоизга боғлиқ бўлганини хисобга олган ҳолда иқлим ўзгариши таъсири бутун Марказий Осиё кўламида кўрилиши керак. Прогнозларга қараганда ёз фасли иссиқроқ бўлади. Марказий Осиёда ўрта ҳарорат микдори 2080-2090 йиллар гача 3 градусдан 4 градус Цельсийгача ошиши кутилмоқда. Бундай ҳарорат ўзгариши гидрологик циклни бузилишига олиб келади, айниқса мавсумий сув оқиши ва минтақада сув мавжудлигига (9 боб).

**Харита 7.1: Сугориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси**



Манба: Ўзбекистон экологик профили 2008 индикаторларга асосланган ҳолда, БМТ Тараккиёт Дастури, 2008.

Қишки буғдой ҳосилини июн ўрталарида йигиштириш пайтида ҳарорат борган сари 40 градус Цельсийдан ошиб кетмокда, бунинг натижасида ҳосилдорликда кўп йўқотиш ва тегирмон ишлатишда нокулайликлар кузатилмоқда. Униб-ўсиб бораётган пайтда кучайиб бораётган буғланиш баҳор буғдой унумдорлигини 27 фоиз ва ундан ҳам кўпроқга камайтириши мумкин. 40 градус Цельсийдан юқори бўлган кўпайган жами кунлар микдори тарвуз ва қовун экинлари учун ҳам нокулай ва шу билан бирга пахта унумдорлигини 10-40 фоизга камайтиради.

Момоқалдирикли жалалар сони ошиб бориши туфайли тупрок кўпроқ ювиб кетилади ва тупрок эрозияси ортиб боради. Бу ҳодиса йиллик ёғимгарчилик 500 мм дан 750 ммгача бўлган жойларда айниқса катта ташвиш уйғотади.

Иқлим ўзгариши чўл ўсимликларига эга тоғли бўлмаган арид зоналарда, ёзда чорва боқиладиган ярим арид минтақаларда ва суб-нам ерларди яйловлар махсулдорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Чорва боқиши учун фойдаланиладиган яйловдаги ўсимликлар таркиби сузиларли равишда ўзгариши кутилади,

бу ем ишлаб чиқишига, чорва боқиши ва коракўл қўйларни етиштиришга таъсир қилади. Ёғимгарчиликнинг мавсумийлиги чорванинг тирик вазнига ва йил охиригача яшаб қолишига таъсир қилиб бошқариш стратегиясини талаб қилади. Ўзбекистоннинг БМТИЎАКга мувофиқ Иккинчи миллий баёнотига кўра 2030 йил сентябрь ойига бориб термал юқланиш 5–11 фоиз ортиши туфайли қоракўл қўйларнинг репродуктив қобилиятига таъсир кўрсатиши кутилади.

Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик амалиётини иқлим ўзгаришининг ушбу салбий таъсирига мослашга ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотига чуқурроқ ишлов бериш йўналтирилган стратегиялар томон ҳаракат қилиш ЯИМ, озиқ-овқат хавфсизлиги, бандлик ва атроф-мухит масалалари учун юқори даражада мақбул бўлур эди. Баёнотда чора кўрмасликнинг баҳоси сезиларли даражада юқорироқ бўлади. 2050 йилга бориб иқлим ўзгариши сабабли бугланиш ортиши ва оқим суви камайиши оқибатида суғориш суви етишмовчилиги туфайли пахта ҳосилидан йўқотиш Сирдарё бассейнида 11–13 фоизга ва Амударё бассейнида 13–23 фоизга етиши мумкин. Яна бир қатор салбий омиллар 2050 бориб қишлоқ хўжалиги маҳсулоти жорий даврдагига нисбатан 10–15 фоизга кисқариши мумкин.

Бу ҳам қишлоқ хўжалиги секторида ўзгаришга, ҳам агар қишлоқ хўжалиги ЯИМ ва ижтимоий барқарорликнинг асосий компонентлари ва дан бирилигича қолиши керак бўлса ҳукумат чоралар кўриш лозимлигидан хабардор бўлиши зарурати борлигидан далолат беради.

Қишлоқ хўжалигига келганда иқлим ўзгаришига мослашиш учун Ўзбекистоннинг икки муҳим тур бойлиги бор. Биринчидан, мамлакат доим қишлоқ хўжалиги набототининг биохилма-хиллиги маркази бўлган ва ўнлаб йиллар мобайнида муваффақият билан турлар кўплигини сақлаб қелган. Мамлакатда жами 124 қишлоқ хўжалиги зироат тури ва 952 хил/гибрид, масалан, 39 тур ва 389 хил сабзавот ва қовун; 22 тур ва 204 хил мева ва резавор; 5 тур ва 52 хил саноат зироати ва 14 тур ва 129 хил дон зироати мавжуд. Иккинчидан, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик соҳасида юқори стандартдаги тадқиқотнинг узоқ муддатли анъанаси бор. Айниска, ушбу ўн йилликда иқлим ўзгаришига мослашув борасида кўп истиқболли илмий натижалар эълон қилинди (Рамка 7.1). Ўзбекистонда қатор тадқиқот муассасалар, масалан, Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон тупроқшунослик институти, Марказий Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси тадқиқот институти, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Андижон университети ва Урганч давлат университети қошидаги ZEF/UNESCO Хоразм лойиҳаси.

**Рамка 7.1: Иқлим ўзгариши оқибатида фермер ёки чорвадорлар кўрадиган зарарни камайтиши борасида қишлоқ хўжалиги тадқиқотларнинг истиқболли натижалари**

Хоразм ва Жиззахда ўтказилган дала тадқиқотига кўра лазер ёрдамида ер текислаш натижасида тупрок шўрини ювиш ва суғориш учун 15–20 фоиз камроқ сув керак бўлар экан. Сувдан фойдаланувчилан уюшмалари жиҳозларни етказиб бериш ва уни ижарага беришини кўшимча фаолият сифатида кўрсатиши мумкин бўлур эди.

Жиззах ва Пахтакорда ўтказилган тадқиқот буғдой ва шолини қўтарилиган чекларда экишдаги ҳосилдорликни (6,0 дан 6,5 т/га гача ва 14,2 фоизга тегишли равишда) ҳамда сув самарадорлиги ( $1,23 \text{ т}/1.000 \text{ м}^3$ ,  $1,32 \text{ т}/1.000 \text{ м}^3$ ) гача ошганини кўрсатди. Айни пайтда ўртacha уруғ сарфи 100 кг уруғ/га га кисқарди.

Экинларни биргалаштириб экиш кўп ҳолларда кўпроқ даромад келтиради ва айни пайтда тупрок бонитетини оширади. Макка ва мошни бирга экиш, масалан, Пахтакорда фермерларнинг соф фойдасини 550 АҚШ доллари/га га ошириди, ваҳоланки паҳта билар мошни бирга экиш соф фойдани 650–850 АҚШ доллари/га га ошириди.

Кўқон жўхори, просо, арпа, тритикале ёки қизилмия каби сув сарфи жиҳатидан самарадор, кўргоқчиликка чидамли ва шўрликка чидамли экинлар ем экинлари сифатида салоҳиятга эга ва масалан Қизилқум минтакасида иқлим ўзгариши пайтида ҳам айни пайтда тупрок бонитетини яхшилаб фермерларги даромад олиш имкониятини яратади.

Конимех тумани (Навоий вилояти)да олиб борилган тадқиқот натижасида *Haloxylon aphyllum*, *Kochia scoparia*, *Eurotia eversmanniana* ва шўра, пашмак, эркак ўт ва олабўталарнинг турли комбинацияларини иқлим ўзгариш давомида коракўл қўйлари учун ем тақчиллигининг олдини олиш мақсадида яйловларни реабилитация қилиш учун энг муҳим тур сифатида аникланди.

Иқлим ўзгаришининг таъсири жадаллашган пайтда мослашув чоралари қишлоқ хўжалиги усусларини такомиллаштириш, жумладан пахтани барқарор етиштириш усусларини ва етиштириладиган экинлар

хилма-хиллигини оширишга қаратилиши керак. Пахта қиймати занжирининг турли қисмларида сувнинг ҳиссасига қаралса ва яқин келажакда сув тақчиллиги прогнози инобатга олинса, Ўзбекистон хукуматининг пахта экин майдонини 10 фоизга қисқартириш тўғрисидаги қарорини сўзсиз олга кўйилган қадам дейиш мумкин. Айни пайтда мўлжал қилиб олинган пахтани чукурроқ қайта ишлаш стратегияни пахта майдони бир гектаридан олинган фойдани ошириш учун жадаллаштириш имконияти мавжуд.

ZEF/ЮНЕСКО Хоразм лойиҳаси доирасида, қиймат занжири таҳлили шуни кўрсатди, агар маҳаллий тўқимачилик корхоналари пахта толасидан уарп ишлаб чиқиб вилоятда ўша-ўша экспорт даромадини олиш мумкин, ваҳоланки пахта екин майдонини 30.000 га (ҳозирги майдоннинг тахминан 27 фоизи)га қисқартириш мумкин бўлур эди (7.4-жадвал). 110.000 га ер майдонида йилига 228 миллион м<sup>3</sup> сугориш сувидан шунингдек 6 миллион АҚШ долларига тенг субсидияларни тежаб қолиш мумкин бўлур эди.

Пахта экинига ажратилган ер майдонининг катталиги, асосан пахта билан буғдойни алмашлаб экин кўлланиши ва ҳосил учун катта ҳажмда сугориш суви кераклиги туфайли кўпроқ ички даромадни олиш ва айни пайтда атроф-муҳитга ва табиий ресурслардан фойдаланишга босимни қисқартириш максадида пахтани қайта ишлаш ва тазалаш жараёнидаги иқтисодий фаолият олиб борувчи субъектларни жалб қилиб тадқиқотни кенгроқ минтақага ёйиш зарурати мавжуд.

## **7.9 Ер ислоҳоти ва аграр сиёсат**

Ер ислоҳоти 1998 йилда бошланиб унинг бажаришида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги етакчи роль ўйнади (Ўзбекистоннинг биринчи АҲШни кўринг). Ер ислоҳотидан асосий максад ер ҳосилдорлигини оширишdir. Фермер хўжаликлар тузилмаларини қайта кўриб чиқишдан ташқари ер ислоҳотида дикқат кўпроқ корхона, бино ва иншоатлар ва қўчар мулкка қаратилган.

### *Қишлоқ хўжалиги ерлари*

2001 йилдан бери фермер хўжаликлари тузилмаси ва ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этилиши сезиларли ўзгаришларга юз тутди. Ўша пайтда йирик қишлоқ хўжалиги кооперативлари (тутатилган колхоз ва совхозлар ўрнига шакллантирилган ширкатлар) асосан тутатилиб фермер хўжаликларга бўлинди. Фақат коракўлчилик йирик хўжаликлар шаклида фаолият юритишида давом этди ва кўриб чиқилаётган вилоятларда ширкатлар – улардан 100 ортиғи – ҳамон мавжуд. Учинчи тоифа, дехқон (оилавий) фермер хўжаликлари сақланиб қолди ва, гарчи улар жуда кичик ер участкаларида жойлашган бўлса-да, ҳозир ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқишининг самарали ва кафолатли шаклини ташкил қиласди. Кейингироқ сиёсат фермер хўжаликларни йирикроқ ишлаб чиқариш субъектларга бирлаштиришдан иборат (Фермер хўжаликларни оптимизациялаш дастури). Дастур бажарилиши натижасида фермер хўжаликлар сони 2008 йил бошидаги 216.000 дан 2008 йил охиридаги 105.000 га қискарди.

Гарчи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда давлат четда турмаса ва тўғридан-тўғри аралашса-да, равшанки, фермер хўжаликлар тузилмасидаги ўзгаришлар қарор қабул қилишга ва ресурслардан, хусусан ер ва сувдан фойдаланишга таъсир кўрсатди. Шунга мувофиқ, сув ва ердан фойдаланишнинг барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган барча саъй-ҳаракатни қишлоқ хўжалиги тизимининг ислоҳоти эмас, балки аста-секин ўзгарилиши фермер хўжаликлари даражасида қарор қабул қилиш имкониятлари кенгайганига олиб келган ўзгарган ва ўзгариб келаётган шароитга мосланиши керак.

Янги, аҳамиятли манбаатдор тарафлар сувдан фойдаланувчилар уюшмалари (СФУ) ҳам саҳнага келди. Гарчи уларнинг вазифалари маҳсус қонунда ҳозирча белгиланмаган бўлса-да, СФУ маҳаллий даражада қарорлар қабул қилишда марказий роль ўйнайдилар (6-боб). СФУ мухим жиҳати шундан иборитки, улар фақат сув ресурсларининг тақсимотига таъсир қилибгина қолмай, фермерлар билан биргалиқда хўжалик сугориш инфратузилмасига техник хизмат кўрсатиш ва уни такомиллаштиришда самара бермоқдалар.

Давом этаётган Суғоришни ривожлантириш миллий дастури магистрал каналлар ва насос станцияларига қаратилган. Режалаштирувчи ва лойиҳаловчилар ушбу улкан инвестицияларни жамоа ва фермер хўжаликлар даражасида сув тақсимотига кор берадиган равишда мослашлари лозим. Давлат

томонидан түлиқ молияланган дастур фермер хўжаликларга ва уларнинг таркилотлариға ташкилий, молиявий ва техник ёрдам кўрсатиш билан бирга амалга оширилиши лозим. Шунингдек, етарли даражада имкониятларни ошириш, жумладан сув тежаш ва атроф-муҳитни бошқаришни такомиллаштириш зарур бўлади. Юкори даражада деградация бўлган ерларни тиклашга келганда, фермерлар узок муддатда ерни бошқаришни яхшилашга инвестиция киритишлари учун ерга эгалик ва/ёки ердан фойдаланиш хукуклари жиҳатидан кафолатлар мустаҳкамроқ бўлиши талаб қилинади. Қалтис вазиятларда қисқа муддатли эҳтиёжлар, хусусан сув ва энергияга тегишлилари, қарор қабул қилишда биринчи ўринда бўлиб узок муддатли истиқболда ресурслар базасини сақлашдан устун туради.

#### **Жадвал 7.4: Пахтага қиймат қўшилишида пастроқ нархда кўпроқ даромад ҳосил қилиш йўли**

	Хом ашё пахта талаби, минг тонна	Пахта экиш майдонига талаб, минг га	Пахта майдонининг қисқариши, %	Даладаги сугориш суви, млн. м <sup>3</sup>	Қишлоқ хўжалигига бевосита субсидиялар, миллион АҚШ доллари
Acos (2005 йил)	287	110	0	824	20
100% тола экспорти	239	92	17	688	17
Тозалаш самарадорлигини ошириш	219	84	23	631	16
Калава экспорти	207	79	28	596	14
Матолар экспорти	173	67	39	499	12
Футболкалар экспорти	89	34	69	257	6

Манба: Science Brief (ZUR) No. 2, ZEF/UNESCO Rivojlanishlari, May 2008.

Суғориладиган ерларда пахта ва буғдой етиштириш қатъий тартибга солинади, бозор муносабатларига асосланган қарор қабул қилиш ишлаб чиқарувчилар учун катта аҳамиятга эга эмас; бироқ, давлат нархнавони ва ишлаб чиқариш мўлжалларини жаҳон бозорига қараб белгилайди.

Бироқ, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни тартибга солиши борасида қабул қилинган қарорлар туфайли бозор мўлжаллари муайян даражада ортди. Давлат тартибга солиши билан бир қаторда ривожланиш учун каттароқ имкониятлар ҳам бор – бутунлай бошқа қоидаларга мувофиқ товар маҳсулотни ишлаб чиқариш. “...экин экилган ерларни оптималлаш...” ва пахта экилган жами ер майдони тўғрисидаги қарор билан бозор мўлжалларига кенгроқ имконият очилиши мумкин эди. Бундай ривожланиш фермер хўжаликлари ва фермерлар жамоалари фаолиятининг атроф-муҳитга тегишли жиҳатлари учун ҳам мухим аҳамият касб этар эди.

Дехкон хўжаликлари озиқ-овқатнинг асосий турларини етиштириб ишлаб чиқариш ва умумий хавфсизликни оширишда устун турадилар. Улар ҳал қилувчи сув ва ер ресурслари учун фермерликнинг бошқа икки тури билан рақобатлашади ва қишлоқ хўжаликдаги қўшимча хизматларни ва бошқа ёрдамчи чораларни ривожлантиришда инобатга олинишлари лозим.

#### *Шаҳар ерлари*

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ факат чет эл элчихоналари ёки уларнинг вакиллари ер хусусий мулқдорлари бўлиши мумкин. Юзлаб завод ва цехлар кўчмас мулқ сифатида тагидаги ерга ўтказиб бўладиган эгалик хукуки билан кимошиби савдосига қўйилган эди, аммо жараён давом эттирилмади. Бунинг устига, ердан фойдаланиш хукуки совет даврида муайян ер участкаларидан фойдаланиш шаклини ўзгартириб бўлмагандек қатъиян тартибга солинади.

Дехкон фермер хўжаликларга келганда, шаҳар еридан фойдаланиш хукуки умр бўйи бўлиб мерос колдирилиши мумкин. Эгаликнинг яна қўшимча икки шакли – бу доимий фойдаланиш хукуки ва ижарага олиш хукуки. Доимий фойдаланиш Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиёда ердан фойдаланишнинг одатдаги шаклидир. Ижарадан фарқли ўлароқ, доимий фойдаланиш хукуқининг муддати белгиланмаган ва ер участкасидан фойдаланишга бевосита боғлиқ. Фойдаланишнинг

белгиланган шакли тугаши билан фойдаланиш хукуки ҳам тугайди. Ижара, албатта, чекланган ва белгиланган муддат давомида бўлади. Бино ва иншоотларни ва ерни ажратиш шаҳар ҳудудларига ҳам татбиқ этилади, натижасида бинога мулкдорлик хукуки бўлса, ерга эгалик хукуки ижарага берилади. Ердан фойдаланиш хукуки йўқотилиши учун компенсация йўқ, бундан компенсация фақат ердаги бино ва иншоотлар учун мавжуд. Шахсий квартиралар, бинолар каби, мулк бўлиши мумкин, аммо ер давлат мулки бўлиб қолаверади.

Шаҳар ва шаҳар типидаги посёлкалар Ўзбекистон бутун ер майдонининг атиги 0,5 фоизини ташкил килса ҳам, ушбу ернинг аҳамияти ошириб юбориш қийин. Шаҳар ерларидан фойдаланиш Ер ва Шаҳарсозлик кодекслари, шунингдек давлат ер кадастри ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунлари билан тартибга солинади. Бироқ, ушбу меъерий ҳужжатларда шаҳат ерларини бошқаришда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг роли амалда тилга олинмайди. Мамлакатда шаҳар ер ресурсларини бошқарувчи алоҳида хизмат мавжуд эмас; бунинг ўрнига ушбу вазифани турли вазирлик ва идоралар бажаради. Систематик кадастрли ер тўғрисидаги ахборот тизими йўқлини шаҳар ерини бошқаришда асосий камчилик ҳисобланади. Шаҳар ерини съемка қилишининг методологияси жорий этилмаганлиги мавжуд кадастр билан боғлиқ муаммолар жумласидандир. Бу қўчмас мулк бозорининг ривожланишига халакит бермоқда, шунингдек ер учун тўловлар ставкаларини (масалан, ер солиги ва ижара ставкаларини) хисоблашни қийинлаштирумокда. Шаҳар ҳудудларида ердан фойдаланишнинг самарадорлиги аниқлаш тизими йўқлиги яна бир муаммодир.

#### *Мулкдорлик бозори йўлидаги тўсиқлар*

Давлат сиёсатига кўра ерга мулкдорлик хукуки давлатда қолиши инобатга олинса, уй-жой бозорини вужудга келтириш йўлидаги тўсиқлар ижара хукуқига нисбатан бозор тартибига рухсат бериш билан бартараф қилиниши мумкин эди. Умуман, қўчмас мулк, масалан ер мулки учун хозирча хукукий шароит йўқ, системали равишда ҳисбот билан боғлиқ оқибатлар, иқтисодий оқибатлар, ипотека ва ҳоказолар хозирги пайтда қониқарли равишда ишлаб чиқилмаган.

Қишлоқ хўжалиқдаги ердан фойдаланиш хукуки кредит олишга йўл қўймайди ва бутун қишлоқ хўжалик сектори давлат томонидан яқиндан назорат қилинади ва бошқарилади. Хусусийлаштиришнинг имкони йўқ, деб ҳисобланади. Янги ғоялар ва маҳсулотни бемалол ўрганиб бўлмайдиган ва амалда узок муддатли инвестициялар киритилмаган шароитда қишлоқ хўжалик еридан самарали фойдаланиб бўлмайди.

Фермерлар олган ерини яхширок ҳолатда қайтаришлари кераклиги шартини белгилаб ер ислохотини чуқурлаштириш жиддий равишда муҳокама қилинмоқда ва бу чора бажарилиши мумкин. Беш йилда бир амалга оширилиши лозим бўлган ердан фойдаланиш ва унинг сифатини мониторинги агар ер ёмонлашиб бораётган бўлса ижара хукукини тугатиш учун восита бўлиши мумкин.

### **7.10 Ҳимояланган табиий ҳудудлар тизими**

1998 йил Биохилма-хиллик стратегияси ва ҳаракат режасида беш био-географик зона белгиланган:

- Водий ва текисликлар чўл экотизимлари;
- Тоғ этакларидағи ярим чўл ва даштлар;
- Бош дарёларнинг экотизимлари ва қирғоқбўйи экотизимлар;
- Сув-ботқоқ ер ва дельталар экотизимлари;
- Тоғ экотизимлари.

Биохилма-хиллик стратегияси ва ҳаракат режасининг муҳофазаланган табиий ҳудудлар тармоғи уч стратегик соҳаларидан бири бўлиб институциявий ва хукукий шароитни яратиш, муҳофазаланган табиий ҳудудлар тармоғини кенгайтириш, муҳофазаланган табиий ҳудудлар тармоғини бошқариш, табиий биохилма-хиллик ахборот тизимини яратиш, тутқинда етиштириш ва ташки воситалар ёрдамида сақлашни қамраб олади. Ўзбекистон муҳофазаланган табиий ҳудудларнинг экологик барқарор тармоғини барпо этишни мўлжаллаяпти, ушбу тармоқ жами ер майдонининг энг камида 10 фоизини

ташкил қиласи. Мухофазаланган табиий худудларнинг катталиги, бўлинмаслиги ва репрезентативлиги биохилма-хилликни сақлаш мақсадларига этишишнинг ҳал қилувчи омилларидир. Бошқариш режаларини бажариш ва иқлим бекарорлиги ва мухофазаланган табиий худудларга узоқ муддатли таъсирларга мослашиш қобилияти бошқа муҳим омиллар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг хозирги табиий мухофазаланган худулари беш тоифа ташкил қиласи: табиат кўриқоналари/миллий қўриқоналар; миллий парклар; бир экологик марказ; ёввойи ҳаёт худуди (заказниклар) ва миллий табиий обидалар. Айдар-Арнасой кўллар тизимини Биринчи ўринда сувда сузувларни яшаш мухити сифатида ҳалқаро аҳамиятга эга булган сув-ботқоқ мухитлари тўғрисидаги Рамсар конвенциясига мувофиқ ҳалқаро аҳамиятга эга сув-ботқоқ ер, деб белгилаш тармоқнинг охирги сезиларли кенгайтирилиши бўлди. Айдар-Арнасой (527.100 га) орнитологик мухофазаланган зона ва Ўзбекистондаги энг катта сув ҳавзаси бўлиб Сирдарёнинг ўрта оқимидағи суви минераллашуви ҳозирги 8дан 10 г/л дан ортиб бораётган кўллардан иборат. Ушбу кенгайтириш билан мухофазаланган табиий худудлар жами майдони мамлакат худудининг 5,8 фоизига етди. Бунинг устига, ер ости чучук сув ҳосил бўлиши зоналарни мухофаза қилиш учун жорий этилган 16 мухофазаланган табиий зона (350.919 га) ва дарёлар мухофазаланган зоналари (ер майдони 27.900 га) бошқа экологик вазифаларни ҳам бажаради ва биохилма-хилликни муайян даражада сақлашга ёрдам беради.

Ўзбекистонда мухофазаланган табиий ерлар тармоғини кенгайтиришда этишилган ижобий натижаларга қарамай, Биохилма-хиллик стратегияси ва ҳаракат режасида айтилгандек, тармоқнинг репрезентативлиги ва янги мухофазаланган жойлари киритиш устида ишлаш керак. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги ўнлаб йиллар давомида катта ўзгаришларга учраган табиий яшаш мухитининг аҳволига бевосита боғлиқдир. Бу турлар сони камайиб кетишига олиб келди, ва баъзи ҳолларда, йўқ бўлиб кетиши хавфи тобора кўпроқ турларга таҳдид солмоқда.

## 7.11 Ўрмонли ерлар

Ўзбекистоннинг 8,8 миллион гектар ўрмон фонди ерларидан тахминан 3,4 миллион га ўрмон билан қопланиб, бу давлат худудининг 7,5 фоизини ташкил қиласи ва 0,9 миллион га бошқа дараҳтли ерлардир. Ўрмонларнинг ҳаммаси давлат мулкидир. Ўрмонларни мухофаза қилишни, сақлашни ва экишни Вазирлар Маҳкамаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ўрмон хўжалиги бўлими, шунингдек маҳаллий давлат органлари ва идоралари назорат қиласи. Ўрмон хўжалиги бўлими етти минтақавий ўрмончилик маркази орқали ўрмон бошқаруви учун мутасадди хисобланади.

Арид континентал иқлим шароитида ўсадиган Ўзбекистон ўрмонлари асосан ҳимоя бўлиб хизмат қиласи, масалан дарё бассейнларининг ҳимояси, шамол ва чангдан ҳимоя зоналари, биохилма-хиллик ва ёввойи дунё мухофазаси. Ёғочни маҳаллий аҳоли ўтин ва қурилиш учун йиғади, ҳолбуки саноат микёсида ишлатиш нихоятда чекланган. Ўрмоннинг ёғочдан ташқари маҳсулоти қишлоқ ерларда аҳоли турмуш воситаларига катта ҳисса кўшади, бу масалан, ёнгок, мева, резаворлар, кўзикорин ва доривор ўсимликлар териш, ов, чорва боқиши ва асаларичилик. Ўрмон деградацияси, сахроланиш ва тупроқ эрозияси тоғлик худудларда катта ташвиш уйғотади, улар кўп ҳолларда ижтимоий иқтисодий муаммолар ва кам таъминланганлик туфайли юзага келади ёки оғирлашади. Бундай зиёнга олиб келадиган дараҳтларни ноқонуний кесиш, ортиқча чорва боқиши ва ўсимликлар захирасига зарар етказиш каби антропоген фаолиятга қарши курашишга юксак аҳамият берилганди. Тасодифий зарар, ёнгин, зараркунандалар ва касалликларни камайтириш яна бир муаммодир. Ўрмон хўжалиги бўлими иилига тахминан 42.000 ер майдонда ўрмонлар екади. Биохилма-хиллик ва ёввойи ҳаётни мухофаза қилиш мақсадида табиат кўриқоналари барпо этилди.

Миллий ўрмон дастури 2006 йилда маҳаллий жамоаларга фойда келтирадиган узоқ муддатли барқарор ўрмон хўжалигини қўллаб-қувватлар мақсадида бошлаб юборилган эди. У ўрмон ресурсларни инвентаризация қилиш, баҳолаш ва мониторинг қилиш учун институциявий имкониятларни ривожлантириш, дараҳтлардан барқарор фойдаланишини илгари суриш, ўрмонлар билан боғлик муаммолар тўғрисида жамият хабардорлиги ошириш, ўрмонларни бошқаришда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш ва ўрмончилик соҳосида таълим ва малака оширишни кўчайтиришга қаратилган.

## 7.12 Хулоса ва тавсиялар

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон қишлоқ жойларининг ривожланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Фермер хўжаликларининг энг сўнгги ислоҳоти кетидан атроф-мухит, жумладан табиий ресурслардан барқарор ва самарали фойдаланиш сиёсати илгари сурилиши ўз навбатида барқарор қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун фойдали бўлар эди. Агар биргаликда харакат қилинса, ҳозирги истиқбол замирида барқарор қишлоқ хўжалигига эришиб бўлади ва бу қишлоқ хўжалигига ишловчиларни иқлим ўзгариши таъсири ва ер ва сув ресурслари учун рақобат кучайиб бориши кутилиши туфайли бевосита яқин келажакда юзага келадиган муаммоларни ечими учун тайёрланишга ҳисса қўшади.

Сувдан барқарор фойдаланиш бобидаги Тавсия 6.1да сугоришда сувни тежаш режаларни амалга ошириш долзарблигига қаратилган. Бу фақат сувни тежаш жиҳатидан тўғри бўлиб қолмай, балки ер ва сув ресурсларини бошқаришдек кенгроқ контекстда ҳам ўзини оқлайди. Суғориш тизимлари ва жамоа ва фермер хўжаликлари даражасидаги сугориш инфратузилмасига давлат томонидан рағбатлантирилган инвестициялар масаласини кўриб чиқиш зарурати тўғрисидаги фикр тенг равищда бутун ишлаб чиқариш тизими учун тўғритир. Якка фермерлар ва СФУ ўқиш ва техник ёрдамга, жумладан сувни тежаш ва тупроқни сақлаш усувлари тўғрисида ахборот ва буларга учун рағбатга жуда муҳтож.

Хусусан, фермерларга фан ютуқларини татбиқ қилишга кўмаклашиш ва ёрдамчи хизматлар бутун дунёда фермерлар жамоаларига билим беришда, айниқса табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш соҳасида билим беришда ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини исботлади. Бундай ташқари, фермерлар жамоаси хасусий ва давлат савдо секторида кўпроқ иштирок этиш орқали эриши мумкин бўлган ички ва халқаро бозорлар ва савдо билан алоқалари кенгайишидан фойда қўриши мумкин. Кўшимча хизматларни рухсатномалар тизими ва ерни текислаш, тўғридан тўғри уруғ қадаш, далаларда ҳосил қолдиқларини сақлаш ва далаларга ёйиш борасида тренинг ва намойиш лойиҳаларни фаол тарғиб этиш билан қўллаб-қувватлаши мумкин бўлур эди; шунингдек алмашлаб экиш ва орада экишни тупроқни муҳофаза қилиш ва ҳосилдорликни сақлаш учун қўшимча чоралар сифатида рағбатлантириш лозим.

### Тавсия 7.1:

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжаликда сувни тежаси ва сугориладиган экиши ерларда тупроқни муҳофаза қилиши мақсадида сақлаш воситаларини тарзиб қилишини кўриб чиқиши лозим, юқоридаги чоралар, трейнинг ва намойиш лойиҳалар билан қувватланиши мумкин бўлур эди.*

2001 йил АҲШ тавсияларининг кўпи бозор иқтисодий механизмларни ерни бошқаришни яхшилаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш воситасида қўллашга қаратилган эди. Ушбу АҲШдаги ер ва сувдан фойдаланишга тегишли кузатмалар қишлоқ хўжалигига атроф-мухитга тегишли жиҳатларни яхшилаш учун бозор муносабатларга таянган ёки бошқа иқтисодий воситалардан кенг фойдаланилмайди, деган фикрни қўвватлайди. Пахта ва буғдой етиштиришга давлатнинг бевосита аралашув даражаси юқорилигича қолмоқда ва асосий ресурслар, хусусан сувдан фойдаланишда нархнаво орқали рағбатлар яратилмаяпти.

Шунинг билан бирга, баъзи кузатувчилар фермер хўжаликлари даражасида иқтисодга таянган қарор қабул қилиш ва, энг мақбул ҳолда, ресурсларни бошқариш ва барқарорликни узокроқ муддатли режалашга олиб борувчи иқтисодни яхшилаш имконияти ҳақида сўз юритмоқдалар. Бундан ташқари, фақат бевосита субсидия ёки даромад олиш орқали амалга оришиш мумкин бўлган назардан четда қолган ерларни тикилашга мўлжалланган янги пул маблағлари харакатини яратиш борасида баъзи тавсиялар қилинди. Шунингдек, қуруқ экотизимларда аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий шароитини яхшилаш, ҳаёт воситаларининг муқобил турларига эътибор қаратиш ва экотизимларнинг кўп вазифали ролини кучайтиши узоқ муддатли барқарорликни оширган бўлур эди. Масалан экотизимлар хизмати учун тўлов шаклидаги давлат маблағидан фойдаланиш ҳам иқтисодий рағбатлар умумий пакетининг бир қисми бўлиши мумкин.

### Тавсия 7.2:

*Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва маҳаллий давлат органлари қишлоқ ерлардаги аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий шароити юксалтирувчи ва шунинг билан бирга ер ва сув*

*ресурсларни самаралироқ бошқаришини таъминловчи бозор механизмлари ва иқтисодий разбатларни ишлаб чиқиб, жорий этишилари лозим.*

Ўзбекистонда турли давлат органлари муҳофазаланган ҳудудларни бошқаришга мутасадди ҳисобланади. Муҳофазаланган ҳудудларнинг репрезентативлиги ҳамда уларни бошқариш масалаларини кўриб чиқишида давом этиш талаб қилинади. Етарли даражада катта ва яхлит, барча табиий экотизимларни қамраб олган муҳофазаланган ҳудудларни яратиш ноёб ва йўқолиб кетаётган турларни сақлаб қолиш ва муҳофаза қилишнинг дастлабки шартидир.

**Тавсия 7.3:**

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси биологик хилма-хиллик мониторингни кучайтирган ҳолда муҳофазаланган ҳудудларнинг интеграллашган тармоғини яратиши ҳамда мавжуд тармоқни кенгайтириши ва якунлаш учун шарт бўлган ҳуқуқий ва институциявий қарорларни тайёрлаши лозим.*

Қишлоқ хўялиги ва иқлим ўзгариши билан боғлик муҳим ўзгаришларни назарда тутган ҳолда, мавҳум шароитларга мослашиш ва уларни бошқариш, жумладан трансчегара сувни бошқариш, навларни генетик такомиллаштириб, сув маҳсулдорлигини ошилиш мақсадида сувга тегишли технологияларни жорий этиш ва хосил етиштириш ва чорва бокишнинг интеграллашган бошқарувининг воситалари кўриб чиқилиши шарт. Бунга қўшимча равишда, ердан фойдаланишини режалаштириш, масалан, яйлов ва қияликларда ўрмон экиш йўли билан углеродни камайтиши ва тупроқдан яхширок фойдалашин учун тупроққа органик моддалар қўшиш (сақловчи қишлоқ хўялиги) оқибатларни юмшатиш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

**Тавсия 7.4:**

*Қишлоқ ва сув хўялиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) билан ҳамкорликда иқлим ўзгаришига мослашув сиёсати ҳужжатларида лалмикор ва сугориладиган ерлар масалаларини кўриб чиқиши лозим.*

Ўзбекистон жами худудининг атиги 0,5 фоизи шаҳар худудларидир. Бу ерларнинг аҳамиятини чамалаш кийин бўлса-да, мамлакатда шаҳар ер ресурсларни бошқарадиган алоҳида хизмат мавжуд эмас; унинг ўрнига бу вазифани турли органлар бажаради. Ер тўғрисида системали аҳборот тизимининг мавжуд эмаслиги шаҳар ерини бошқаришда асосий камчилик ҳисобладани. Шаҳар ерини съёмка қилиш методологияси жорий этилмаганлигини мавжуд кадастрнинг муаммолари қаторида кўрсатиш мумкин.

**Тавсия 7.5:**

*Вазирлар Маҳкамаси шаҳар еридан фойдаланишини режалаш ва бошқарши мумкин бўлган тарзда кадастр ер аҳборот тизимини жороий этиши лозим.*



## 8-боб

# ЭНЕРГИЯ ВА АТРОФ-МУХИТ

### **8.1 2001 йилдаги биринчи Атроф-мухит ҳолати шарҳидан сўнгги воеалар**

Атроф-мухит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг аҳамияти 1997 йилда қабул қилинган “Энергиядан оқилона фойдаланиш ҳақидаги” қонунда расман эътироф этилган. Қонунга 2003 йилда, энергетика соҳасида миллий ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш тизими жорий этилганда ўзгаришиш киритилган. Мазкур эътироф муҳим ўрин тутди, чунки анъанавий равишда Ўзбекистоннинг энергетика тизимини ривожлантириш стратегиясида атроф-мухит муҳофазасига етарли эътибор берилмаган. Унинг ўрнига, узоқ муддат давомида стратегия учта асосий мақсадлар: энергетика соҳасида мамлакат мустақиллигига эришиш, қишлоқ аҳолиси учун табиий газдан фойдаланиш имкониятини кўпайтириш ҳамда ички бозорни арzon энергия билан таъминлаб, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий муҳофаза соҳасида қиёсий устунликларни кучайтиришга қаратилган эди. Ўзбекистоннинг тараққиёт сиёсати анъанавий тарзда импортни алмаштиришга қаратилган бўлиб, энергетика сиёсати мазкур сиёсатнинг ҳаётий муҳим омили бўлиб қолади. Арzon энергия нафакат нефтекимёвий саноат, балки металлургия ва қайта ишлаш саноатининг ривожланиши учун имкон яратади. Бу яна кенг миқёсдаги сугорилувчи қишлоқ хўжалиги (пахтачилик) узоқ масофаларга сув етказиб берилишига қарамлиги туфайлидир (8.1- жадвал).

Қонун асосан декларация хусусиятига эга бўлиб, унда бевосита татбиқ воситалари кўзда тутилмаган ва Ўзбекистонни дунёнинг энергия бозорига интеграция жараёнига бевосита алоқадор эмас. Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон, денгизга чиқиши икки мамлакат кесиб ўтиши лозимлиги ва Россия Федерациясининг транзит тармоқларидан тўлиқ қарамлиги сабабли Энергия Хартияси ва сўнг 1995 йилда Энергия Хартияси битими ҳамда Энергия тежамкорлиги ва тегишли атроф-мухитга оид жиҳатлар ҳақида протоколга кўшилиш орқали ўз манфаатларини ривожлантиришга интилмоқда. Битимнинг моддаларини янада ривожлантирган ҳолда мазкур Протокол иштирокчи мамлакатлардан энергия тежамкорлигини юксалтиришга ҳамда энергетика циклининг атроф мухитга салбий таъсирини камайтиришга қаратилган аниқ стратегик мақсадларни шакллантиришни талаб қиласди.

2000 йилда Ўзбекистонда энергия сарфи (ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ҳар бир бирлиги учун бирламчи энергия сарфи) Хитойдаги энергия сарфидан таҳминан 4 баравар баланд ва Ҳукумат энергия тежаш бўйича чораларни кучайтиришга интилмоқда.

“Энергиядан оқилона фойдаланиш ҳақида” Қонунга мувофиқ, 2002 йилда Вазирлар Маҳкамаси 2010 йилгача Энергия тежамкорлиги Дастурини қабул қиласди. Дастурнинг асосий мақсадлари қуйидагича: (i) энергия сақлаш масалаларини устувор йўналиш сифатида белгилаш ва уларни ҳал қилиш бўйича тегишли чораларни ишлаб чиқиш; (ii) энергия ресурсларидан фойдаланишда тежамкорликни юксалтириш ва энергия сақлашни тарғиботи; (iii) саноат секторида энергия сарфини камайтириш; ва (iv) бозорга йўналтирилган энергетика сектор ривожланиши қўллаб- кувватлаш. Дастурда белгиланган чоралар қаторида энергия ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган ташкилий ва таълимий хусусиятга эга чоралар чиқимларни оширмай, истиқболда тежамкорлик миқдори ЯИМнинг 5 фоизига teng бўлиши кўзда тутилган.

2002 йилда қабул қилинган “Энергия тежамкорлиги дастури” атроф-мухит муаммолари ва энергия тежамкорлиги масалаларини тўлиқ бирлаштирамайди. Ҳали атроф-мухит муҳофазасига багишланган тўлақонли ва изчил дастур ҳақида гапиришга эрта бўлса ҳам, Дастурда ҳар бир тармоқ бўйича бирламчи ҳисоб-китоблар келтирилган: Ўзбекнефтегаз 1,148 шартли ёқилғи тоннаси (ш.ё.т.), Ўзбекэнерго 324 (ш.ё.т.), саноат 1882 (ш.ё.т.), қишлоқ хўжалиги 403(ш.ё.т.), ҳалқ истеъмоли товарлари ва савдо - 93(ш.ё.т.), коммунал хизматлар, курилиш ва транспорт- 125 (ш.ё.т.), маҳаллий давлат органлари (хокимиятлар) -(ш.ё.т.).

Агар 2002 йилда қабул қилинган Дастаннинг мониторинги ўтказилган бўлса ҳам, унинг натижалари ҳали эълон қилинмаган. Расмий хужжатлар ёки президент фармонларида унга ҳавола қилинмаган. “Электр энергияси ҳақида” қонун лойиҳаси 2007 йилда тайёрланган бўлиб, у жумладан энергия тежамкорлигига ҳам оид ва ЎзР Президентининг 2001 йилги “Энергетика соҳасида иқтисодий ислоҳотларни кучайтириш ҳақида” фармонига ҳавола қилинади.

### Жадвал 8.1: 2006 йилда энергия баланси

Таъминот ва истеъмол	минг тонналаб шартли ёқилғи калорияда ҳисоблагандан							
	Кўмир ва peat	Хом нефть	Нефть маҳсулотл	Газ	Гидро	Электр энергияси	Иссикли к	Жами <sup>a</sup>
Ишлаб чиқариш	1,094	5,578	..	50,950	545	..	..	58,167
Импорт	10	4	..	893	..	984	..	1,892
Экспорт	-11	..	-304	-10,273	..	-991	..	-11,579
Флот мазути <sup>b</sup>	..	..	..	..	..	..	..	..
Захираларда ўзгаришлар	-26	..	..	..	..	..	..	-26
<b>TPES</b>	<b>1,068</b>	<b>5,582</b>	<b>-304</b>	<b>41,571</b>	<b>545</b>	<b>-7</b>	<b>..</b>	<b>48,454</b>
Ўтказишлар	0	-23	25	..	..	..	..	2
Статистик фарқлар	..	..	..	..	..	..	..	..
Электростанциялар	-468	..	-483	-5,003	-545	2,529	0	-3,969
Иссиклик электр станциялари	-403	..	-614	-5,115	..	1,711	1,313	-3,109
Иситиш марказлари	-1	..	-217	-1,428	..	..	1,261	-385
Газни қайта ишлаш курилмалари	..	..	..	..	..	..	..	..
Нефть қайта ишлаш заводлари	..	-5,403	5,288	..	..	..	..	-115
Кўмирни қайта ишлаш	..	..	..	..	..	..	..	..
Суюқ ёқилғи заводлари	..	..	..	..	..	..	..	..
Бошқа турдаги ишлаб чиқариш	..	..	..	..	..	..	..	..
Ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш	-1	-8	-218	-1,816	..	-362	..	-2,406
Таксимлашда йўқотишлар	-10	-62	..	-1,589	..	-373	..	-2,035
<b>TFC</b>	<b>184</b>	<b>85</b>	<b>3,477</b>	<b>26,620</b>	<b>..</b>	<b>3,497</b>	<b>2,574</b>	<b>36,437</b>
Саноат сектори	51	..	232	6,310	..	1,340	..	7,933
Транспорт сектори	0	..	1,843	1,387	..	115	..	3,345
<b>Бошқа тармоқлар</b>	<b>132</b>	<b>..</b>	<b>926</b>	<b>17,292</b>	<b>..</b>	<b>2,042</b>	<b>2,574</b>	<b>22,967</b>
Хонадонлар	14	..	19	14,283	..	635	..	14,951
Тижорат ва давлат сектори	..	..	..	2,857	..	271	..	3,128
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	3	..	712	153	..	1,137	..	2,005
Балиқчилик	..	..	..	..	..	..	..	..
Аниқлаштирилмаган	115	..	195	..	..	..	2,574	2,884
<b>Бошқа мақсадлар</b>	<b>..</b>	<b>85</b>	<b>476</b>	<b>1,631</b>	<b>..</b>	<b>..</b>	<b>..</b>	<b>2,192</b>
жумладан материаллар	..	..	..	..	..	..	..	..

Манба: Халқаро энергетика агентлиги, 2009.

Изоҳ:

а Ириклиаштирилгани сабабли умумий сонлар тўғри чиқмаслиги мумкин.

б Флот мазути дунёдаги жами бирламчи энергия таъминотидан ажратилмаган.

Бундан ташқари 2002 йилги Дастанда татбиқ учун масъул бўлган ташкилот ёки муассаса айтиб ўтилмаган. 2002 йилдаги Дастанда белгиланганидек, хисоб-китобларга кўра 2002 ва 2003 йилларда 2,6 триллион сўмдан кўпроқ инвестициялар талаб қилиниб, бу улкан суммадир. Ва унда нафакат тегишли

муассасалар ресурслари, балки давлат, хусусий инвесторлар ва халқаро ҳамжамият ресурсларини жалб қилиш талаб этилади.

Иқтисодиётнинг баъзи тармоқларида ҳисоблагичларнинг ўрнатилиши Даструр татбиқи сари биринчи муайян ва ижобий қадамлар бўлди. Давлат ташкилотлари режаларига кўра аҳолининг 85 фоизи учун сув ва иситиш ўлчагичлари ўрнатилади. Энергия тежамкорлиги дастурининг татбиқи даражасини баҳолаш анча қийин.

2003 йилда белгиланган мақсадларнинг баъзилари 2009 йил 13 февраль куни ўтказилган Вазирлар Маҳкамасининг “2008 йилда Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва 2008-2009 йилларда иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари” номли мажлисининг протоколларида белгиланган:

- 2009-2013 йилларда давомида электроэнергетика тармоғи модернизацияси дастурининг тасдиқланиши;
- Энергия сарфини камайтириш ва энергияни тежовчи тизимларни жорий этишга оид дастурининг тасдиқланиши;
- Электр энергияси истеъмолчилари учун автоматлаштирилган ҳисоб тизимини жорий этиш (2009 йирик истеъмолчилар, 2010-2012 йилларда шаҳарлик истеъмолчилари, 2012-2015 йилларда кишлоқдаги фойдаланувчилар учун)

2003 йилги инвестиция режасида санаб ўтилган баъзи инвестициялар 2008 йилда чиққан ЎзР Президентининг “Иқтисодий фаолиятни барқарорлаштириш ва экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-куватлаш дастури” ҳакида Фармонида белгилаб ўтилган бўлиб, ҳамда Президентнинг 2009 йилги “2009-2014 йилларда техник замонавийлаштириш ва корхоналарни қайта жиҳозлаш ҳақида” қарорида белгилаб ўтилган.

Узоқ муддат давомидаги салбий тенденция сабабли Ўзбекистон иқтисодиётининг энергия сарфи 1997 ва 2003 йиллар орасида 2,8 дан 4,3 tpes/ЯИМ<sup>15</sup> ошли. Халқаро Энергетика агентлиги таъминлаган маълумотларга кўра Ўзбекистон жамияти сабиқ Совет мамлакатлари орасида энг кўп энергия сарфловчидир 2006 йилда 0.94 tpes/gdp (PPP)<sup>16</sup> ўртacha 0.45 tpes/gdp (PPP) солиштирганда.

Ўзбекистон ҳукуматининг беш йил давомида мамлакат энергетика секторини босқичма-босқич равишда вазифалар нуқтаи-назаридан бўлиш ва қисман хусусийлаштириш бўйича Даструрiga биноан (Вазирлар Маҳкамасининг 21.06.2004 да қабул қилинган 290-қарори), икки орган ғ Ўзбекэнерго ва Ўздавэнергоназорат тузилган.

“Ўзбекэнерго” (давлат акционерлик корхонаси) сабиқ Энергетика вазирлигининг ўрнига тузилди. У давлат мулки ва активларни бошқариш ҳамда вазирликнинг мажбуриятларини бажариш бўйича Вазирлик вазифаларини ўз зиммасига олди. 2005 йилда Ўзбекэнерго барча иссиқлик электр станциялари ҳамда иссиқлик ва энергия ишлаб чиқарувчи станциялар ва минтақавий тақсимловчи корхоналарни акционерлик корхоналарига айлантириди. Гидроэлектростанциялар, “Ўзэлектротармок” (асосий электро тармоқлари корхонаси) ва “Ўзэнергосотиши” (электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчилари ва тақсимловчи корхоналари орасидаги алоқа учун масъул корхона) акционерлик корхоналарига айлантирилмади ва давлат тасарруфида қолди. Ўн учта унитар электр ишлаб чиқарувчи, учта иссиқлик ишлаб чиқарувчи, бир электр энергиясини узатиш корхонаси ва ўн бешта минтақавий тақсимлаш корхоналари тузилди.

“Ўздавэнергоназорат” Вазирлар Маҳкамаси қошидаги электроэнергетика сектори назорати учун масъул давлат агентлиги бўлиб, аввало электр ва иссиқлик энергетика тармоғи, кўмир қазиб чиқариш тармоғини тартибга солиш учун тузилган давлат ташкилоти бўлиб, сўнг “Ўздавэнергоназорат” давлат инспекциясига айлантирилган ва электростанцияларга электр энергияси ишлаб чиқариш учун лицензиялар беради ҳамда электроэнергетика, кўмир ва иссиқлик энергиясини Вазирлар Маҳкамаси номидан назорат қиласи.

<sup>15</sup> tpes/ЯИМ = ш.ё.т./минг 2000 US\$.

<sup>16</sup> tpes/ЯИМ (PPP) = ш.ё.т./минг 2000 US\$ PPP.


## 8.2 Ишлаб чиқариш

Ўзбекистоннинг мазкур муҳим энергия захиралари ўзлаштиришнинг қайта тикланиши нисбатан яқин даврда рўй бериб, унинг сабаби янги инвестициялар, айниқса хорижий сармоялар учун қулай шароит яратилганидир.

“Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси томонидан ишлаб чиқилган “2005-2010 йилларда нефть ва газ захираларининг геологик қидирув ишлари” гоясига кўра, ушбу муддат давомида исботланган углеводород захиралари 364,77 млн. шартли ёқилғи тоннасига ортади. Кутилишича, мазкур захираларнинг ўсишининг ярмини (54%) Устюорт минтақасидаги табиий газ захиралари таъминлаб беради (8.1 расм)

2005-2010 йилларда 144 истиқболли участкаларда чуқур бурғулаш ишлари кўзда тутилган. Улардан 74таси Бухоро-Хива минтақаси ва 34таси Устюорт минтақасида жойлашган. Қолган конлар Фарғона, Сурхондарё ва Ҳисор водийларида жойлашган (8.1.-расм).

**Харита 8.1: Нефть ва газ қазиб чиқариш ва қайта ишлаш**



Манба: Ўзбекнефтегаз, 2009 йил.

Илова: Мазкур харитада кўрсатилган чегаралар ва номлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тасдиқланган ёки тан олинган деган маънони англатмайди.

### Кўмир

“Ўзбеккўмир” мамлакатда кўмир қазиб соҳасида монополист бўлиб, бешта кўмир қазувчи корхоналардан иборатdir. Ангрен кўмир конида (Тошкент вилояти) учта кўмир қазиб чиқариш технологиялари кўлланилади: Ангрен карьерида очик услубда қазиб чиқарилади; 9-сонли конда еrosti қазиб чиқариш услуби кўлланилади ва “Еростигаз” корхонасида кўмир ер остида газга айлантирилади.

Сурхондарё миңтақасида жойлашган бошқа икки қўмири қазиб чиқариш корхонаси еости қазиб олиш услубидан фойдаланишади. Мустақилликка эришилгандан буён Ўзбекистонда қўмири қазиб чиқариш ва истеъмол қилиш анча камайди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда қўмири захиралари 1,9 млрд. тонна миқдорида баҳоланмоқда ва унинг тахминан 80 фоизи қўнғир қўмирлар (лигнит). Кўмири уч конда қазиб чиқарилади: Ангрен (унда мамлакатнинг 80% қўмири қазиб олинади), Шарғун ва Бойсун. Барча қазиб чиқарилган қўмири мамлакатнинг ўзида истеъмол қилинади. Ўзбекэнерго электр стансиялари Ўзбекистоннинг энг йирик қўмири истеъмолчилари бўлиб, мамлакатнинг қазиб олинган қўмири миқдорининг 80 фоизи ва қўмирдан ер остида ишлаб чиқарилган газнинг 100 фоизини истеъмол қилишади.


### *Нефть*

Ўзбекистон нефтни импорт қилиб, хисоб-китобларга кўра унинг тахминан 600 млн. баррель захиралари секин тугаб боради. Аксарият нефть конлари деярли қуриб бормоқда ва шу сабабларга кўра 1990 йиллар охиридан буён қазиб чиқариш камайиб бормоқда. Фақат Совет Иттифоқи парчаланганидан сўнг қазиб чиқариш кўпайтирилгани мамлакатни вактинчалик тўлиқ таъминлади. Нефть қазиб чиқариш ҳажми кунига тахминан 120 минг баррелни ташкил этиб, уни ярми хом нефть, ярми конденсатдан иборат.

### *Газ*

Газ захиралари бўйича Ўзбекистон дунёда ўн еттинчи мамлакат бўлиб хисобланади. Аксарият газ захиралари Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпогистоннинг гарбий қисмидаги Устюрт платосида жойлашган. Устюрт платоси изланишлар учун энг истиқболли худуд деб хисобланаб, ҳали тўлиқ ўрганиб чиқилмаган ҳамда истиқболдаги захиралари хисоб-китобларга кўра 1,685 трлн. куб метр бўлиб, бу мамлакатнинг барча исботланган захираларига тенгdir (9 боб) (Расм 8.2.).

**Расм 8.1: 1999-2008 йилларда умумий углеводородлар ишлаб чиқарилиши, млн. ш.ё.т.**



Манба: Ўзбекнефтегаз, 2009.

Ёқилғи саноатида фойдаланиувчи табиий газ таркибида олтингурут кўплиги қувурларнинг хизмат қилиш муддатига салбий таъсир қилиб, ташиш ва тақсимлаш пайтида йўқотиш кўрсаткичи нисбатан баланд (хисоб-китобларга кўра 25 фоиз) ва бу одатда йўқотиш кўрсаткичи 2 фоиз бўлган тежамкор тизимларнинг кўрсаткичидан анча баланд. Махаллий эксперталар баҳосига кўра мазкур йўқотишлар техник ва ёш жиҳатидан эскирган қувурлар ҳамда энергетика тармоғи корхоналари орасида мувофиқлаштириш йўқлиги сабаблидир. Лекин 2005-2010 йилларда тармоқда энергия тежамкорлигига

оид чоралар 650 млн. долл. миқдорида инвестицияларни талаб қиласы. Бу табиий газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва ташиш учун зарур сарфни йилига 4,7 млрд. куб метргача қисқартириши зарур.

### *Уран*


Геология ва табиий ресурслар Давлат құмитаси маълумотларига кўра Марказий Қизилқумдаги 27 уран конларининг захиралари хисоб-китобларга кўра 55 минг тоннани ташкил қиласы, мамлакатнинг уран қазиб чиқариш тармоғининг асосини ташкил қиласы. Ўзбекистон уран захиралари бўйича дунёда еттинчи ўринда туради. Яқинда Навоий кон металлургия комбинати (НКМК) Марказий Қизилқумда жойлашган янги Шимолий Конимех уран конини ишга туширди. Бу ерда тижорат миқёсида қазиб чиқариш ҳамда Ёркудуқ ва Аленди конларида пилот русумида қазиб олиш 2009 йилгача Навоийда уран қазиб чиқариш ҳажмини 30 фоизга ошишини таъминлаши зарур.

Шимолий Конимех Ўзбекистонда охирги йилларда ишга туширилган энг йирик конлардан биридир. Коннинг ишга туширишнинг биринчи босқичининг чиқимлари тахминан 34 млн. бўлиб, уни НКМК ўз маблағларидан молиялаштириди. Бургулаш ва қудуклар куриш 2007 йил ўртасида бошланди. Биринчи босқич тўлиқ қувват билан ишга тушиши 2012 йилга кутилмоқда.

НКМК 2007 йилда 2350 тонна уран ишлаб чиқариб, бу 2006 йилдаги 2301 тоннадан сал қўпроқ бўлди. Корхона 2007-2012 йиллар давомида ишлаб чиқаришга 165 млн. долл. сармоя киритиб, уран ишлаб чиқариш ва экспортни 2006 йилга нисбатан 50 фоизга оширишни режалаштироқда. НКМК 1980 йиллар ўрталарида ҳар йили 3000-3500 тонна паст бойитилган уран ишлаб чиқарган. 1996 йилда дунё уран бозоридаги ахвол ёмонлашганда ишлаб чиқариш 1700 тоннагача камайиб кетди. НКМК ҳалигача техник жиҳатдан йилига 3000 тоннадан ортиқ ишлаб чиқариш имкониятига эга.

НКМК Ўзбекистондаги асосий уран корхонаси бўлиб, унинг учта кон бошқармасида руда ишқорлаш услуби билан олиниб, Навоий шаҳридаги 1-гидрометаллургия заводида қайта ишланади.

**Расм 8.2: 1998-2008 йилларда табиий газ ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниши, м<sup>3</sup>**




Манба: Жаҳон энергетика тармоғининг 2009 йил статистика маълумотлари, Бритиш Петролеум.

Мамлакатда 11 йирик иссиқлик электростанциялари (ўрнатилган қуввати - 9870 МВ) ва 31 гидроэлектростанциялар (ўрнатилган қуввати - 1700 МВ) мавжуд бўлиб, уларнинг жами ўрнатилган қуввати 11570 МВга teng. Энергиянинг асосий қисми (97%) Ўзбекэнергога тегишли станцияларда

ишлиб чиқарилиб, унинг станцияларининг умумий ўрнатилган қуввати 10 минг МВ тенг. Умумий қувватнинг 70 фоизи энг йирик станцияларда ишлиб чиқарилади.

Ўзбекистон ҳар йили тахминан 48 минг гигаватт/соат электр энергияси ишилб чиқаради. Электр энергияси асосан анъанавий иссиқлик электр станцияларида ишилб чиқарилади, станцияларнинг 77 фоизи табиий газ, 7 фоизи мазут ва 3,5 фоизи кўмир ёқилғиси билан ишлайди. Қолган 12,5% электр энергияси гидроэнергиядир (8.3 расм).

**Расм 8.3: Иссиқлик электр станцияларида ёқилғи истеъмоли, 2008**



Манба: Ўзбекэнерго, 2009.

#### Электр энергияси

Энергияни тежаш технологиялари прогрессив тарзда жорий этилмоқда. Толимаржон конденсация туридаги иссиқлик электростанциясининг қурилиши 2005 йилда бошланди. “2009-2015 йилларда Электроэнергетика тармогини ривожлантириши ва замонавийлаштириши инвестиция дастури” Киото Протоколининг ривожланиш тизими сифатида ўзгаририлди. Даструрда буг ва газ турбинали генераторларни, айниқса Тошкент, Навоий ва Толимаржонда жойлашган иссиқлик электр станцияларида жорий этиш кўзда тутилган. Даструрда яна гидроэлектростанциялар қурилиши ёки реконструкцияси кўзда тутилиб, ушбу лойиҳалардан ўн бештаси ЎзР Президентининг 2009 йилги “2009-2014 йилларда техник замонавийлаштириши ва корхоналарни қайта жиҳозлаш ҳақида” фармонида тавсифланган устувор даструрда кўзда тутилган.

#### Қайта тикланувчи энергия

Бугунги кунда факат гидроэнергетика ривожланиши дастурида марказий ўрин тутади. Гидроэнергия ишилб чиқариш 1998 йилда 6,028 гигаваттдан 2000 йилда 4,246 гигаваттгача камайди, 2003 йилда 1998 йил даражасига кўтарилиб, 2007 йилда яна 3925 гигаваттга тушиб кетди. Гидроэнергетика ўрнатилган электроэнергетика салоҳиятининг 10 фоизини ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2009-2014 йилларда техник замонавийлаштириши ва корхоналарни қайта жиҳозлаш ҳақида” Фармонида гидроэнергетика соҳасига умумий миқдори 512,9 млн. долл. бўлган 15 инвестиция лойиҳасини кўзда тутилган. Мавжуд гидроэлектростанцияларни замонавийлаштириш ва янгиларини қуриш Ўзбекэнергога 500 млн. куб. метр газ ёки 2,3 млн. тонна кўмир тежаб қолишга имкон беради.

Айниқса қуёш энергияси соҳасида мавжуд бўлган ва Тошкент шахридаги пилот лойиҳада намойиш этилган улкан салоҳиятга қарамай ҳозирги пайтда Ўзбекэнерго қайта тикланувчи энергиянинг бошқа шаклларини ривожлантиришни режалаштираётгани йўқ. Институциявий ва сиёсий даражада қайта

тикланувчи энергия манбаларидан оқилона фойдаланишга оид умумий мақсадлар белгиланмаган; Ўзбекэнерго томонидан уларнинг кафолатланган нархда харид қилишива бошқа имтиёзлар кўзда тутилмаган.



*Қашқадарё вилояти. Ҳисор қўриқхонасидағи маҳаллий фотоэлектростанция*

Давлат табиат муҳофазаси кўмитаси, “Эко-энергия” фан ва ишлаб чиқариш маркази ва технологиялар алмашуви агентлиги қайта тикланувчи энергия ресурсларидан фойдаланишга оид бошланғич ғояни тақдим этишди. 2009 йил 13 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси баённомасига биноан мазкур даражада биринчи бор бундай дастурни расман ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди. Ўзбекэнерго ҳам ушбу қарорга алоқадор. Айтиб ўтилган Президент фармонидаги устувор лойиҳаларни кўллаб-куватлаш дастурида бўйича 0,5 мегаватт шамол энергияси пилот лойиҳаси назарда тутилган.

#### *Электр узатиши*

Ўзбекэнерго электр узатиш линияларини қуриш ёки қайта тиклаш орқали Ўзбекистон тармоқларини минтақавий тармоқлар билан бирлаштириш ва йўқотишлиарни камайтириш иборат икки мақсадни олдига кўйган. Асосий режалаштирилган ишлар Бухоро, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида амалга оширилади. Исломий Тараккиёт Банки томонидан молиялаштирилган 218 км узунликдаги 500кВ линия Сирдарё иссиқлик электростанцияси ва Сўғдиёна нимстанцияси орасида қурилмоқда. Мазкур лойиҳа амалга оширилгандан сўнг Сурхондарё минтақасида йўқотишлиар 100 млн. кВатт/соатга камайтириллади. Кўшимча равишда Сўғдиёна нимстанциясидан Толимаржон иссиқлик электростанциясига 216 км узунликдаги 500кВ ҳамда Ғузор подстанциясидан Сурхон подстанциясига 197 км узунликдаги 500кВ электр линияси қурилишига Ислом Тараккиёт Банки билан биргаликда тайёргарлик кўрилмоқда.

#### *Нефть ва конденсатларни қайта ишлаш*

##### Нефтни қайта ишлаш

Нефть асосан Фарғона ва Бухорода жойлашган икки йирик заводларда қайта ишланади. Мазкур икки корхонанинг қайта ишлаш салоҳияти ҳар йилига 11,2 млн. тонна конденсат деб ҳисобланади.

Олтиарикдаги ёқилғи ҳамда мотор ва трансмиссия учун мой ишлаб чиқарувчи завод филиалини ҳам күшиб хисоблаганда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи йилига 8,7 млн. тонна нефтни қайта ишлаш салоҳиятига эгадир. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ёқилғи, автомобиль учун газ ёқилғи ва авиация учун керосин ишлаб чиқаради.

2005 йилда Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон шаҳрида учинчи нефтни қайта ишлаш заводи қурила бошланди. Лойиҳанинг қиймати 7 млн. долл. деб хисобланмоқда. Ўзининг тўлиқ салоҳияти билан ишлаганда завод йилига 130 минг тонна нефтни қайта ишлаб, 50 минг тонна дизель ёқилғиси, шунчак миқдорда битум ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаради.

### Газни тозалаш

Газни тозалаш муҳим газ конларига яқин, бири Муборак ва иккитаси Шўртанд жойлашган учта заводда амалга оширилади. Муборак фракциация заводи 1972 йилда қуриб битирилган бўлиб, суюқ газ, конденсат ва олtingугуртни паст ҳароратда ажратади. Унда йилига қайта ишланувчи газ ҳажми 24 млрд. куб. метр.

1980 йилда қурилиб, ишга туширилган биринчи Шўртанд газни қайта ишлаш заводининг йиллик қуввати 24 млрд. куб. метрdir. Иккинчи корхона, Шўртанд газ-кимё комплекси 2001 йилда қурилиб, ишга туширилган. Мазкур саноат комплексининг қайта ишлаш қуввати 4,5 млрд. куб.метр табиий газ бўлиб, у 125 минг тонна полиэтилен, 137 минг тонна суютирилган газ, 130 минг тонна конденсат ҳамда 4,2 млрд. куб метр газ ва 4 минг тонна олtingугурт ишлаб чиқаради. Газни қайта ишлаш технологиялари 150 хил полиэтилен маҳсулотларини ишлаб чиқаришга имкон бериб, унинг аксар қисми экспорт учун мўлжалланган.

### **8.3 Меъерий ҳужжатлар ва тарифлар**

Ўлчов тизимларининг ўрнатилиши мамлакатда газ истеъмолига муҳим таъсир кўрсатади. Лекин мамлакатда 2004 йилдан бўён кузатилаётган кучли иқтисодий ўсиш энергия истеъмоли ўсиши учун муҳим омил бўлди. Агар кутилганидек истиқболда энергия истеъмоли ҳажми ортадиган бўлса, мамлакатнинг газни экспорт қилиш имкониятлари камаяди ҳамда иқтисодиётни замонавийлаштириш дастурини якунлаш учун зарур даромадлар ҳам камаяди. Умуман 2001 йилдан бўён энергия сарфи ошиб келиб, 2001-2005 йилларда 3 фоизга камайиб, сўнг 2005-2007 йилларда 10,7 фоизга ортиб, 40,623 мегаватт/соатни ташкил этди (8.2.-расм).

**Жадвал 8.2: 2001–2007 йилларда амалда электр энергияси сарфи, млн квт.соат**

Истеъмолчи тоифаси	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007
Тақсимланган ҳажм ундан	37,934	38,295	37,524	37,629	36,699	39,417	40,623
Саноат	15,738	16,243	16,164	15,785	15,830	16,074	15,724
Курилиш	130	177	128	119	130	139	108
Транспорт	1,226	1,211	1,181	1,305	1,353	1,300	1,254
Қишлоқ хўжалиги	11,228	11,802	11,475	11,571	9,927	10,731	9,382
Аҳоли ва коммунал хизматлар	9,613	8,863	8,575	8,850	9,458	11,174	14,156

Манба: Ўзбекенерго, 2009

Маълумотларга кўра газ ва электр энергияси таъминотида узилишлар асосан қишлоқ жойлар ва баъзан шаҳарларда рўй беради. Бу пайтда қишлоқ аҳолиси кўмир, ўтин ва турли биоёқилғилардан фойдаланиб, бу атмосфера анча ифлосланишига ҳамда ҳимояловчи экинлар камайишига, тупроқ эрозияси ва дренажга олиб келади.

Ўзбекистоннинг ички бозорида тарифлар жуда паст даражада бўлиб, ресурслар тақсимланиши ва инвестициялар давлатнинг иқтисодий сиёсатига биноан амалга оширилади. Ўтган Атроф-муҳит баҳоловидан кейин ички бозорда электроэнергия нархи анча ошди, лекин мустақил тартибга солиш ўйклиги ва энергетика тармоғини амалда бўлинини халқаро инвесторларни хавотирлантириб келмоқда.

Тарифлар Молия вазирлиги томонидан ўрнатилиб, бунда қатор объектив омиллар, жумладан ёкилғи ҳаражатлари, маошлар, меъерий йўқотишлар, амортизация ва оператор ташкилот даромади эътиборга олинади.

Электроэнергетика соҳасида тарифлар ислоҳоти асосан тарифлар сонини бештадан иккитагача камайтириш ҳамда турли тоифадаги фойдаланувчилар орасидаги субсидияларни йўқотишдан иборат. Амалда тарифлар ҳар уч ойда (Ўзбекэнерго) ёки ҳар йили (иситиш) белгиланади.


Ҳар уч ойда Ўзбекэнерго Молия вазирлигига тарифлар ҳақида тақдимнома топшириб, унда берилган маълумотга биноан нархларни кўтариш эҳтиёжи баҳоланади. Вазирлар Маҳкамаси Котибияти мазкур соҳада назорат вазифасини бажариб, Вазирлар Маҳкамасига Молия вазирлигининг тавсияларини қабул қилиш, рад этиш ёки ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистонда энергетика сектори деярли тўлиқ равиша давлат тасарруфида. Шу сабабли инвестициялар учун салоҳият нисбатан чекланган бўлиб, давлат назорати жуда кучли. Молия вазирлиги энергетика тармоғи иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш учун масъул.

Хонадонлар учун газ нархи 2009 йилда 1куб. м учун 30 сўм, 25 АҚШ долларидан кам бўлиб, корхоналар учун газ нархи юқорироқ белгиланган. Ўзбекэнерго харид қилаётган газ нархи 2004 йилдан буён тарифлардаги сезиларли ўзгаришларни кўрсатади (8.4 расм).

Сўнгги АҲШ давридан буён аҳоли учун электр энергияга бўлган тарифлар кўтарилди. Мазкур вазият ёнилғи материалларга бўлган нарх-навонинг ошиши билан изоҳланди. Нархлар эса 2001 йилда бир киловатт соат учун 10 сўмдан бошланиб, 2005 йилда киловатт соат учун 35 сўм миқдоридан ошиб кетди. 2009 йилда аҳоли учун тарифлар бир киловатт соат учун 62 сўмни ташкил этди. Тарифларнинг беш тури мавжуд. Улар орасида электр узатишнинг юқори вольтли линияга уланган ташкилотлар (750 кВдан юқори) учун тарифлар, ваҳоланки бунинг ичида алоҳида тунги тариф мавжуд эмас. Одатда мазкур тарифлар эксплуатация ва электр тизимларига хизмат кўрсатиш ҳамда энг кам ҳолларда иситиш тизимлари билан боғлиқ ҳаражатларни қоплайди, деб ҳисобланади.

**Расм 8.4: Ўзбекэнерго харид қилаётган газнинг нархи**



Манба: «Ўзбекэнерго», 2009 йил.

Сув таъминоти ва санитария хизматлари каби коммунал хизматлар соҳасидаги энергия самарадорлигини таъминлаш доирасидаги капитал қуйилмалар масаласига келадиган бўлсак, шаҳар сув таъминотига масъул «Сувтаъминот»нинг («Водоканал») электр энергияга сарф қиладиган ҳаражатлари унинг умумий ҳаражатларининг ярмидан ортигини ташкил қиласи. Вазият мушкуллигача қолмоқда ва мазкур ташкилотларнинг аксарияти тарифлар ёрдамида эксплуатация ҳаражатларини қоплаш билан боғлиқ вазифаларни амаллаб ҳал қиласи (6 боб).

Бирок, бир томондан, инфляция туфайли тарифларнинг ошиши билан боғлиқ мазкур вазиятнинг «Ўзбекэнерго» ва шаҳар иситиш хизматлари учун оқибатларини аниқлаш мушкул туюлсада, иккинчи томондан эса, - бу тарифларнинг турлича ҳисобланиши вазиятни янада чигаллаштиради.

Электр энергетикаси соҳасида, счет-фактура ёки харажатларни қоплаш, Ўзбекистоннинг марказлашган тизимидағи, жумладан, тақсимлаш соҳасидаги фаолият ва ҷиҳимлар билан боғлиқ молиявий йўқотишлиарни камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар кўлланилса ҳам, оқибатларни аниқлаш ҳамон қийинлигича қолган бўларди.

Ваҳоланки, тарифларнинг ошиши электр энергия билан таъминловчи баъзи ташкилотлар учун молиявий тўлов қобилиятини қўлга киритиши ҳамда энергия самарадорлигини таъминлаш мақсадида йирик фойда келтиришини кўзлаб сармояларни амалга ошириш ёки режалаштириш имконини берган бўлсада, шунга қарамасдан, жуда кўп коммунал ташкилотлари қарздор ҳолатидадир. «Ўзбекэнерго» компанияси ўзининг тақсимлаш тизимини қайта таъмирлаш бўйича муҳим ишни аллақачон бошлаб юборди ва ҳозирда у Навоий ҳамда Тошкент вилоятларида қўшимча электр станцияларни барпо этиш билан боғлиқ режани кўриб чиқмоқда.

2001-2008 йиллар давомида Давлатнинг мазкур соҳадаги шаҳар инфратузилмасини молиявий қўллаб-куватловида иштирок этмаслиги, албатта, ташвишланарли ҳолдир. Ўз навбатида, бу ҳолат сармоянинг етишмаслиги, нофаол капиталнинг муддати узайтирилиши ҳамда чет эл сармояларга қаттиқ боғланиб қолишиликка олиб боради. (қаранг: 8.3- жадвал).

Тарифларнинг шу каби бошқаришнинг яна бир муҳим оқибати – бу хусусий сармоядорлар томонидан эътиборнинг камайиб боришига олиб боради. Аслида эса, амалиётда капиталнинг кам тушуми хусусий мулк эгалари ва жамоатчилик орасидаги хамкорликни факат сармояларсиз бошқарув соҳаси доирасида бўлишиги таъминлайди.

#### **Жадвал 8.3: 2007 йилдаги инфратузилма ва ижтимоий соҳаларни молиялаштириш манбалари, млн. АҚШ долл.**

	Давлат бюджети	Ўз маблаглари	Давлатнинг маҳсус жамғармала	Хорижий кредитлар	Жами
Электр энергияси	..	59.8	..	7.3	67.1
Коммунал хизматлар	5.4	..	..	63.1	68.5
Сугориш	15.0	3.1	21.5	36.7	76.3

Манба: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараккиёт Дастури: Ўзбекистонда давлат ва хусусий хамкорлик: муаммолар, имкониятлар ва татбиқ йўллари, 2007 йил

Ўзбекистон расмий доиралари давлат ва хусусий соҳа ўртасидаги ҳамкорликнинг энергетика инфратузилмасини ривожлантиришдаги потенциал фойдалари хакида боҳабардир. Илк давлат ва хусусий соҳа ўртасидаги ҳамкорлик пилот лойиҳаси Тошкент вилоятининг айрим туманларида электр токи учун олинадиган тўловлар тизимида амалга оширилган эди. Бундан ташқари, саноат сектори ҳам Киото Протоколининг хаётга татбиқ этиш соҳасига тегишли молиялаштириш дастурига қўшилишдан мамнун бўлган.

#### **8.4 Савдо-сотиқ ва хорижий бевосита сармоялар**

##### *Импорт/Экспорт*

Яқиндаги углеводород ва углеводород маҳсулотлари экспортидан давлат ҳисобига келиб тушган фойданинг ошганлиги Ўзбекистон иқтисодиётининг энергетика соҳасига энергетика самадорлигини ошириш ва экспорт масаласига устувор аҳамият берилиши натижаси ўлароқ янги мақом ато этди. 2001 йилдан 2007 йилгача бўлган даврда экспортнинг умумий ҳажми 2.8 баробар ошиди ва 8,991 млн. АҚШ долларини ташкил этди.<sup>17</sup> Кўрсатиб ўтилган давр мобайнида энергетика секторининг улуши мамлакат

<sup>17</sup> <http://www.ecosecretariat.org>.

ташқи савдо балансида 10 фоиздан 20 фоиздан ортиқ микдорга ошди. Буни эса Ўзбекистон давлат бюджетига анъанавий мухим ҳисобланган пахта экспортиниң 27 фоиздан 12.5 фоизга тушганлиги билан таққослаш жоиздир (*Қаранг*: 8.1- жадвал).

### *Нефть*

Ҳозирда Ўзбекистон деярли хом нефтни экспорт қилмаяпти. Қозогистондан факат унча катта бўлмаган микдордагина хом нефть импорт қилингани. Айни пайтнинг ўзида эса Ўзбекистон ва Туркманистон чегарасида жойлашган Кўқдумалоқ нефть конидан йилига таҳминан 1 миллион тонна нефть Туркманистонга экспорт қилинмоқда. Бироқ, ички талабнинг ошиб бориши ва қуриб бораётган нефт конларидағи ишлаб чиқаришинг сусайиши яқин келажакда кўпроқ микдордаги импорт амалиётини кўллашга олиб келади.

Ўзбекистон ишлов берилган маҳсулотларнинг кичик экспорт қилувчиси ҳисобланади. Ишлов берилган нефть маҳсулотлари асосан Тожикистон ва Қирғизистонга экспорт қилинади. 2004 йилда Тожикистон Ўзбекистондан 17,000 тонна нефть маҳсулотларини импорт қилди. Уларнинг аксарияти солярка маҳсулоти ташкил этди.

### *Газ*

Ўзбекистон – табиий газни соғ экспорт қилувчи мамлакатdir. Таҳминан ишлаб чиқаришнинг 15-20 фоизини (йилига 7-11 миллиард кубометр) ташкил қилувчи экспорт ҳажмининг аксарият қисми Шарқий Европа, Кавказорти ва Марказий Осиё давлатларига йўналтирилган. Табиий газ Россия Федерацияси, Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистонга экспорт қилинади. Қирғизистон, Тожикистон ва Қозогистоннинг жанубий вилоятларига газ етказиб берувчи четдан таъминотчиларнинг мавжуд эмаслиги сабабли Ўзбекистон кўрсатиб ўтилган истеъмолчиларга газ экспортини янада ошириш мақсадида турли чора-тадбирлар устида бош қотирмоқда. Бироқ, 2005 йилда экспорт ҳажми нисбатан паст бўлди, яъни 11,5 миллиард кубометрни ташкил қилди. Бундан 8,15 миллиард кубометрга тенг бўлган газ ҳажми Россия Федерациясига экспорт қилинди.

Асл рақамлар айни пайтда ошкор қилинмаган бўлса-да, 2006 йилги режадаги экспорт ҳажми 12,6 млрд. кубометрни ташкил этди. Россия Федерацияси эса энг кўп микдорда газ сотиб олувчи мамлакат сифатида ўз ўрнини сақлаб қолди, яъни газнинг экспорт ҳажми бу давлатга 9 млрд. кубометрни ташкил қилди. Бундан ташқари, 2006 йилда Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистонга амалга оширилган газ экспортиниң ҳажми 2005 йилда кузатилган 3,35 млрд. кубометрга таққослагандан 3,6 млрд. кубометрни ташкил этди. 2007 йилдан бошлаб Ўзбекистон Россия Федерациясининг ўзигагина 10 млрд. кубометр газ экспорт қилишни режалаштирган ҳамда 2014 йилгача экспорт ҳажмини 16 млрд. кубометр ва 2020 йилгача эса 20 млрд. кубометрга оширишни режалаштирган.

2006 йил 1 январда Ўзбекистон Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистон учун газ экспорт нархларини ҳар бир минг кубометр учун 42 АҚШ долларидан 55 АҚШ долларига ошириди. «Газпром» компанияси Ўзбекистондан ҳар минг кубометр газни 60 АҚШ доллардан сотиб олади ҳамда 100 км масофа ўлчови билан ҳар минг кубометр газнинг транзитига 1,1 АҚШ доллари тўлайди. 2007 йил 1 январдан Ўзбекистон газ экспорт нархларини ҳар минг кубометр учун 100 АҚШ долларига ошириди. 2007 йилда Марказий Осиё давлатларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари «Газпром»нинг газ харид нархларини Европа харид нархларига тенглаштиришга ундиришга қаратилди. 2009 йилда Ўзбекистон гази ҳар минг кубометр учун 300 АҚШ доллардан зиёд нархда сотилмоқда.

2002 йилдан бери «Ўзбекнефтегаз» компанияси «Газпром» билан маҳсус стратегик алоқаларни йўлга кўйди. Бунинг натижаси ўлароқ 2004 йил 6 декабр қуни «Ўзбекнефтегаз» ва «Газпром» ўртасида 2002 йилда стратегик хамкорлик борасида имзоланган келишув бўйича Ўзбекистон ҳамда Россия Федерацияси президентларининг розилиги қўлга киритилди. Мазкур битим қуйидаги соҳаларда хамкорликни амалга оширишни кўзда тутади.

- Ўзбекистон газининг Россия Федерациясига экспорт ҳажмини 2003 йилдаги 5 млрд. кубометрдан 2010 йилгача 10 млрд. кубометрга ошириш;

- «Ўзбекнефтегаз» ва «Газпром» ўртасида Устюрт платосида маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги битим доирасида углеводородларни қидириш ва қазиб олишда хамкорликни амалга ошириш;
- Ўзбекистон худуди орқали «Газпром» сотиб олган (2028 йилгача 2 трлн. кубометр ҳажмдаги газ) Туркманистон газини олиб ўтиш. Бунда «Газпром» Ўзбекистон худуди орқали олиб ўтиладиган Туркманистон газининг транзит оператори сифатида фаолият олиб боради ҳамда транзит қувватини икки баробарга ошириш мақсадида мазкур соҳага маблағ йўналтиради (йилига 90 млрд. кубометр);
- 44 фоиз «Ўзбектрансгаз» акцияларининг стратегик хорижий сармоядор сифатида «Газпром»га эҳтимолий сотиш.

Бундан ташқари, Украина Ўзбекистондан йилига 3 млрд.кубометр табиий газ импорт қилиш ниятида. Ўзбекистон ҳам Европага ўз табиий газини экспорт ҳажмини оширишдан манфаатдордир. Бу мақсадда бир неча имкониятлар кўриб чиқилмоқда. Ўзбекистон худудидан кесиб ўтувчи мавжуд муҳим табиий газ қувурлари бутун Марказий Осиё Газ Қувурлари тизими операторига айланган «Газпром» ёрдами билан тикланиши кутилмоқда. Муқобил йўл эса – бу Ўзбекистон газини транзит йўналишлари бўйлаб Туркманистон, Озарбайжон, Грузия, Украина, Туркия, Эрон Ислом Республикаси ва Каспий денгизи орқали экспорт қилишдир. Бироқ, бу каби экспорт қилишнинг усули фақатгина газни Туркиядан кейинги истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда газ ишлаб чиқарувчи мамлакатлар (Озарбайжон, Эрон Ислом Республикаси ва Туркманистон) тавсия қилинаётган мазкур қувур йўналиши бўйича Ўзбекистон газини ўтказишга розилик берсагина мазкур масала ҳаётга татбиқ қилиниши мумкин бўлади.

Шарқда эса Ўзбекистон Қозогистондан Хитойга газни экспорт қилиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳада иштирок этмоқда. «Ўзбекнефтегаз» ва Хитой миллий нефт корпорацияси (CNPC) Туркманистон ва Ўзбекистонни Хитой йўналиши бўйича боғловчи газ қувурларини барпо этиш ва эксплуатация қилиш билан шуғулланувчи «Осиётрансгаз» қўшма корхонасини ташкил этди. Асосан Туркманистон гази билан таъминланувчи мазкур газ қувури (йилига 30 млрд.кубометр) Хитой учун Қозогистондан ҳам газ сотиб олиш имконини беради.

### *Бевосита хорижий сармоялар*

Илк АХШдан бери ҳажм жиҳатидан анча ошган бевосита хорижий сармояларнинг аксарият қисми энергетика соҳасига тўғри келди. Энергетика ресурсларини ўрганиш ва қидириш фаолиятидаги хорижий компанияларнинг ўсиб бораётган аҳамияти Ўзбекистон иқтисодиётининг ташқи дунёга очилгани туфайли кузатилди. «Ўзбекистон энди хорижий сармоядорларга энергетика соҳасидаги энг жозибадор маконга айланаб бормоқда», деб таъкидлари 2005 йилда «Энергетика Хартияси» ташкилоти Котибияти. Қайта тузиш ва хусусийлаштириш жараёнлари ҳамон ўзининг илк босқичидадир, аммо Ўзбекистон ҳукумати энергетика соҳасини хорижий сармоядорларга очиб бериш хоҳшида. Нарх-наво ва тарифларни белгилаш борасида ислоҳотларни тўлиқ ва самарали олиб бориш ҳамда мустақил мувофиқлаштирувчи институтини жорий қилиш –ечимини кутиб турган муҳим масалалардир. Бундан ташқари, хорижий сармоядорларга қаратилган қонунчилик базасини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш лозим. Шу асосда таъкидлаш керакки, нефт ва электр энергияси соҳаларига оид алоҳида қонунлар мавжуд эмас.

Хорижий сармояларнинг ҳажми чет эллик сармоядорларнинг мазкур соҳада фаолият олиб бориши учун фақат яқинда имкониятлар очиб берилганлигидан ҳамда бу имкониятлар ҳамон чекланганлигидан далолат бериб турибди. 2007 йилда мазкур соҳа ЯИМнинг 7,4 фоизини ташкил этди. Қиёслаш учун қуйидаги рақамларни келтириш жоиз: Туркмистонда – 49 фоиз, Қозогистонда – 42 фоиз ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида - ўртacha 26 фоизни ташкил қилди. Хорижий сармояларнинг ошиб бориши 2006 йилдан бери кузатилди ва улар асосан газ секторига йўналтирилди.

Хитой, Малайзия, Россия Федерацияси, Жанубий Корея ва Бирлашган Араб Амирликларидан бўлган чет эл компаниялари Ўзбекистонда нефть конларини ўрганиш ва қидириб топиш, газ инфратузилмасини барпо қилиш ҳамда кўмир, табиий газ ва нефть конларини эксплуатация қилиш билан боғлиқ фаолиятга ўз сармояларини йўналтирувчи. Бироқ, Ўзбекистон ҳукумати мазкур сармояларда ўзи иштирок этмоқда. 2007 йилда унинг хорижий сармоялардаги иштироки даражаси 20 фоизни ташкил қилди.


## 8.5 Энергетика секторининг атроф-муҳитга асосий таъсири

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси энергетика соҳасини назорат қилиш учун масъулдир. Қўмита ўзининг йиллик ҳисоботини тайёрлайди ва Сенатга юборади. Мазкур ҳисоботда коммунал хўжаликлар борасида гап бормайди. Аслида эса, иситиш тизимлари ҳосил қилаётган ифлосланиш миқдори аниқ белгиланмайди ва назорат қилинмайди (*Қаранг*: 8.5-расм).

Асосан Тошкент, Қашқадарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида жойлашган иссиқлик электр қуввати станциялар, қозонхоналар ҳамда нефт ва газ саноати иншоотлари олтингугурт гази чиқиндиларининг асосий манбалари ҳисобланади. 2006 йилда энергетика сектори ҳавога 65,554 тонна олтингугурт гази чиқиндисини чиқарди. Бу эса бутун саноат иншоотлари чиқарадиган чиқиндиларнинг 58,8 фоизини ҳамда умумий олтингугурт гази чиқиндисининг 30,7 фоизини ташкил қилди.

Бу кўрсаткичлар газ ва нефть ҳамда кўмир таркибидаги олтингугуртнинг юқори миқдорда мавжудлигига таалукли, яъни улар таркибида олтингугурт миқдори – 1,8 фоиз атрофида. Олтингугуртнинг кўмир таркибидаги миқдори масаласига тўхтадиган бўлсак, 1970 йилда АҚШнинг «Тоза ҳаво ҳақида»ги Қонуни қабул қилингандан бўён, барча ривожланган мамлакатларда кислотали ёмғирга олиб келиши билан боғлиқ хатарнинг олдини олиш мақсадида янги электр қуввати станцияларининг курилиши доирасида чиқинди миқдорини камайтиришга йўналтирилган коидалар амалиётга киритилди. Ваҳоланки мазкур йўл-йўриқлар турли мамлакатлар бўйлаб турлича бўлсада, умумий олганда ишлатилаётган кўмир таркибида олтингугуртнинг миқдори 1 фоиздан кам бўлиши керак. Бу эса, ўз навбатида, фильтровчи ускуналарга сарф қилинадиган харажатлар миқдорини камайтиради. Агар мазкур стандартлар Ўзбекистонда кўлланилса, мамлакатда фаолият олиб бораётган электр қуввати станциялар ишлатилаётган кўмир унинг тутун чиқиндиси миқдорини камайтириш билан боғлиқ сарф-харажатлар туфайли талабга жавоб бермайдиган ҳамда рақобатбардошсиз бўлиб қоларди.

**Расм 8.5: Муҳим иқтисодий секторлардан ифлослантирувчи чиқиндиларнинг атроф-муҳитга ташланиши**



Манба: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, 2009 йил

Стационар манбалар орасида электр қуввати ифлослантирувчи чиқиндиларнинг асосий улушкини ташкил қилади. Масалан, 2008 йилда иссиқлик электр қуввати станциялар атроф-муҳитга 130,000 тонна атрофида чиқинди чиқарган. Чиқиндилар орасида энг асосийлари – бу олтингугурт гази, азот ва углерод оксидлари.

Мазкур чиқиндиларнинг структуравий мойиллиги шундаки, уларнинг барчаси амалиётда тобора ошиб бораётган нефть ўрнига газни қўллаш усули билан боғлиқ. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳам электр қуввати ишлаб чиқариш ускуналарининг ўз даврини ўтаб бўлганлиги ҳамда уларнинг

самараси паст даражада эканлигини таъкидламоқда. Иссиклик электр қуввати станциялар хозирда кўмир учун қўллаётган фильтрловчи ускуналар етишмайди, улар эскирган ва олтингугурт чиқиндиларнинг чеклашда унча самара бермайди. Умумий олганда, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси вакилларининг фикрича, иссиқлик электр қуввати станциялар ишлатилаётган кўмир таркибида олтингугуртнинг миқдори ривожланган мамлакатлар стандартларига жавоб бермайди.

Ускуналарнинг кам самаралигининг сабаби – эски иншоотларнинг мавжудлиги. Бундан ташқари, ёнилғи ёнишининг паст самараси ҳолати юқори миқдордаги ифлосланиш ҳамда ишлаб чиқаришдаги йўқотишларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Ангрен ва Янги-Ангрен иншоотларида ҳосил бўлувчи кам ҳажмдаги чиқит ишлаб чиқаришда қайта фойдаланимоқда. Ангрен ва Янги-Ангрен иншоотларида ҳосил бўлувчи кулнинг умумий ҳажми эса 10 миллион тоннагача боради ҳамда кулнинг йиллик миқдори Янги-Ангрен иншоотида 500,000 тоннани, Ангрен иншоотида эса – 120,000 тоннани ташкил қиласди.

Бундан ташқари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси вакиллари иссиқлик электр қуввати станцияларда ҳосил бўлувчи чиқиндиларни назорат қилишнинг эски усулларидан ҳамон қўлланилаётгани ҳамда бу жараёнда автоматлашган назорат тизимларининг мавжуд эмаслиги хақида гапирмоқда. Электр қуввати ишлаб чиқаришда кўмирни янада фаол ишлатиш борасидаги овоза қилинган мақсад-муддаоларни эътиборга олсак мазкур вазият таҳликали кўринади. Аслида эса, «Ўзбекэнерго» компанияси мазкур ишлаб чиқариш жараёнида кўмир ишлатилишининг улуши кейинги беш йил давомида 5 фоиздан 10 фоизгача ортиб боришини кутмоқда. Бу эса ифлосланиш жараёнининг янада кескин ортишига олиб келиши мумкин. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, мазкур вазифа илк АҲШ давомида 2010 йил учун белгиланган эди, ваҳоланки у амалга ошмади. 2003 йилда кўмир ишлаб чиқариш ҳажми 1,874.4 тонна, 2005 йилда – 2,920 тонна ва бугунги кунда 3 миллион тоннани ташкил қиласди. Бу электр қуввати ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёнилғининг таҳминан 5 фоизи демакдир.

### *Сугории*

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сугориш каналларининг сув билан таъминловчи насос станциялари фаолияти учун йўналтириладиган гидроэлектр қувватининг асосий қисмини ишлаб чиқаради. 1,500 насос станциялар ва 6,000 насосларнинг электр қувватининг истеъмоли йиллик ўлчамда 8 млрд.киловатт соатни ташкил қиласди. Ўзбекистон ҳукумати ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги биргаликда насос станцияларни янгилаш билан боғлик режани амалга оширилмоқда. Унга кўра, бир неча ўн йиллардан сўнг мазкур жараёнда 60 киловатт соатгача бўлган электр қувватини тежаш мумкин бўлади. Бу режа халқаро молиявий институтлар ва хорижий давлатлар (Осиё тараққиёт банки, Абу-Даби, Франция ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти) кўмагида амалга оширилмоқда. Жумладан, мазкур лойихага кўра, насослар кўмагидаги сугориш усули тўғридан-тўғри ариклар ёрдамидаги сугориш усули билан алмаштирилиши керак. Аслида эса, экинларни бетартиблилигини олдини олиш мақсадида бу каби сугориш насослари ва ускуналарини янгилашни ўз ичига олган кенг қамровли ёндашув лозимдир.

### *Нефть ва газ*

Нефть ва газ ишлаб чиқарилиши нефтдаги юқори миқдордаги олтингугурт (2,7 фоизгача миқдорда) ҳамда токсик ифлослантирувчи модда мавжудлиги ва табиий газдаги олтингугурт водородининг коррозияси билан ажralиб туради. Нефть ва газни қайта ишлаш саноати мамлакатдаги ҳаво ифлосланишининг иккинчи энг муҳим ва доимий манбаси ҳисобланади.

Нефть ва газни қайта ишлаш саноати ҳавога йилига 96,6 минг тоннадан зиёд ифлослантирувчи моддалар чиқаради. Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси маълумотларига кўра, атроф-муҳит ва ҳавони ифлослантирувчи асосий саноат иншоотлари куйидагилардир:

- «Узгеобурнефтегаздобыча» иншоотларидағи газнинг ёниши натижасида олтингугурт диоксидининг ҳавога чиқиши. Бундан ташқари, мазкур жараёнда углерод оксиди, азот оксиди, сероводород ва қаттиқ моддалар атроф-муҳитни заҳарлайди.
- Куйида ҳар йили атмосферага ифлослантирувчи моддалар ташлайдиган ташкилотлар келтирилган (ракамлар минглаб тонналарда келтирилган): Муборак газни қайта ишлаш заводи

(43,9), «Шўртнанефтегаз» (22,8), Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи (14,0), Шимолий Сўх ер ости газ омбори (10,9) ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи (6,7).

Газни транспортировка қилиш тизими (13,000 км) ҳамда иккита ер ости газ омборлари ҳам ҳаво ва атроф-мухитни ифлослантирувчи манбалар сирасига киради. Мазкур тизимнинг маҳсулотни йўқотиш йиллик кўрсатгич даражаси ҳам 12 миллиондан 78 миллионн кубометрга ортди. «Ўзбекнефтегаз»нинг Назорат бўлими маълумотларига кўра, 2003 йилдан 2004 йилнинг биринчи чорагигача бўлган давр мобайнида «Ўзтрансгаз» компанияси билдиришича 13 фавқулодда холатлар кузатилган ва улар натижасида 156,2 миллион кубометр маҳсулот йўқотилган.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг жойлардаги филиаллари ҳаво ва атроф-мухитга чиқиндилар ташланишининг руҳсат берилган максимал даражадан оғишнинг тизимли давомийлигини кузатган, жумладан, гап «Шўртнанефтегаз» хақида бормоқда: олтингугурт диоксиди - 1,2-4,4 баробар ва азот оксиди 1,5-1,9 баробар; ҳамда Муборак газни қайта ишлаш заводида: олтингугурт диоксиди чиқиндиси даражаси – 1,2 баробар. Бундан ташқари, йирик нефть ва газ компаниялари ифлослантирувчи чиқиндилар ташланишининг назорат килувчи ҳеч қандай автоматлашган тизимларни ўрнатмаган.

## **8.6 Хулоса ва тавсиялар**

Энергия самарадорлиги – бу иқтисодиётнинг барча бўғинларини камраб олувчи предметdir. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, фаолияти айнан мазкур масала ечимиға йўналтирилган идоранинг ташкил қилиниши ушбу соҳадаги миллий сиёsat доирасида ўзининг анча фойдали жиҳатларини намоён этади. Бугунги кунда, дунё бўйлаб барқарор энергия масалалари билан шуғулланувчи 30ta идора мавжуд. Мазкур ташкилотлар фаолияти қамрови кенг ва уларнинг баъзилари нафакат энергия самарааси масаласи билан, балки атроф-мухит химояси ёки қайта ишлаб чиқаришга мойил энергия турларининг тадқиқоти вазифалари билан ҳам шуғулланади. Бу идоралар уларга берилган мақом билан ҳам ажralиб туради: баъзилари давлатга қарашли, баъзилари эса – ярим-хусусийдир.

Ўзбекистонда эса, бу каби идора энергия самарадорлиги масаласи бўйича миллий сиёsatни ишлаб чиқиши ва уни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда энергия заҳираларини, жумладан, коммунал хўжалик тизимида ва айниқса иситиши мақсадларида қўлланиладиган ўтин ва қўмир билан боғлиқ атроф-мухитга аник таҳликаси бўлган қишлоқ шароитида оқилона ва атроф-мухитга камзарар ишлатиш вазифаларига ўз улушини қўшган бўларди. Бундан ташқари, мазкур идора энергия самарадорлиги ва қайта ишлаб чиқаришга мойил энергия турларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган самараали механизмни яратган ва тавсия қилган бўларди. Масалани амалий жиҳатига тўхтадиган бўлсак, бу каби идорани тузишда хозирда мавжуд институционал моделларни осонгина кўчирибгина қолмай, балки мамлакатга энг маъқул ташкилотни тузиш жоиздир. Бу жараён эса масалани ўрганиш ва мавжуд бошқа идоралар стандартлари билан солиширишни талаб қиласди.

### **Тавсия 8.1.**

**«Ўзбекэнерго» «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси билан ҳамкорликда халқаро тажриба асосида энергия самарадорлиги ва қайта ишлаб чиқаришга мойил энергияси бўйича давлат идорасини ташкил қилиши имконияти ва мумкинлиги масаласини кўриб чиқиши лозим.**

Ўзбекистон расмий доиралари мамлакатнинг энергия заҳираларини оқилона бошқарувини таъминлаш доирасида мамлакат танлаган тараққиёт моделини сақлаб қолиши учун катта сайд-харакат керак бўлишидан ҳабардор, ва бу эса, ўз навбатида, миллий ғазнадан жуда катта сарф-харажатларни талаб қиласди.

Ҳар йили янгиланиб туриладиган ва оммага ошкор қилинадиган миқдорий ва сифат жиҳатидан кўрсатгичлар, шубҳасиз, энергетика соҳасида олиб борилаётган сиёsat доирасида атроф-мухит масалалари ечими ҳамда хусусий сармоя қўйиш учун янада кулай шароит яратиш томон муҳим қадам бўларди. Худди шундай фикрни расмий доираларнинг сармоядорларнинг сўнгги қарорларига таъсир этувчи мамлакат ички бозорида энергия ресурсларига қўйиладиган нарх-навонинг эволюцияси,

талаабнинг ўсиб бориши ва энергетика структурасидаги жараёнларга тегишли бўлган мақсад-муддаолари ва мавжуд нормалар хақида ҳам айтиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ички бозорнинг асосий эволюцион параметрларини олдиндан кўра билиш имкониятларидан кам фойдаланади. Бу эса, ўз навбатида, энергия самарадорлиги ва қайта ишлаб чиқаришга мойил энергия соҳаларига қўйилиши мумкин бўлган сармоялар келтирадиган фойда миқдорини сезишни мушкуллаштиради. Ишонарли ва давомий маълумот Ўзбекистон ҳукуматига энергетика соҳасида аниқ вазифа ва режалар белгилаш имкониятини беради.

#### Тавсия 8.2.

«Ўзбекэнерго» «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси ва маҳаллий ҳукумат вакиллари билан ҳамкорликда жойларда энергияга бўлган талаабни қондириши, энергия самарадорлигини ошириши ҳамда миллий энергетика балансида энергия манбалари улушини оптималлаштириши доирасида ўрта муддатга мўлжалланган маҳаллий даражадаги ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиши лозим.

Қайта ишлаб чиқаришга мойил энергия масаласини олдинга сурилиши ички энергетика бозорида ҳозирда мавжуд паст нархлар туфайли тўхтатилиб турибди. Мамлакатда қуёш энергияси билан боғлик турли лойихаларни амалга ошириш тажрибаси шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ҳам шаҳар ҳам қишлоқ шароитида бу каби технологияларни ривожлантириш учун аниқ салоҳият мавжуд. Бироқ, лойиханинг илк экспериментал (пилот) босқичидан унинг тўлиқ фаолият босқичига олиб ўтиш жараёни ҳукумат аралашувини талаб қиласди.

#### Тавсия 8.3.

Ҳукумат қуийидагиларни амалга ошириши лозим:

- (а) Уч асосий таркибий қисмдан иборат бўлган чора-тадбирлар пакетини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши керак. Улар қуийидагича: қайта ишлаб чиқаришга мойил энергия манбаларидан ҳосил бўлувчи энергияни узоқ муддат давомида сотиб олиш учун кафолат, уларнинг харид тарифлари учун субсидиялар ва солиқ кредитлар;
- (б) Қайта ишлаб чиқаришга мойил энергияни ишлаб чиқаришида халқаро кўмак излаши керак.



## 9-боб

# **ИКЛИМ ЎЗГАРИШИ ВА АТРОФ-МУХИТ**

### **9.1 Ҳуқуқий ва институциявий шароит**

#### *Ҳуқуқий шароит*

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши бўйича асосий конвенцияси (БМТИЎАК)га 1993 йилда I-иловага киритилмаган тараф сифатида қўшилди ва 1999 йилда Киото протоколини ратификация қилди.

1992 йил Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конун иссиқхона газлари (ИГ)га тегишли биринчи ҳуқуқий хўжжат эди, у асосан озонни емирувчи моддаларга қаратилган, иқлим ўзгаришининг ўзига эмас. 1996 йил Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конун иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишнинг ҳуқуқий замири ҳисобланади. Бир неча модда ИГга тегишилдир. Масалан, 6-моддага биноан, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (ТМДҚ) барча турдаги обьектлар учун атмосфера ҳавоси, озонни сақлаш ва иқлим ўзгариши стандартларини белгилайди. 24-моддада диққат корхоналарга қаратилади ва ИГларининг салбий таъсирини юмшатиш маъносида уларнинг маъсулиятлари санаб ўтилади. Конунга кўра корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ИГлари эмиссиясини камайтиришга, энергия бўйича самарадор технологияларни жорий этишга ва атроф-мухит учун заарсиз энергия манбаларини қўллашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишлари лозим. Мазкур моддада энергетика самарадорлиги, жорий этилган стандартлар ва талабларга риоя қилиш ва атроф-мухит учун мақбул технологияларни афзал кўришга тегишли қоидалар ҳам бор. 26-модда ИГларининг турлари ва ҳажми ҳакида ҳисобот бериш ва давлат рўйхатидан ўтказишга тааллуқли.

2000 йил Вазирлар Маҳкамасининг 1999–2005 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Атроф-мухит ҳаракат миллий дастурини бажариш тўғрисидаги қарори билан Иссиқхона газларининг эмиссиясини кискартириш миллий стратегияси (Ўзбекистоннинг юмшатиш стратегияси) тасдиқланди. Қарорда Стратегияни бажариш ва мониторинг қилиш борасида асосий маъсулият Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) ва Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги зиммаларига юклатилди. Муқаддимада мамлакат чора-тадбирлари тўғрисида сўз юритилади иқтисодий воситалар белгиланади ва шу билан бирга институциявий жиҳатни кучайтириш ва техник чораларга диққат жалб қилинади.


2004 йил Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистонда Гидрометеорология хизматини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорида Ўзгидромет БМТИЎАК билан боғлиқ фаолият, жумладан БМТИЎАК ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиддий қурғоқчилик ва/ёки саҳроланишга дуч келган мамлакатлар, хусусан Африкада саҳроланишга қарши кураш конвенцияси (UNCCD) доирасидаги мажбуриятлар учун мутасадди муассаса сифатида кўрсатилади. 2006 йил Киото протоколининг мусаффо ривожланиш механизми бўйича Идоралараро кенгаш доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент Фармони Ўзбекистонда мусаффо ривожланиш механизми (MPM)ни амалга ошириш этиш учун институциявий ва ҳуқуқий шароит яратиб беради.

2007 йил Вазирлар Маҳкамасининг Киото протоколининг мусаффо ривожланиш механизми бўйича Идоралараро кенгаш доирасида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорида MPM доирасидаги инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш тартиби белгиланади. Қарорда идоралараро кенгаш ва унинг бутун механизмни назорат қилиш борасидаги вазифалари белгилаб берилади. Шунингдек унда лойиҳаларни тайёрлашга мутасадди давлат ораганининг вазифалари, тасдиқланган лойиҳаларни идоралараро кенгашга ва кенгаш тасдиғидан сўнг БМТИЎАК ижроия кенгашига тақдим этиш тартиб-коидалари ва инвестициялар режалари бажарилишини мониторингига тегишли қоидалар тушунтирилади. Ниҳоят, Қарорда чет инвесторларга тегишли инвестиция ва солиққа тортиш режими (фойданинг солиққа тортилмаслиги) тартиба солинган.

### *Институциявий шароит ва институциявий имкониятлар*

БМТИЎАК имзоланганидан кейинги илк институциявий тузилма таркибида 1995 йилда барпо этилган Иқлим ўзгариши борасидаги миллий комиссия бор эди. Миллий комиссияга Бош вазир ўринбосари раҳбарлик қиласи эди ва атроф-муҳитни бошқариш ва сиёсатни амалга оширишда қатнашадиган вазирлик ва идоралар вакиллари унга аъзо эдилар.

**Расм 9.1: Иқлим ўзгариши борасидаги институциявий тузилма**



Миллий комиссия тугатилиб ўрнини янги институциявий тузилма эгаллади. У икки асосий вазифани бажаради: (i) Ўзбекистоннинг БМТИЎАК доирасидаги мажбуриятларини бажариш, улардан энг кўзга кўрингани – бу даврий миллий аҳборотдир, жумладан ИГ тўғрисида миллий инвентаризация ҳисоботи; ва (ii) В-иловага киритилмаган мамлакатлар учун ягона мавжуд восита бўлган МРМда мамлакатнинг иштирокини назорат қилиш (ушбу бобда куйидаги МРМ бўлимини кўринг).



*Сурхондарё вилоятида ер деградацияси*

Тегишли вазирлик, идора, саноат корхоналари ва компаниялар, илмий тадқиқот институтлар, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалар ва нодавлат ташкилотлар экспертлари гурухлари олиб бориладиган малмакатнинг ИГ инвентар рўйхати ва БМТИЎАК доирасида миллий ахборотни тайёрлаш энг муҳим вазифа ҳисобланади (9.1-расм). Яна бошқа вазифалар куйидагича: гидрометеорология шароитдаги ҳақиқий ва кутилаётган ўзгаришлар, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси тўғрисида ахборот етказиб ва экстремал об-ҳаво шароитлари тўғрисида фавқулодда ахборот етказиш. Шунингдек, Ўзгидромет иклим ўзгаришининг эҳтимол таъсирини чамалаш ва мослашув чора-тадбирлар ва стратегияларни тавсия қилиш учун масъулдир.

Кундалик, жумладан миллий ахборот билан боғлиқ фаолиятни Ўзгидромет қошидаги БМТИЎАК бажариш котибияти мувофиқлаштиради. БМТИЎАК учун иқлим ўзгариши бўйича Ўзбекистондаги координатор иқлим ўзгариши борасида миллий ва халқаро даражалардаги институциявий тузилмалар орасидаги боғловчидир, миллий даражада боғлаш иши БМТИЎАК котибияти билан амалга оширилади. Миллий координатор МРМ идоралараро кенгашининг аъзоси ҳам ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон миллий координатори вазифаси Ўзгидрометнинг бош директори зиммасига юкландган.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ институциявий тузилманинг глобал ИРМ иштироки унинг иккичи вазифаси ҳисобланади. Ушбу муносабатда энг эътиборли миллий орган МРМ учун мутасадди этиб тайинланган идора ҳисобланади, унинг асосий вазифаси мамлакатди МРМ лойиҳаларини мамлакат даражасида тасдиқлаб ва МРМ бўйича БМТИЎАК ижроия кенгаши ва БМТИЎАК котибиятида рўйхатдан ўтказишга тақдим этиб уларни бажаришга кўмаклашишдан иборат. 2006 йил Киото протоколининг мусаффо ривожланиш механизми бўйича Идоралараро кенгаш доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент Фармонида Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистоннинг МРМ бўйича мутасадди орган этиб тайинланади.

Қўшимчалик тамойилига<sup>18</sup> риоя қилган ҳолда ИГларни қисқартириш имконияти асосида лойиҳларни мамлакат даражасида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш мутасадди миллий органнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Сўнг тасдиқланган лойиларни иккинчи аҳамиятли миллий орган, МРМ идоралараро

<sup>18</sup> Қўшимчалик тамойилига кўра, агар Тасдиқланган эмиссия қисқариши квотасини сотиш орқали даромад қелиши кутилмаганда лойиҳа ва ундан келиб чиқадиган ИГлари қисқариши амалга ориширилмаса эди, лойиҳа МРМ орқали квота келтириши лозим бўлиши керак.

кенган кўриб чиқади, кенгаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга вазирлик ва идораларнинг юқори лавозимли масабдор шахсларидан иборат бўлиб унга ушбу шарҳ тузилаётган пайтда Молия вазири ўзининг Бош Вазир ўринбосари ваколатида раҳбарлик қилиб турган эди. Идораларо кенгаш тасдиқланганидан кейин лойиха расмий равишда БМТИЎАК котибияти қошидаги МРМ бўйича БМТИЎАК ижроия кенгашига кўриш чиқиши ва тасдиқлаш учун тақдим этилади.

ТМДҚ иш ташкил этилишини кузатади ва 2008 йил 2008–2012 йилларга мўлжалланган Табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат дастурига киритилган МРМни бажаришни (олти лойиха) танланган фаолият ва чоралар бўйича лойиха ижро этилишини назорат қиласди.

## **9.2 Иқлим ўзгариши борасида мамлакатдаги вазият**

Вилоятлар бўйича фасл ўртача ҳароратини ўлчаш йиллик ўртача ҳарорат 1951 йилдан бери  $0,29^{\circ}\text{C}$  кўтарилигини кўрсатди. Бундан ташқари, икки 30 йиллик (1951–1980 йиллар ва 1978–2007 йиллар) даврни таққослашга асосланган маълумот ҳарорати  $-20^{\circ}\text{C}$  паст бўлган кунлар сони бутун Ўзбекистон бўйлаб 50 фоизга камайганини кўрсатади. Шу сингари, ҳарорат  $15^{\circ}\text{C}$  паст бўлган кунлар сони мамлакатнинг шимолий ва тоғли худудларида 28–48 фоизга камайган. Бошқа томондан, ҳарорати юқори ( $40^{\circ}\text{C}$ дан юқори) бўлган кунлар сони Орол дengизи атрофида 100 фоиздан кўпроққа ошган ва бошқа худудларда 32–70 фоизга ошган, тоғ этаги зоналари бундан мустасно, у ерларда ўсиш мўътадилроқ (10–12 фоиз) бўлган.

### *ИГлари эмиссияси: факт ва тенденциялар*

Ўзбекистонда ҳосил қилинган йиллик ИГлари эмиссияси 1990 ва 2005 йиллар мобайнида 10 фоизга кўпайди (9.1-жадвал). Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари орасида факат Туркманистон ўша давр мобайнида ўсиш қўрди. Қозогистон, Кирғизистон ва Тожикистонда эмиссия камайди. Ердан фойдаланишда ўзгариш ва ўрмонларни (ЕФЎЎ)<sup>19</sup> истисно қилганда, жами ИГлари эмиссияси миллион тонна углерод диоксиди ( $\text{CO}_2$ ) эквивалентида 1990 йил билан 2000 йил оралиғида 10 фоизга ва 1990 йил билан 2005 йил оралиғида 9,24 фоизга ошган. ЕФЎЎ ҳам қўшилса, 1990 йил билан 2005 йил оралиғида жами ўсиш 10,48 га тенг. Қизиқарлиси шундаки, 2005 йил ЕФЎЎ жами ИГлари эмиссиясига ҳисса қўшганини кузатиш мумкин бўлган ягона йилдир, аввалги ийларда ахвол бундай эмас эди. Шуни таъкидлаш керакки, 9.1-жадвалдаги рақамларда авиация, халқаро бункер ва биомассанинг  $\text{CO}_2$  эмиссияси (2005 йилда  $\text{CO}_2$  эквивалентида тахминан 6,3 миллион тонна).

**Жадвал 9.1: ИГлари эмиссияси таркиби, миллион тоннада  $\text{CO}_2$  эквивалентида**

Газ	1990		1994		2000		2005	
	млн. тонна	%	млн. тонна	%	млн. тонна	%	млн. тонна	%
$\text{CO}_2$	113.30	61.95	101.40	54.22	108.60	53.98	100.40	50.25
$\text{CH}_4$	56.70	31.00	73.60	39.36	81.70	40.61	89.30	44.69
$\text{N}_2\text{O}$	12.90	7.05	12.00	6.42	10.80	5.37	10.00	5.01
HFC	..	..	..	..	0.00	0.00	0.00	0.00
<b>Жами эмиссия (LUCF истисно)</b>	<b>182.90</b>	<b>100.00</b>	<b>187.00</b>	<b>100.00</b>	<b>201.20</b>	<b>99.95</b>	<b>199.80</b>	<b>99.95</b>
Жами эмиссия (ЕФЎЎ билан)	181.30		185.60		200.20		200.30	

Манба: Ўзбекистоннинг иккинчи миллий ахбороти, 2008 йил; ва муаллифнинг ҳисоблаши.

### Таркиб

Метан ( $\text{CH}_4$ ) ва  $\text{CO}_2$  ИГларининг иккиси асосий таркибий қисми бўлиб биргаликда жами ИГлари эмиссиясининг тахминан 93дан (1990 йил) 95 фоизгача (2005 йил) ташкил қиласди. Бироқ икки ИГ турли умумий тенденцияга бўйсунади:  $\text{CO}_2$  1990 йилдан бери ҳам миқдор жиҳитидан, ҳам жами эмиссиянинг

<sup>19</sup> Ердан фойдаланишда ўзгариш ва ўрмонлар ерга эгалик ва ўрмонлардаги ўзгариш натижасидаги  $\text{CO}_2$  ютилиши ёки эмиссиясини камраб олади.

фоизи ҳисобида сезиларли даражада камайди. Хусусан,  $\text{CO}_2$  1990 йилда жами эмиссиянинг 61,95 фоизини ташкил қиласи әди ва унинг улуши муттасил пасайиб 2005 йилда 50,25 фоизга тушди. Ўша даврнинг ўзида  $\text{CH}_4$  нинг улуши 1990 йилдаги 31 фоиздан 1994 йилда 39,36 фоизга, 2000 йилда 40,61 фоизга ва 2005 йилда 44,69 фоизги етди.  $\text{CH}_4$  эмиссиясидаги ушбу ўсиш асосан мамлакат мустақилликка эришганидан сўнг табиий газ разведкаси ва қазиб олиши сезиларли даражада органи туфайли юзага келди.

Азот чала оксида ( $\text{N}_2\text{O}$ ) сезиларли даражада, 1990 йилдаги жами эмиссиянинг 7,05 фоизидан 2005 йилдаги 5 фоизигача камайди. 1990–2005 йиллар мобайнидаги  $\text{N}_2\text{O}$  эмиссиясининг ушбу камайиш биринчи навбатда азот ўғитлардан камроқ фойдаланиш ва кўмир қазиб олишнинг қисқариши ва иирик иссиқлик электр станцияларда газ билан алмаштирилиши уни энергетикада камроқ ишлатилиши туфайли юз берди. Гарчи гидрофторуглерод эмиссияси тўғрисидаги маълумот 2000 йилдан аввалги йиллар учун мавжуд бўлмаса-да, у аҳамиятли эмас, 2000 йилда  $\text{CO}_2$  эквивалентида атиги 6.340 тоннани ташкил қиласи.

### Манбалар

ИГлари эмиссияси жиҳатидан энергетика салмоғи энг катта тармоқдир. Унинг жами улуши 1990 йилдаги 84 фоиз (ёки  $\text{CO}_2$  эквивалентида 153 миллион тонна) дан 2005 йилдаги 86,2 фоиз ( $\text{CO}_2$  эквивалентида 172,3 миллион тонна)гacha ошди (Жадвал 9.2). Тармоқдаги эмиссия 2000 йилда чўққисига етиб 87,2 фоиз ( $\text{CO}_2$  эквивалентида 175,5 миллион тонна)га ташкил қилди.

### **Жадвал 9.2: ИГларининг манбалар бўйича эмиссияси, $\text{CO}_2$ эквивалентида, миллион тонна**

Сектор	1990		1994		2000		2005	
	млн. тонна	%						
Энергетика жумладан:								
Электр энергетикада ёқилғи ёкиш	153.7	84.0	159.3	85.2	175.5	87.2	172.3	86.2
Назоратсиз эмиссия	107.0	58.5	96.9	51.8	105.0	52.2	95.6	47.9
Нефть ва табиий газ	45.7	25.0	61.8	33.1	70.2	34.9	76.2	38.1
Саноат процеслари	8.1	4.4	5.9	3.2	5.0	2.5	6.4	3.2
Қишлоқ хўжалиги	17.1	9.3	17.5	9.4	16.1	8.0	16.4	8.2
Чикинди	4.1	2.2	4.3	2.3	4.5	2.3	4.7	2.4
Эмиссия/Ютиш	-	-	-	-	-	-	-	-
ЕФЎЎ	-1.6	-0.9	-1.4	-0.7	-1.0	-0.5	0.4	0.2
<b>Жами (ЕФЎЎ мустасно)</b>	<b>182.9</b>	<b>100.0</b>	<b>187.0</b>	<b>100.0</b>	<b>201.2</b>	<b>100.0</b>	<b>199.8</b>	<b>100.0</b>
Жами (ЕФЎЎ билан)	181.4		185.6		200.1		200.2	

Манбалар: Ўзбекистоннинг иккинчи миллий ахбороти, 2008 йил; 2000 йил ИГлари рўйхати ва муаллифнинг ҳисоблаши.

Энергетига тармоғи доирасида ИГлар эмиссиясининг икки манбаи бор: ёқилғи ёкиш ва назоратсиз эмиссия, асосан табиий газ. Энергетига тармоғидари ёқилғи ёқишининг ўзи 2005 йил жами эмиссиянинг 47,9 фоизи (қарийб ярми)ни ташкил қилди. Унинг улуши жами эмиссиянинг 58,5 фоизини ташкил қилган 1990 йилдан бери сезиларли даражада қисқаргани ҳеч нарса эмас. Ёқилғи ёқищдан фарқли ўлароқ, иккинчи аҳамиятли манба, назоратсиз эмиссиянинг улуши 1990 йилдаги жами эмиссиянинг чорагидан 2005 йилдаги 38 фоизгача ( $\text{CO}_2$  эквивалентида тегишли равища 45,7 миллион тонна ва 76,2 миллион тонна) яққол ўсиш берди.

Қолган тармоқлардан, қишлоқ хўжалигидаги эмиссия энг аҳамиятлидир: 2005 йилда биомассадан (2005 йилда  $\text{CO}_2$  эквивалентида 4,5 миллион тонна, деб чамалангандан)  $\text{CO}_2$  эмиссиясини истисно қилган холда

СО<sub>2</sub> эквивалентида 16,4 миллион тонна (ёки жами эмиссиянинг 8,2 фоизи), деб чамаланди. Гарчи абсолют микдор деярли ўзгармай турган бўлса-да, тармоқнинг улуши 1990 йилдаги 9,3 фоиздан 2005 йилдаги 8,2 фоизгача пасайди. Шу каби, саноат жараёнлари улуши 4,4 фоиздан 3,2 фоизгача пасайди. Қичинди секторидаги эмиссия 1990 йилдаги 2,2 фоиздан 2005 йилдаги 2,4 фоизгача бирмунча ошди.

### *Эмиссияда бўлажак тенденциялар*

Факт ва миллий прогнозлар асосида Ўзбекистонда жами ИГлари эмиссияси 2020 йилгача ошишда давом этиши эҳтимоли бор. Фактлар жиҳатидан, энергетика тармоғида энг сезиларли ўзгаришлар рўй бермокда, хусусан икки (Янги Ангрен ва Тошкент) йирик иссиқлик электр станциясини ёқилғи билан таъминлаш мақсадида газ ўрнига қўнғир кўмирга ўтиш. Тармоқнинг етакчи аҳамияти туфайли ушбу ўзгаришлар мамлакатда келажакдаги жами ИГлари эмиссиясига таъсир кўрсатиши эҳтимоли бор (шунингдек энергетика сиёсати тўғрисидаги бобни кўринг).

Мамлакат экспертлари Иккинчи миллий ахборотнинг қисми сифатида 2020 йилгача бўлган даврга ИГлари эмиссияси бўйича узоқ муддатли прогноз яратдилар. Тўрт сценарий ўрганилди, сценарийга кўра ИГлари эмиссияси 10дан 15 фоизгача ўси.

### *Мамлакатдаги башорат қилиб бўладиган таъсирлар*

#### Глобал исиш ва бошқа климатологик ўзгаришлар

Глобал исиш ва унга ҳамроҳ климатологик ўзгаришларнинг ҳозирги пайтда мамлакат ҳаётининг аҳамиятли ижтимоий, иқтисодий ва экологик жиҳатларига таъсир қилувчи ёки таҳдид солувчи тарафлари мавжуд; яқин келажақда ушбу вазият ёмонлашади (9.1-рамка).

Ўз навбатида, ўртacha ҳароратнинг кўтарилиши жиддий климатологик оқибатларга олиб келади. Ноноормал арид ва иссик даврлар сони ошиб бориши сув ресурслари шаклланиши цикларини ўзgartирмоқда ва ноноормал ва экстремал об-ҳаво ҳодисалари, жумладан узоқроқ давом этадиган курғоқчилик ва кучли ёғингарчиликка олиб қелмоқда.

Бундан ташқари, экотизимларда сув оқимининг табиий регуляторлари бўлган музлик ва қор захиралари ўртacha ҳарорат ошишидан салбий таъсир қўрди, бунинг оқибати вайронкор бўлиши мумкин. Гарчи музликларнинг кичрайиши ва қор захираларининг камайиши қисқа муддатда мавжуд сув ресурсларининг қисқаришига олиб келмай – аксинча, улар сув оқимини қўпайтириши мумкин бўлса -да, узоқ муддатда музлик ва қордан озуқланадиган сув оқимлари қисқариши ва шунинг билан гидрологик кўрғоқчиликлар тез-тез бўлиши ва миқёси ортишига олиб келади.

Курғоқчилик табиий сабаблар (иқлим, табиий сув оқимлар ва оқим шаклланиш худудидан узоқлик) ва антропоген омиллар, жумладан сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш амалиёти оқибати бўлиши мумкин. Бундай вазият айниқса Амударёнинг ўрта ва қуи оқимларида жойлашган, курғоқчилик мамлакат бўйича ўртачадан кўпроқ бўладиган Қорақалпоғистон Республикаси, ва Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари каби маълум худудларга хос.

Курғоқчилик билан бирга Ўзбекистон юқори ҳарорат, қаттиқ ёғингарчилик ва атмосфера хиравлиги каби бошқа экстремал шароитлардан зарар қўриши эҳтимол. Шайлиқ даражаси фалокат қалтислигини қисқартиришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун Ўзбекистон курғоқчилик борасида эрта хабардорлик тизимини жорий этмагани, ёки уларнинг олдини олиш ва таъмирини юмшатиш чораларини кўрмагани қайтарланарли ҳолдир, ваҳоланки бундай тизимни йўлга қўйиш учун имкониятлар мавжуд кўринади.

#### Сув таъминоти ва сувга талаб

Ихтиёрдаги сув ва сувдан сугориш ва майший мақсадларда фойдаланиш иқлим ўзгаришидан энг кўп таъсир қўриши мумкин бўлган соҳалардир. 2005 йилда Ўзбекистонда жами сув танқислиги 2 км<sup>3</sup>, деб баҳоланганди. Иккинчи миллий ахборотда ишлаб чиқилган сценарийларга асосларган башоратларга кўра, 2030 йилга бориб сув танқислиги 7 км<sup>3</sup> га етиб бориши ва 2050 йилга бориб 13 км<sup>3</sup> га кўтарилиши

мумкин. Шунинг билан бирга, иқлим ўзгариши оқибатида сұғоришга сув сарфлаш, тахминларға кўра, 2030 йилга бориб 5 фоизга, 2050 йилга бориб 7–10 фоизга ва 2080 йилга бориб 12–16 фоизга ошади.

### Рамка 9.1: Минтақавий ўлчам

Гарчи кенг маънодаги Марказий Осиёда ИГлари эмиссияси манзарасида ўхшашликлар намоён бўлса-да, углерод тавсифларида сезиларли фарклар ҳам бор. 1990-йилларда Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ҳосил бўлган ИГлари эмиссияси кескин пасайди, бу асосан саноат ишлаб чиқариш кисқариши ва хўжаликнинг хизматларга мўлжаллаб қайта тузилиши туфайли юз берди. Ўзбекистон, шунингдек Туркманистон ва Қозогистондаги ИГларининг жон бошига эмиссияси ҳозирда глобал ўртачалардан анча юкоридир. Ўзбекистон билан Туркманистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг бир долларига тўғри келадиган эмиссия дунёда энг юкорилари қаторида. Аҳолиси нисбатан кам сонли бўлишига қарамай, Қозогистон дунёда ИГларини энг кўп эмиссия қилувчи ўттиз нафар давлатларнинг бири бўлиб қолди. Бу асосан унда кўмири, нефть ва газ тармоқлари тез суръатлар билан ўсиши ва иссиқлик электр станциялари кўмирда ишлаши туфайли юз берди, бу йўлга ҳозир Ўзбекистон ҳам ўтмоқди.

Бунинг акси бўлиб Тожикистон ва Қирғизистон жон бошига CO<sub>2</sub> эмиссиясини жаҳон ўртача қийматдан кичик маълумот бериб келмоқдалар, қисман бу ЯИМ ва саноат маҳсулот ишлаб чиқариш 1990 йиллардан аввалги даражага етмагани ва қисман гидроэлектр энергияси уларнинг энергия таъминотида катта роль ўйнаши туфайли рўй бермоқда. Сувнинг тақсимлангани катта аҳамиятга эга: анча ночор бўлиб қолган Тожикистон ва Қирғизистон Марказий Осиё сув ресурсларининг 80 фоизига эга ва дарёлардан гидроэлектр энергиясини ишлаб чиқариш учун фойдаланадилар, ваҳоланки Қозогистон, Туркманистон ва Ўзбекистон сұғориш эктиёжларини қондириш учун қуий оқим сувига боғланганлар. Бунинг устига, ушбу мамлакатлар учун эмиссия тўғрисига пасайтирилган маълумотлар берилиши бўлиши мумкин, ва, бошқа тарафдан, 2005 йилда Ўзбекистон эмиссияси ошириб кўрсатилди. Бу 1990-йилларда жорий этилган тартиб туфайли юз беради: Ўзбекистон Қирғизистон ва Тожикистонга қиши пайтида электр энергия юқори оқим мамлакатларида энг керак бўлган фаслда юқори оқим мамларатлари ирик сув захираларидан сув электр ишлаб чиқиши учун оқизилмасликни таъминлаша мақсадида электр энергиясини етказиб беради. Бунинг эвазига, сув, электр энергия эктиёжи юқори оқим мамлакатларида унча юқори бўлмаган, аммо қуий оқим мамлакатларда сұғориш учун сувга талаб чўққисига чиққан ёз фаслида оқизиларди. Гарчи Ўзбекистон иссиқлик электр станцияларида ишлаб чиқилган электр энергия Қирғизистонда ишлатилсада, ИГлари эмиссияси Ўзбекистонда рўйхатга олинади.

Ихтиёрдаги сув учун энг катта бевосита таҳдид, жумладан, ўрта ва узоқ муддатда ихтиёрдаги сув ресурслар қисқаришида иборат, шунинг билан бирга бошқа сабаблар билан бирга буғланиш ортиши ва сув сифатининг пасайиши сабабли сувни истеъмол қилиш, айниқса суғорма зироатчиликда ортади. Оқим ҳажмининг вақт ва маконда кўпроқ ўзгариб туриши, айниқса оқимнинг вегетация даврида қамайиб кетиши яна бир эҳтимол муаммодир. Суғорма ерларни қайтариб бўлмайдиган равишида қўлдан чиқиши узоқ муддатли муаммолар жумласидан бўлиши мумкин.

Дарё суви ресурсларининг эҳтимол қисқариши қишлоқ хўжалигида ва майший сув истеъмоли маъносида ва охир-оқибатда ҳалқ соғлиғида жиддий, ёки ҳатто ҳал қилувчи аҳамиятга эга муаммаларга олиб боради. Ўзбекистондаги ер усти суви 90 фоизининг манбалари мамлакатдан ташқарида Қирғизистон ва Тожикистонда жойлашгани инобатга олинса, минтақавий динамика ва минтақадаги сув оқимининг трансчегара табиати юқоридаги жиҳатдан жуда муҳимдир. Бевосита Ўзбекистон ҳудудида шаклланадиган сув ресурслари Амударё ва Сирдарё бассейнларидан келади. Бироқ, бутун оқимнинг факат 8 фоизи мамлакат ҳудудида шаклланади. Шундай қилиб, юқори оқим кўшни мамлакатлардаги атроф-мухит ва сиёсий ўзгаришлар сув билан таъминланишининг талабга мувофиқлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Мавжуд битимлар (4-боб) билан трансчегара дарёлар минтақанинг юқори ва қуий оқим мамлакатлари орасида баҳам қўриш тартибга солинади. Ушбу битимларга кўра ва йиллик ихтиёрдаги сув миқдорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кўргоччилик ва бошқа параметрларга боғлиқ ҳолда Ўзбекистоннинг йиллик сув квотаси 2001 йилдаги (кургоччилик туфайли) 44 км<sup>3</sup>дан 2005 йилдаги 59 км<sup>3</sup> гача бўлди. Амударёнинг узоқ муддатли йиллик ўртача ҳажми 73,5 км<sup>3</sup> ва Сирдарёнинг ҳажми 38,8 км<sup>3</sup> (жами 112,3 км<sup>3</sup>) эканлигини инобатга олсан, Ўзбекистоннинг улуши минтақада энг ирик сув истеъмолчиси эканлигини тасдиқлайди. Бироқ, иқлим ўзгариши манбаатлар тўқнашувига олиб келадиган шароитни вужудга келтириши мумкин, шунирнг учун трансчегара дарёлар сувидан фойдаланишининг ўрнатилган балансдаги ўзгаришлар минтақавий ва ҳалқаро битимларга қатъян мувофиқ бўлиши жуда муҳимдир.

### **Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқиши ва экинлар ҳосилдорлигига қатор омиллар таъсир кўрсатади. Сув таъминоти ва сувнинг сифати, суғориш тармоқлари ва технологиялари ва ер холати, жумладан тупрок унумдорлиги энг таъсирилар омиллар ҳисобланади. Агар ҳозирги сув бўйича самарасиз қишлоқ хўжалиги амалиёти давом эттирилса ёки эътиборсиз даражада ўзгаририлса, иқлим ўзгариши муқаррар равишда сезиларли сув танқислигига ва натижада озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етишмовчилигига олиб келади. Пахта, мамлакатнинг ҳам экспорт жиҳатдан, ҳам бандлик жиҳатидан энг мухим экини, бунга яхши мисол бўла олади. Ўзга учун ҳаво ҳарорати ўта баланд ( $39^{\circ}\text{C}$  дан юқори) кунлар сони қалтислик туғдиради, бу ҳосилнинг сезиларли даражада камайишига олиб келади. Юқори ҳарорат ва намлик шароитлари туфайли юзага келадиган зарар 9 - 15 фоиз орасида бўлиши чамаланади.

Ҳаво ҳароратининг кутилаётган ошиши суғориш зоналарида буғлашиш оқибатида сув юқотишига олиб келади. Бу ўзгаришлар, агар суғориш технологиялар, амалиётда (масалан, тунги суғориш ёки пластик пленка) ва экинлар турини танлашда (сувга талаби камроқ экин ёки қурғоқчиликка чидамлироқ навларни экиш) кескин ўзгаришлар содир бўлмаса қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмини сақлаб қолиш учун суғориш сувига талаб ортишига олиб боради.

Юқоридагиларга қарамай, суғориш оқибатида юз берган тупрок шўрлиги таъсири туфайли ер ҳосилдорлиги пасайишдан тўхташи кутилмайди. 1995 йил билан 2005 йил мобайннида мўътадил ва юқори шўрланган ер майдони 14 фоизга ошди ва натижада 2005 йилда бутун суғорилувчи ерларнинг ярмидан кўпи (51 фоиз) шўрланган эди; Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотига кўра, ушбу ерларнинг 4 фоизи юқори даражада, 17 фоизи ўрта мўтадил ва 30 фоизи бир оз шўрлангандир.

Сувга ортиб бораётган талабни қондириш учун сув йўқотишини ер ости сув захираларини қазиб олиш билан тўлдириш каби қиска муддатли эҳтимол ечим узоқ муддатда ушбу захираларнинг оғир ахволда битишига ва сахроланиш жараёнининг жадаллашувига олиб боради. Пахта экиладиган суформа ерларнинг 10 фоизга қисқартирилиши, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фикрига кўра, тўғри йўналишда кўйилган қадамdir (7-боб).

Мамлакатда етиштириш орқали озиқ овқат хавфсизлигига эришиш Ўзбекистонда устун вазифалардан бири ҳисобланади. Натижада, чамаларга кўра, аҳолига зарур озиқ-овқатнинг 80 фоизи мамлакатда ишлаб чиқарилади.

Бекарор иқлим шароити, ихтиёрдаги сувнинг етишмаслиги ва аҳолининг ўсиши биргаликда ривожланишининг ушбу модели ва мамлакат ўзини ўзи озиқ овқат билан таъминлашининг ҳозирги даражасини ўз ресурслари асосида сақлаб қолиши қобилиятига салбий таъсир кўрсатиш таҳдидини солади. Муаммо тезлашиб бораётган шўрланиш ва суформа ерларнинг ҳосилдорлиги тобора пасайиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Қишлоқ хўжалиги ҳосилининг 90 фоизидан ортиги суформа ерлардан олинар экан, вазиятга мувофиқ мослаш чоралар қўрилмаса, яқин келажакда озиқ-овқат хавфсизлиги хатар остида колади. Масалан, чамаларга кўра, 2000–2001 йиллардаги қўргоқчилик оқибатида дон маҳсулотлардан йўқотиши 14–17 фоизга борди (Рамка 9.2)

### **9.3 Стратегиялар ва секторлар сиёсати**

#### *Вазиятни юмшатиш ва мослашув стратегиялари*

Иқлим ўзгаришини юмшатишнинг стратегик йўналишлари 2000 йил Иссиқхона газлари эмиссиясини қисқартиш миллий стратегиясининг асосий қоидалари билан белгиланган. Бу Ўзбекистоннинг юмшатиш миллий стратегиясидir.

Мослашув жабхасида, Ўзбекистон ҳарорат ошиб бориши ва мамлакатда иқлим ўзгариши муносабати билан мослашув чораларининг мухимлиги тўғрисида юқори даражадаги хабардорлигини намойиш этди. Бироқ, юмшатишдан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда ягона, бирлаштирувчи мослашув стратегияси мавжуд эмас. Ушбу йўналишда ҳаракат бошланган (масалан, Иккинчи миллий ахборот контекстида бу Иқлим ўзгаришига мосалашув сари миллий стратегия номли ҳужжатдир). Ҳозирча, мослашув миллий

стратегиясининг ўрнига мослашув, гарчи улар иқлим ўзгаришининг таъсирига қарши туришга мувофиқлаштирилган стратегик ёндашув эмас, балки йўналиш бўйича вазирликлар ва бошқа манфаатдор тарафларнинг устун вазифаларини акс эттираса-да, секторлар стратегиялари ва иқлим ўзгаришига мослашув чораларга асосланган (6, 7 ва 8-боблар). Ушбу мамлакатларда такчил ресурсларни ажратишни оптимумлаш учун стратегия зарур. Айниқса сугориш инфратузилмасида сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш орқали ихтиёрдаги сув ва энергия ресурсларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилди (6-боб).

#### **Рамка 9.2: ҲИЎК Марказий Осиёда иқлим ўзгариши хақида**

Иқлим ўзгариши бўйича хукуматларо кенгаш (ҲИЎК) маълумотига кўра йиллик ўрта ҳароратнинг Ўзбекистонда 2080 йилгача  $2,9^{\circ}\text{C}$  билан  $4,3^{\circ}\text{C}$  кўтарилиб жиддий муаммолар, жумладан, биохилма-хиллик йўқолиши, экотизимлар ўзгариши ва саҳроланиш хатарининг ошиб боришига сабаб бўлади. Шунинг билан бирга, ҲИЎК бутун Марказий Осиё учун йиллик ёғимгарчиликнинг бироз камайиши (3 фоиз) ва юкорирок ҳарорат туфайли буғланиш кучайишини кўрсатади. Ушбу омиллар Ўзбекистонда янада шўрланиш ва саҳроланиш хатарини оширади. Глобал ўзгариши бўйича Германия маслаҳат қенгashi (WBGU) Тиён-Шон (Тангритов) тизма тоғларининг Қирғизистон кисмидаги музликларнинг 20 фоизи 2050 йилдан аввал йўқ бўлиб кетишини кутмоқда. WBGU 2050 йилга бориб музликлар ҳажми 32 фоизгача кискаришини башорат килмоқда. Киска муддатли оқибатлар, жумладан, Ўзбекистонда ҳам якин келажакда сув тошкни, кўчки ва тоғ жинслари ўтирилиши хавфидан иборат. Ёз пайтида дарё сувининг 75 фоизи эриётган музликлардан келиши инобатга олинса, узок муддатли оқибатлар юз йиллик ўрталарида сугориш учун ихтиёрдаги сувга қаттиқ таъсир киласи, тоғ этакларидаги кишлоқ хўжалиги айниқса қаттиқ зарба ейди. Қирғизистон ва Тожикистондаги гидроэлектр энергия ишлаб чиқариш ҳам ёз фаслида сув оқими камайгани туфайли таъсир кўради.

ҲИЎКнинг чамалашига кўра, иқлим ўзгариши туфайли Марказий Осиёда олинадиган ҳосил 30 фоиз ва ундан кўпроқ камайиши мумкин. Қишлоқ хўжалигининг Ўзбекистон иқтисодиёти ва жамияти учун муҳим аҳамияти ва аҳоли ўсиб боришининг ҳозирги башпоратлари инобатга олинса, қишлоқ хўжаликда ишлаб чиқариш пасайиб бориши мамлакатнинг **озиқ-овқат** хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи ўта муҳим масаладир. Бунинг устига, иқлим ўзгариши туфайли ҳосилнинг пасайиши қишлоқ жойларда даромад пасайишига олиб келади, ва қишлоқ ерларда яшовчи ёшрок аҳоли, хусусан, шаҳарларга қўчиб боради. Ижтимоий ва сиёсий барқарорлик жихитидан, бундай миграция хукумат учун “айни вақтида” амалган оширилган қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт секторларидаги ислоҳотлардан ҳам каттароқ муаммо туғдириши мумкин.

Юкоридаги сабабларга кўра, эксперт тадқиқотлар (кўпроқ танилганлари орасида *Economics of Climate Change: Stern Review and the WBGU World in Transition – Climate Change as a Security Risk* (Иқлим ўзгариши иқтисодиёти: “Штерн” ва WBGU Ўтиши давридаги дунё – Иқлим ўзгариши хавфсизлик учун хатар сифатида)) Марказий Осиёда иқлимга алоқадор можароларнинг юкори ҳавфи мавжудлигини башорат киласи. Агар атроф-муҳит муаммолари ва сув танқислиги этник гурухларни атроф-муҳит ва иқтисодий ресурсларни (масалан Орол денгизи атрофи ва Фарғона водийсида) ўз манфаатлари йўлида ишлатишларига олиб келса, WBGU можаро имкониятини ундан ҳам юкори бўлишиши кутмоқда. Фарғона бассейни қишлоқ хўжалигининг энг муҳим минтақаси ва Марказий Осиёнинг аҳолиси энг зич жойлашган қисмидир. WBGU фикрига кўра, иқлим ўзгариши қимматли қишлоқ хўжалиги ерларини йўқотиш, кўчилар хатари ва ишлатиб бўладиган сув ресурсларининг кискариши эҳтимоли ортиб бориши орқали охирги бир йигирма йил давомида Фарғона водийсида ресурслардан фойдаланиш имконияти устида қалқиб чиқсан можароларни, эҳтимол, чуқурлаштиради. Шундай қилиб, харакат килмаслик жамиятдаги кам таъминланганликни юмшатмай чегара худудларда этник танглики озиқлантириши мумкин. Ўзбекистоннинг қамровли миллий мослашиш стратегияси ушбу муаммоларни ечиш ва танглик ва можаролар эҳтимоллигини камайтиришга томон қўйилган биринчи қадамдир.

#### *Юмшатиш сиёсати ва дастурлари*

Юмшатиш сиёсати бозор механизмлари асосидаги восита (тариф)лар ва турли мамлакат, тармоқлар вилоят миқёсидаги дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали олиб борилади.

#### Энергия тарифлари

Энергетикада тарифлар сиёсати энергияни оқилона тарзда истеъмол қилиш тарафига хатти-ҳаракатни ўзгартириш бошлаб беришнинг муҳим воситасидир. Бозор нархлари тамойиллари тадрижан татбиқ этилди ва ҳозирда энг муҳим энергия ресурслари, табиий газ, электр энергия ва иссиқлик энергияси дават томонидан назорат қилинадиган нархларда сотилмоқда. Бензин, дизель ёқилғи, оғир нефть, авиаация керосини ва кўмир назоратдаги ва айирбошлиш нархларида сотилади.

Инфляция назорат қилинмай майиши истеъмол табиий гази  $1.000 \text{ м}^3$  9.214 сўм бўлган 2005 йил январь оидан нарх 20.540 чиқсан 2007 йил ноябрь ойи мобайнида икки баробардан кўп ошди. Электр энергия

нархи аҳоли учун 2000 йил билан 2007 йил орасида қарийб ўн баробар 4,7 сўм/кВтсоатдан 437 сўм/кВтсоатгача ошди.

Энергетикада ҳам шу каби кескин ўсиш юз берди, бунда оғир нефть ва табии газ нархлари 2003 йил билан 2007 йил орасида икки баробардан кўп ошди. Ўша даврнинг ўзида кўмир нархи мулойимрок ошди (Жадвал 9.3).

### **Жадвал 9.3 Энергетикада ёқилғи нархлари, 2003, 2005 ва 2007 йиллар**

	2003	2005	2007	Ошиш фоизи (2003–2007)
Табии газ (сўм/1.000 м <sup>3</sup> )	20,900	39,150	51,000	144.0
Оғир нефть (сўм/тонна)	36,076	55,900	96,000	166.1
Кўмир (сўм/тонна)	18,504	19,190	25,576	38.2

Манбалар: Ўзбекистоннинг иккинчи миллий ахбороти, 2008 йил; 2000 йил ИГлари рўйхати ва муаллифнинг ҳисоблаши.

#### Айrim дастур ва лойихалар

Энергия оқимининг бутун давомида, ишлаб чиқаришдан истеъмолгача энергия ва ресурсларни истеъмол қилишни ўлчаш юмшатиш стратегиясининг ҳал қилувчи компонентидир (8-боб). Стратегиянинг истеъмол/аҳоли томонида ўлчаш асосан кўп квартирали уйларда харажат самарадорлиги учун татбик этилиб, газ (3,9 миллион квартирани қамраб олган кенг дастур), иссиқ сув (627.000 квартира), иситиш (туман иситиш тизимига уланган 26.000 турар жой) ва электр (энергетика корхоналари, кўп квартирали уйлар ва якка тартибдаги уйларда электр энергияни ўлчаш учун рақамли ҳисоблагичлардан фойдаланиш) қамраб олинди.

Ўрмонсизланишни ва қишлоқ жойлар аҳолиси кўмир ишлатишини камайтиришга мўлжалланган Қишлоқ аҳоли пунктларини табии газ билан таъминлаш дастури 2005 йилда тугалланиб 10.600 қишлоқ аҳоли яшайдиган жойга ва 1.200 узокдаги қишлоқ аҳолиси яшайдиган жойларга газ етказиб берилди.

Ҳозир амалга оширилаётган 2007–2012 йилларга мўлжалланган нефть ва газ секторида энергияни тежаш дастури натижасида 2007–2012 йиллар мобайнида ИГлари эмиссияси CO<sub>2</sub> эквивалентида 13,5 миллион тоннагача қисқариши кутилмоқда.

Электр энергия ишлаб чиқариш соҳасида иссиқлик электр станциялари мамлакатда ИГларининг энг иирик эмиссия манбалари ҳисобланади ва энергияни тежаш дастурлари электр энергия ишлаб чиқариш секторига мўлжалланган 2010 йилгача мўлжалланган электр энергиясини ишлаб чиқариш обектларини ривожлантириш ва қайта қўриш дастури улардан учтаси (Тошкент, Сирдарё ва Талимаржон)да амалга оширилмоқда. Ушбу шарт-шароитда умумий қиймати 724,2 миллион АҚШ долларига тенг иирик (гидроэлектр станцияларни ҳам қамраб оладиган) энергия тежаш лойихалари режалаштирилган. Кичик миқёсда гидроэлектр энергия ишлаб чиқаришга қаратилган қоидалар борлигига қарамай, бундай лойихалар ҳозирча амалга оширилган эмас.

Саъй-ҳаракат ва бажарилган дастурларга қарамай, қайта тикланувчи энергияга тегишли стратегия на расман тасдиқланди, на амалга оширилмоқда.

#### *Энергетика сиёсати: газ ёки кўмирми?*

Ўзбекистон 2021 йилгача газни тежашга қаратилган бир неча лойиҳага 600 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблагни йўналтиришни режалаштируммоқда. Энг иирик лойиҳада (247,6 миллион АҚШ доллари) Янги Ангрен (Тошкент вилояти) иссиқлик электр станцияси газ қозонларини кўмир қозонлари билан алмаштириш назарда тутилган.

Иқтисодиёт вазирлиги маълумотига кўра 2010 йилга бориб Ўзбекистон кўмир қазиб олишни уч баробар оширади. Сўнг қазиб олинган қўнғир кўмир электр станцияларида газ ўрнига ишлатилади. Ангрен в Янги Ангрен иссиқлик электр станциялари айнан шу кўмир захиралари яқинида жойлашган. Жойлашув мухимдир, чунки қўнғир кўмирнинг иссиқлик яратувчанлиги пастлиги уни ташишни иқтисодий жиҳатдан диккатга сазовор қўлмайди (шунингдек, ушбу хусусият жаҳон бозорида бу кўмир бошқа, юкори сифатли кўмир тўрлари каби кенг миқёсда сотилмаслигини изоҳлади). У кўпинча кон ёнида курилган электр станцияларида ёқилади. Қўнғир кўмир ёқиладиган электр станциялари эмиссияси, бошқа хусусиятлар бир хил бўлган ҳолда, тенглаштириладиган тош кўмир станцияларнидан юкоридир.

Иссиқлик электр станциялар Ўзбекистонда электр ва иссиқлик ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланиб 10,6 миллион кВт қувватга эга, уларда мамлакат электр энергиясининг 85 фоизи ишлаб чиқилади – қолган электр энергия (жами миқдорнинг тахминан 12 фоизи) асосан 28 гидроэлектр станцияларида ишлаб чиқарилади. Иссиқлик электр станцияларнинг етакчи роли туфайли мамлакатдаги ИГлар эмиссиясининг асосий манбалари электр энергетикада, хусусан ёқилги ёкиш жараёнида ҳосил бўлади.

Электр энергия ишлаб чиқаришда ҳозирги пайтда табиий газдаги иссиқлик электр станциялари етакчи ўрин эгаллади, ҳолбуки камрок электр энергия мазут ва кўмир ёқиладиган иссиқлик электр станцияларда ишлаб чиқарилади. Хусусан, табиий газ ҳисобига мамлакатда ишлаб чиқилаётган электр энергиянинг тахминан 90,8 фоизи тўғри келади, мазутга 5,3 фоиз ва кўмирга 3,9 фоиз тўғри келади. Сирдарё (3.000 МВт), Тошкент (1.860 МВт) ва Навоий (1.250 МВт) станциялари табиий газ билан ишлайдиган йирик корхоналар жумласидандир. Энг йирик қўнғир кўмир билан ишлайдиган корхоналар, жумладан Янги Ангрен станцияси (2.100 МВт), Ангрен кўмир қони атрофида, Тошкент шахри яқинида жойлашган.

Бироқ, ҳиссалар нисбати 2015 йилгача бўлган даврда жиддий равишда ўзгаради, бунинг атроф-муҳитга таъсири ва энергетика секторида ИГлари эмиссияси миқдори учун аҳамияти ноаниқ. Ушбу ўзгаришлар 2002 йил 2002–2010 йилларга мўлжалланган 2010 йилда кўмир қазиб олиш 9,4 миллион тоннага, хусусан, тахминан 3,1 миллион тоннани ташкил қилган ҳозирги қазиб олиш миқдорининг уч баробарига этиши назарда тутилган Кўмир саноатини ривожлантириш дастури қабул қилиниши ва бажарилишининг оқибатидир. Шунинг билан бирга, иссиқлик станцияларда газни истеъмол қилиш кисқариши ва Янги Ангрен иссиқлик электр станциясида иккинчи кўмир таъминоти линияси ишга туширилиб, Ангрен иссиқлик электр станциясидаги таъминот линияси модернизация қилиниб ва мавжуд электр станцияларининг самарадорлигини ошириш ва модернизация қилиш йўли билан кўмир асосидаги электр ишлаб чиқариши режалаштирилган. Ушбу ўзгаришлар электр энергия ишлаб чиқаришда кўмирнинг улушини 3,9 фоиздан 2015 йилгача 15 фоизга олиб чиқишга мўлжалланган. Тегишли равишда, газнинг улуши тахминан 70 фоизгача пасайиши назарда тутилган.

Табиий газ қазиб олиш ва ундан фойдаланишнинг ўсишидан кейин 1992 ва 2000 йиллар мобайнида кўмир қазиб олиш тахминан 50 фоиз камайгани эътиборга олинса, бу сиёsatнинг эътиборли даражада орқага бурилишидир. Ёқилги ишлатиш таркибида кўмир улушининг ортиши кўмирни ёкиш ва қазиб олиш чоғида ИГлари эмиссияси ортишини чеклаши кутилаётган замонавий технологиялар ( $\text{CO}_2$  ушлаб қолиш ва секвестрлаш)га қарамай қарийб муқаррар равиша қазиб олиш ва ишлатиш паллаларида ИГлари ( $\text{CO}_2$  ва  $\text{N}_2\text{O}$ ) эмиссиясининг ўсишига олиб келади.

Юқорида айтилган қўнғир кўмир ёкишнинг ортиши ИГлари эмиссияси нуқтаи назаридан айниқса мухимдир, чунки қўнғир кўмир, масалан, тош кўмир, нефть ва газга нисбатан, жуда кам калория беради. Аслида, кўмир ёкишда олинган энергия бирлигига ҳисобланганда табиий газ ёқилишига қараганда иккى баробар кўпроқ углерод диоксиди чиқарилади, нефть ёкиш буларнинг ўртасида туради.

Хатто агар жуда қиммат ва мукаммалликдан йироқ бўлиб  $\text{CO}_2$  ушлаб қолиш ва секвестрлаш жараёнлари (ҳозирда назарда тутилгандек) ишлатилса ҳам, қўнғир кўмир қазиб олиш ва ёкишнинг ИГлари жами эмиссияси ортишига олиб бориш эҳтимоли юқоридир.  $\text{N}_2\text{O}$  (жуда кучли ИГ) ошиши қазиб олиш ва ишлов бериш жараёнларида қарийб муқаррар равиша юз бериши мумкин (ИГ 2000 йил инвентарь рўйхати). Гарчи башоратларда кўмир кўпроқ ёқилишини инобатга олинганилиги аниқ бўлмаса-да, амалда, Иккинчи миллий ахборотда ИГлари эмиссияси 10–15 ўсиши башорат қилинади.

Бунинг устига, кўмир ёқиши газ ёқишига қараганда ифлосрок жараён бўлиб атроф-муҳит учун жиддий, пайдо бўлувчи кулни сақлаш жойлари зарурлиги каби иқлим ўзгаришидан анча йироқ бўлган оқибатларга олиб бориши мумкин (8-боб).

Юқорида тилга олинган газдан кўмирга ўтиш дастурига тегишли равишда ИГлари эмиссияси расман чамаланмагани муҳим аҳамият касб этади. Шуларга қарамай, проектлар бўйича атроф-муҳитга таъсирни чамалаш (АМТЧ)ни ТМДҚ ўтказади. Бу ҳолат амалдаги қонун хужжатларида АМТЧ га тегишли қоидалар жуда мужмал бўлиб, ИГларини яққол тасвирлайди ва ИГларни равshan тасвирламайди ва ИРни камраб олмайди. Албатта, ИГ билан боғлиқ таъсирнинг бундай таҳлили ёқиши босқичи билан чекланмайди, балки ИГлари эмиссиясининг ортиши ва қисқариши, масалан кўмири қазиб олиш босқичида, ва шунингдек газ транспортитида ва қазиб олишда газ йўқотишлар камайишини ҳар томонлама кўриб чиқиш зарур.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа Иқтисодий Комиссияси (БМТЕИК)нинг Халқаро контекстда атроф-муҳитга таъсирни баҳлаш конвенцияси (Эспоо конвенцияси)га аъзо эмас ва унинг Атроф-муҳитни стратегик баҳолаш бўйича протоколини (АМСБ) ратификация қилган эмас. Шунинг учун АМСБ (АМСБ) ўтказиш мамлакатнинг мажбуриятларига кирмайди, ваҳоланки мамлакат энергетика секторидаги иқлим ўзгаришига таъсири бўлиши мумкин дастур ва сиёсаларини бундай баҳолашдан факат ютиб қолишига шубҳа йўқ. АМСБлар иқлим ўзгариш мулоҳазаларни ривожланишни режалаштиришга киритиш учун хазмат қилиши мумкин. Бу 2007 йилдаги “Келажак қўлимиизда” номли юқсан даражадаги тадбир хулосалари, шунингдек Иқлим ўзгариши бўйича хукуматлараро кенгашнинг ХИЎҲ иқлим ўзгаришини юмшатиш ва унга мослашиш қамраб оладиган барқарор ривожланиш стратегиясига интеграция қилиниши керак, деган тавсияси билан мос. Шунингдек, ХИЎҲ АМСБ асосида бўлиши мумкин иқлим ўзгаришини ривожланишни режалаштиришда, ҳисобга олиш, масалан, мослашиши чораларини ердан фойдаланиш режалари ва инфратузилма лойиҳаларига киритиб ёки мавжуд фалокат хатарини камайтириш режалари орқали шикаст имкониятини пасайтириш орқали мослашув қобилиятини ошириш учун муҳим, деган хулосага келди. Ҳозир АМСБ қобилиятини кучайтиришга қаратилган қатор минтақавий ташабbuslar амалга оширилмоқда. БМТЕИК томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Таракқиёт Дастири (БМТТД) ва Марказий ва Шарқий Европа учун атроф-муҳит бўйича минтақавий марказ билан биргаликда амалга оширилган иш бунга бир мисол бўла олади.<sup>20</sup> АМСБ ва АМСБ протоколини бажариш қобилиятини ривожлантириш мақсадида минтақавий ташабbuslarга қўшилишни ушбу масалаларнинг айни пайти келгани ва муҳимлиги туфайли Ўзбекистон хукумати кўриб чиқса, арзир эди.

#### **9.4 Мониторинг ва ҳисбот (жумладан инвентарь рўйхати) механизмлари**

БМТИЎАК доирасида I-иловага киритилмаган мамлакат сифатида Ўзбекистоннинг мажбуриятлари ИГлари эмиссиясини ўлчаш ва заарга мойилик ва юмшатишни ўрганиш билан чекланади.

БМТИЎАК доирасида I-иловага ва Киото Протоколини В-иловасига киритилмаган мамлакат сифатида, Ўзбекистон вақти-вақти билан миллий ахборотни, хусусан, иқлим ўзгаришини юмшатиш, унга мослашиш ва мамлакатнинг заарга мойиллиги аҳволи тўғрисида миллий ҳисботни тайёрлаб БМТИЎАКга тақдим этади. Ҳозиргача Ўзбекистон икки миллий ахборотни тақдим қилди. Биринчи Миллий аэборот икки қисмда, 1999 bad 2002 йилларда тақдим этилди. Иккинчи қисмда асосан биринчи қисмда қамраб олинмаган заарга мойилликни баҳолаш қамраб олинди.

Иқлим билан боғлиқ тадқиқот ва баҳолаш атроф-муҳит учун мақбул технологиялар ва амалиётларни тарғиб қилиш ва киритиш орқали турли секторларда юмшатиш салоҳиятини баҳолашни қамраб олган 2008 йил Иккинчи миллий ахборотда кенгайтирилди. Шунингдек унда мамлакатда иқлим ўзгаришининг салбий ижтимоий, иқтисодий ва экологик оқибатларини камайтириш мақсадида устун мослашиш стратегия ва чоралар белгиланди. Нихоят, унда энг муҳим секторларни қамраб олган заарга

<sup>20</sup> АМСБ Протоколи: Собиқ Совет Иттифоқининг айрим мамлакатларида бошлангич имкониятларни ривожлантириш ( SEA Protocol: Initial Capacity Development in Selected Countries of the Former Soviet Union) билан [http://www.unece.org/env/sea/eeca\\_capacity.htm](http://www.unece.org/env/sea/eeca_capacity.htm). танишиш мумкин

мойилликни баҳолаш ва қалтисликларни бошқариш стратегиясининг бир қисми сифатида эрта огоҳлантириш тизимини ривожлантириш зарурати тақдим этилди.

БМТИЎАК доирасидаги мажбуриятларининг бар қисми сифатида Ўзбекистон вақти-вақти билан ИГлари эмиссияси ва Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреал протоколи доирасига кирмайдиган газлар абсорбциясини рўйхатга олади ва маълумотни тақдим этади. ИГлар инвентар рўйхатини Ўзгидромет олиб боради. Статистика давлат қўмитаси маълумотнинг асосий манбаидир. Эмиссия омиллари тўғрисидаги маълумотни Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекэнерго (давлат акциядорлик компанияси ва собиқ Энергетика вазирлиги), Ўзбекнефтгаз (миллий холдинг компанияси), Ўзқўрилишматериаллари (миллий акциядорлик компания), Ўзкимёсаноат (давлат акциядорлик компанияси) ва Ўзкоммунхизмат (коммунал хизматлар учун мутасадди орган) тўплайди.

Глобал экологик жамгарма ва БМТТД томонидан маблағ билан таҳминланган биринчи ИГлари рўйхатини Ўзбекистон 1999 йилда БМТИЎАК доирасида ўзнинг Биринчи миллий ахбороти қисми сифатида тайёрлаган эди ва ИГларининг 1990 ва 1994 йиллардаги эмиссиясини баҳолади. Иккинчи миллий ахборотни тайёрлаш чоғида маълумот базаси янада яхшиланди.

Ўзбекистоннинг мониторинг ва ҳисбот тизимида сезиларши ютуқларга эришилганлигига қарамай, ҳали ҳам қатор жиддий масалалар бор. Миллий ахборотлар ва рўйхатлар даврий бўлиб мамлакатдаги йиллик ўзгаришни қамраб олмайди – ҳозирда тўрт йиллик нукта (1990, 1994, 2000 ва 2005 йиллар) мавжуд. Гарчи йиллик ҳисбот I-иловага киритилмаган мамлакат сифатида Ўзбекистоннинг мажбурияти ҳисобланмаса-да, мунтазамроқ мониторинг худуддаги, масалан, электр энергияни ишлаб чиқаришда газни кўмир билан алмаштиришга қаратилган йирик дастурларнинг ҳали тўлалигича тушиниб етилмаган ёки баҳоланмаган таъсири тегишли ўзгаришларнинг аниқроқ манзарасини кўрсатган бўлур эди.

Бироқ, ўлчов вақти-вақти билан ва кам олиб борилиши каттароқ масала, хусусан бутун тизим ташқаридан маблағ билан таъминланишининг белгисидир. Биринчи ва Иккинчи миллий ахборот ҳолларида шундай бўлди ва учинчи ахборотда ҳам шундай бўлади. Вазият миллий ахборотнинг қисми сифатида маблағ билан таъминланадиган ИГлари рўйхатига ҳам таъсир қиласи. Натижада, БМТИЎАК га қўшилишдан 16 йил ва Киото протоколини ратификация қилгандан 10 йил кейин мамлакатда ИГлари эмиссиясининг барқарор мониторинги тизими ишлаб чиқмаган. Бундан ташқари, рўйхатда акс эттирилган ўлчовлар кўп ҳолларда ифлословчи компанияларнинг бевосита ҳисботи эмас, чамалаш ва воситачи омилларга асослангандир. Бу ҳолат ифлословчилар ҳақида ҳисбот бериш ва ифлословчи моддалар рўйхатидан фарқли ўлароқ, қисман ИГларини эмиссия қилувчи компаниялар учун бевосита ҳисбот бериш тўғрисида йўриқномалар мавжуд эмаслиги туфайли юзага келган.

Бу вазият мамлакатда ифлословчи моддалар борасида мониторинг, ҳисбот ва ўзи ҳақида ҳисбот беришга тегишли тажриба ва қобилият ҳозирлигига қарамай мавжуд. Мавжуд ифлословчи моддалар миллий рўйхати ушбу фаркнинг яхши далилидир. Атроф-муҳит мониторинги борасида мавжуд қобилият ва ноу-хау самаралироқ ишлатилишини таъминлаш мамлакатда иклим ўзгаришини юмшатиш ва унга мослашишни тарғиб қилиш ишида катта ёрдам бўлур эди. Ҳозирги пайтда ТМДҚ ифлословчи моддалар тўғрисида статистик ҳисботларни назорат қиласа, Ўзгидромет ИГларига тегишли статистик ҳисботларни назорат қиласи.

## **9.5 Глобал Тоза ривожланиш механизмида иштирок**

Ўзбекистон МРМда БМТИЎАК га I – иловага ва Киото Протоколига В-иловага киритилмаган мамлакат сифатида қатнашади. Ушбу механизм орқали зиммасида ИГлари эмиссиясини камайтириш мажбурияти бор В-иловадаги мамлакатларга Ўзбекистон каби ривожланаётган, умуман олганда эмиссияни қисқартириш В-илова мамлакатларига қараганда арzonроқ тушадиган мамлакатларга инвестиция орқали ушбу вазифани бажариш имконияти берилган.

Шарҳ пайтида Ўзбекистон Марказий Осиёда БМТИЎАКнинг МРМ Ижроия кенгashi рўйхатга олган лойиҳалар амалга оширилаётган ягона мамлакат эди. Хусусан, барчаси N<sub>2</sub>Oни қисқартиришга

қаратилган олти лойиха рўйхатга олинган эди. Лойихани рўйхатдан ўтказиш мухимдир, чунки ушбу жараён орқали бажарувчи агентлик (давлат ёки хусусий муассаса)га Тасдиқланган эмиссия кисқартиришлар (ТЭҚлар) берилади. ТЭҚ қийматининг қисми талаб қилинган инвестиция билан боғлиқ сарф-харажатни қисман қоплаш учун ишлатилиши мумкин. Умуман, шарҳ ёзилаётган пайтда 63 лойиха Идораларо кенгаш томонидан МРМга эҳтимол киритиш учун тасдиқланган эди.

Эришилган ижобий натижаларга қарамай, БМТИЎАК ижроия кенгаши рўйхатга олган ва шунинг учун ТЭҚ балларини олган барча лойихалар  $N_2O$  га тегишилди. Бирок,  $N_2O$  мамлакатдаги жами эмиссиянинг атиги 5 фоизга яқинини ташкил қиласди, ваҳоланки, аксарият эмиссия  $CO_2$  ва  $CH_4$ дан келиб чиқади. Дарҳақиқат, Идораларо кенгаш танлаб олган бошқа,  $CO_2$  ва  $CH_4$  кисқартишга қаратишган лойихларнинг ИГларини қисқартиш салоҳияти анча юкоридир. Масаланинг бир жиҳати TPM секторлар эмас, лойихалар замирида ишлаши билан боғлиқ. Натижада, лойиха амалга оширилишининг эҳтимоллиги нафақат ИГларини қисқартиш салоҳияти, балки талаб қилинадиган инвестициялар қийматига ҳам боғлиқдир.  $N_2O$  лойихалари учун сезиларли равишда камроқ инвестиция талаб қилинади ва улар шунинг учун мақбулроқ ҳисобланади, чунки ТЭҚнинг инвестицияга нисбати жуда юкоридир.

## **9.6 Хулоса ва тавсиялар**

Музликлар ва қор захиралари эриб бораётгани, иқлим моделларининг тобора бекарорлашуви, Орол денгизининг қуриб бориши ва буғланиш орқали қўпроқ сув йўқотилишининг белгилари, эскирган сугориш амалиёти ва инфратузилмаси Ўзбекистонда иқлим ўзгариши, сув хавфсизлиги ва ривожланиш ўртасидаги боғланишнинг замиридир. Сув ва энергиядан тежамсиз фойдаланишини қисқартишга қаратилган чоралар қабул қилиниши ва бажарилишини жадаллаштириш ва мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва барқарорликни таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги ривожланишининг барқарорроқ шаклларини рағбатлантириш ҳаёт тақозосидир. Мослашув компонентларга эга талайгина тармоқ дастурларининг мавжудлиги гарчи сиёсатни шакллантирувчилар орасида хабардорлик юкори даражада эканлигидан далолат берса-да, сиёсат ишлаб чиқиши нуктаи назаридан мамлакат миқёсида мувофиқлаштиришган ҳаракатга кўмаклашмайди ва шунинг учун ушбу мақсадларга эришишга олиб бормайди.

### **Тавсия 9.1:**

*Ўзгидромет Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси ва бошқа тегишили миллий органлар билан ҳамкорликда мумкин қадар қисқа муддатда мослашув миллий стратегиясини ишлаб чиқиши лозим.*

*Ҳукумат мослашув миллий стратегиясини қадар қисқа муддатда қабул қилиб тармоқ дастурлари, сиёсатни ва лойихаларни ушибу стратегиядан чиқариши лозим.*

*Энг устун вазифалар учун маблаг борлигини ҳукумат таъминлаб берииши лозим. Агар бунинг иложи бўлмаса, ҳукумат Тоза ривожланиши механизми каби жорий халқаро бозор механизмлари ёки халқаро ҳамжасият қўмаги орқали маблаг излаши лозим.*

Иқлим ўзгариши карор топтирган янги воқеликка энергетика сиёсатини, жумладан тарифларга асосланган ва асосланмаган чоралар орқали мослаш мақсадида сезиларли қадамлар қўйилди. Шунинг билан бирга, мамлакат энергетика сиёсатида энергия ишлаб чиқаришнинг ортиб бораётган қисми учун асос сифатида қўнгир кўмирга қайтиш билан боғлиқ йирик ўзгартришларни амалга оширмоқда. Хусусан, қўмир қазиб олишни уч баробар (таксиман 10 миллион тоннагача) ва қўмир ёқиши билан ишлаб чиқариладиган электр энергиянинг улушини тўрт баробардан кўпроқ (3,9 фоиздан 15 фоизгача) ошириш бажарилмоқда. Ҳозирча юкорида тилга олинган газдан кўмирга ўтиш дастурига тегишли ИГлари эмиссияси маъносида ҳеч қандай расмий чамалаш амалга оширилмади. Шунга қарамай, ТМДК лойихаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолайди.

### **Тавсия 9.2:**

*Ҳукумат Атроф-муҳитни стратегик баҳолаш бўйича протоколига (Эспу конвенцияси) аъзо бўлиши жараёнини бошлаб юбориши лозим.*

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат құмитаси амалдаги қонун ұжысшатларидаги атроф-муҳитта таъсирни бағолашынан өзгәріледі. Қоидаларни яққол равишида ИГларини қамрайдиган қилиб үзгартыши жараёнини ташаббус қилиши лозим.*

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат құмитаси жорий ұжыкүй шароитига атроф-муҳитни стратегик бағолашни тармоқ дастурлари ва стратегияларига ИГларини яққол равишида қамрайдиган қилиб үзгартыши жараёнини ташаббус қилиши лозим.*

Ўзбекистоннинг мониторинг ва ҳисобот тизимида эришилган сезиларли ютуқларга қарамай, ҳали ҳам қатор муҳим масалалар мавжуд. Миллий ахборотлар ва рўйхатлар вақти-вақти билан бажарилиб мамлакатдаги йиллик үзгаришларни қамраб олмайди. Гарчи Ўзбекистон I-илова мамлакати бўлмаса ва шунинг учун йиллик ҳисобот тақдим этиш унинг халқаро мажбуриятларига кирмаса ҳам, ҳудудаги үзгаришлар, жумладан энергетика тармоғидаги үзгаришларнинг аниқроқ манзарасига эга бўлиш учун кўпроқ мунтазам мониторинг зарур. Бу вазият мамлакатда ифлословчи моддалар соҳасида мониторинг, ҳисобот ва ўзи тўғрисида ҳисобот беришда тегишли тажриба ва қолибият борлигига қарамай мавжуддир. Атроф-муҳит мониторинги борасида мавжуд қобилият ва ноу-ҳау самаралироқ ишлатилишини таъминлаш мамлакатда иқлим үзгаришини юмшатиш ва унга мослашишни тарғиб қилиш ишида катта ёрдам бўлур эди.

#### Тавсия 9.3:

*ИГларининг ишончлироқ рўйхатини ҳосил қилиши мақсадида ҳукумат:*

- (a) *ИГларини мониторинг ва рўйхатга олии барқарор тизими ишлаб чиқилишини, жумладан зарур бюджет ресурсларини ушибу мақсадда таъминлаш орқали кафолатлаши;*
- (b) *Мамлакатнинг ИГлари рўйхатига тегишли статистик ҳисобот беришидаги энг муҳим иштирокчилар орасида ҳамкорликни таъминлаши лозим.*

Эришилган ижобий натижаларга қарамай, БМТИЎАК ижроия кенгаши рўйхатга олган ва шунинг учун ТЭК балларини олган барча лойихалар  $N_2O$ га тегишилди. Бироқ, Идоралараро кенгаш танлаб олган бошқа,  $CO_2$  ва  $CH_4$  қисқартишга қаратишган лойихларнинг ИГларини қисқартиш салоҳияти анча юқоридир. Бунинг устига, мамлакатнинг электр энергиясини ишлаб чиқаришда газдан кўмирга ўтиш мақбул кўрилган энергетика сиёсати натижаси ўлароқ ИГлари эмиссиясининг ортиш эҳтимоли бор.

#### Тавсия 9.4:

*Ҳукумат:*

- (a) *Айниқса  $CO_2$  ва  $CH_4$  эмиссияси маъносида юмшатилиши салоҳияти юқори бўлган лойихаларга муносиб аҳамият берини;*
- (b) *Мамлакатнинг янги энергетика сиёсатининг қими бўлган қўнгир кўмир ёқини ва қазиб олии ошиши натижасида  $CO_2$  ва  $N_2O$  эмиссияси ўсмаслигини таъминлаши лозим.*



## **ИЛОВАЛАР**

**I-илова: Биринчи шарҳ тавсияларини бајсариш**

**II-илова: Атроф-муҳит соҳасидаги айрим минтақавий  
ва глобал битимлар**

**III-илова: Танланган иқтисодий ва экологик  
индикаторлар**

**IV-илова: Ўзбекистондаги атроф-муҳитга доир  
асосий қонун ҳужжатлари**



## I-илова

# **БИРИНЧИ ОБЗОР ТАВСИЯЛАРИНИ БАЖАРИШ\***

**I-қисм: АТРОФ-МУХИТ СИЁСАТИ ВА БОШҚАРУВИ УЧУН ШАРОИТ**

**1-боб: АТРОФ-МУХИТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРИ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАШКИЛЛАШТИРИШ**

Тавсия 1.1:

Олий Мажлис: • қонунчиллик жараёнини тақомиллаштириши ва қонунчиллик ва ижроия ҳокимиятларнинг қонун тайёрлаш фаолиятини уйғунлаштириши; • ижро этиши низом ва тартиблари мувофиқ равишда ва ўз вақтида ишлаб чиқишини таминлайдиган маъмурӣ тартиб-қоидаларни қабул қилишини кўриб чиқиши лозим. Экологик қонунларда табиатдан фойдаланувчилар қонунни қандай бажарии лозимлигини изоҳлайдиган қоидалар бўлиши керак. Қонун қоидаларида ҳукумат қабул қилган низом ва тартибларга ҳавола бўлиши керак.

2001 йилдан бери қонун яратиш жараёни ва қонунчиллик ва ижроия ҳокимиятнинг қонун яратиш фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида қарот қонун ва қонун ости ҳужжатлар қабул қилинди. Масалан, 2003 йилги Олий Мажлис Қонунчиллик палатасининг Регламентида қонунчиллик палатасида қонун ва низом лойиҳалари кўриб чиқилиши жараёнлари баён этилади. 2003 йилги Олий Мажлис Сенатининг Регламентида Сенатда қонун ва низомлар кўриб чиқилиши жараёнлари баён этилади. Биргаликда ушбу икки қонун Олий Мажлис икки палатасининг фаолиятини мувофиқлаштиради.

2004 йилги “Баъзи қонунчиллик ҳужжатларига ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритилиши ва бекор қилиниши хақида” қонун меъерий-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тегишли давлат органларига тақдим этиш тартиб-қоидасига бағишиланган. “Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва Олий Мажлиснинг Қонунчиллик Палатасига тақдим қилиш тартиби” тўғрисида қонун 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган эди. 2006 йилги “Қонунчиллик иши бўйича Ҳукумат режаларини тузиш ва қабул қилиш ҳамда ижроси мониторинги тартиби хақида” Қарор билан ҳукумат зиммасига қонунчиллик фаолиятининг йиллик режаларини тузиш вазифаси юқланади.

Биргаликда ушбу қонун ва қонун ости ҳужжатлар қонунларни режалаштириш, ишлаб чиқиши, келишишириш ва қабул қилиш ижроия ва қонунчиллик жараёнларини, ва шунингдек ишросининг мониторинги жараёнларини тўлиқ белгилайди.

Тавсия 1.2:

*Стратегик ҳужжатлар, жумладан Атроф-муҳит муҳофазаси учун миллий чора-тадбирлар режасаси ва Атроф-муҳит ҳаракати миллий режасаси ижро дастурлари, шу қатори қонунчиллик ва институциявий чоралар ва белгиланган молиялаштириши билан қўллаб-қувватланиши зарур.*

Тегишли давр мобайнида икки кетма-кет ижро режаси ишлаб чиқилди. Биринчиси Иқтисодиёт вазирлиги ишлаб чиқкан ва мувофиқлаштирган 1999–2005 йилларга мўлжалланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш дастури эди. Иккинчиси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (ТМДҚ) ишлаб чиқкан ва мувофиқлаштирган 2008 йил 2008–2012 йилларга мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат дастуридир.

Атроф-муҳит ҳаракати миллий дастурини бажаришга қаратилган бошқа муҳим стратегиялар, жумладан, 2002 йил Сув билан барқарор таъминлаш интеграллашган концепцияси, 2001 йил Сугориш ва дренаж

\* Ўзбекистоннинг биринчи шархи 2001 йилда бажарилган эди. Иккинчи шарх давомида АҲШ гурухи биринчи шарх тавсияларининг бажарилишини мамлакат тақдим этган ахборот асосида баҳолади.

тизимини ривожлантириш стратегияси, 2000-2005 йилларга мўлжалланган сугоришни ривожлантириш миллий дастури ва 2002 йил Энергетика самарадорлиги дастуридан иборат.

Бундан ташқари, 2001 йилдан бери Атроф-мухит ҳаракати миллий дастурининг қисмларини бажаришга хукуқий замир яратган қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. Бажариш ва мониторинг талайгина қонун ости хужжатлар ва низомлар билан янада кучайтирилди (Тафсилотларни иккинчи Атроф-мухит ҳолати шархи (АҲШ), 1-бобда кўринг).

#### Тавсия 1.3:

*Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси атроф-мухитга оид ахборотни жамоатчилик олиши имконияти тўғрисида ҳужжат қабул қилишлари лозим. Бунда ахборот ҳажми, тури ва шакли ҳамда тарқатиши ва фойдаланиши тартиби қўрсатилиши керак. Вазирлар Маҳкамаси ижроия органлари атроф-мухитга тегишили ахборотни бера олишиларини таъминлаши мақсадида уларнинг тузилмаси, ваколатлари ва мажбуриятларини қайта кўриб чиқиши лозим. Тегишили ижроия органларига ахборотни тўплаш, таҳлил қилиши ва эълон қилиши учун етарлича ходимлар керак бўлади.*

Ўзбекистон жамоатчилик ахборот, жумладан атроф-мухит тўғрисидаги ахборотни олиш имкони тамойилларини тарғиб қилувчи баъзи нарматив-хукуқий хужжатларни қабул қилди. Бу 2002 йилги “Ахборот эркинлиги тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида” конун, 2002 йилги “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида” конун янги таҳрири ва 2007 йил Вазирлар Маҳкамаси Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалangan ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаларга тегишли.

#### Тавсия 1.4:

*Вазирлар Маҳкамаси хусусийлаштиришдан аввал атроф-мухитга етказилган зарарни баҳолаш учун тегишили низомни қабул қилиши ва ўтмиидаги ифлослантириши учун жавобгарликни белгилаши лозим.*

Масалан 2002 йил Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунда маҳсус жавобгарлик назарда тутилган, аммо ушбу қонун хусусийлаштиришдан аввалги зарар ёки илгариги ифлослаш учун татбиқ этилмайди. Атроф-мухит жиҳатидан баҳолаш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва қазиб олиш жараённида зарар кўрган ерлар ва бошқа табиат обьектларини тиклаш қазиб олиш тармоғининг масъулиятларидан бири бўлиб ушбу мажбуриятнинг муддати тугамайди. Бироқ бу хусусийлаштиришдан аввалги зарарга нисбатан татбиқ этилмайди.

Адлия вазирлиги рўйхатга олган ҳозирги синов лойиҳа аҳамиятга эга. Бу лойиҳада атроф-мухитга етказилган зарарни баҳолаб чора кўриш учун ишлатилиши мумкин бўлган жараёнларнинг методологик замирини яратишга ҳаракат қилинади. Муайян саноат фаолиятининг таъсири иқлим, топография ва ўсимликлар билан қопланиш каби омилларга қўра турли бўлиши мумкинлиги туфайли синов лойиҳаси вилоятма-вилоят асосда бажарилмоқда.

#### Тавсия 1.5:

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси биргаликдаги лойиҳаларни амалга ошириши учун нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташаббус қўрсатилиши лозим. Шунингдек, у илмий тажсрибаси бор ННТлар экологик қарорларнинг илмий жиҳатларидан Кўмитага маслаҳат бершилари мумкин бўлган жараённи олга суриши лозим. Тарғибот гуруҳлари судлар ва фуқаролар учун атроф-мухитга тегишили низолар ва фуқароларнинг экологик хукуқларини ҳимоя қилишида юзага келадиган жараёнлаг тўғрисида ўйриқномалар нашит қилишлари керак.*

ТМДҚ экологик нодавлат ташкилот (ННТ)ларга ўзининг Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғармаси хисобидан молиявий ёрдам қўрсатиб келмоқди. Экологик таълим жараёнлари учун грантлар ажратиб келинди. ННТлар билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ТМДҚ ННТларининг коалицияси бўлган Европа ЭкоФоруми билан ўзаро тушуниш меморандумини имзолашни режалаштирумокда. У худудий бўлимлари учун ННТлар билан ҳамкорлик қилиш тартиб-коидалари ва соҳалари тўғрисида тавсиялар тайёрлади. ТМДҚ яқин келажакда жамоатчилик маслаҳат кенгашни

ташкил қилишни кўриб чиқмоқда. ТМДҚ коллегия мажлислариға ихтисослашган ННТлари вакилларини таклиф этиб жамоатчиликни шундай хужжатлар муҳокамасига жалб этади.

#### Тавсия 1.6:

*Вазирлар Маҳкамаси Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитасининг мувофиқлаштириши ваколатини кучайтирувчи ва аниқлаштирувчи хужжат қабул қилиши лозим. Мувофиқлаштириши ваколатига экологик қонун ҳужжатларининг бажарилишини баҳолаш ва қонунларни бажарши учун керакли низом ва тартибларни ишлаб чиқши режсаларни қабул қилиши ҳам кириши лозим. Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси бошқа вазирлик ва агентликлар билан маслаҳатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиши борасида кўп секторларги тегишли сиёсатни ишлаб чиқши ҳуқуқига эга бўлиши лозим.*

2003 йил Давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги Президент Фармонига мувофиқ ТМДҚ нинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликка тегишли мувофиқлаштириши ваколатлари кучайтирилди. Шунингдек, ТМДҚ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида шахрлар тўплаш ва консенсусга эришиш мақсадида бошқа вазирлик ва идораларга тарқатиладиган кўп тармоқларга тегишли атроф-муҳитни муҳофаза қилиш стратегияларни ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташкари, ТМДҚнинг мониторинг вазифасини тартибга солувчи қатор низомлар Кўмитанинг атроф-муҳит борасидаги қонун ҳужжатларининг ижросини баҳолаш ваколатини кучайтириди. Қўйидагилар шу жумладан: (i) 2002 йил Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори; (ii) 2006 йил Вазирлар Маҳкамасининг 2006–2010 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори; (iii) 2003 йил Вазирлар Маҳкамасининг 2003–2005 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида атроф муҳит мониторинги дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори; (iv) ТМДҚ 2003 йил 2 октябрь куни қабул қилган ифлослантириш манбаларини мониторинги методологияси; and (v) ТМДҚнинг Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида дарё суви сифати ва ифлосланниш манбалари мониторингининг мукаммал тизими тўғрисидаги 38-сон бўйруғи орқали Вазирлар Маҳкамасининг 2003 401-сон қарорини бажариш. Мониторинг маълумотари мунтазам равишда Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тақдим этилади.

## **2-боб: АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВОСИТАЛАРИ**

#### Тавсия 2.1:

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ҳамда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан биргаликда ифлослантириши учун тўловларнинг мавжуд тизмини самаралироқ қилиши ва ифлословчиларги ифлослантиришини камайтириши мақсадила инвестициялар қилишга рагбат яратиш учун ислоҳ қилишилари лозим. Буни қўйидагилар орқали амалга ошириши мумкин: тўлов ӣигиб олинадиган ифлословчи моддалар сонини камайтириб асосийларига дикъатни қаратиш; тўловни ифлослантиришини камайтирига рагбат яратадиган даражага босқичма-босқич кўтариши; ва атроф-муҳит органларининг қарор қабул қилиши ихтиёрини камайтириши.*

Сўнгги АХШ дан кейин ифлослаш бадаллари тизимида ифлослашни камайтиришга инвестиция қилишга кучлироқ рағбат яратувчи қатор ислоҳотлар амалга оширилди. 2006 йил ислоҳоти натижасида эмиссия ва чиқаришлар учун тўлов миқдори асосий даражадан 10 баробаргача юқорироқ бўлиши мумкин. Ставкалар нарх-наво ошганлигини ҳисобга олиш учун кўтарилди. Бироқ, ифлослаш бадаллари тизимини ифлословчи моддалар сонини қисқартириб, кўпроқ эътибор беришга қаратилган ислоҳотга кўл урилмади. Экология назоратчиларнинг тўловларни ӣифиб олиш вазифаси риоя қилишга ва шу орқали ифлослашни пасайтиришга салбий таъсир кўрсатди.

#### Тавсия 2.2:

*Молия вазирлиги ва Коммунал хизматлар агентлиги сув ва чиқиндини бошқарши хизматини такомиллаштириши ва хизмат кўрсатиш корхоналарга сарфни қоплаши асосида фаолият кўрсатиш имконини берши мақсадида секторлар бўйича молиялаши стратегиясини ва коммунал хизматлар учун молиялаш механизмларини ишлаб чиқшилари лозим.*

Коммунал хизмат корхоналарининг молиявий ахволини кафолатлаб тадрижан хажатларни қоплаш даражасига етказиш йўлида муайян ижобий ўзгаришлар юз берди. Фуқароларнинг муайян тоифалари (уруш фахрийлари, нафақаҳўрлар, ўқитувчилар ва бошқалар)нинг имтиёzlари энди бевосита бюджетдан қопланади (2003.27.03даги ПФ-3227 ва 2005.13.04даги ПФ-3596 Президент Фармонлари). Бироқ, ушбу корхоналар тўловларни йигиб олиш ва инвестиция эҳтиёjlарини қоплаш учун ҳаддан ташқари паст тарифлар муаммосига ҳанузгача дуч келмоқда. Сурункали молиявий муаммолар натижасида 2006.17.08даги ПҚ-445 Президент Фармони билан уларнинг молиявий ахволини мустаҳкамлаш учун баъзи қарзслари ўчирилди.

#### Тавсия 2.3:

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ва Макроқўтиносидиёт ва статистика вазирлиги билан биргаликда атроф-муҳит соҳасидаги сиёсат учур маҳсулот тўловидан кенгроқ фойдаланишини баҳолашлари лозим. Атроф-муҳит учун мақбул маҳсулот ишлаб чиқарилишини разғбатлантириши учун солиқлар дифференциациясини жорий қилишини кўриб чиқши лозим. Биринчи босқичда мезонлар аниқланиб, маҳсулот танлаб олинини керак; кейинги босқичда маҳсулот тўловининг самараదорлики ва таъсирчанлиги таҳлил қилинади.*

Атроф-муҳит учун хавфли товарлар ишбал чиқариш учун тўлов тизими Ўзбекистон ҳали жорий қилинмаган. 2007 йил Солик кодексида атроф-муҳит учун мақбул маҳсулот ишлаб чиқарувчиларини разғбатлантириш қоидалари йўқ. Ушбу тавсия ҳанузгача бажарилган эмас, ваҳоланки атроф-муҳит учун зарарли баъзи товарларни ишлаб чиқариш учун йигим жорий этиш мухокама этилмоқда.

#### Тавсия 2.4:

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси атроф-муҳит соҳасидаги илмий тадқиқот ишларини экологик жамғармалар томонидан молиялаштириши механизмини ҳам мамлакат даражасида, ҳам вилоят даражасида такомиллаштириши лозим. Ушбу механизмлар инвестиция учун устунликни белгилаш ва экологик жамғармаларнинг молиявий ресурсларидан фойдаланиши самараదорлигини оширишига ёрдам беради.*

Экологик жамғармалар олувчи даромаднинг ошиб бориши ушбу экологик жамғармалар орқали сарфланадиган атроф-муҳит учун харажатлар микдорини ошириш имконини яратди. Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғармаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш 1999–2005 йиллар дастурини бажаришда дастлаб назарда тутилгандан муҳимроқ роль ўйнади. Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғармаси атроф-муҳит учун харажатларнинг ишончли манбаи эканлиги исботлангач, у 2008–2012 йилларга мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат дастури назарда тутилган харажатларнинг кўпроғини, жами миқдорнинг 14–16 фоизига етадиган қисмини молиялаши кутилмоқда. Маҳаллий жамғармалар устидан назорат ўрнатиш жами харажатнинг 40 фоиздан кам бўлмаган қисми экология учун мақсадли сарфлашини кафолатлайди. Бироқ, этишилган натижаларга қарамай, ҳамон қабул қилиш механизми ва лойиҳаларнинг талабларга мослиги мезонлари транспарентлигига тегишли ечилмаган масалалар мавжуд.

#### Тавсия 2.5:

*1998 йилда жорий этилган 1% экологик солиқ тўловни корхоналар учун мақбулроқ қилиши ва атроф-муҳит соҳасидаги чора-тадбирларни молиялаш манбаларини кўпайтириши учун уни атроф-муҳит мақсадларига сарфланиши белгилаб қўйилиши лозим. Ушбу солиқдан тушган даромадни бошқа мақсадларга йўналтириши учун Вазирлар Маҳкамаси қонунга ўзгартириши киритиши шарт. Бундай ўзгартириши Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси, Макроқўтиносидиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси тақлиф қилиши мумкин. (Тавсия 3.4. ҳам кўринг)*

Экология солиги хўжалик юритувчи субъектларга солик юкини енгиллаштириш умумий сиёсатнинг қисми сифатида 2006 йилда бекор қилинди. Номига қарамай, бу солик ҳеч қачон атроф-муҳит учун мақсадли йўналтирилмаган эди. Бундан ташқари, у корхонанинг жами харажати асосида фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсири ёки фаолият тури хисобга олинмай ундирилигани учун экология солиги иқтисодий восита, деб қаралиши мумкин эмас.

### **З-боб: ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА ЭКОЛОГИК БОШҚАРУВ ВОСИТАЛАРИ**

#### **Тавсия 3.1:**

Либераллаштириши ислоҳоти жараёни давомида Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ҳам қисқа муддатли, ҳам узоқ муддатли яхши белгилаб олинган, иқтисодиёт ва атроф-муҳит учун яниқ афзаликларга эга сони чекланган устун дастур ва лойиҳаларни белгилаб олиши лозим.

Экологик ҳаракатлар шарт-шароитини таърифлашда бир мунча ижобий натижаларга эришилди. ТМДҚ 2008 йил 2008-2012 йилларга мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат дастури шакллантириш ва бажариш учун масъулдир. Бироқ, ҳукуматнинг бошқа органлари билан ҳаракатни мувофиқлаштириш даражаси чекланган. Дастур консерватив режалаштириш машғулотидир, унда дикқат-эътибор жамоатчилик иштирокида кенгрөқ жараён орқали экологик муаммоларни аниқлашга эмас, балки ТМДҚ келиб тушадиган, деб ҳисоблайдиган молия эвазига қилиш мумкин бўлган чораларга қаратилади. Гарчи 2007 йил 2008-2010 йилларга мўлжалланган фаровонликни ошириш стратегияси баъзи экологик масалаларни қамраб олган бўлса ҳам, батафсиллик даражаси чекланган. Умуман, кузатилган ижобий натижаларга қарамай, экологик масалалар ва иқтисодий оқибатлар орасидаги боғланиш ҳамма вакт ҳам аён қилиб кўрсатилмайди.

#### **Тавсия 3.2:**

Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги билан йиллик хусусийлаштириши дастурларида атроф-муҳитга тегишили мажбуриятлар тўлалигича ёритилишини таъминлаши лозим. Таклиф қилинадиган қоидаларга корхона ёки жойнинг экологик ҳолатини таърифлаши мақсадидаги хусусийлаштиришидан аввалги ҳаракатлар рўйхати ва атроф-муҳитнинг ифлосланганлигини тозалаши ва экологик вазиятни назорат остига келтириши чоралари таърифи киритилган булиши лозим. Хусусийлаштиришидан тушган даромаднинг бир қисми (5%игача) хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг экологик муаммоларини ечишига йўналтирилиши лозим. Экологик аудит мажбурий бўлиб хусусийлаштириши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилиши лозим. Тавсия 1.4ни ҳам кўринг.

2003–2004 ва 2005–2006 йиллар хусусийлаштириш дартурлари, 1999 йил Вазирлар Маҳкамасининг 2001–2002 йилларда хусусийлаштириш қарори ва 2006 йил 2006–2008 йилларда хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш тўғрисидаги Хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш тўғрисидаги Президент Фармонида бундай экологик мажбуриятлар тўғрисида ҳеч қандай қоида мавжуд эмас. Давлат мулки бўлган обьектларни хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда фақатгина атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инфратузилмани баҳолаш талаб қилинади. Хусусийлаштирилган корхоналарнинг экологик муаммолари хусусийлаштиришдан тушган даромад ҳисобидан молияланиши мумкин бўлган харажат, деб ҳисобланмайди. Хусусийлаштирилганда экологик аудит мажбурий эмас; 1991 йил Хусусийлаштириш тўғрисидаги конунда ёки 2006 йил Давлат мулки бўлган обьектларни хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда ҳам бунда талаб йўқ.

#### **Тавсия 3.3:**

Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси Соғлиқни сақлаши вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳамда Ишлаб чиқарши ва қазиб олиш саноатида хавфсизлик қўмитаси билан ҳамкорликда экологик рухсатлар тизимини атроф-муҳит соҳасида тартибга солишнинг тамал тоши сифатида янада ривожлантириши лозим. Рухсатларин тартибга соладиган қоидалар аниқ таърифланган бўлиши ва риоя қилишини баҳолаш учун маҳсус индикаторлар киритилган бўлиши лозим. Риоя қилишига ёрдам берган ергарда Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси ва йирик корхоналар атроф-муҳитни муҳофаза қилиши мақсадида ўз ихтиёrlари билан битимлар тузилилари лозим. Бундай битимлар иқтисодиётнинг турли секторларида мамлакат ва вилоят миқёслирида тузилиши мумкин. Тавсия 9.3ни ҳам кўринг.

Ўзбекистонда экологик рухсатлар тизими ишлаб чиқилмаган ва экологик рухсатномалар учун аниқ ифодаланган қоидалар мавжуд эмас. Аслида, унинг ўрнига Ўзбекистонда давлат эмиссия лимитлари қийматининг экологик экспертизаси воситаси қўлланади. 2005–2006 йилларда ҳаво эмиссияси, сувга оқизиш ва чиқиндаларни олиб чиқариш учун эмиссия лимит қийматларини ҳисоблаш учун янги

алоҳида-алоҳида қоидалар қабул қилинди. Улар ифлословчи моддаларни тартибга солишга интеграллашган ёндашувга асосланган эмас. Бундай ташқари, ушбу қоидаларда тасдиқланган эмиссия лимитларидан бошқа талаб ва мувофиқликни ўлчаш умун хусусий индикаторлар ҳар бир кўриб чиқилаётган корхона учун экологик экспертиза давлат органи томонидан қандай қилиб таърифланганлигининг равshan манзарасини бермайди.

Гарчи янги қоидаларда корхоналар эмиссия лимитлари қийматининг лойиҳаси билан бирга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чоралари таклиф қилиниши кераклиги тилга олинган бўлса-да, уларга таклифларни ТМДК кўриб чикиши ва маъқуллашига тегишли кўрсатмалар киритилмаган. Давлат органлари ва мамлакатдаги компаниялар орасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида кўнгилли битимлар тузиш амалиёт мавжуд эмас. Шунинг учун хозирда фаолият юритувчи хўжалик субъектлари учун тўлақонли руҳсатномалар тизими, деб ҳисоблаб бўлмайдиган эмиссия лимитлари қийматини тасдиқлаш жараёни мавжудлигига қарамай ушбу тавсия бажарилган эмас.

#### Тавсия 3.4:

*Инвестиция дастурларига керакли молиявий ёрдам кўрсатиш учун Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси Макроқўтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан ҳамкорликда табиий ресурслардан фойдаланиши учун самарали тўлов тизимини яратишлари ва атроф-муҳитни ифлослантириши учун тўлов тизимини тақомиллашириши лозим. Бунга 1% экология солигини қайта йўналтириши ҳам киради. Тавсия 2.5ни ҳам кўринг.*

Кўриб чиқилаётган даврда, гарчи ифлослаш бадаллари тизимида тўловларни йиғиб олиш экология назоратчилари зиммасига юкланиши билан даромад олиш имкониятлари яхшиланишига путур етказилган бўлса-да, имконият яхшиланди (Тавсия 2.1 бажарилишини кўринг). Бундан ташқари, табиий ресурс солиқларининг ставкалари оширилди. Тадрижий ўзгаришлар стратегиясига мувофиқ табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши рағбатлантириш мақсадида уларни янада ислоҳ қилиш режалари мавжуд. Бироқ, фақат ифлослаш бадалларидан тушган даромад экология вазифаларига мақсадли сарфланади.

#### Тавсия 3.5:

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси сектор дастурлари ва лойиҳаларини, жумладан Давлат инвестициялар дастурларини ишилаб чиқши, бажарии, назорат қилиши ва уларнинг самарадорлиги баҳолашда ўз ролини кучайтиши лозим.*

Давлат инвестициялар дастурига таъсир кўрсатишида ТМДК роли чекланганича қолмоқда. Бироқ, Табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат дастури 2008–2012 да, гарчи харажатлари тўлалигича баҳоланмаган бўлса-да, инвестиция дастури орқали молияланадиган қатор чоралар мавжуд. Секторлардаги турли дастурларнинг атроф-муҳитга амалда бўлган таъсирини баҳолашга қаратилган кенг тарқалган механизмлар мавжуд эмас.

### **4-боб: ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК**

#### Тавсия 4.1:

*Ўзбекистон ҳар иккала - Тургун органик ифлословчи моддалар тўғрисида (Стокгольм) конвенцияси (ТОИ) ва Халқаро савдо даги муайян хавфли кимёвий моддалар ва пестицидлар бўйича дастлабки хабардорлик шарти билан розилик тартиб-қоидаси тўғрисида Роттердам конвенциясига қўшилиши лозим. Ушбу қадамлар жаҳон экологик ҳамжасиятига тўла киришиб кетишни осонлаштирган бўлур эди. Ушбу халқаро битимларни бажарии учун мамлакат масъулияти Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси зиммасига юкланиши лозим.*

Тургун органик ифлословчи моддалар тўғрисида (Стокгольм) конвенциясига аъзо бўлиш таклифи Вазирлар Маҳкамасига учинчи марта тақдим этилди. Ўзбекистон 2009 йилнинг охиригача Конвенцияга расмий равишда аъзо бўлиши кутилмоқда. ТМДК ушбу Конвенцияга миллий мутасадди идора бўлиб фаолият кўрсатяпти.

Халқаро савдодаги муайян хавфли кимёвий моддалар ва пестицидлар бўйича дастлабки хабардорлик шарти билан розилик тартиб-қоидаси тўғрисида Роттердам конвенциясига аъзо бўлиш яқин йилларда кутилмаяпти. Миллий мутасадди орган деб белгиланган Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги Роттердам конвенциясига аъзолик ташқи савдонинг сусайишига олиб келиши мумкинлигини айтиб, салбий хулоса берди.

#### Тавсия 4.2:

*Ўзбекистон БМТЕИК конвенциялари: 1979 йил Узок масофали трансчегаравий ҳавони ифлослантириши тўғрисидаги конвенцияси, 1991 йил Атроф-муҳитга таъсирни трансчегара шароитда баҳолаш тўғрисида конвенцияси, 1992 йил Трансчегаравий оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиши ҳамда фойдаланиш бўйича конвенцияси ва унинг протоколлари, шунингдек 1992 йил Саноат фалокатларининг трансчегара таъсирни тўғрисида конвенциясига қўшилишини кўриб чиқиши, ва ушибу конвенцияларга кититишган стандарт ва тартибларни қўшини мамлакатлар билан тузилган икки тарафлама битимлар ва кичик минтақа атроф-муҳитни муҳофаза қилиши битимларга асос сифатида қўллашга барча чораларни кўриши лозим. Ушибу халқаро битимларни бажарии учун мамлакат мажбурияти Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (ҳаво, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва сув) ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (саноат фалокатлари) орасида тақсимланиши лозим.*

Ўзбекистон 2007 йил 4 сентябрда 1992 йил БМТЕИК Трансчегаравий оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиши ҳамда фойдаланиш бўйича конвенцияси (Сув конвенцияси) аъзо бўлди. Ўзбекистон хозирча Конвенциянга ўзгартириш ва қўшимчалар ёни унинг сув ва саломатлик ва фуқаролик жавобгарлик тўғрисидаги қўшимча протоколларига аъзо бўлмади.

Ўзбекистон 1991 йил БМТЕИК Атроф-муҳитга таъсирни трансчегара шароитда баҳолаш тўғрисидаги конвенцияга хозирча аъзо бўлмади, аммо жараён олиб борилмоқда ва яқин орада, балки 2009 йил тугамай, қўшилиш кутилмоқда.

1992 йил БМТЕИК Саноат фалокатларининг трансчегаравий таъсири тўғрисида конвенциясига келганда, қўшилиш имконияти муҳокама қилинмоқда. Шу орада эса, Ўзбекистон Конвенция фаолитида яқиндан иштирок этмоқда ва Конвенция доирасидаги ёрдам дастурининг бажариш босқичи яқинда бошланиши кутилмоқда. Шунингдек Ўзбекистон ушибу Конвенцияга дахлдор миллий институциявий структурани такомиллаштириди ва равшанроқ қилди.

Ўзбекистон 1979 БМТЕИК Узок масофали трансчегаравий ҳавони ифлослантириши тўғрисидаги конвенцияси ҳамон ратификация килмади.

1992 йил Сув конвенциясига киритилган стандарт ва тартиб-қоидалар қўшни мамлакатлар билан тузилаётган икки томонлама битимларнинг ва субмінтақавий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш битимларга тобора кенг миқёсда асос қилиб олиняпти, деб вақтинча хулосага келиш мумкин. Бошқа битимларга нисбатан бундай деб бўлмайди.

Ушибу БМТЕИК конвенцияларини бажариш масъулияти амалда турли вазирликлар орасида тақсимланган. Саноат фалокатлари тўғрисидаги конвенцияга нисбатан Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг вазифалари аниқланди. ТМДҚ ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг роли, вазифалар ва масъулияtlари бунчалик яхши таърифланган эмас.

#### Тавсия 4.3:

*Ўзбекистон Аархус конвенциясига қўшилиши имконини берувчи ички жараёнларни тезлатиб юбориши лозим. Ушибу Конвенцияга қўшилиши атроф-муҳитни бошқаришини ва жамоат демократик жараёнларни такомиллаштирап эди. Ушибу халқаро битимни бажарии учун мамлакат масъулияти Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси зинмасига юкланиши лозим.*

Хукумат Аархус конвенциясига қўшилиш жараённида. Атроф-муҳитни бошқаришга доир жамоатчилик демократик жараён сезиларши даражада такомиллашмади.

**Тавсия 4.4:**

Ўзбекистон ТАСИС лойиҳаларига Европа Иттифоқи органларининг асосий директива, қоидалар ва қарорларини расмий ўзбек (ёки рус) тилига таржисма қилиши лойиҳасини киритиш учун чора қўриши лозим. Ташаббусни ва сўнг лойиҳа натижаларини бажаришини Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси ЕИ билан тузилган битимлардирасида кўрсатишни лозим.

Бу тавсия бажарилмади. Ушбу тавсияга киритилган элементларни ҳар йили ТМДҚ уларни янада ривожлантириш ва Мустакил давлатлар ҳамдўстлигига техник ёрдам (ТАСИС) доирасида харакат учун Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Европа Комиссиялари техник ёрдамни мувофиқлаштириш бюросига юбориб туради.

**Тавсия 4.5:**

Ўзбекистон халқаро мажбуриятларини самарали бажариишига йўл очиши ва чет эл ёрдамидан самарали фойдаланиши учун атроф-муҳит билан боғлиқ хизматларнинг имкониятларини кучайтиши зарур. Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитасининг Халқаро алоқалар ва дастурлар бошқармасидаги ходимлар сонини оширишига, ахборот алмашуви ва мувофиқлаштиши учун халқаро комиссия (ёки бошқа орган) тайинлашига ва илмий-тадқиқот марказини барпо этишига ёки атроф-муҳитга тегишли конвенция ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳуэжжатлар, халқаро экологик муассасалар ва Ўзбекистонда халқаро қўмак билан бажарилаётган лойиҳалар юзасидан ахборот маркази вазифасини мавжуд орган заммасига юклашга эътибор қаратишни лозим.

ТМДҚ таркибида ахборот химати 2006 йилда жорий этилди. Унинг асосий вазифалари қуйидагича: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш ва экология хавфсизлиги соҳасида ахборот сиёсатини белгилаш ва ижро этишда қатнашиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги тегишли фаолиятни мамлакат ва халқаро оммавий ахборот воситаларида ёритиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресустлардан барқарор фойдаланиш соҳасида муҳокама, қарорлар қабул қилиш ва бажариш жараёнларида жамоатчилик иштирокити тарғиб қилиш; ва ТМДҚнинг Интернет ва веб-ресурсларини мувофиқлаштириш.

Ушбу ахборот хизматининг яратилиши балан тавсия қисман бажарилди. Бироқ, у турли икки тарафлама, минтақавий ва халқаро битимлар доирасидаги фаолиятни мувофиқлаштиrmайди, ва у асосан ТМДҚнинг ички хизматидир, хилма-хил воситаларда қатнашаётган вазирлик ва муассасалар орасида мувофиқлаштириш ваколатига эга эмас.

**Тавсия 4.6:**

Ўзбекистонда халқаро маблаг билан таъминланадиган экологик лойиҳалар, айниқса ноинвестиция лойиҳалари бўйича ички (вазирликлараро) мувофиқлаштиришини кучайтиши зарурати мавжуд. Буни амалга ошириши учун Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитасининг Халқаро алоқалар ва дастурлар бошқармаси таркибида бир кичик бўлинма тайинланиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ушбу орган лойиҳаларни тайёрлашида, Давлат қўмитасига ижерочи агентлик сифатида юклangan лойиҳаларни назорат қилишида, бошқа вазирликлар назорат қилаётган лойиҳалнинг самараదорлигини баҳолашида иштирок этар ва жамоатчиликка Ўзбекистонда амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисида ахборот бериб турар эди.

Вазирлар Маҳкамаси, парламент ва ижро этувчи вазирликлар таркибидаги бўлимлар халқаро тарзда маблаг билан таъминланадиган, жумладан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш лойиҳаларини мувофиқлаштиради. Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси таркибида тавсия баён этилган турли вазифалар учун масъул бўлим мавжуд. Мазкур бўлим ушбу лойиҳаларда қатнашаётган бошқа бўлимлар билан яқиндан ҳамкорлик қиласи.

## II-ҚИСМ: ИФЛОСЛАНИШ ВА ТАБИЙ РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ

### 5-боб: СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ

#### Тавсия 5.1:

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа мутасадди органлар минтаقا теварагидаги мамлакатларнинг сув хўжасигини бошқаришига алоқадор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда: • Давлатлараро сув мувофиқлаштириши комиссияда барча манфаатдор тарафлар вакиллари қантасишини таъминлаши; • Орол денгизи инқирозининг атроф-муҳитга, ижтимоӣ ва иқтисодий таъсири масаласига қаратилган ва сув ресурслари баҳам қўришишини, минтақада қишлоқ хўжалиги ва энергия ишлаб чиқарииши барқарорлигини инобатга олидигна секторлараро битимларни ишлаб чиқшии ва бажарииши; ва • битим бажарилиши учун инспекция ёки бошқа назорат органини барпо қилиши лозим.

Марказий Осиёнинг Сув масалаларини мувофиқлаштириш давлатлараро комиссия (СМДК)сининг 2008 йил 18 сентябрь куни қабул қилинган Низомига кўра таъсисчи мамлакат сув хўжалиги вазирликлари ёки бўлимларининг раҳбарлари ёки мамлакат ҳукуматларининг ваколатли вакиллари СМДК аъзолари ҳисобланади. Барча манфаатдор тарафлар СМДКда вакилларга эга бўлиши Низомда назарда тутилмаган.

Гарчи ишлаб чиқиш ва тасдиклаш узок вақт талаб қиласа-да, секторлараро битимлар фикри янги фикр эмас. Масалан, Сирдарё бассейнида сув ва энергия ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида янги битим тайёрланди. Бироқ, ушбу Битимда муайян бир вақт давомида ўзаро бир фикрга келаолмаган мамлакатлар орасида ечим топиши керак бўлган баъзи келишмовчиликлан бор.

#### Тавсия 5.2:

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва коммунал хизматлар агентлики ва саноат корхоналари теваракдаги бошқа мамлакатлардаги ҳамкорлар билан биргаликда минтақадаги сатҳ сувининг асосий манбалари янада заараланишининг олдини олии мақсадида Сирдарё ва Амударё бўйлаб жойлашган корхоналарда саноат оқава сувларига ишлов берши янги инишотларини қуришлари ёки мавжуд инишотларни яхшилашлари лозим.

Энг самарали ишлайдиган йирик саноат корхоналари сувни қайта ишлатиш технологияларини кўллади, бу охирги йилларда чиқинди сувни қайта ишлаш ҳажмининг ортиб боришига олиб келди. Ифлосланган саноат оқавасини оқизиши саноат қувватларининг пасайиб бориши ва, асосан, атроф-муҳит органларининг фаолияти туфайли тадрижан камайиб келди.

Бундан ташқари, бош дарёлар бўйлаб 300–500 м коридорда сув хавфсизлиги зоналарининг ва қирғок зоналарининг жорий этилиши 129 заарланган ерларда холат яхшиланиб боришига, ер усти ва тегишли ер ости сув захираларига хавфли моддаларнинг таъсири камайишига олиб келди.

#### Тавсия 5.3:

Гидрометеорология давлат маъмурияти, Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги теваракдаги бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда трансчегара сувларнинг, айниқса Амударё ва Сирдарёнинг мониторинг тизимини уйғунлаштиришилари лозим. Бунга сувни ифлословчи моддаларни ўлчаши учун бир хил аналитик услублар ва маълумотга ишлов берши ва уни солиштириши учун бир хил амалий дастурлар қўлланиши киради.

Амударё, Қашқадарё ва Зарафшоннинг муайян участкаларида сув сифатини интеграллашган кузатишни кучайтиришга қаратилган дастурлар тасдиқланди. Ўзбекистон, гарчи трансчегера вий сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда қўшнилари билан ҳамкорлик қиласа-да, сув сифатини мониторинг қилишда ҳамкорлик қилмайди.

#### Тавсия 5.4:

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги: • сув танқислиги ва сугории мақсадларида сув олии камайишии кераклиги тан олинган қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириши стратегиясини ишлаб чиқиб бажарииши; • ушбу стратегия асосида минтақада тасарруфдаги сув ресурслариниг миқдори ва

*сифатини ва ер шўрланишини инобатга олиб сугориладиган ерлардан фойдалани режасини ишлаб чиқиши; • сугории тизимини яхшилаш ва қишлоқ хўжалигида сувни ўлчашни жорий этиши; • қишлоқ хўжалиги секторини сув ресурсларини бошқариш ва сугории учун сувни тақсимлашга фаолроқ қатнашишига жсалб қилиши; • сувдан фойдаланувчилар уюшмасини барпо этиб сувдан фойдаланишининг иқтисодий ва хуқуқий қоидаларини ишлаб чиқиши; • давлат қишлоқ хўжалиги субъектларини хусусийга айлантириши орқали сув хўжалиги бошқарувини такомиллаштириш учун тартиб ва нормаларни ишлаб чиқиши; • Европа Иттилоғи мамлакатлари, айниқса қишлоқ хўжалиги миқёси катта бўлган мамлакатлар тўплаган тажрибани ҳисобга олиб сув хўжалигини дарё бассейни тамоийли асосида бошқарии тизимини ишлаб чиқиши лозим.*

Охиригина йилларда хукумат сугориш ва дренаж тармоқларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, канал ва суғриладиган далалардан сув йўқотишин камайтириш, сувни сақлаш ва сув билан кам таъминланган ерларда сувдан фойдаланиш имкориятларини ошириш каби самарадорликни оширишга қаратилган қатор чораларини қабул қилди.

Халқаро ташкилотлар ва донор мамлакатлар Ўзбекистоннинг турли даражаларда ва вилоятларида сугориш ва сувдан фойдаланиш механизmlарига оптимал ёндашувни намойиш этдилар. Давлат бюджетидан бош каналлар ва насос станцияларни тиклаш ва қайта таъмирлаш мақсадида тахминан 60 миллиард сўм (тахминан 40 миллион АҚШ доллари) ажратилди.

1999 – 2000 йилларда қарийб 1.700 сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) ташкил этилди. Ер ва сувдан фойдаланиш соҳасида СФУлари 2,8 миллион га ер, 70.000 км сугориш каналлари ва 50.000 км дренаж тармоғига хизмат кўрсатади.

#### Тавсия 5.5:

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Коммунал хизматлар агентлиги билан ҳамкорликда: • ичимлик суви стандартларини ЖССТ йўриқномасига мувофиқ равишда қайта кўриб чиқиши; • ичимлик суви инишоотларининг эксплуатация қоидаларини чиқарилаётган сувни хлорлашдан кўра, умумий сифатни таъминлашини мўлжал қилиб қайта кўриб чиқиши; • сув соҳасидаги иқтисофдий воситалар (жумладан истеъмолчилар тўлов миқдорини ҳисоблаш мақсадида сув ўлчагичларидан мунтазам фойдаланиши)ни баҳолаши ва, зарур ҳолларда, дастурларни кенгайтириб уй-жойларда сувдан оқилона фойдаланишини ўргатиши. • сатҳ сувини асраш ва муҳофаза қилиши учун коллектор-дренаж сувини минералсизлантириш ва қайта ишилаши инишоотларини қуриши лозим.*

Сув секторида ҳукуматнинг бош мақсади сувдан оқилона фойдаланишини тарғиб қилиш ва сув ресурсларни муҳофаза килишдан иборат. Шунингдек у сув сектори бошқарувининг самарадорлиги ва ишончлилигини яхшилаш, сув етказиб беришни кафолатлаш ва ҳам жамиятга, ҳам экотизимлар мавжуд инфратузилмаларни тиклаш, улардан фойдаланиш ва техник ҳолатини сақлаш учун муҳим хизматлар кўрсатишга ҳам ҳаракат қиласи. Атроф-муҳит ҳаракати миллий дастури ер усти ва ер ости сувнинг сифатини яхшилашга қаратилган давлат сиёсатини аввалдан белгилайди.

Бироқ, ичимлик суви таъминоти ва оқава тармоқларини тиклаш, шунингдек ичимлик суви янги қувурлари ва канализация инфратузилмасини қуриш учун ўрта ва узок муддатли давр муаммоларини ечиш учун халқаро молиялашни талаб қиласиган катта микдорда маблағ жалб қилиниши шарт.

Саноат чиқинди сувига келганда сувоқава корхоналари мунтазам равишда саноат субъектларининг ўзида оқава сувга ишлов беришга даъват қиласиган. Агар чиқинди рухсатсиз оқизилса, дарҳол оқибатни бартараф этиш чоралари талаб қилинади.

Ўстандарт олиб борган илмий тадқиқот асосида тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассислари гурухи O'z DST 950:2000 ичимлик суви: сифатга гигиена талаблари миллий стандартини ўйғунлаштириш устида илмий тадқиқот олиб бормоқда.

#### Тавсия 5.6:

*(а) Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси симоб, цианидолар ва хром каби юқори даражада токсик моддалар учун рухсат этилган концентрация (РЭК)ларни жорий этиши ва мавжуд рухсат*

этилган концентрация (РЭК)ларни ЖССТ ва ЕИ стандартларига мувофиқ кучайтиши лозим. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (ҚСХВ) ушибу стандартларга риоя қилиншини таъминлаши ва саноат корхоналари сувга оқизадиган токсик оқавага ишлов беришида АМҲМРнинг талабларини бажарииш лозим. (b) ҚСХВ ва Коммунал хизматлар агентлиги Сув билан таъминлашин ривожлантириши режасини бажарииш учун, хусусан истеъмол қилинган сувни ўлчаш ва мувофиқ равишда нарх белгилаш билан зарур молиявий ресурсларни яратишлари лозим.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария ва эпидемиология департаменти хузурида кимёвий, биология ва радиология лабораториялар мавжуд бўлиб, улар атом абсорбция спектроскопия, юкори сифатли суюқлик хроматография ва фермент анализ (ПЗР) жиҳозлари каби замонавий асбоблар билан таъминланган. Таҳлил қилиниши мумкин бўлган моддалар рўйхати Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва РЭКрўйхатларига мос.

2001 йилдан бери, симоб ва хром учун қўшимча РЭКлар киритилди. Ичимлик суви ва ичиш мақсадидаги ер ости суви О’з DST 950:2000 ичимлик суви: сифатга гигиена талаблари миллий стандартини асосида таҳлил қилинади.

Ушбу миллий стандартнинг 2.2-бандига кўра, агар манба инсон саломатлиги учун зарарли модда билан ифлосланган бўлса, лекин ҳозирча стандартга киритилмаган бўлса, Санитария ва эпидемиология департаментининг ҳудудий идоралари ушбу моддаларни таърифлаш учун қўшимча сифатни кафолатлашни киритиш ва уларнинг зарарли эмаслиги ўзларининг МАСлари асосида баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин.

#### Тавсия 5.7:

Чучук ер ости сувидан фойдаланиши ва уни тежаси режасини бажарииш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тезкор равишда тоза ер ости сувидан саноат ва сугории мақсадларида фойдаланишини қисқартириши чораларини қўриши шунинг билан бирга узоқ муддатли мақсадда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаши учун ер ости сувидан фойдаланишини чеклашини назарда туттиши лозим.

Кўп вилоятларда ер усти сувини ер ости суви ўрнига ишлатишнинг иложи йўқ. Ер ости сувини саноат мақсадларида ишлатмоқчи бўлган саноат корхоналари ер ости сув ресурсларини тежамли ишлатиши учун гидрогеология тадқиқоти асосида маҳсус лицензия олишлари талаб қилинади.

Бундан ташқари, охирги йиллар давомида саноат сувининг қайта ишлатиш улуси ортиб борди. Тошкент, Навоий ва Фарғона вилоятлари саноат корхоналарида сувдан қайта фойдаланиш энг юкори фоизи қайд этилган.

## **6-боб: ҲАВО ИФЛОСЛАНИШИ**

#### Тавсия 6.1:

Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси ва Бошгидромет мониторинг тармогини қайта ташкил қилиши ва кучайтиши лозим; ҳаво сифати мониторинги техник имкониятлари ҳам яхшиланиши лозим, жумладан автоматик усуллар жорий қилишини, шунингдек ҳаво ифлословчи моддаларни ўлчаш учун диффуз намуна олиши каби янги усуллар ва эмиссия маълумотларига ишлов бериши муқобил усулларини жорий қилиши лозим. Бошгидромет, шунингдек, РМ10 ҳам кузатиши лозим. Ҳаво ифлосланишини баҳолаши ва мониторинг қилиши учун техник имкониятларни яхшилар чоралари қўришиши лозим. Шу муносабат билан ўқитиши фаолиятини ҳам амалга ошириши лозим.

Ҳаво сифати мониторинги икки шаҳарда маблағ етишмовчилиги туфайли 2002 йилдан бери тўхтатилди. Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) мамлакатнинг 25 жойидаги 66 муқим мониторинг станцияларида ҳаво сифатини кузатиб боради. Кўчма лабораториялар сони 2002 йилдан бери 36 фоизга қисқарди. РМ10 нинг ҳаводаги концентрацияси Ўзбекистонда ўлчанмайди. Намуналар аксарият станцияларида кўлда, дастурнинг қисқа варианти асосида олинади. ТМДҚ, Таҳлилий назорат ихтисослашган давлат инспекцияси орқали, 141 корхонада эмиссияни ҳар ойи кузатади. Инспекция эмиссия ва чиқаришда ифлословчи моддаларни ўлчаш усулларини ишлаб чиқади. Ҳар йили у

Ўзгидромет, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лабораториялари билан ўзаро сертификатлашни ўтказади.

#### Тавсия 6.2:

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси ва Ўзбекавтосаноат уюшмаси – даҳлдор корхоналар билан ҳамкорликда - транспорт секторининг салбий таъсирини камайтириши учун қўйидағи чораларни кўришилари лозим: • мавжуд эмиссия стандартларини қайта кўриб чиқшии ва янги, ҳақиқатга яқин ва илмий асосланган, жумладан бензинда қўргешин миқдори учун қатъий ЕИнинг талабларига жавоб берадиган эмиссия стандартларини ишлаб чиқшии; • этилланган бензинни истеъмолдан чиқаришини тезлаштириши.*

Президентнинг 2006 йил PP-531 Фармонига кўра, 2007 йил 1 мартадан бошлаб М2, М3 ва Н2 тоифа транспорт воситалари эмиссия бўйича Euro 2 ёки ундан юқори, ва 2010 йил 1 январидан бошлаб Euro 3 ёки ундан юқори стандартига мос бўлиши лозим. Бу кўпроқ Самарқандда (СамАвто) автобус ва юк машиналарни маҳаллий ишлаб чиқаришини кўллаб-куватлаш чораси сифатида кўрилади. Ушбу талабларни бажариш мақсадида ТМДҚ ва Ўзстандарт 2007 йил 28 февраль куни импорт қилинган юқорида тилга олинган транспорт воситаларини сертификатлаш мувакқат йўриқномасини қабул қилдилар. Ушбу мақсадда ТМДҚ Экологик сертификатлаш, стандартлар ва нормалар давлат кенгаши экологик сертификатлаш органи сифатида хизмат қилмоқда. 2006 йилда ТМДҚ мамлакатда ишлаб чиқариладиган Euro 0 стандартига мос хисобланадиган “Дэу” “Матиз”, “Нексия” ва “Дамас” русумли енгил автомашина ва микроавтобуслар учун янги техник талабларни тасдиқлади.

Ўзбекистон 2008 йилда этилланган бензинни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаши кутилган эди. Бироқ, мамлакатда этилланган бензин ҳамон ишлаб чиқарилмоқда, ҳозирги пайтда у жами нефт маҳсулотларининг тахминан 10 фоизини ташкил қиласди. Этилланган бензин импорти 2005 йилдаги 98,5 фоиздан 2006 йилдаги 65 фоизга тушди. ТМДҚ маълумотига кўра, юқоридаги чоралар туфайли, Ўзбекистонда қўргешин бирикмаларининг ҳавога эмиссияси йилига 300 тоннадан кўпроқ микдорда камайиб бормоқда. Ҳозирча Тавсия 6.2 тўлалигича бажарилмаган; шунга қарамай, Ўзбекистон автомобилларга Euro 2 стандартини яқин келажакда кўллайдиган кўринади.

#### Тавсия 6.3:

*Ҳокимиятлар, транспортни эксплуатация қиласидиган ташкилот ва муассаса ва бошқалар: • эски автомашиналар, автобуслар ва юк машиналарни алмашитиши учун; • двигатель ёқилгиси сифатида табиий газдан, айниқса жамоат транспортида фойдаланишини кенгайтишилари; • автомобил таъмирлаш хизматини яхшилаши ва барча автотранспорт воситаларинг техник кўрикдан ўтишини мажбурий қилиши; • катта шаҳарларда ва бутун мамлакатда йўллар сифати ва йўллар инфратузилмасини яхшилаши учун зудлик билан чоралар кўришилари лозим.*

Охирги йилларда автомобиллар парки Ўзбекистон ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган янги автомобиллар билан янгиланди. Охирги уч йил мобайнида Ўзбекистон автомобиллар ишлаб чиқариш 3 баробар ошди.

2007 йил 1 январь ҳолатига 102.000 дан ортиқ автомобиллар газ ёқилғи ускуналари билан жиҳозланди. 2008-2012 йилларга мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат дастурида яна 15.000 транспорт воситасининг газ ёқилғи учун қайта жиҳозлаш назарда тутилган.

Автомобилларни таъмирлаш хизмати яхшиланиб борди. Ўзавтосаноат акциядорлик компанияси Ўзавтотеххизмат акциядорлик уюшмасининг вилоят корхоналари диагностика асбоблари, газни назорат қилиш ускуналари ва чиқишнинг токсиклиги ва тутунлилигини текшириш воситалари билан жиҳозланди. Техник кўрикдан ўтиш барча транспорт воситалари учун мажбурийдир: автобус ва таксилар йилда бир марта, барча бошқа транспорт воситалари йилига икки марта кўрикдан ўтадилар. Техник кўрикни ўтказиш учун Ички ишлар вазирлиги мутасадди ҳисобланади.

Йўллар сифати ва инфратузилмаси бутун мамлакатда ва хусусан йирик шаҳарлар (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Қарши, Нукус)да яхшиланди.

#### Тавсия 6.4:

Вазирликлар ва саноат корхоналарининг тегишили бўлинмалари газ эмиссиси ва чанг чиқишини камайтириш учун юмишатиш жиҳозларни ўрнатиши ёки модернизация қилиши учун барча имкониятларни ишга солишлари, жумладан молиявий ресурсларни таъминлашлари лозим. Кўйидаги чораларни зудлик билан кўриши лозим: • саноат корхоналарида экологик аудит ўтказилиши лозим; • ҳаво ифлосланишини камайтириши учун замонавий юмишатиш технологиялари жсалб қилинishi лозим.

ТМДҚ маълумотига кўра, қатор йирик корхоналар, жумладан Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Навоий кон-металлургия комбинати ва Ўзбеткомбинат (Бекободдаги металлургия заводи)да чанг ва тутунни тозалаш тизимлари модернизацияланди. 2007 йил 2007–2011 йилларга мўлжалланган «Курилиши материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни техник ва технология жиҳатдан модернизация қилиши» дастурида цемент қурилмалардан чангни камайтириш чораларини давлат ва саноат корхоналари томонидан маблағ билан таъминлаш кўриб чиқилади. Шунингдек, 2008–2012 йилларга мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат дастурида энергетика секторида ҳавога эмиссияни қисқартириш чораси сифатида Янги Ангрен иссиқлик электр станциясида электростатик фильтрларни модернизация қилиш белгиланади ва маблағ манбалари сифатида халқаро ташкилотлар кўрсатилади.

Хукумат ва корхоналарнинг юқорида тилга олинган ҳавони ифлослашни қисқартиришга қаратилган чораларига қарамай, Ўзбекистонда ҳаво ифлосланишининг асосий манбалари бўлган энергетика, нефть ва газ секторларига бундай экологик инвестициялар этишмайди. Энергетика секторида кўриб чиқилаётган давр мобайнида юз берган ҳаво ифлосланишининг бирмунча қисқариши асосан энергия ишлаб чиқаришда кўмир ва мазут ўрнига кўпроқ газ ишлатилгани туфайли бўлди. Шундай бўлса ҳам, 2002 йил 2002–2010 йилларга мўлжалланган Кўмир саноатини ривожлантириш дастурига кўра электр ишлаб чиқариш ёқилғи ресурслари структурасида кўмир улуши 2010 йилда 15 фоиз (9,4 миллион тонна)га ошиши режалаштиришган. 2001 йилда бу улуш 4,7 фоиз (2,7 миллион тонна) эди.

Умуман, биринчи АҲШдаги Ўзбекистоннинг вазирлик ва саноат корхоналарига қаратилган Тавсия 6.4, яни улардан камайтириш технологияларни татбиқ этиш ва модернизациялаш талаби қисман ва анча бўш тарзда бажарилган. Шунингдек, шарҳнинг 2-бобида айтилгандек, атроф-муҳит аудити воситалари Ўзбекистонда жуда кам ишлатилади ва шу жиҳатдан Тавсия 6.4 мамлакатда бажарилмаган.

#### Тавсия 6.5:

Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси: ЕИ стандартларига мувофиқ равишда заарли ҳавони ифлослантирувчи моддалар бўйича чиқарии стандартларини қайта кўриши ва жорий этиши•; тозароқ ишлаб чиқарии технологияларини разбатлантириши учун иқтисодий чоралар кўриши (атроф-муҳит муҳофазаси асбоб-ускуналари учун солиқларни камайтириши, корхоналарда атроф-муҳит муҳофазасини тақомиллаштириши учун ҳақни камайтириши); ҳаво сифати стандартларини Жаҳон соглиқни сақлаши ташкилоти йўриқномаларига мослигини таъминлаши. 12 бобни ҳам кўринг.

2006 йилда Ўзбекистонда атмосфера ҳавоси учун эмиссия лимитларини белгиловчи янги Ҳавога эмиссия лимитларни белгилаганда корхоналар учун ифлослантириш манбаларини инвентаризация қилиш йўриқномаси қабул қилинди. Бироқ, эмиссия лимитлари қийматини белгилаш тизимида ҳамон РЭКга асосланган совет ёндашувига амал қилинади. Шунинг учун улар Европа Иттифоқи (ЕИ) эмиссия стандартларидан фарқ қиласи, ЕИ мамлакатларидан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда ҳаво ифлосланиши саноат манбаларидан эмиссияни қисқартириш ва ҳаво сифатини яхшилаш борасида тадрижан ортиб борадиган талаблар татбиқ қилинмайди.

2004 йилда Ўзбекистон одамлар яшайдиган пунктларда атмосфера ҳавоси учун янги гигиена стандарти – 0179-04-сонли Санитария қоидалари ва стандартиларини қабул қилди. Уларда 656 ифлословчи модда ва 4 асосий ҳавони ифлословчиси (чанг, азот оксидлари, олтин гугурт диоксиди ва озон) учун РЭКлар жорий этилди. Ўзбекистонда қабул қилинган ҳаво сифатининг янги стандартлари ЖССТнинг ҳаво сифати учун кўрсатмалари билан мос кўринади.

Эмиссия лимитлари қийматини белгилашнинг янги қоидалари қабул қилиниши ва ҳаво сифати стандартлари ЖССТнинг атмосфера ҳавосига доир кўрсатмалари билан мувофиқлаштирилганлигига қарамай, Ўзбекистон Тавсия 6.5ни фақат қисман бажарган. Ҳавфли ифлословчилар учун эмиссия

стандартлари ЕИ стандартларига мос эмас хамда корхоналар атроф-муҳит учун мақбул технологияларни татбиқ этишларини рағбатлантирадиган иқтисодий рағбатлар жорий этилмаган.

Гарчи баъзи солиқ имтиёзлар мавжуд бўлса-да, атроф-муҳит учун мақбул технологияларни жорий этиш учун ижобий иқтисодий рағбатлар заиф. Сотиб олинаётган жиҳозлар зарур талабларга жавоб беришни экологик органлар тасдиқлади. Ифлослаш бадалларини тўлаш шаклидаги салбий иқтисодий рағбатлар умумийроқ аҳамиятга эга (Тавсия 2.1ни кўринг).

#### Тавсия 6.6:

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси ва Адлия вазирлиги Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиши тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқшилари ва уни бажарии учун мавжуд меъерий ҳужжатларни қайта кўриб чиқшилари ва янгиларини ишлаб чиқшилари лозим.*

Бу ҳозирча бажарилмаган. Бироқ 2005 йил март ойида ТМДҚ Вазирлар Маҳкамасига янги қонунлар 2005–2010 йил режасини тақдим этди. Режага 1996 йил Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қонунини қайта кўриб чиқиши киритилган.

#### Тавсия 6.7:

*Ўзбекистон БМТЕИК минтақасида ҳавони бошқарии бўйича ҳамкорликда фаол қатнашиши учун Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси БМТЕИК Узоқ масофали трансчегарашиб ҳавони ифлослантириши тўғрисидаги конвенциясига қўшилишини тезлаштириши лозим. (Тавсия 4.2 ҳам кўринг)*

Ўзбекистон БМТЕИК Узоқ масофали трансчегарашиб ҳавони ифлослантириши тўғрисидаги конвенциясига ҳозирча кўшилмаган.

### **7-боб: ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ**

#### Тавсия 7.1:

*Чиқиндиларни тасарруф қилиши миллий интегралашган стратегия амалда ва барча манфаатдор тарафлар саъӣ-ҳаракатларини бирлаштириши чораларини топиш лозим. Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси қисқа муддатда бошқа манфаатдор тарафлани, жумладан Соғлиқни сақлаш вазирлигини, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини ва Коммунал хизматлар агентлигини ва нодавлат ташкилотларни йигиб бундай миллий стратегияни ишлаб чиқши жараёнини болаб юбориши лозим.*

ТМДҚ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзкоммунхизмат агентлиги, Саноатконтехназорат давлат назорати ва бошқа тааллукли вазирлик, агентлик ва ташкилотлар билан биргалиқда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури, Янги Зеландия Халқаро ёрдам ва ривожланиш агентлиги ва Словакия Халқаро ривожланиш ҳамкорлиги агентлигининг молиявий ва техник кўллаб-куватлари билан чиқиндиларни бошқариш миллий стратегияси лойиҳасини тайёрлади. 2007 йилда Сенатнинг Қишлоқ хўжалиги масалалари, сувдан фойдаланиш ва атроф-муҳит қўмитаси чиқиндиларни бошқариш миллий стратегияси лойиҳаси ва 2008–2017 йилларга мўлжалланган ҳаракат режасини тасдиқлади.

#### Тавсия 7.2:

*ТМДҚ таркибида ихтисослашуви турли (хавфли чиқинди, тиббий чиқинди, саноатнинг хавфли бўлмаган чиқиндиси ва майший қаттиқ чиқинди) бўлган камида тўрт чиқиндини тасарруф қилиши мутахассисидан иборат чиқиндини тасарруфи бўлими, керакли ёрдамчи ходимлар билан жорий қилиниши лозим.*

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг таркибида алоҳида чиқиндиларни бошқариш назоратлари мавжуд. Бироқ, ТМДҚ нинг марказий идорасида чиқиндини бошқариш бўлими ҳамон яратилмаган. Ушбу масалани ечиш анча қийин, чунки ходимлар сонини ошириш қарори Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан қабул қилиниши керак.

**Тавсия 7.3:**

Самарали, мажбурий ва риоя қилиниши таъминланган ҳисобот ва маълумот тўплаш тизими мумкин қадар тез суръатда ишлаб чиқилиб жорий этилиши лозим. Ушибу тизим маълумотларга ишлов бериш, тақдим этиши ва тарқатишни ўз ичига олган бўлиши лозим. Тизимни чиқиндишларни тасарруф қилиш бўлажасак бўлинма ишлатишни лозим. Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан ҳамкорлик талаб қилинади.

Барча тоифадаги хавфли чиқиндишларни ҳосил қиласидиган ҳамма корхона ва ташкилотлар йиллик “З-экология” (хавфли чиқинди) статистик шаклни тақдим этишлари шарт. Тўлдирилган шаклни ТМДК ёки унинг вилоят қўмиталари тасдиқлаши лозим.

**Тавсия 7.4:**

Хафвли тиббий чиқиндишлар учун уни мувофиқ равишда йўқ қилинишини таъминлайдиган ва хавфини пасайтириши механизмларини ўз ичига олган маҳсус, алоҳида бошқариши схемаси аввалига синон тариқасида йўлга қўйилиши керак. Синон лойиҳалари Соғлиқни сақлаши вазирлиги ва Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси томонидан вилоят ҳоқимлик, маҳаллий органлари, касалхоналар ва бошқа манфаатдор тарафлар билан қўшма саъй-ҳаракат орқали бажарилиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вилоят органлари билан биргаликда хавфли тиббий чиқиндишларни бошқариш учун жавобгардирлар. Мамлакатда 110 тиббий чиқиндини ёкиш қурилмаси бор.

**Тавсия 7.5:**

Мумкин қадар зудлик билан Киилоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси эскириб қолган пестицидларни йигиб олиш, ишлов бериши, утилизация ёки йўқ қилиши ташаббуси билан чиқишилари лозим. Қилиниши керак бўлган ишлардан бири марказлашган вақтинчалик сақлаши жойини ташкил қилишидир. Бу ҳолда эскириб қолган пестицидларга ишлов бериши ва йўқ қилиши юбории ўрта муддатларга қолдирлиши мумкин.

Ўзбекистонда 13 эскириб қолган пестицид ва кимёвий омборхоналар бор. Улардан баъзилари атроф-мухит ва санитария хавфсизлиги стандартларига жавоб бермайди. ТМДК, Ўзкимёсаноат давлат акциядорлик компанияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги маҳаллий ҳоқимият органлири билан биргаликда амборхона иншоотларининг атроф-мухит учун хавфсизлигини таъминлаш учун ҳаракат дастурининг лойиҳасини тайёрладилар.

**Тавсия 7.6:**

Шаҳар кўчаларида чиқинди ёкишига, вақтинчалик йигиши шахобчаларига ва контейнерлар амалиётига, тегишили тақиқларга риоя қилишини таъминлаш ҳам мувофиқ хизматлар кўрсатиш орқали йўл қўймаслик керак. Маҳаллий дараҷада Ўзкоммунхизмат каби маҳаллий ташкилотлар ечимни топиб, уни бажаршилари керак.

ТМДК шаҳар кўчаларида чиқинди ёкилишининг олдини олиш чораларини қўради. Жамоатчилик хабардорлигини ошириш кампаниялари хам ушбу чоралар жумласига киради.

**Тавсия 7.7:**

Ўзбекистонда мавжуд яроқли инфратузилма, мумкин қадар, чиқиндишларни йўқ қилиши учун ишлатилиши лозим. Қисқа муддатда, цемент печлари чиқинди баллонлар ва юқори калорияли хавфли чиқинди (органик бирикмалар, жумладан пестицидлар)ни ёкиб юбории учун мосланниши мумкин. Натижада нафақат чиқинди мувофиқ равишда йўқ қилинар эди, балки тегишили цемент заводининг ёкилгига талаби пасаярди. Чиқиндини цемент печларида ёкиб йўқ қилишини Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси билан цемент заводлари маъмурияти ўртасидаги музокаралар орқали ташкил қилиши мумкин бўлар эди. Цемент печларини чиқиндини ёкиб йўқ қилишига мослаш харажсати цемент ишлаб чиқаршида амалдаги жараён ва ёкилажасак чиқинди тури (суюқлик, қовушоқ, дона-дона ёки қаттиқ)га боғлиқ.

Цемент печлари чиқинди баллон ва иссиқлик яратувчанлиги юқори бўлган хавфли чиқинди (органик бирикмалар, жумладан пестицидлар)ни ёкишга ҳозирча мосланмаган.

## **8-боб: БИОХИЛМА-ХИЛЛИКНИ БОШҚАРИШ**

### **Тавсия 8.1:**

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси, мумкин қадар қисқа фурсатда, муҳофазаланган ҳудудлар бирлашган тизимини ривоҷлантириши ва бошқарии учун ягода мутасадди давлат органи сифтида тан олиниши лозим. Ушбу мақсадда лозим ҳуқуқий нормалар, институциявий ва бюджет билан боғлик қоидалар тайёрланиши лозим.*

Бу ҳозирча қилинмаган ва муҳофазаланган табиий ерлар тизимини бошқаришга тегишли вазият ноаниклигича қолмоқда. Қайта кўриб чиқилган 2004 йил Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида конунда шунчаки муҳофазаланган территорияларни Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий бошқарув органлари ва ваколатли давлат органлари бошқаради, дейилган. Гарчи маҳсус ваколатли давлат органлари номланмаган бўлса-да, жорий амалиётда ваколат Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ўрмон хўжалиги бўлими, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, ТМДҚ ва Тошкент вилояти ҳокимлиги, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат органлари ўртасида тақсимланган.

### **Тавсия 8.2:**

*Биохилма-хилликни сақлаш миллий стратегияси ва ҳаракат режасига биноан Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси, мумкин қадар тез фурсатда, табиий экотизмаларнинг репрезентатив мажмуини қамраб оладиган, мамлакат ҳудудининг камида 10% эгаллайдиган муҳофазаланган ҳудудлар тизимини ривоҷлантириши бўйича ўрта муддатлидан узоқ муддатлигача режса тузиши лозим. Муҳофазаланган ҳудудларни кенгайтиши жараёнда мамлакат ва халқаро табиатни муҳофаза қилиши ва биохилма-хиллик фойдасини максималлаштириши, ижтимоий ва иқтисодий таъсирни минималлаштириши ва халқаро илгор тажтиба билан боғлаши дикқат марказида бўлиши лозим. Режса бажарилиши чогида барча манфаатдор тарафлар, жумладан марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий жамоалар қатнашуви ва ҳамкорлиги таъминланиши зарур.*

Бу тавсия ҳозирча бажарилган эмас. 7-бобни кўринг.

### **Тавсия 8.3:**

*Муҳофазаланган ҳудудларнинг бошқаруви ишончли ва барқарор бўлишига эришиши ва жамоатчиши иштироки бўйича халқаро талабларга мос бўлиши учун Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси Аархус конвенцияси талабларини инобатга олган ҳолда муҳофазаланган ҳудудларни бошқаришда жамоатчилик иштирокини кенгайтири учун зарур бўлган ҳуқуқий, институциявий ва бошқарув механизmlарини ишлаб чиқиб, синаши лозим.*

2004 йил Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида конунда маҳаллий жамоалар муҳофазаланган табиий ерларни бошқариш режаларини ишлаб чиқишида катнашиши шарт, деб белгиланади. 2006 йилда ТМДҚ тегишли миллий қонун ҳужжатларни 2004 йил қонуни билан мос келтириш учун уларга ўзгартириши ва қўшимчалар киритиш таклифларини, шунингдек муҳофазаланган табиий ерларни бошқариш режаларини ишлаб чиқиш жараёнлари, муҳофазаланган табиий ерлар “паспорти” ва жамоатчиликнинг муҳофазаланган ҳудудларга келиб кетишини ташкил этишга тегишли қоидаларининг лойиҳасини тайёрлади. Ушбу ҳуқуқий ва меъерий ташаббусларнинг ҳукumat томонидан қабул қилиниши ўз навбатини кутмоқда.

### **Тавсия 8.4:**

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қўмаги билан Биохилма-хилликни сақлаш миллий стратегияси ва ҳаракат дастурини бажарилиши учун мувофиқ молиялашини таъминлайдиган иқтисодий воситалар ва механизmlарни ишлаб чиқиши лозим.*

2004 йил Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисидаги қарорда табиий ресурслардан фойдаланиш учун тўлов белгиланади. 2008 йил 2008-2012 йилларга мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат дастурида Биохилма-хиллик миллий дастури ва унинг ҳаракат

режасини амалга оширишга қаратилган баъзи чоралар, жумладан муҳофазаланган ерлар тармоғини яратиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси қарорининг лойиҳасини тайёрлаш, биологик ресурслардан барқарор фойдаланиш дастурини ишлаб чиқиш ва балиқчилик жойларни муҳофаза қилиш учун инфратузилма яратиш назарда тутилган. Табиатни муҳофаза қилиш миллий жамғармаси, Биохилма-хиллик давлат назорати ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ушбу ҳаракатларни молиялашнинг асосий манбалари хисобланади.

#### Тавсия 8.5:

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитасининг Фанлар академияси ва бошқа илмий-тадқиқот институтлар етакчилигида зарур ахборотни етказиб берииш ва биохилма-хилликни бошқаршии ва қарорлар қабул қилиши мақсадила биохилма-хилликни тежсами мониторинг тизими яратилиши лозим.*

2000 йил Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёси обьектларнинг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикаси ҳайвонот дунёсининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорларига мувофиқ ТМДҚ икки мазкур кадастрни тайёрлаш учун мутасадди давлат органи этиб тайинланган эди. 2006 йилда ТМДҚ Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш давлат назорати таркибида Мониторинг ва кадастр бўлими яратди. Унинг фаолияти натижаси, жумладан Жиззах ва Навоий вилоятлари ўсимликлари мажмуналарининг хариталари, Қорақалпоғистон Республикасининг икки худудидаги ёввойи ўсимлик ва ҳайвонлар рўйхати ва Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳайвоноти тўғрисидаги хисоботлардан иборат бўлди. Ҳозирда бўлим Ўзбекистон лишайниклари тўғрисида кадастр шаклидаги хисобот тайёрламоқда.

#### Тавсия 8.6:

*Ниҳоятда заарга мойил ва деградацияга учраган сув-ботқоқ ерларини муҳофаза қилиши ва яхшилаши ва кўчманчи қўшларнинг яшаш муҳитити сақлашга тегишили халқаро мажбуриятларини бажаршии учун Ўзбекистон сув-ботқоқ ерларни сақлаб қолиши интеграллашган миллий дастурни ишлаб чиқшии лозим.*

Биринчи ўринда сувда сузувчи қушларнинг яшаш муҳити сифатида халқаро аҳамиятга эга булган сув-ботқоқ муҳитлари тўғрисидаги конвенцияси (Рамсар конвенцияси) 2002 йилда кучга кириши ва Конвенция доирасида икки сув-ботқоқ ер белгиланиши билан ушбу тавсияни бажаришда олға катта қадам қўйилди. Бироқ, муҳофазаланган ерлар маъмурияти ва турлар муҳофазаси орасидаги муносабатларни, шунингдек сув-ботқоқ ерлар миллий сиёсати ва сув-ботқоқ ерларни сақлаш интеграллашган миллий режасини янада ривожлантириш лозим.

Ўзбекистон деярли барча кийирлар дренаж сувлари коллектори сифатида хизмат қиласидан вазият қаршисида турибди; улардаги сув сатҳи ва уларнинг умуман мавжудлиги дренаж коллекторлар тизимиidan келадиган сувга бутунлай боғлиқ. Тизимда сув борлиги деярли бутунлай қишлоқ хўжалик фаолиятига боғлиқ. Мавжуд сув танқислиги инобатта олинса, буadolatsiz қураш, чунки сувдан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш экологик жиҳатдан муҳим, ҳатто Рамсар конвенциясига кўра халқаро аҳамиятга эга, деб белгиланган сув-ботқоқ ерларни сақлашдан устун қўйилади.

Сув-ботқоқ ерлар биохилма-хиллигини сақлаш, жумладан турларни муҳофаза қилиш чоралари турли даражадаги мувоффақият билан ТМДҚ ва маҳаллий муҳофаза органлари (егерь ва ўрмон назоратчилари) томонидан кўрилмоқда.

2004 йилда Ўзбекистон Африка-Евросиё кўчманчи сузувчи қўлларни сақлаш битимиға қўшилди. Шунингдек мамлакат Сибир турналари(*Grus leucogeranus*)ни сақлаб қолишга тегишили чоралар бўйича ўзаро тушуниш меморандумини 1998 йилда ва Кичик кроншнеп (*Numerius tenuirostris*)ни сақлаб қолишга тегишили чоралар бўйича ўзаро тушуниш меморандумини 1994 йилда имзолади, ҳар иккаласига Кўчманчи турлар тўғрисидаги конвенция доирасида келишилган эди. Мамлакат 2008 йил Африка ва Евросиёда йиртқич кўчманчи қушларни сақлаб қолиш бўйича ўзаро тушуниш меморандумини имзоламади. Ҳар холда, ушбу чоралар мақсадли равишда бажарилишидан далолат йўқ.

**Тавсия 8.7:**

Ўрмонларнинг биологик ва экологик аҳамияти юқори бўлгани учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибада яқинда ташкил этилган ўрмон хўжалиги бошқармаси ташкилий жиҳатдан кучайтирилиши лозим.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигиниг янги тузилмаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолияти такомиллаштириш тўғрисидаги 2003 йил қарори билан тасдиқланган. Ўрмон хўжалиги бўлими вазирлик таркибидаги муҳтор бўлиб бўлиб унинг раҳбари вазир ўринbosари ҳисобланади.

**Тавсия 8.8:**

Ўрмонлардан фойда кўрадиган барча тармоқлар, хусусан сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва қайта экишини молиялашига ўз ҳиссаларини қўшишилари лозим. Шу муносабат билан, Ўрмон хўжалиги бошқармаси Вазирлар Маҳкамасига ўрмон хўжалигини молиялаш бўйича тақлифлар тайёрлаши лозим.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўрмон ресурсларини бошқариш учун бош мутасадди орган ҳисобланади. Вазирлик таркибидаги ўрмон хўжалиги бўлими ўрмонларни тиклаш тартиб-коида ва усусларини белгилайди. 1999 йил Ўрмон тўғрисидаги қонунга кўра ўрмонларни муҳофаза қилиш ва ўрмонлардан оқилона фойдаланиш учур ресурслар давлат бюджети ва бошқа воситалар орқали тўпланди. Бироқ, ўрмонларни муҳофаза қилиш чораларга бошқа секторларнинг ҳисса қўшиши учун аниқ молия механизми мавжуд эмас.

**9-боб: МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР****Тавсия 9.1:**

Кончилик фаолиятидан келиб чиққан думларнинг ва қазилма бойликлар соҳасининг бошқа оғрикли нуқталарининг ҳозирги экологик мақомини кенг миқёсда баҳолаши атроф-муҳитга таъсирининг олдини олиш ва уни юмшатиш бўйича самарали режса тузиш учун зарур. Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси ушбу мақсадда ЭҲМР доирасида ўрта муддатли режсани ишлаб чиқшии зарур. Уни бажсарии учун маблагни ҳалқаро донор ташкилотлари орқаси жалб қилиши мумкин. Шунингдек, маблаг давлат бюджети ҳисобидан ажратилиши мумкин.

Мамлакат ва трансчегара контекстда радиоактив чиқиндиларни бошқариш таҳлил қилинди ва чиқиндиларнинг атроф-муҳитга таъсири баҳоланди. Куйидаги чоралар 2008-2012 йилларга мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат дастурига киритилган:

- Тошкент вилояти (Янгиобод)даги заарланган худудни деактивациялаш;
- Навоийдаги 1-металлургия корхонасининг дум уюмларида радиацияга қарши тўсик куриш;
- Наманган вилояти Поп туманидаги собиқ 23-уран кони худудини атроф-муҳит жиҳатидан яхшилаш;
- Навоий (1.000 га), Бухоро (500 га) ва Самарқанд (500 га) вилоятларида қазиб олиш фаолияти туфайли деградацияга учраган ерларни тиклаш.

**Тавсия 9.2:**

Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси билан ҳамкорликда (а) қазилма бойликлар қидируди, улардан фойдаланиши, ишлов бериси, конларни ёпни, ёпнидан кейинги чоралар ва минерал чиқиндилардан қайта фойдаланиши ва тиклашдаги атроф-муҳит масалаларини кўриб чиқши, (б) ўтган, жорий ва келажак экологик жавобгарликни, айниқса кон ёпилганидан кейинги ерни тиклаши учун жавобгарликни белгилаш меҳанизми жорий этиши, ва (с) қазиб олиш фаолияти давомида эҳтимолий жорий экологик заарни кўриб чиқши ёки ерни қайта муомалага киритиш учун ишлатилиши мумкин бўлган маблаг тўплашига қаратилган молиявий кафолат талабини киритиш мақсадида амалдаги кончилик қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқши ташаббусини илгари сурини лозим. Тавсия 1.4ни кўринг.

2002 йил Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун да ушбу масалалардан баъзилари кўриб чиқилади. Хусусан, қонунда қазиб олиш давомида қўзгатилган ерлар ва бошқа табиий жойларни экологик муҳофазалаш ва тишлиш учун қазиб олиш саноати жавобгар, деб таъкидланади. Бу жавобгарликнинг

муддати ўтиб кетмайди, аммо қоида аввалги ифлослаш ёки деградацияга нисбатан қўлланмайди. Шунингдек, саноат ер остидан фақат лицензияда кўрсатилган максадда, атроф-муҳитга таъсири баҳолангандек техник ҳужжатлар ва лойиҳа ҳужжатларга риоя қилиб, муайян, ёнма-ён қазиб олиш ёки жойда қазиб олиш каби усусларни қўлламай ёки чиқиндиларни бошқариш, чиқариб ташлаш ва сақлаш тартиб-қоидаларига риоя қилиб ва эрозияга қарши чоралар кўриб фойдаланиш учун жавобгардир. Умуман, саноат худуддан оқилона фойдаланиш ва унинг қимматли компонентларини сақлаб қолиш учун масъулдир.

2002 йил Чиқинди тўғрисидаги қонун да чиқиндиларни бошқариш, жумладан қайта фойдаланиш ва чиқиндиларни қамайтириш тартиб-қоидалари белгиланган. Ушбу фаолиятни амалга ошириш харажатлари корхоналар зиммасида, аммо мувофиқ келса, бошқа манбалардан ҳам молиялаш мумкин. Ушба манбалар ёввойи ҳаётни бошқариш жамғармалари, давлат бюджети, бюджетдан ташқари ресурслар ва хукуқий ва жисмоний шахсларнинг қўнгилли тўловларидан иборат.

#### Тавсия 9.3:

*Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан биргаликда минерал ресурсларни бошқаршига қаратилган тартибга солиши тизимини ривожлантиришида давом этиши лозим. (а) қазиб олишида АМТЧга алоҳида эътибор берил АМТЧрини ишлаб чиқши ва бажаршига ва экологик аудит йўриқномасига, (б) АМТЧ ва атроф-муҳит аудитларини бажарадиган фирмалар учун аккредитация тизимини жорий этиши, (с) АМТЧ жараённида жамоатчилик иштирокини кучайтириши, ва (д) формал экологик бошқарувни қазиб олиши компанияларга лицензия берилининг шартни сифатида қабул қилишига алоҳида эътибор берилиши лозим. Тавсия 3.3ни кўринг.*

2002 Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунда ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги боб бор. Шунингдек, ҳозирги Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунда қазиб олиш саноатида атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва экологик аудитга тегишли қоидалар йўқ. Умуман, кўриб чиқилаётган даврда Ўзбекистон қазиб олиш саноатида атроф-муҳитга таъсирини баҳолашга тегишли маҳсус талаблар ишлаб чиқилмади. Буни аввалги Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунга қараганда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жиҳатидан орқага ташланган одим, деса бўлади.

Атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва экологик аудит тўғрисидаги умумий қоидалар ҳамон давлат экологик экспертизасига тегишли қонун ҳужжатларининг таркибидадир. 2001 йил Давлат экология экспертизаси тўғрисидаги низомда давлат экологик экспертизаси ўтказилиши шарт бўлган фаолият рўйхати ва давлат экологик экспертиза ва атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш жараёнлари белгиланади. Бироқ, давлат экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатларида атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва экологик аудитга тегишли батафсил қоидалар берилмайди (2-боб). Экологик аудит воситасининг амалий татбиғига келганда, у ҳамон Ўзбекистонда кам ишлатилади ва ишлатилганда фақат чет эл корхоналари томонидан ишлатилади. Мисол учун, 2004 йилда Кандим-Ҳавзак-Шоди-Қўнғирот лойиҳасида муайян газ конларида аудит ўтказилди. Умуман, Ўзбекистон Тавсия 9.3ни бажармади, деган хуносага келиш мумкин.

#### Тавсия 9.4:

*Тозароқ саноат маҳсулоти дастури АМҲРсининг таркибий қисми сифатида ишлаб чиқилиши ва тозроқ маҳсулот миллий маркази Ўзбекистонда тозароқ ишлаб чиқарши усусларини тарзиб қиласидиган асосий ташкилотга айланниши лозим. Қазиб олиши саноатида синов лойиҳалари, хусусан оқава сувга ишлов берииш ва ҳаво ифлосланишини юмшатадиган технологияларига тегишли лойиҳаларни тарзиб қилиши ва бажаршида давом этиши лозим.*

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Саноат Ривожланиш Ташкилотининг қўллаб-қувватлаши билан Тоза технологиялар маркази барпо этилиб корхона даражасида 10та лойиҳа амалга оширилди. Тоза технологиялар ва уларнинг жорий этиш дастури амалга оширилди. 2007 йилда Сенатнинг қишлоқ хўжалиги, сувдан фойдаланиш ва атроф-муҳит қўмитаси тозароқ ишлаб чиқариш ва технологияларни жорий этишини тавсия қилган 2008–2017 йилларга мўлжалланган чиқиндиларни бошқариш миллий стратегияси ва ҳаракат дастурининг лойиҳасини тасдиқлади. 2008-2012 йилларга мўлжалланган

табиатни муҳофаза қилиш ҳаракат дастурида ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилишга тегишли маҳсус чоралар назарда тутилган.

#### Тавсия 9.5:

*Хукумат Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тузилмасини қайта кўриб чиқиб энг устун масала сифатида геология соҳасида илмий-тадқиқот ва ахборот марказини яратишни лозим.*

Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси икки марта: бир марта янги бошқарув структурасини ва иккинчи марта, жумладан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ер ости суви ресурсларига каттарок эътибор берган устун вазифаларни қайта белгилашни акс эттириш мақсадида қайта ташкил этилди.

Ўзининг Минерал хом ашё материаллар илмий-тадқиқот институти орқали Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси геология экологик разведка экспедициясига эга, экспедиция ер ости бойликларини баҳолашда ТМДҚ билан ҳамкорлик қиласи. Гурух яқинда миллый ресурсларнинг янги рўйхати ва қайта баҳолашини якунлади.

#### Тавсия 9.6:

*Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси мониторинг тизимини, айниқса маълумот тўплаш, унга ишлов берниши ва тарқатниши маъносиди такомиллаштириши лозим. Компьютер жиҳозлари ва кўчма ускуналар билан таъминлаш, шунингдек (а) минерал ресурслар, (б) хавфли геологик жараёнлар, хусусан ер кўчкилари ва (с) ер ости суви бўйича марказлашган маълумотлар базасини яратишни устун вазифа ҳисобланиши лозим.*

Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ер ости суви ва минерал ресурсларга тегишли маълумот базасини барпо этди. У ер ости суви ва минерал ресурслар ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисида йиллик ахборотнома нашр қиласи.

#### Тавсия 9.7:

*Трансчегара ифлослантириши билан боғлиқ хавфли кон думларини реабилитация қилиши масаласида минтақавий ҳамкорлик дарҳол амалга оширилиши лозим. Бу мақсад учун маблаг давлат бюджетидан ажратилиши ва халқаро молиявий институтлардан кўтарилиши лозим.*

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги уран қолдиқлари масалаларида минтақавий ҳамкорликда фаол қатнашади. Марказий Осиё минтақасида чиқиндини бошқариш борасидаги ҳукumatлараро битимларга қарамай, тавсия этилган чора ва ҳаракатларни ижроси учун зарур бўлган молиявий ва техник ресурсларнинг етишмовчилиги туфайли уларни бажариш қолдирилиб қелмоқда.

Халқаро ҳамжамият диққатини жалб қилиш ва уран чиқиндиларининг аҳоли ва атроф-муҳитга таъсирини минималлаштириш мақсадида донорлар ёрдамини мобилизация қилиш учун охирги пайтда баъзи халқаро учрашувлар ўтказилди, айнан, Бишкеқда 2009 йил 21–24 апрелда ўтказилган Уран думлари: жойлардаги муаммолар, минтақа учун оқибатлар, глобал ечимлар минтақавий конференция ва Женева, Швейцарияда 2009 йил 29 июнда ўтказилган Марказий Осиёда уран думлари бўйича юқори даражадаги халқаро форум. Иккинчи учрашув чоғида Кўшма баёнот қабул қилинди ва Форум қатнашчилари уран ва бошқа токсик дум жойларини бошқариш ва хавфсиз даражада саклаш учун Марказий Осиё минтақасига кўшимча молиявий ва бошқа ресурслар зарур, деб таъкидладилар.

## **III-ҚИСМ: ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ВА СЕКТОРЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ**

### **10-боб: ЕР, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АТРОФ-МУҲИТ**

#### Тавсия 10.1:

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси ва Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси ижро этиши механизmlарини ишлаб чиқишига ва шунингдек ердан фойдаланувчиларни эрозияга қарши ва ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиши ва ундан оқилона фойлдаланиши бошқа чораларни амалга оширишига разбатлантирадиган ва қишлоқ хўжалиги фаолиятидан фойда олиши учун*

*шароит яратадиган бозор иқтисодиёти механизмларини ишлаб чиқшига айниқса эътибор бериб ер ва сувга тегишили қонун ҳужжатларини такомиллаштириши лозим. (Тавсия 5.4 кўринг)*

Ҳам ер, ҳам сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари жадал ишлиб чиқилиш палласида. Ҳам 1998 йил Ер кодекси, ҳам 1993 йил Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун қайта кўриб чиқилмоқда ва яқин келажакда якунланади. Бозор иқтисодиёти воситаларига келганда эса, атроф-мухит ҳолати яхшиланиши билан якунланган чекланган ижобий ўзгаришгина кузатилади. Тавсия 7.4 ни кўринг.

#### Тавсия 10.2:

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси билан биргаликда тупроқ унумдорлиги тўғрисида қонунни ишлаб чиқшилари лозим. Уибу қонун тупроқ унумдорлигини ошириши ва умуман тупроқ ҳолатини яхшилан саъй-ҳаракатида ҳам иқтисодий механизмларни, ҳам агро-экология механизмларини қамраб олиши лозим.*

Тавсия бажарилмаган.

#### Тавсия 10.3:

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалигидаги олиб борилаётган ислоҳотнинг қадрини ва тармоқдаги ривожланишини кўрсата оладиган ва ташки инвестицияларни жалоб қила оладиган синов лойиҳаларни бажарии учун турли экологик ёки қишлоқ хўжалиги зоналаридаги жойларни аниқлашлари лозим.*

Нисбатан сероб синов лойиҳалар ва намойиш ҳаракатлар юз бермоқда. Тадқиқот даражаси қониқарли. Мавжуд билимни қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчиларнинг фойдасига қўллашдаги заиф нуқта – бу таълим ва қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчиларнинг тақчиллиги. Мавжуд ёрдамчи инфратузилма нафакат етарли эмас, балки у маҳсулот ва ишлаб чиқариш структурасидаги ўзгаришларга мослана олмайди. Ишлатилмай қўйилган ерларни тиклаш масаласига етарли даражада эътибор берилмаган.

#### Тавсия 10.4:

*Вазирлар Маҳкамаси ва Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси барча манфаатдор тарафларнинг мулоқотига кўмаклашиб ерга етказилган зарарни тузатиш ва ерга экологик босимни камайтириши мақсадида қишлоқ хўжалик амалиётини такомиллаштириши йўлида уларни ҳамкорликка тортини лозим.*

Фермер хўжаликлари структурасидаги катта ўзгаришлар ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг барпо этилиши мулоқотнинг бир тури бўлди. Бироқ унда ҳозиргача зарарни қоплаш ва ерни яхшилаш дикқат марказига қўйилмаган эди. Янги ер кодексини тайёрлаш чоғида, 2006 йилдан бери сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва фермерлар ташкилотларининг нуқтаи назарлари, маълумотларга қўра, инобатга олинди.

#### Тавсия 10.5:

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаршишига экологик мақбул усулларни ва озиқ-овқатнинг зарарланишини олиши мақсадида зараркунандалар ва касалликларга қарши интеграллашган ўсимлик ҳимоясини жорий этиши лозим.*

Зараркунандаларга қарши интеграллашган курашиш ва энг хавфли пестицидларнинг қўлланиши қисқарип бориши ҳукуматнинг изчил сиёсати бўлиб келди. Шунингдек, пестицидлардан жами фойдаланиш жиҳатидан натижалар қониқарлидир, ишлатиш даражаси совет режими пайтида бўлган 15 кг/га нинг ўрнига 1,5 кг/гадан паст.

#### Тавсия 10.6:

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маевжуд сугории ва дренаж тизимларини модернизация қилиши ва таъмирлашга ҳаракат қилиши, шунингдек сугоришнинг замонавий ва самарали усул ва технологияларини татбиқ этиши лозим.*

2008—2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури бошлаб юборилди. Бироқ, суғориш тизимларни такомиллаштиришни давом эттириш, жумладан, давлат дастурининг сувдан фойдаланувчи ва фермер хўжаликлари даражасидаги зарур ўзгаришилар билан ўзаро мослиги ва уюшма ва фермер хўжаликларни қўллаб-қувватлаш зарурлиги ушбу шарҳда ҳам кўриб чиқилмоқда ва тавсия этилмоқда.

#### Тавсия 10.7:

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси ва Ер ресурслари давлат қўмитаси қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиши ва уларни бошқаришининг ҳам қисқа муддатли, ҳам узоқ муддатли режалаштиришини такомиллаштиришлари лозим.*

2001—2009 йиллар мобайнида атроф-муҳит соҳасидаги ташвишли масалалар қонун хужжатлари ва қарор қабул қилиш муассасаларига тобора кўпроқ йўналтирилмоқда. Тегишли конвенциялар доирасидаги халқаро ҳамкорлик, шунингдек минтақавий, масалан Ерни бошқариш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ташаббуси доирасидаги ҳамкорлик яхшироқ бошқарувга қимматли ҳисса кўшмоқда. Иқтисодий, ижтимоий иқтисодий ва баъзан сиёсий сабабларга кўра ахволнинг эришилган яхшиланиши етарли даражада бўлмади. Янги тавсияларни кўпи ушбу соҳада глобал иқлим ўзгаришининг оқибатлари жиддий бўлишига тааллуклидир.

### **11-боб: АТРОФ-МУҲИТ ВА ЭНЕРГЕТИКА**

#### Тавсия 11.1:

*Парламентнинг нуфузли комиссияси Энергиядан оқилона фойдаланиши тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқиши ва унга риоя қилишини таъминлашини кучайтириши лозим. Шу муносабатда қонунга ўзгаришиши ва қўшимчаларни ва риоя этишини таъминлаши учун йўриқномани тақлиф қилиши учун мутахассислар гуруҳини ташкил этиши лозим.*

Ушбу тавсияга мувофиқ бўлиш учун 1997 йил Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида қонунга 2003 йилда қўшимча ва ўзгаришилар киритилди. Энергетика самарадорлиги, энергиядан оқилона фойдаланиш ва энергия сифати устидан давлат назорати ва уни тартибга солиш масъулияти Ўзбекистон Стандартлаш, метрология ва сертификатлаш агентлиги (Ўзстандарт) зиммасига юкланди. Шунингдек, бир қатор қонун ости хужжатлар ҳам, жумладан 2003 йилда Вазирлар Маҳкамаси Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

#### Тавсия 11.2:

*Иқтисодитнинг ҳар бир тармоғида энергияни тежаси ишилаб чиқилиши ва қабул қилиниши ва уни узоқ муддатли стратегияси ва сиёсатига интеграциялаши лозим. Уибу тавсиялар Энергиядан оқилона фойдаланиши тўғрисидаги қонун ва келажак энергияни тежаси миллий дастури билан жорий этилиши лозим. Энг энергияталаф тармоқларда қўшимча энергияни тежайдиган техникавий чоралар кўрилиши лозим.*

1997 йил Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонунда энергиядан оқилона фойдаланиш борасидаги мамлакат, тармоқлар ва вилоятлар миқёсидаги дастурларга тегишли коидалар бор (12-модда). Дастурлар Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва вилоят ҳокимият органлари томонидан ташаббус қилиниши мумкин. Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида қонунга мувофиқ 2002 йилда Вазирлар Маҳкамаси 2010 йилгача мўлжалланган Энергетика самарадорлиги дастурини қабул қилди. Шунингдек Вазирлар Маҳкамаси бир неча қарори ҳам, хусусан, 2005 йил Коммунал хизматларда энергияни тежайдиган технологияларни киритиш бўйича қенг қўламли дастурни бажариш чоралари тўғрисидаги қарори ва 2006 йил 2007—2008 йилларга мўлжалланган Корхона ва ташкилотларда эскириб қолган ва самарадорлиги паст бойларларни алмаштириш дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

#### Тавсия 11.3:

*Хукуматнинг энергиядан оқилона фойдаланишини тарзиб қилиши сиёсатига молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳукумат, мумкин қадар тез суръатда, энергияни тежаси ташаббуслар ва лойиҳалар ҳисса қўшадиган энегияни тежаси жамгармасини барпо этиши лозим. Бундай жамгарма энергия жиҳатидан*

самарадор ва экологик жиҳатдан оқилона технологияларни, янги ва янгиланадиган ресурсларни ва чиқиндисиз технологияларни жорий этишига қўмаклашар эди. Бундай жамгармани ташкил этиши Энергиядан оқилона фойдаланиши тўғрисидаги қонунда назарда тутилган эди, аммо жамгарма барпо этилмади.

Ушбу тавсия ҳозирча бажарилмади.

#### Тавсия 11.4:

Стандартлаштириши давлат маркази (ЎзДавСтандарт) Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси, Ўзбекнефтгаз ва Ўзбекненерголарнинг фаол иштирокида ёқилги сифати стандартлари, жумладан ГОСТ 10 585-75 стандартини оғир нефтда олтингурут миқдорини энг кўти бир фоиз билан чеқлаши, ёқилги истеъмоли маҳсус нормалари ва эмиссия шифтини ҳар бир электр станцияси ва турли секторлар ва фаолият турлари учун маҳсус ёқилги истеъмол қилиши меъерини белгилаши учун қайта кўриб чиқшии лозим.

Ушбу тавсия ҳозирча бажарилмади.

#### Тавсия 11.5:

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ёқилги нархини ёқилги сифати асосида белгилаши ёки ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларга нарх устида келишишига имкон берииши лозим.

Ушбу тавсия ҳозирча бажарилмади.

## **12-боб: ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ВА АТРОФ-МУҲИТ**

#### Тавсия 12.1:

- Транспорт ва Соғлиқни сақлаши вазирликлари ва Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси ЖССТнинг Транспорт, атроф-муҳит ва саломатлик низомининг стратегия ва ҳаракат датурларига асосланниб транспорт билан боғлиқ саломатлик ҳодисаларини яхшилашига қаратилган кўламли ёндашувни ишлаб чиқшилари лозим. • Соғлиқни сақлаши вазирлиги ва Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси тегишили саноат корхоналари билан ҳамкорликда завод ёки электр станциялари каби жойи аниқ манбалардан эмиссияни қисқартириши учун тегишили техник чоралар (масалан, филтрлар) кўришида давом этишилари лозим. Технология яхшиланишини тарзиб қилиши учун разбатлар ва жазо чоралариниг комбинацияси (инспекция ва жарималар) қўлланилиши лозим. • Соғлиқни сақлаши вазирлиги чангнинг, айниқса пестицидлар қолдиги билан зарарланган чангнинг нафас тизимига таъсирини қисқа ва узоқ муддатли оқибатларини ўрганиши учун тадқиқотни разбатлантириши лозим. • Бошгидромет ва Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси Соғлиқни сақлаши вазирлиги тасарруфида мавжуд жиҳозлар ва муассалар биргаликда эҳтимол яхши самара бериишига асосланиб ҳаво ифлосланиши мониторинги тармогини қайта ташкил этишилари лозим. Агар баъзи мониторинг станциялари аҳолига таъсири жиҳатидан кўпроқ репрезентатив жойларга кўчиришиганда ва ЖМЗлар ўрнига заррачалар инсонга таъсири жиҳатдан ишончлироқ индикатор бўлган РМ10 ўлчанса эди, ҳаво сифати мониторинги саломатлик ҳодисаларини баҳолаши учун кўпроқ фойдали бўлур эди. • Кўламли дастурда ҳаво сифати стандартлари ЖССТнинг атмосфера ҳавоси учун йўриқномаси билан уйғунлаштирилиши лозим. Тавсия 6.1ни кўринг.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария ва гигиена илмий-тадқиқот институти заррачалар моддаси (РМ10) учун максимум мумкин концентрациялар стандартини ишлаб чиқди - СанПиН №. 0179-04: Гигиеник тавсифлар: Ўзбекистон Республикаси худудида атмосфера ҳавосида ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган концентрацияси. Бироқ, заррачалар моддаси (РМ10) нинг мониторинги ҳозирда бажарилмаяпти.

#### Тавсия 12.2:

- Соғлиқни сақлаши вазирлиги ва озик овқат саноати долзарб масала сифатида ЖССТнинг овқатланиши ҳаракат режасига амал қилиши ва бажарииши лозим. • Жойларда эҳтиёжларни ўрганиши ва тармоқлараро ҳамкорлик (масалан, ветеринария хизмати ва Соғлиқни сақлаши вазирлигининг озиқ-овқат мониторинги тизими) озиқ-овқатни муҳофаза қилиши маҳаллий дастурларига киритилиши керак.
- Барча озиқ овқат корхоналари ва маҳаллий давлат муассасаларига санитария-гигиена қоидалари

*тарқатилишии зарур.* • *Хавфни тағлил қилиши ва критик назорат тизими бажарилиши лозим.* • *Озиқ-овқат билан ишлайдиганларга озиқ-овқат хавсизлиги тамойиллари ва озиқ-овқат билан ишилаши гигиена талаблари ўқитилиши лозим.* • *Ахборот тұлаши ва тарқатиши тизими, жумладан озиқ-овқат билан тарқаладиган касаллуктарни назорат қилиши күчайтирили лозим.* • *Ботулизмга қарши кураши ахборот кампаниялари яхшиланиши лозим.* • *Пестицидлар ёки йұлдоши маҳсулотлари билан зарарланған озиқ-овқат (яғни сут ва сут маҳсулотлари, сариёг, мол ёғи ва мойи)ни истеъмол қилишининг соғлиқ учун оқибатларини аниқлаши тадқиқотлари давом эттирилиши лозим.*

Озиқ-овқатнинг гигиеник хавфсизлиги ва хом ашё ва озиқ-овқатнинг озуқалилиги санитария эпидемиология қоида ва нормалар (СанПиН №. 0138-03) орқали яхшиланды. Озиқ-овқат товарлари ва озиқ-овқат маҳсулоти сифатининг назорати Ўзстандарт томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги ветеринария хизмати билан ҳамкорликда олиб борилади. Шунингдек, сут ва гўшт саноати таркибида Хатар таҳлили ва ҳаётий муҳим назорат нуқталари тизими (НАССР) мавжуд.

Навбатдаги масалалар куйидагича:

- (1) Янги СанПиН стандартларини ишлаб чиқиши: “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сақлаш муддати ва сақлаш шароитига гигиена талаблари”; “Озиқ-овқатни истеъмол қилиш ва истеъмолчилар контингентини ҳисобга олиб озиқ-овқатга қўшимчаларни ишлатишни рационлайдиган озуқали қўшимчаларга гигиена талаблари” ва “Сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришга гигиеник талаблар”;
- (2) Озиқ-овқат ва биологик актив қўшимчаларни мажбурий сертификатлашни жорий қилиш;
- (3) Биологик актив озиқ-овқат қўшимчаларни мужбурий давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида низомни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш;
- (4) Генетик ўзгартирилган организм ва маҳсулотлар устидан давлат назоратини жорий этиш учун ҳукуқий-меъери шароитни ишлаб чиқиши.

#### Тавсия 12.3:

*Соғлиқни сақлаш вазирлиги касалхоналар чиқиндиси, хусусан шприцларни хавфсиз йўқ қилиши чораларни бажарииши лозим. Тавсия 7.4 кўринг. Гепатит В ҳоллари гигиена чораларига риоя қилишини таъминлашга, хусусан стерил, бир маротабали ишлатилувчи шприц ва бошқа тиббий ускуналар ва жиҳозларни қўллашга ундаиди.*

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария ва гигиена илмий-тадқиқот институти “тиббий чиқиндиларни йиғиши, сақлаш ва йўқотишга доир санитария қоидалари ва стандартлари” тўғрисида стандарт (СанПиН №. 0149-04) ни ишлаб чиқди. Тиббий чиқиндиларни бошқариш (йиғиб олиш, хилига ажратиш, заарасизлантириш, транспортировка ва ишлов бериш) фаолияти доирасида мамлакат миқёсида 3.500 касалхоналар чиқиндиларини ёқиб юбориш қўрилмаларидан фойдаланиш орқали яхшиланды.

#### Тавсия 12.4:

